

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Мусиқашунослик, этномусиқашунослик  
қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик  
маҳорати асослари

МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** сан.ф.н., доц. Қ.Б.Панжиев

**Такризчи:** PhD доктори Франк Лапер - Ponter de Parij №10 университети (Париж).

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**



## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>28</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>161</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>184</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>190</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мустақиллик йиллари том мъянода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган ҳалқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасалар (ОТМ)ида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида Мусика таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни ҳалқимизнинг миллий мусика санъати дурдоналари бўлган аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан боғланиб кетган этномусика тарихи, жанрлари, ижрочилик маҳорати асосларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида талаба-ёшлиарни миллий мусика анъаналари асосида ўқитиш, тарбиялаш,

компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вактда “Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асосларини, ижрочилик мактабалари, ижрочилик хусусиятлари, анъаналари ва уларнинг мазмун моҳияти, назарий асослари, шакл, тембр, чолғу ижрочилиги воситалари билан танишади, касбий фаолиятда мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини ташкил этишда миллий мусиқа мероси қатламларидан фойдаланган ҳолда ташкил этади ва талабаларда ушбу тажрибаларни янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар ўзбек миллий мусиқа санъати тараҳи, такомиллашув ва ривожланув жараёнлари, даврлари, босқичларидан хабардор бўлади, ўзбк ҳалқ мусиқа ижоди, анъанавий хонандалик, мақом санъати, мусиқашунослик, этномусиқашунослик, ижрочилик тарихи ва мактаблари каби бир қатор муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиши малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиши жараёнида тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” **модулининг мақсади:** таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтариш зарур бўлиб қолди.

“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” фанларини ўқитишида билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, чолғу ва хонандалик ижрочилик маҳорати асослари, мактабларидан кенг фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда

мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишда қидиувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

**“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” модулининг вазифалари:**

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;
- мутахассислигининг илмий муаммоларини ечишда мустақил қарорлар қабул қила олиши ҳамда ундан касбий фаолиятида фойдалана билиши;
- фазовий, образли-сиймоли, мантиқий тасаввур ва тафаккурни ривожлантириши;
- мустақиллик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши;
- илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ва ҳисботлар тузишни;
- илмий асосларда илмий жамоани бошқара олиши ва методларини эгаллаши лозим.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi**:**

“Машғулот турлари (лекция, амалий машғулотлар ва бошқалар) ни ўtkазиш ва назорат қилишнинг фаол шаклларини”, “ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини тўла ошириш методларини”, “талабалар билимини, кўникма ва малакасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини”, “ўқитиш сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлигига таъсир этувчи факторларни”, “педагогик мулоқот асосларини”, “илмий тадқиқот ишининг асосий тушунчалари ва методларини” кабиларга оид **билимларга эга бўлиши**;

“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” фанини ўқитиша ўқув ва билим олиш фаолиятини оширишни ташкил этиш, “Мусиқашунослик,

этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” фанини ўқитишида талаба ва ўқувчиларнинг билими ва мустақил таълимими бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминоти”, “Ўқув-методик тарбия жараёнини лойиҳалаш ва амалга ошириш”, “Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари”дан топшириклар, тарқатма карточкалар ва моделлар, кўргазмали электрон слайдлар каби ўқитиши виситалари (ўқув-методик матеариллар)ни ишлаб чиқиш”, “Янги педагогик технологиялар, уларни Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари фанини ўқитишида кўллаш кабиларга доир **кўникмаларини эгаллаши**;

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари фанини ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари фаолиятни ташкил этиш;

- инновацион тафаккур юритиши орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари;

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши**;

- Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари фаолиятни самарали амалга ошириш;

- таълим жараёнининг мусиқашунослик, этномусиқашунослик касб этишини таъминлаш;

- инновацион таълим технологиялари (инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

- тингловчиларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” модулини ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билим боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари” модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Анъанавий хонандалик”, “Мақом санъати”, “”, “Педагогик тантар ва техника”, “Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари”, “Креатив педагогика асослари” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари”ни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Жами аудитория соати	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.	6	2	4

2.	Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.	4	2	2
3.	Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.	4	2	2
4.	Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.	6	2	4
5.	Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар.	6	2	4
<b>Жами</b>		<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### **1-мавзу. Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти. Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари. Корахонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар). Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод. Қадимги Хоразм мусиқа маданияти

**2-мавзу: Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.**

Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти.

Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.

**3-мавзу: Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

Ислом ва мусика. Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.

**4-мавзу. Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.**

Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.

**5-мавзу: Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар.**

Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар.

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу. Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти. Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари. Қорахонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар). Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод. Қадимги Хоразм мусиқа маданияти

### **2-мавзу: Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.**

Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти.

Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.

### **3-мавзу: Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

Ислом ва мусика. Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.

### **4-мавзу. Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.**

Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.

### **5-мавзу: Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг**

## ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ВА ХОНАНДАЛИК МАҲОРАТИНИ ЎСТИРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР.

Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолгулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Педагогик технология - бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмаган. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзаликда эмас, балки режалаштирилган натижа олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиши цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади.

- таълимда умумий мақсаднинг кўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- натижани баҳолаш.

Инновация масаласига алоҳида эътибор беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиши ва мустақил тараққий топтириш йўли – “ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, узоқ муддатли, энг устувор ва оламшумул умуммиллий инновацион лойиҳа ва дастуриламал бўлди. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ҳамда инновацион тизим Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун қурашда ва тараққиёт йўли – “ўзбек модели”нинг таркибий қисми йўналишларидан бири сифатида мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Учинчидан, маълум бўлганидек, буларнинг ҳар иккаласи – “ўзбек модели” ва инновация ўзаро узвий боғлиқлиқда дунёга келди. Уларнинг бири иккинчисини мазмунан бойитди, жамиятга таъсирчанлигини оширди. Тўртинчидан, “ўзбек модели” ҳам, инновация ҳам фақат бир буюк мақсадга ҳизмат қилди ва қилмоқда. Бу Ватан ва миллатни мустақил қилиб, такомиллаштириш, жамият ривожи, илм-фани ва техника тараққиётини тезлаштиришдан иборат бўлди. Буларни тўла тўқис англаш,

масаланинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун энг аввало, инновация ҳақида алоҳида тўхталишига эҳтиёж туғилмоқда. Чунки, бу мутлақо янги тушунча ва соҳа бўлиб, ҳали тўла-тўқис англанилганича йўқ.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация куйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (инглизча *innovation* – киритилган янгилик, ихтиро) 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”.

Бу энциклопедик қисқа маълумотда инновацияга умумий таъриф-тавсиф берилган. Асосан табиий фанлар, техника, технология, ишлаб чиқаришларга оид янгиликлар ёки умуман инсоний меҳнат фаолиятлари, янгиланишларига сабабчи бўладиган янгиликлар, янги интеллектуал билим, ғоя, назария ва таълимотлар назарда тутилган.

Инновация тушунчаси ва унинг мазмуни ҳам худди фан методологияси каби кенг – умумий ва тор, ҳусусий характерга эга.

Методология билан инновация ўртасида ўзаро умумжиҳатлик ва мақсад бирлиги мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоний билимлар такомил топиши, ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётiga хизмат қиласди. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай инновация ва инновацион лойиҳалар амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилишида аниқ бир методологик илмий ғоя, таълимот, назария, усул ва тамоийлларга амал қилинсанга, улар рӯёбга чиқади. Акс ҳолда, у қуруқ, натижасиз ҳаракат бўлиб, қолади. Албатта, ҳар янгилик, яъни инновация остида янги ғоя ва технология ётади. Мана шу ишлаб чиқариш ёки бирор бир фан учун илмий методологик асос яъни йўл кўрсатувчи, даъват этувчи куч-кувват бўлади.

Методологик асос ва усуслар қанчалик илмий ҳақиқатга яқин бўлса, инновацион лойиҳа шунчалик муваффақият ва самара билан якун топади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни киритиш орқали ўқитувчи ўзини янги яратилаётган шароитга тайёрлаши керак бўлади. Тажрибали педагог олимларимиз ўз вақтини республикамизда жамланган бой тажрибаларга суюниб янги технологиялар яратишга, уларга инновацион технологияларни сингдириб, ўзимизнинг замонавий педагогик технологиямизни яратиш устида ҳамжиҳатлик билан илмий ва методик иш олиб боришга сарфлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яратилган ўзимизнинг замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида “Инновацион мактаб”лар тизимини яратишга ўтиш зарур.

Бундай мактабларда барча предметларни ўқитишида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади. Шунда “ўқитувчи-ўқувчи” ўрнида “ўқитувчи-компьютер-ўқувчи” тизими ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашиш ўқувчиларда янги тажриба эгаллашга интилишни ривожлантириш, ижодкорлик ва танқидий фикрлаш, келажакка умид билан қараш каби хислатларни тарбиялади.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги ва ўз ортидан янги имкониятлар очиб, таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам янги ёндашув талаб этилишига сабаб бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг бир қатор дидактик имкониятлари мавжуд. Давримиз талаб эҳтиёжига кўра ахборот технологияларини таълим муасссалари ўқув жараёнини системалаштирувчи, боғловчи, амалий ташкилий омил сифатида қаралиши мумкин. Ахборот технологиялари кутубхоналар, ҳужжатлар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари каби ахборотлар жамланмаси, маълумотлар баъзасини тузиш, таълим жараёнини системалаштириш, ўқувчиларнинг амалий ижодий ишларини ташкил қилиш имконини беради.

Бу барча воситаларни ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида, дарсда шакллантирган амалий қўнирма, малакаларини амалга ошириш имкони беради.

Интернет тармоғи ўқувчиларга жуда кўп имкониятларни яратади. Интернет тармоғига чиқиши орқали назорат ишлари тарқатилиши ва маҳаллий электрон почтадан қабул қилиниши мумкин. Бундай қўринишдаги ишлар дарсда масофавий таълимнинг тармоқ шаклларини моделлаштиришга ёрдам беради.

Кундан-кунга масофавий тармоқ курслари ва танловлари оммалашиб бормоқда. Ўқитувчи энди билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, компьютер технологияларини қўллаш билан масофавий таълим бериш ва олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Талабалар кўпинча Интернет тармоғи орқали ўз-ўзини ўқитиш билан қизиқиб шуғулланмоқдалар, ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар, умумий қизиқишлиарни топадилар. Бундай ишлар тармоқдаги ўзаро муносабатларни шакллантиради, Интернет тармоғи талабага телекоммуникация имкониятларини ҳис қилишни, бошқа мамлакатдаги тенгдошлари билан танишиш ва бирга ишлаш воситасига айланмоқда.

Ахборот технология воситалари талабага ўз тасаввурларини “электрон қўриниш”да намоён этиш ва ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигини, ўз ғояларини оммавийлигини текшириш имконини беради. Талабага ҳақиқий қизиқарли ва ўзига хос ресурс яратиш учун у биринчи навбатда, барча маълумотларни ўрганиб чиқиши, унинг талаблари руҳиятининг хусусиятларини сезиши, ресурснинг янгилигини белгилаши ва амалий аҳамиятини англаб этиши зарур. Буларнинг барчаси талабанинг ўз билимдонликларини шакллантиришга, унинг ҳаётдаги амалий йўналишини белгилашга сабаб бўлади.

## “Ақлий ҳужум” методи

### Ақлий ҳужум усули

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

#### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақороланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурӯҳ муаммосини ечиш
6. Гурӯхнинг умумий жавоби шакллантирилади.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

## “SWOT-таҳлил” методи.

### S – (strength)

- кучли томонлари

### W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

### O – (opportunity)

- имкониятлари

### T – (threat)



- тўсиқлар

**Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.**

S	Рассом ким ? Бадий асар яратувчи.	Рассом бу тинмай изланувчи ижодкор инсон.
W	Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	Замонавий йуналишда ижод этаётган таникли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижокорларданdir.
O	Рассомлар чизиқлар, шакллар, ранглар, тасвирий санъат воситалари ёрдамида бадий образли асар яратадиган инсонлар. (ички)	Улар тасвирий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан тасвир орқали ўз гоясини, фикрини баён эта оладилар.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Рассомларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан ўз асарларида тасвир орқали баён эта олмайдилар.

### “Балиқ скелети”

Натюрморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



**Мисол: “Рассом ижодкорлар” мавзусидаги матн.**

**Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)**

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик
1. Рассом янги ғояда асар яратадиган инсон.	1. Ҳар бир изланувчи инсонни рассом деб аташ мумкинми?	Илмий амалий изланишларни олиб борувчи, янги усул ва воситаларни қўллай оладиган инсонни рассом деймиз.
2. Рассомлар тасвирий воситалардан, чизиқлар шакллар, воситаларни ўз асарларида тасвир орқали баён эта оладиган инсонлар. Маънавий эстетик тарбияловчи	2. Дунёдаги ғоявий композициларни тасвирла оладиган рассомлар қаторига кимларни киритса бўлади.	P.Ахмедов тасвирлаган асарлар ҳозирги рассомлар учун амалий методик ўқув жараёнидаги ривожланишида фойдаланилмоқда.
3. Рассомлар асарида инсоннларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир.	3. Рассом бўлиш учун нима қилиш керак?	Ўрал Тансиқбоев манзараларини бутун ўзбекистондагина эмас балки европа давлатлрида хам мароқ билан томоша қиласидилар.
4. Рассом бу тинмай изланувчи инсон	4. Ижодий асарларни тасвирлашни паёни борми?	Абдулҳақ Абдуллаев портрет жанрида ижод этган таниқли рассомлардантур.
5. Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган	5. Компьютерда ижодий асар яратса	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов

рассомлар.	бўладими ?	асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижокорларданdir.
6. Ўзбекистонлик рассомлар	6. Ўзбекистонда таниқли методик кўлланмалар, услугбий кўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан кимларни биласиз?	Ўзбекистонда таниқли методик кўлланмалар, услугбий кўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан: Р. Хасанов, М. Набиев, Х. Эгамов, Р. Худайберганов, Н.Орипов ва бошқ.

### Интеръерда натюромортни акс этириш

Интеръер -

хонани ички кўринишини перспективада акс этирилади. Тасвирий санъат жанрларидан: натюроморт, портрет, тарихий, майши анимал кўринишларда фон вазифасини ўтайди.

Интеръерда уйни эшик деразаларнинг шакли, ҳажми, девор ва шифт, полни безаги ва уй жиҳозларининг безаги тасвири орқали қайси даврга мансублигини билиб олишимиз мумкин. Интеръер - ички меъморий мухит холати орқали хонадон соҳибасининг диди ҳақида ёки завод цехнинг жиҳозланишига қараб илмий, тараққиёт холати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Интеръерда натюромортни перспективада акс этириш, тасвирлаш жараёнлари кўрсатилган.

Интеръер, композицияси мавзусидатасвирий санъат ўқитишининг замонавий технологиясини қўллаш.

Кейс-стади" методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «*stadi*» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўйларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## “Инсерт” методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунин ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- “Тасвирий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:




Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

“Брифинг” методи.

“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангтасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг мухокамасига бағишланган қисқа пресс - конференция.

### Ўтказиш босқичлари:



Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилғанлиги мұхокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портретитаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилған янги асар тақдимоти ўтказилади.

### “Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мүмкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қўйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.

	бошқ.	
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Хар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

### Ўқитишининг тўрт поғонали усули

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвеерли ишлаб чиқариш қўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўнкималарини иложи борича тез ва мукаммал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўнкималарни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қиласди).

Ундан кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукаммал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тута олишига оид) назариялардан олинган.

### Тўрт поғона усули доирасидаги ҳаракатлар

4 поғона деб қуйидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси бир талаба ҳаракат қиласди:



**1-погона:** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўнгумани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

**2-погона:** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, талабалар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

**3-погона:** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

**4-погона:** Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп маротаба машқ қилинади ва кераклигича, яъни мақбул натижага эришилмагунича такрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 погонадан иборат.

Бу 4 погона усулининг асосий белгиси шуки :

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;
- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;
- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;
- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

## Йўналтирувчи матн усули

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида Германияда, «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенau шахридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу усул товуш ва тасвирли презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-хунар таълимига қўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошланғич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарилган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан



асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб олий таълимда қўлланила бошланган.

Йўналтирувчи матн усулида қўйидаги 6 босқич фарқланади; улар доирасимон ҳаракатда алмашишади:

- маълумот йифиш;
- режалаштириш;
- қарор қабул қилиш;
- амалга ошириш;
- текшириш;
- хулоса чиқариш.

### Йўналтирувчи матн усули босқичлари



Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойихалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гурӯҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир

талаба ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир талаба айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равишда ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча маҳсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб, жадвал, инструкция, видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўкувчи кўпроқ мустақил равишда ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилияtlар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилияtlар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайан ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлади. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойdevor квалификациялар» деб аталган қобилияtlарни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Хозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилияtlар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради.

4 поғона усули билан солиширадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўкувчилар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу. Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

**Режа:**

1. Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти
2. Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари
3. Корахонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар)
4. Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод
5. Қадимги Хоразм мусиқа маданияти

**Таянч иборалар:** ибтидоий жамият, мусиқа чолғулари, дунё, мусиқашунослик, илк чолғу, Марказий Осиё.

#### **Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти**

Ибтидоий давр одамларининг ҳаёт шарт-шароитлари ҳамда диний қараш, эътиқод ва маросимларининг юзага келишида тарихий жараёнларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Даврлар ўтиши билан ибтидоий одамларнинг турли топиниш ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлган маросимларнинг юзага келиши, уларнинг бадиий-ижровий хусусиятлари ўзига хос тарзда шаклланганлигини кўриш мумкин. Буларнинг овоз ва қадимги чолғулар воситасида “оммавий ўйин” ва “яккахонлик” шаклларида намоён бўлишида шубҳасиз меҳнатнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканлигини археологик топилмалар ва ёдгорликлар гувоҳлик беради. Мазкур ижровий шаклларнинг мусиқий жиҳатлари ҳамда бирламчи жанр андозалари (нутқдош оҳанглар, ўйин-ракс усуллари, дарак берувчи иборалар ва б.)нинг қарор топиши ибтидоий одамлар орасида мулоқот, сўзлашув санъатини ривожланиши туртки берди. Мусиқа чолғуларининг илк шакл ва турлари юзага кела бошлади. Ибтидоий давр одамлари томонидан тайёрланган дастлабки “мусиқа чолғулари” қадимги давр маросимларда ҳамда турмуш юмушларида мусиқа қуролларининг бажарган вазифалар “дарак берувчи”, “ўхшатма”, “жоду” ва оммавий ўйин маросимларида усул берадиган мусиқа қуроллари ва бошқаларни кенг ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Албатта, бу жараёнлар мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларни сақланиб қолганлиги кейинги ўрганишлар натижасида жуда кўп қимматли маълумотларни очиб бермоқда. Жумладан, Кушон хонлиги Марказий Осиё халқлари тарихида массагет қабилаларига мансуб тоҳар сулоласидан бирининг номи билан аталган. Хитой манбаларида ёзилишича, Даҳя, яъни Бақтрияга кўчиб ўтган

массагет (юечжи)лар бешта вассал ҳокимликка бўлинган бўлиб, улардан бири Гўйшуан деб номланган.

Гўйшуан сўзи «кушон» атамасининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у ўша давр ёдгорликлари ҳисобланган тангалардаги ёзувлардан маълумdir. Марказий Осиёнинг жануби ва шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб яшнаганидан дарак беради. Дастребки ёдгорликлар Айритом ва Кўхна Термезда ўтган асрнинг 30-йилларида очилиб, 60-йилларида давом эттирилган. Кейинчалик кўхна Термез яқинидаги қоратепа буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби кўхна шаҳарчалар очилиб, ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлади.

Кушон давлатига расман асос солган ҳукмдор Кужула Кадфиз тўртта қабилани ўзига бўйсундирди ва уни Кушон беклиги деб эълон қилди. Бу давлатнинг дастлабки ҳукмдори 30 йил подшолик қилди. Кушон хонларининг энг машҳури Канишка ҳисобланади. У (78-123 йиллар) ҳукмронлик қилган даврда Кушон давлати жуда қудратли давлатга айланиб, замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда турган. Ҳукмдор давлат пойтахтини ҳам Далварзинтепадан Пешаворга кўчиради.

Канишка ҳукмронлигининг охирги йилларида Кушон давлати жуда катта худудни ўз ичига олган. Унинг чегараси Ғарбда Орол ва Каспий денгиз бўйларигача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуи оқимигача, Шарқда эса Синхўяннинг Хўтан шаҳридан Ганг бўйларидаги Банорасгача чўзилган.

Будда динига қаттиқ эътиқод қилган подшо ўз давлатида мазкур динни расмий равишда давлат дини сифатида эълон қиласди.

Марказий Осиё ҳалқлари ҳаётида бу даврда катта силжишлар бўлди. Яъни, жуда ҳам улкан марказлашган давлат вужудга келди, шаҳарлар сони кўпайди, савдо-сотик алоқалари ҳалқаро даражага кўтарилиди. Жонли савдо ҳаёти ва колонизацион фаолият, саводни ва ёзув (хат)ни кенг тарқалишига имкон яратди. II асрга тааллуқли машҳур “сўғд ёзув”даги намуна айнан Дунхуан (Шарқий Туркистон)дан топилган бўлиб, у Самарқандда истиқомат қилувчи онанинг Друан (Дунхуан)да яшовчи қизига йўллаган хатида яққол исботини топган.

Бу ўша давр Марказий Осиё ҳалқарининг юқори даражадаги маданий ҳаёти, жумладан, аёлларнинг саводлилиги ва мустақиллигидан далолат беради. Бу даврда кушон ёзуви ҳам пайдо бўлиб, у юонон алифбосига асосланган эди. Мазкур ёзувни ўша даврнинг тангалари, муҳрлари ва турли буюмларида учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бир неча ёзув тизимининг

мавжуд бўлгани (оромий, сұғдий, хораз каби аждодларимиз асрлар давомида мусиқанинг қудратига таъсинлар ўқиганлар, ўз муносабатларида, меҳнат фаолиятларида, ҳаётда ундан баҳраманд бўлганлар. Эзгу ниятларини амалга оширганлар.

Эндилиқда мусиқанинг жозибали, хуснкор кўлами, унинг мавқеи янада кенгайди, жамиятда тутган ўрни мустаҳкамланди. Мусиқа мамлакатимизда катта тарбиявий имкониятларга эга бўлган мустақил соҳадир. Ўқув тарбия жараёнида мусиқа ёш авлодга аҳлоқий-эстетик тарбия беришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади, таълим жараёнининг бир қадар жадаллашуви самарадорлиги унга боғлиқ.

Мусиқий жиҳатдан саводхонликка эга бўлишнинг аниқ мақсад ҳамда вазифалари мавжуд. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда мавжуд илмий ва услубий ёндашув муайян йўналишни белгилайди. Мусиқани ўзлаштириш, тинглаш, ижро этиш ва ундан ҳаётда манфаатдор бўлиш инсоний маданийлик билан уйғунлашиб кетади.

Халқимиз яратган дурдоналарнинг бири ҳисобланган мусиқа ҳар соҳада, чунончи, таълим – тарбияда, меҳнатда ва ижтимоий муносабатда маълум даражада ўз ифодасини топади. Мурғак гўдакдан тортиб то нуроний қарияларгача, санъат неъматларидан баҳраманд бўлади, эртанги куннинг янада порлок бўлиши учун курашади.

Шундай экан, мусиқа онгли фаолият, самарали меҳнат, самимий муносабат ҳамда мўътадил кайфият гарови бўла олади. Мусиқа кундалик ҳаётимизга қанчалик сингиб борса, ҳаётимиз шунчалик завқли ва мазмунли ўтади. Будда динига қаттиқ эътиқод қилган подшо ўз давлатида мазкур динни расмий равишда давлат дини сифатида эълон қиласди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида бу даврда катта силжишлар бўлди. Яъни, жуда ҳам улкан марказлашган давлат вужудга келди, шаҳарлар сони кўпайди, савдо-сотиқ алоқалари халқаро даражага кўтарилди; жонли савдо ҳаёти ва колонизацион фаолият, саводни ва ёзув (хат)ни кенг тарқалишига имкон яратди. II асрга тааллуқли машҳур “сўғд ёзуви”даги намуна айнан Дунхуан (Шарқий Туркистан)дан топилган бўлиб, у Самарқандда истиқомат қилувчи онанинг Друан (Дунхуан)да яшовчи қизига йўллаган хатида яққол исботини топган. Бу хат ўша давр Марказий Осиё халқларининг юқори даражадаги маданий ҳаёти, жумладан, аёлларнинг саводлилиги ва мустақиллигидан далолат беради. Бу даврда кушон ёзуви ҳам пайдо бўлиб, у юонон алифбосига асосланган эди. Мазкур ёзувни ўша даврнинг танглари, муҳрлари ва турли буюмларида учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бир неча ёзув тизимининг мавжуд бўлгани (оромий, сұғдий, хоразмий, юонон, кушон) – Кушон хонлиги

таркибига киравчи халқларнинг юксак даражадаги маданиятининг яна бир карра исботидир.

Кушон салтанати умуман қадимги Марказий Осиёning иқтисодиёти, маданияти ва санъати гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда халқаро савдо-сотиқ кенг ривожланган, янги шаҳарлар барпо бўлган. Аммо энди жараён эллинистик йўналишда эмас эди. Яъни, маданият ва санъат шарқий, эллинистик, хинд ва кўчманчилар анъанасининг синтезидан ташкил топган янги кушон йўналишига асосланди. Бу даврдан қолган кўплаб меъморий обидалар ва ҳайкаллар Шимолий Ҳиндистонда, қобулнинг водий туманларида, Бақтрияда, Амударёнинг шимолий ва жанубий қирғоқларида сақланган. Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар, мелоддан аввалги III асрда хинд императори Ашок томонидан буддизм давлат дини сифатида тасдиқлангандан сўнг янада кучайди. Умуман Кушон маданияти қадимий томирга эга жойларда, янги омиллар, янги одамлар таъсирида ривожланган, Юнон-Бақтрия хонлиги маданиятининг давомчиси ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш керакки, ўз навбатида кушон санъати бошқа халқлар маданияти билан узвий боғланган ҳолда, улар, хусусан Ҳиндистон маданиятида ўзи ҳам чуқур из қолдирди (Таксила ва Матура ёдгорликлари); шунингдек, Шарқий Туркистонда Кучи ва Карапара фреска ва ҳайкаллари; алания муҳити орқали таъсир этилган Шарқий Эвропа маданий ёдгорликлари сўзимизга ёрқин далил бўлиши мумкин.

Мамлакатимизнинг жанубий худудларида 1932 йили қадимшунослар томонидан олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида Термиз яқинидаги эрамизнинг I-II асрларига мансуб Айритом шаҳарчасидан ибодатхонанинг ташқи девор пештоқларига ўрнатилган, сарғиш оқтошдан ишланган ҳайкаллар топилди. Тошга ўйиб ишланган, белига акаиф япроқлари боғлаган 14 нафар одам қиёфаси туширилган бу пештоқда мусиқачи ва гирляндачилар тасвириланган. Бундай манзара антик давр Ўрта Шарқ тасвирий санъатида жуда кенг тарқалган. Пештоқ тўлиқ сақланмаган, фақатгина 8 та бўлаги топилган ҳолос. Шунингдек, айрим қиёфалар ўз шаклини йўқотган бўлиб, улар мусиқачими, гирляндачими ажратиб олиш қийин. Мусиқачилар сони 5 та эканлиги аниқ бўлиб, қолган 3 та қиёфани аниқлаш мушкул. Шунинг учун мана шу 5 та мусиқачи қиёфаси нисбатан батафсил ўрганилган. Аммо қадимий бу квинтет (бешлик)ни тўлиқ таркиб, дея аниқ айтиш қийин.

Айритом пештоқида тасвириланган оркестрнинг 2та торли мусиқа чолғуси — кичик бурчакли, тўққиз торли (балки ўн уч торлидир) арфа ва тўрт торли дўмбира, шунингдек, битта қуш авлос ва 2 та зарбли чолғу - ноғора (барабан) ве кимвалсимон асбоб. Бу эрда қатъий ансамбль услуби

сақланганлиги шубхасиз, яъни, чолғуларнинг барча асосий (торли, дамли, зарбли) гурухларидан фойдаланилган. Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир гурухда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ва мураккаб, жозибали охангларни таратувчи турли хил чолғулар жамланган. Шунингдек, зарбли чолғуларнинг ҳам ҳар хили ишлатилганлиги эътиборлидир. Афтидан бу гирляндалар билан боғлиқ бўлиб, харакат, юришни англатган.

Гирляндалар – шунчаки безак бўлмай, балки бутун композициянинг маълум маъносини англатади. Яъни, гирляндачилар мусиқий чолғулар садоси остида одимлаганлар. Ва афтидан бу юришларда рақс унсурлари ҳам қўлланган. Бундай тантанани бошқариш ҳаракатини тартиблаштириш учун эса бир қатор қўл билан ижро этилувчи, шаклан унча катта бўлмаган зарбли асбоблар керак бўлган. Мана шундай мусиқа садолари остида гирляндалар билан юриш анъанаси Айритом пештоқларида ўз ифодасини топган.

Яна бир худуд. Хоразм воҳасининг бу даврга оид тарихи эса жуда ноаниқ. Аммо бу даврда Хоразм шоҳларининг тангалари ўрнини кушонликлар тангаси эгаллашига қараганда Хоразм Кушон империяси таркибига кирган, деб фараз қилиш мумкин. Эрамизнинг III асрларида Хоразмда маҳаллий шоҳларнинг тангалари зарб қилиниши ва кушон тангаларининг сиқиб чиқарилиши Хоразмнинг илгаригидай мустақилликка эришганлигини кўрсатади.

Кушон империяси даврида дин, меъморчилик ва санъат соҳасида рўй берган ўзгаришлар Хоразм маданиятига ҳам таъсир этди. Шунингдек, қадимги Бақтрия (Айритом ёдгорлиги), Тоҳаристон (Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Болалик тепа ёдгорлиги) маданияти ҳам гандҳар санъати анъаналарининг бевосита таъсири остида тараққий қилган. Натижада Хоразмда учрайдиган кушон даври ҳайкалчаларининг кўриниши анча ўзгаради. Эндиликда ҳайкалчалардаги кийим ва безаклар кангюй давриникидай серҳашам бўлмай, унда гандҳар санъатининг таъсири сезилиб турди. Янги турдаги ҳайкалчалар хинд кийимларида гидай анча ери очик бўлиб, бу ҳол унинг будда образлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Хоразмнинг кушон даврига оид маънавий-маданий ёдгорликлари жуда бой ва ажойибdir. Жумладан, 1945-1950 йиллар мобайнида олиб борилган эрамизнинг III-IV асрига оид Тупроққалъа саройининг қазиш ишлари вақтида жуда кўп сонли деворий ёзувлар топилган бўлиб, улар орасида учта мусиқий чолғунинг тасвири ҳам аниқланган. Булар: олтита торли кичик арфа, иккита торли кичик удсимон чолғу ва қумсоат шаклидаги иккиёқлама зарбли чолғу, шунингдек, ушбу учта чолғуга монанд учта мусиқачи аёллар тасвири туширилган. Созандалардан бири бўлган, арфа чалаётган аёл тасвири жуда машҳур бўлса, қолган иккитаси эса деярли ҳеч қаерда чоп этилмаган.

Сопол идишларга туширилган тасвиirlарда саккизта чолғу ушлаб турган созанданинг қиёфаси ва сопол хумдон деворининг бир томонига бир рельефли тасвиirlар ишланган. Барча ҳайкалча ва рельефлар турли даврларга мансуб бўлиб, мелоддан аввалги IV-III асрлардан эрамизнинг I асригача бўлган даврни ўз ичига олади. Ҳар бир ҳайкалчага биттадан мусиқий чолғу тасвири тўғри келиб, рельефларга ҳам шунчадан тасвиirlар туширилган. Шундай қилиб, жами 9 та чолғу асбоби мавжуд эканлиги яққол кўриниб турибди. Уларнинг барчаси турли чолғулар гурухига мансуб. Торли гурухларда тўққиз торли, бурчакли арфа, беш торли кифара, тўрт торли удсимон чолғу ва олтига, иккиторли дуторни эслатувчи, резонатор шакли бўйича икки кичик гурухга бўлинувчи созлар мавжуд.

Иккита ҳайкалча ва рельефдан ташқари бу сопол идишлардаги тасвиirlар чоп этилмаган. 1909 йили Хоразм атрофидан топилган Аников кумуш идишини эса бир қатор тадқиқотчилар қадимий Хоразм торевтикаси асарларига оид деб ҳисоблашади. Мазкур идишда ўлимга маҳқум этилганлар қалъаси, оссуариядан олиб чиқилаётган муқаддас Сиёвуш ҳоки тасвиirlанган. Бу маросим эса рога (шоҳсимон соз) садолари остида кечаетгани ҳам маълум бўлади. Созандалар етти кишидан иборат бўлиб, уларнинг учтаси бир томонда, тўрттаси иккинчи томонда жойлашган. Улар чалаётган дамли асбобларнинг барчаси чақиравчи (сигнал) тур бўлиб, уларнинг ҳажми, тузилиши, ижро этиш услублари ҳам бир хил. Шундай қилиб, қадимий Хоразм мусиқий чолғуларининг жами тури 19 тани ташкил этади: 11 та торли, 7 та дамли ва 1 та зарбли созлардир.

Биринчи гурух чолғулари кенг ва турлича намоён этилган. Бу гурухга киравчи мусиқий чолғулар тарихан иккита аниқ табақага ажralади. Улар, ўзининг келиб чиқиши билан жанубий ерли, дехқончилик билан шуғулланувчи туманларга тегишли тури ва адирли кўчманчи қабилаларнинг мусиқий турмуш шароитига оид чолғулар туридир.

Биринчи табақа чолғулардан энг эътибор тортгани – бу катта ва кичик бурчакли арфалар бўлиб, қадимда улар Марказий Осиё худудида кенг тарқалган, аммо кейинчалик муомаладан чиқкан.

Антик даврда Хоразмнинг бурчакли арфаси икки тоифага бўлинган: катта бурчакли ва кичик бурчакли. Марказий Осиё (бурчакли) арфаларининг машхур бўлган барча турлари, жумладан, Айритом пештоқидаги арфа (мелоддан аввалги II асрдан эрамизнинг I асригача давр оид) ва Тупроққалъа арфаси (ерамизнинг III асрига мансуб) кичик бурчакли арфалар тоифасига киради. Кўйқирилган қалъадаги катта бурчакли арфа тасвири (эрэмиздан аввалги IV-III асрлар) – Марказий Осиёда ҳозирги кунгача топилган ягона намунадир. Бундан ташқари, мазкур тасвиirlар умуман Марказий Осиё

арфасининг энг қадимийси ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ҳар икки ҳолатда ҳам Хоразмнинг юксак мусиқий маданиятга эга бўлган мамлакат эканлиги биринчи ўринда туради.

Катта ва кичик арфаларнинг тузилиши (конструкцияси) бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Бу эрдаги фарқ, чолғунинг ҳажми, ижро этиш услуби, акустик сифатлари ва аниқ бир вазиятда у ёки бу арфанинг қўлланилишидир.

Марказий Осиё арфалари, хусусан, катта ва кичик, бурчакли (арфа)ларнинг мусиқий сози ҳақида аниқ бир далилни кўрсатиш қийин. Аммо бу созни аниқлашнинг ягона имконияти бу А.В.Мачинскийнинг қадимги Миср арфалари бўйича ўтказган ишонарли далиллар асосидаги тадқиқотидир. Яъни, бу олимнинг ишларига таянган ҳолда муайян аниқликлар киритиш мумкин; жумладан, катта ва кичик, бурчакли Хоразм арфаларининг корпуси икки қисмдан иборат эди: резонатор ва торлар маҳкамланадиган маҳсус жой бўлиб, улар бир-бири билан бир текисда бир бурчак остида бирлашгандир. Чолғулар фақатгина ёғочдан ясалган. Резонатор – 4та узун, силлиқ таёқчадан иборат бўлиб, ўз навбатида бу таёқчалар қийшиқ, узун қовурғалар билан шундай қўшилганки, натижада тўртбурчакли корпус ҳосил бўлиб, унинг пастки, ингичка қисмига сим(тор)ларни ушлагич маҳкамланган. Қарама-қарши томонлари эса резонаторнинг ички декасига бириклирилган. Резонатор ва тор ушлагичнинг қўшилиш услуби хақида бир нарса дейиш қийин.

Бу чолғулар сим(тор)ларининг умумий сони 9 та ва 6 та бўлган: Кўйқирилган қалъадан топилган арфа тасвирида улар 9 та бўлса, Тупроққалъа арфасида 6 тани ташкил этади. Айритом арфасидаги 9 та тор яхши тасвирларда берилган; Шопурнинг (эрэмизнинг III асри мансуб) катта, бурчакли арфасида торлар сони 6 тадан иборат.

Торлар ичакдан ва жилқадан тайёрланган. Арфалар жарангиги (тембри) бир хил бўлмаган: катталари - қаттиқ ва паст (регистр), кичиклари - жарангдор ва юқори (регистр) товушли. Арфалар ўтирган, тик турган ва юрган ҳолатларда ижро этилган. Ҳамма вазиятда ҳам чолғуни ушлаш ҳолати бир хил бўлган. Яъни, арфа резонаторининг энли томони доимо юқорига қаратилган ҳолда ижро этилган. Тик турган ҳолдаги ижро вақтида арфани олдинда, бурчагини белга тираган ҳолда ёки ўнг қўл билан ушлаб, чап ёнга қистириган ҳолатда ижро этилган. Арфанинг ўтирган ҳолда ижро этиш усули бироз бошқачароқ: яъни, чолғу одатда ижрочининг чап ёнига қўйилади ва чап қўл билан ушлаб ижро этилади. Чолғу корпуси чап ёнга ва чап елкага тираб турилади.

Кичик арфани одатда чап томондан юқорига кўтарган ҳолда (бунда чолғу чап қўл билаги билан чап ёнбошга тиralган ҳолатда) ижро этилади.

Маълумки, мусиқий чолғулар ўзларининг жуда ҳам бежирим ташки кўринишлари билан ажралиб турган. Ҳаттоқи, агарда чолғу жуда камтар кўринишда бўлса, у ҳолда созни турли бўёқлар билан безатишган. Бу услугуб чолғунинг нафакат томошабинга эстетик завқ бериши учун, балки ўзгача мақсадларни кўзлаб ҳам қўлланилган. Масалан, авваламбор чолғунинг акустик сифати яхшиланган; иккинчидан чолғу материали (ёғоч) тез урилмаган (чарчамаган) ва бундан чолғунинг умрини узайтириш каби муаммо ечими топилган дейиш мумкин.

Тупроққалъанинг кичик, бурчакли арфаси қизгиш-жигаррангга бўялган. Худди шундай тарзда Панжикент арфалари ҳам бўялган. Далил тариқасида муайян манбаларни келтириш мумкин. Жумладан, Тан даврида яшаган Хитой шоири Бо Цзюйи ўзининг “Чжечжи раққосаси” (“Чжечжи” - Марказий Осиё, аниқроғи тошкентча рақс бўлиб, у Хитойга келтирилган) номли шаҳрида айнан турли бўёқларга бўялган чолғу хақида маълумот беради.

Умумий холоса шуки, Кушонлар хукмронлиги даври Марказий Осиё тарихида ўчмас из қолдирди ва катта аҳамиятга эга бўлди. Шарқ ва Ғарбга қатнаб турган элчилар ва карvonлар билан бирга маданий анъаналар ҳам кириб келди. Бу анъаналар маҳаллий маданий жараёнлар билан аралашиб ўзига хос Кушон маданияти ва санъатининг пайдо бўлишига олиб келди. Кушон маданияти ўз навбатида қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятида чуқур ва ўчмас из қолдирди.

Кушон салтанатининг инқирози III асрдан бошланиб, натижада иккита сиёсий марказ – Пешаворда, бошқаси Сўғдда пайдо бўлди. V асрнинг ярмида эса Марказий Осиёда Кушон хонлигининг ўрнига келган маҳобатли Эфталитлар салтанатининг шаклланиши ўз ниҳоясига етди.

### **Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари**

Эрамизнинг IV асрига келиб Марказий Осиёда қулдорчилик тизими аста-секин феодал тизим билан алмашади ва Марказий Осиёда яшаган турклар ўз давлатининг сўнгти қисмини ҳоқонлик деб атай бошладилар. Ана шу вақтдан бошлаб, турклар билан маҳаллий Шарқий Эрон халқларининг қўшилиб яшаш жараёни бошланади. IV-VII асрларгача бўлган давр, Моварауннаҳр (Варзруд)нинг археололгик ва ёзма манбалари гувоҳлик беришича, маданият ва санъат турларининг, жумладан, мусиқанинг юқори даражада ривожлангани билан таърифланади. Қадимий Панжикент, Самарқанд ва бошқа шу каби шаҳарларнинг уйлари ва саройлари деворларида Моварауннаҳр (Варзруд)нинг исломгача бўлган даврига мансуб уд, рубоб, най, карнай ва арфа чолғуларида ижро этаётган мусиқачилар

қиёфаси тасвиrlанган. Хусусан, Панжикент сағаналаридан (храм) бирининг деворларида арфа чалаётган аёл худо тасвири туширилган экан.

Умуман бу даврга мансуб уд, рубоб най ва скрипка (ғижжак) чалаётган аёл худолар тасвиrlари тош ҳайкаллар, кумуш идишлар, хумдонлар, терракоталарда акс эттирилган. Мавжуд манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда Моварауннаҳрнинг мусиқа ва рақс санъати Хитойда ҳам жуда машхур бўлган. Хитойлик санъат усталари Моварауннаҳрлик санъаткорларга ҳаттоки ҳасад қилишар экан. Хусусан, Сўғд мусиқачилари ўз касбининг усталари сифатида доимо иззат-икромда бўлганлар. Бухоролик саҳнавий томоша усталари, самарқандлик найчи созанда, хўтанлик сурнайчи созанда ва тошкентлик раққос; шунингдек, Дарвазалик, Кешлик (Шахрисабз), Маймурглик ва Самарқандлик қизлардан Хитой императори Сюано-Цзуна саройида “ғарблик қизлар” номли ансамбл тузилган бўлиб, ҳукмдор уларнинг рақсини жуда севиб томоша қилган. Унинг аёли Яни Рокшан эса бу рақсни қизиқиб ўрганган экан. Рақслар зарбли чолғулар (барабан), уд ва ёнлама най (флейта)лар жўрлигига ижро этилган экан. Манбачилар Моварауннаҳр санъаткорларининг бир неча рақсларини таърифлаганлар: жумладан, “Чапдастлар” рақси бир гуруҳ раққослар томонидан ижро этилган бўлиб, рақс ўзининг нафис ҳаракатлари билан ажralган; иккинчи рақс “ғайратли, шижаатли” деб номланса, учинчиси “ғарбча сакрама рақс” деб аталган экан. Сўнгги рақс турини ўғил болалар ижро этишган. Барча рақслар миллий либосларда намойиш этилган.

Ўсмирлар ва қизларнинг қўшиқ жўрлигидаги замонавий лапар услубига яқин рақслари ҳам бўлган экан. 1984 йил қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида олиб борилган археологик қазилма ишлари жараёнида ўтган майитлар ҳоки сақланадиган оссуарий (хонқа)лар топилган эди. У (оссуарий) тўғри тўрт бурчакли қути шаклида бўлиб, эрамизнинг VI-VII асрларига тааллуқли эканлиги аниқланади. Оссуарий Марказий Осиёда ислом давригача бўлган дағн маросимлари билан боғлиқ. Оссуария деворларига тўлиқ бир композицияни намоён этувчи рельеф шаклидаги тасвиrlар туширилган. Бу тасвиrlар жуда қизиқарли бўлиб, илк ўрта асрларга оид Марказий Осиёдаги мусиқий ижрочилик хусусидаги тасаввурларни уйғотади. Оссуариядаги аркалар остада тўрт қўлли илоҳий эркак ва аёллар рақсга тушаётган ҳолат тасвиrlанган. Яъни, бу ерда қўлига қуёшли диск ва ярим ойни ушлаган аёл қиёфаси, торли чолғуда чалаётган эркак сиймоси акс эттирилган бўлиб, унинг (еркакнинг) юқориги қўллари эса қандайдир қуш қўндирилган темир балдоқ ва доира (бубен)га ўхшаш диск ушлаган ҳолат. Тахмин қилиш мумкинки, Марказий Осиёда бу илоҳий жуфтлик ўша даврда жуда ардоқланган.

Тасвирдаги илохий эркак қўлидаги мусиқий чолғу узун ингичка дастали ва кичкина бодомсимон кўринишдаги косахонаага эга бўлиб, торларининг сони аниқ эмас. Бу чолғучининг оёқ томонида ўнгдан бурчакда тасвиirlанган қўлига катта удсимон чолғу ушлаган созанда аёл. Унинг боши ёнидан ён тарафдан кўринади. Юзи думалоқ, бодомқовоқ кўзли, тўғри бурун ва кичкина дудокли. Чап қўлида пастга қаратса чолғу ушлаган, ўнг қўлида эса овоз чиқарувчи нохун (плектр) тасвиirlанган. Тасвирдаги уд косахонасининг қуий қисми юмалоқ бўлиб, қаттиқ тортилган, гўёки охирги қисмiga қайтариб бириклирилгандек. Чолғунинг иккита тори аниқ кўринади. Оссуариянинг чап томонидан бурчақда аёл худо оёқлари остида мусиқачиларнинг кичкина қиёфаси тасвиirlанган. У аёл худога қараб ўтирган ҳолатда. Мусиқачининг эгнида яктак ва шалвар у дамли чолғу ушлаган бўлиб, чолғунинг кўриниши кичик карнайни эслатади. Мусиқачи созни чап қўлининг устки қисмiga яқин ҳолда ушлаган. Оғзининг яқинида эса ўнг қўлининг кафти билан иккинчи чолғунинг мундштук қисмини ушлаган. Асбобнинг охири кенгайтирилган шоҳсимон кўринишида. Афтидан созанда бу асбобларда навбатма-навбат ижро этади. Ўнгдан эса аёл худонигг оёқ томонида бошқа созанда жойлашган бўлиб, у чордана қуриб ўтирибди. Бир-бираига темир сим билан бирлаштирилган иккита ногора бўлиб, уларнинг бири созанданинг тиззаси тўғрисида, иккинчиси эса кўкраги тўғрисида жойлашган. Мусиқачи чолғуни икки қўл бармоқлари билан чалмоқда. Эркак худо қўлидаги чолғуни удсимон созлар гуруҳига мансуб дейиш мумкин (узун уллар (лютня)). Унинг косахонаси жуда кичкина (кафтдек) бўлиб, дастаси узун ва ингичка. Ўнг қўл ҳолати овоз чиқариш асносида; дастанинг юқориги қисми чап қўлнинг очиқ кафтида.

Жуда узун дастали, кичик косахонаага эга улларни (масалан, Нисодан топилган Парфия ритонлари пештоқларидағи тасвиirlар) таникли мусиқашунос олимга Т.С.Визго танбурсимон чолғуларга оид эканлиги ҳақида ўзининг фикрларини баён этган. Уднинг бундай тури келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Аммо уларда иккита тори бор. Тасвиirlардаги машшоқлар қўлидаги бу чолғулар кўриниши ҳозирги танбурларга ҳам мутлақо ўхшамайди. Созандалар қўлидаги узун дастали ғижжак косахонасига ўхшашиб юмалоқ резонаторли чолғулар тасвири Хоразмнинг Тупроқ қальасидан топилган эди.

Узун ингичка дастали, кичик косахонали чертма танбур бизнинг давргача сақланган. Марказий Осиёдаги илк ўрта асрларга мансуб бўлган торли-чертма созлар тоифаси ранг-баранглиги тадқиқотчилар томоидан таокидланган. Оссуария тасвиirlаридағи чолғулар эса қадимий созларнинг яна бир туридир. Тасвирдаги Худонинг юқориги қўлларида бирида афтидан

доира (бубен) тасвирланган. Доиранинг сўғдда VII асрдан бошлаб кўлланилиши хитойлик саёҳатчи маълумотларидан аён бўлади. Мусиқачи аёлнинг қўлида уд чолғусининг бошқа тури тасвирланган. Чолғунинг ноксимон шаклдаги косахонаси уни 4,3 ёки 2 торли Сўғд уdlари (Р.А.Садоков бу гурухни Сўғд-Бақтрия – Марв гурухи, деб атайди) гурухига мансуб дейишга асос бўлади. Удчи созандалар Сўғд (Самарқанд) терракоталарида айниқса кенг миқёсда ўз ифодасини топган. Бу вазиятда улар чолғуни кўл билан ва нохун (плектр) билан чалаётганлари кўрсатилган. Уд ижроилигининг қашқадарё воҳасида ҳам кенг тарқалганлигига бу ердан топилган удчи созанда аёл ҳайкалчasi гувоҳлик беради. Аёл чолғуни Оссуария тасвирларидаги каби калта нохун (плектр) билан чалмоқда. Чолғунинг бош қисми пастга қаратилган, аммо шакли ва торлар сонида фарқ кузатилади.

Юқорида қайд этилган тасвирлардан бири, яъни бир вақтнинг ўзида 2-та мусиқа асбобини (тўғри ва шоҳсимон чолғулар) ушлаган созандаларнинг бу чолғулари афтидан карнай турига мансуб бўлса керак. Боиси уларда чолғу тешикчалари мавжуд эмас. Сурнай, карнай сингари дамли чолғулар тасвири Марказий Осиё санъатининг турли ёдгорликлари орқали машҳурдир. Шоҳ карнай (труба) ёки шоҳсимон карнайлар камроқ учрайди. Улар Анников идиши орқали машҳурдир. Ноғора (барабан) сингари зарбли чолғулар эса Марказий Осиё ва ҳинд антик даври ҳамда илк ўрта асрлар санъатида кенг тарқалган бўлиб, улар иккиёқлама қўмсоат шаклига эга. Аммо уларнинг тузилиши (конструкцияси) турлича бўлган. Яъни улар бир ёқлама, идишсимон ва хумсимон шаклда бўлган. Оссуарияда тасвирланган ноғоралар резонаторини тиклашнинг иложи йўқ. Боиси, тасвирда уларнинг устки текислиги кўрсатилган. Уларни кўш ноғоралар тоифаси дейиш мумкин. Бундай ноғора тури оссуариядан ташқари бошқа манбаларда ҳам, тасвирларда ҳам учрамайди. Афтидан бу ўзига хос, кўш урма чолғу бўлиб, илк ўрта асрлар Марказий Осиё мусиқа маданиятида илк бор намойиш этилгандир.

Карнай (шоҳсимон труба) ва ноғоралар очик ҳавода ижро этилишга мўлжалланган бўлиб, спорт ўйинлари, ов қилиш, бола туғилиши ҳақида хабар бериш учун; шунингдек, шодлик ҳамда зиддиятли вазиятлардан огоҳ этишда қўлланилган. Карнай, сурнай, ноғора чолғуларидан **анъанавий ансамбл сифатида ҳам кенг фойдаланилган**.

Ансамбль бошқача кўринишини оссуария тасвирларидан кузатиш мумкин. Бу таркиб уд, танбур ва доира каби чолғулардан иборат бўлиб, уларга эркак худосининг рақси жўр бўлади. Афтидан, аёл худоларга эркак мусиқачилар жўр бўлишади, эркак худоларга эса созанда аёллар жўрнавозлик

қилишади. II-IV асрларга оид Тупроққалоа деворий тасвиirlарида қанотли мусиқачилар акс эттирилган (улар қўлларига бурчакли арфа, ғижжак, кимвала, чанг, доира ва ногора ушлаган ҳолатда) бўлиб, тахминларга қараганда улар жойлашган бино марҳум ҳукмдорларни хотирлаш маросимларини ўтказишга мўлжалланган; шунингдек, бу ерда ўлиб, яна қайта тирилувчи худолар образи билан боғлиқлик мавжуд бўлиб, мазкур вазиятда чолғулар диний маросим тимсоли сифатида ифодаланган. Т.С.Визгонинг фикрича бу фоний ҳаётга чақирилган мусиқачилар тимсоли, уларнинг эпик қаҳрамони ва мифологик худолар каби жуда қадрланганидан далолатдир. Баён этилаётган оссуариядаги мусиқачи бу уруш худосининг ўзи бўдиб, қўлидаги чолғулар унинг тимсоллариdir. Тасвиirlарда худолар рақсига уларнинг оёқ томонларида жойлашган мусиқачилар жўр бўлишмоқда. Худоларнинг рақс ҳолати икки хил маънони англатади. Яъни, табиатнинг абадий алмашинуви билан боғлик; худоликнинг коинот рақслари ва шунингдек, мотам маросими билан боғлик рақслар.

Тўртқўлли аёл худонинг Панжикентдаги деворий тасвирига биноан у, дафн этиш маросими саҳнасида иштирок этаётганлиги маълум бўлади. Ва умуман мусиқа шартли равишда барча дафн маросимларида доимий жўр бўлган. қолаверса, мотам йиғилари ҳозирги кунгача ўзбек халқ мусиқаси жанрларидан бири сифатида сақланган. Шунингдек, қадимда мотам рақслари ҳам кенг тарқалган бўлиб, уларнинг унсурлари яқингача Самарқанд ва Юқори Зарафшон водийси тожиклари **анъаналари**да сақланган эди. Шундай қилиб, қашқадарё воҳасидан топилган ажойиб оссуарияда гўёки икки хил ансамбл тасвиirlанган. Мусиқачилар қўлидаги чолғулар эса шубҳасизки, мусаввир яшаган даврдаги созлардир. Мазкур санъат обидаси илк ўрта асрлар даврини намоён этиб, мусиқий ансамбллар чолғуларини ўрганишда ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у қадимий Марказий Осиё мусиқа маданияти тарихига янги чизгилар киритади.

Ушбу маданий ёдгорликлардан маълум бўладики, бу даврда мифология, достончилик **анъаналари** кенг тарқалган. Хусусан Абулқосим Фирдавсийнинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири бўлмиш “Шоҳнома” асарида тарихдаги дастлабки шоҳлар – қаюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид, Захҳок ҳақидаги қиссалар; Зол ва Рудоба ҳақидаги романтик достон, Сухроб ва Сиёвшуларнинг қаҳрамонлик қиссалари, Рустами Достоннинг ажойиб саргузаштлари; шунингдек, Кайхусрав подшолиги, Бежан ва Манижа достони, Исфандиёрнинг етти жасорати, Искандар ҳақидаги достон, Баҳром Гўр, Ҳусрав Парвез ва унинг сарой мусиқачиси Борбад ҳақидаги қиссалар баён этилади.

Бутун Шарққа танилган ва кейинчалик шарқ адабиёти намояндалари асарларида тасвирланган Марказий Осиёнинг йирик созанда ва хонандаси, юзлаб куйлар ижодкори Борбаднинг номи мусиқа оламида муҳим аҳамият касб этади (Буюк санъаткор ижодий фаолиятига кейинги мавзуда алоҳида тўхтalamиз). Борбад VII аср бошларида Эрон сосонийлари сулоласидан бўлган шоҳ Ҳусрав Парвез саройида хизмат қилади. Бу тарихий даврда маҳаллий аҳоли турклар мусиқий ҳаётининг баъзи унсурларини мерос қилиб олганлар. Натижада эса ҳалқ ижоди ва маҳаллий устозона **анъаналар** келажакда оғзаки **анъанадаги** йирик мумтоз асарлар яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Айрим кенг тарқалган мақом куй тузилмаларининг туркча, масалан, “авжи турк” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шундай қилиб, бу давр мусиқа санъати нафақат тарихий, балки тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, келажак авлодларга бебаҳо маонавий дурданаларни мерос қилиб қолдирди.

### **Қораҳонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар)**

Мовароуннахрда XI асрга қадар кўплаб туркийлар яшаган. Улар Шош ва Фарғонада кўпроқ, Зарафшон ва Қашқадарё дарёларининг водийларида камроқ эди. Яъни, Фарғонада туркий-қарлуқлар, Шошда туркий-ўтузлар кўпроқ бўлган. X асрда туркийлар оиласи исломни қабул қилишди ва Фороб, Шош оралиғида ўтроқлашди. Булар туркий ўғузлар бўлса керак. Чунки, улар таъсирининг кучли эканлиги ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидан ҳам сезилиб туради. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида ўғузлар ҳозирги ўзбек ҳалқининг аждодлари қаторида тилга олинади.

X асрнинг 2-ярмида қораҳонийлар давлати таркиб топди. Янги ташкил топган давлатпииг биринчи бошлиғи “бўқрахон” (яъни подишоҳ) деб атолувчи давлат унвонига эга бўлган, бошқа ерларига босқинчилик юришлари бошланди.

Солик зулмидан азоб чеккан дехқонлар Сомонийлар ҳокимиятидан норози бўлишди. Эски дехқон зодагонлари марказлашган амирлик ҳокимияти билан келишишни хоҳламади. 992 йили Бўқрахон дехқонларнинг талаби билан Мовароуннахрга келди ва босиб олди. 999 йили қораҳонийлар Бухорони қўлга киритдилар. Авваламбор, марказлашган давлат тузуми буткул қулади. 1001 йили қашғардан Амударёга қадар чўзилиб, Шарқий Туркистонни бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Сўғдиёна худудини ўз ичига олган қораҳонийлар давлати билан Шимолий Ҳиндистондан қарийб Каспий дснгизининг жанубига қадар чўзилиб, ҳозирги Афғонистон ва шимолий-шарқий Эронни ўз ичига олган ғазнавийлар давлати пайдо бўлди.

Қораҳонийлар мамлакатни сулола вакиллари – иликхонлар бошқарадиган вилоятларга бўлиш усулини таъсис этишди. Қораҳонийлар

хукмдори - буюк хон кўпинча пойтахт Боласоғунда бўлса-да, ўзи Қашғарда яшарди. У Эрондаги “шаханшоҳ” сингари “хонлар хони” деган унвонга эга эди. 1072 йилга келиб, Ўзган пойтахт бўлди ва XI аср охирида Ўзган қорахонийлар салтанатининг Фаргона вилояти маркази бўлиб қолди.

Қорахонийларнинг тилшунос олими Маҳмуд Қошибарий XI асрда ўзининг араб тилидаги уч жилдлик “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар луғати”) асарини тузади. Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний эса туркий тилда яратган “Қутадғу билиг” асарида маълумот беришича, қорахонийлар хунармандларга, хусусан, темирчи, туқувчи, этикдўз, сув ташувчи ва бошқа хил касб эгаларига яхши муносабатда бўлишган.

Сомонийлар давлати таркибида Хоразм ярим мустақил бўлган. қорахонийлар ва ғазнавийлар давлатлари вужудга келганда у чеккада жойлашгани учун уларнинг ҳеч бирига кирмай қолди.

X асрнинг 2-ярмида Урганч (Гурганч, арабчада – Журжон)ни пойтахт қилган шимолий Хоразм ажралиб чиқди. Жанубий Хоразм пойтахти қиёт бўлиб, у ерда хоразмшоҳ, Урганчда эса амир ҳукмронлик қилар эди. 996 йили шимолий Хоразм хукмдори Маъмун ибн Муҳаммад бу мамлактни яхлит давлатга айлантириб, Хоразмшоҳ унвонини қабул этди ва Урганчни пойтахт қилиб белгилади. X аср яшаб ижод этган географик олимлар Хоразмни дехқончилик ривожланган, шаҳарлари кўп ва маданияти юксак мамлакат сифатида таърифлашади. Али ибн Маъмун (997-999) даврида Урганчда иккита ажойиб сарой қурилди. Абул Аббос Маъмун (999-1016) ўз саройида Маъмун академияси – “Байт-ул ҳикма”ни таъсис этиб, атрофига турли соҳага мансуб ўрта асрнинг машҳур Шарқ олимларини тўплайди. Бу эрда Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, машҳур табиб Абулхайр Ҳаммор ва бошқа атоқли олимлар шуғулланишарди. Беруний “Маъмун академияси”нинг етакчи аъзоси бўлди. Беруний тил, фалсафа, фалакиёт, риёзиётни ўрганди; ботаника, минералогия ва бошқа табиий фанлар билан қизиқди. У XI аср бошида турли ҳалқларнинг йил ҳисоблари ҳакидаги илк йирик асари – “Осорул боқия” (“қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”) ёки “Хронология” номли асарини яратди. Унда юононлар, римликлар, форслар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа кўплаб қабила ва ҳалқларнинг барча даврлари, байрам ҳамда тақвимлари, Шарқ мамлакатларининг маданияти ва адабиёти тўла баён этилган.

1017 йилга келиб Хоразм, йирик истилочи, улкан, лекин қисқа даврли империя асосчиси Маҳмуд Ғазнавий қўл остига ўтди. Бироқ Хоразм ғазнавийларнинг қўл остида узоқ қолмади. 1040 йили ғазнавийлар давлати қуллади. Бу даврда Салжуқийлар давлати вужудга келди. Унинг тарихий ҳаёти Ўрта осиёдан ташқарида кечди. Салжуқийлар босиб олган эрларини

вилоятларга бўлишди. Марв билан Хурисоннинг катта қисми Довудга тегди. Тўғрулбек Салжуқийлар давлатининг ҳукмдорига айланиб, 1055 йили арабларнинг бир қисмини бўйсундирди. У ўзига пойтахт сифатида Рай шаҳрини танлади.

### **Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод**

Кушон хонлиги Марказий Осиё халқлари тарихида массагет қабилаларига мансуб тоҳар сулоласидан бирининг номи билан аталган. Хитой манбаларида ёзилишича, Даҳя, яъни Бақтрияга кўчиб ўтган массагет (юечжи)лар бешта вассал ҳокимликка бўлинган бўлиб, улардан бири Гўйшуан деб номланган.

Гўйшуан сўзи «кушон» атамасининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у ўша давр ёдгорликлари ҳисобланган тангалардаги ёзувлардан маълумdir. Марказий Осиёнинг жануби ва шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб яшнаганидан дарак беради. Дастребки ёдгорликлар Айритом ва Кўхна Термезда ўтган асрнинг 30-йилларида очилиб, 60-йилларида давом эттирилган. Кейинчалик кўхна Термез яқинидаги қоратепа буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби кўхна шаҳарчалар очилиб, ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машхур бўлади.

Кушон давлатига расман асос солган ҳукмдор Кужула Кадфиз 4 та қабилани ўзига бўйсундирди ва уни Кушон беклиги деб эълон қилди. Бу давлатнинг дастлабки ҳукмдори 30 йил подшолик қилди. Кушон хонларининг энг машҳури Канишка ҳисобланади. У (78-123) ҳукмронлик қилган даврда Кушон давлати жуда қудратли давлатга айланиб, замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда турарди. Ҳукмдор давлат пойтахтини ҳам Далварзинтепадан Пешаворга кўчиради. Канишка ҳукмронлигининг охирги йилларида Кушон давлати жуда катта ҳудудни ўз ичига олган. Унинг чегараси Ғарбда Орол ва Каспий дengiz bўйларигача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуи оқимигача, Шарқда эса Синоцзяннинг Хўтан шаҳридан Ганг бўйларидаги Банорасгача чўзилган.

Будда динига қаттиқ эътиқод қилган подшо ўз давлатида мазкур динни расмий равишда давлат дини сифатида эълон қилади. Марказий Осиё халқлари ҳаётида бу даврда катта силжишлар бўлди. Яъни, жуда ҳам улкан марказлашган давлат вужудга келди, шаҳарлар сони кўпайди, савдо-сотик алоқалари халқаро даражага кўтарилди; жонли савдо ҳаёти ва колонизацион фаолият, саводни ва ёзув (хат)ни кенг тарқалишига имкон яратди. II асрга тааллуқли машхур “сўғд ёзуви”даги намуна айнан Дунхуан (Шарқий Туркистон)дан топилган бўлиб, у Самарқандда истиқомат қилувчи онанинг

Друан (Дунхуан)да яшовчи қизига йўллаган хатида яққол исботини топган. Бу хат ўша давр Марказий Осиё халқарининг юқори даражадаги маданий ҳаёти, жумладан, аёлларнинг саводлилиги ва мустақиллигидан далолат беради. Бу даврда кушон ёзуви ҳам пайдо бўлиб, у юонон алифбосига асосланган эди. Мазкур ёзувни ўша даврнинг тангалари, муҳрлари ва турли буюмларида учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бир неча ёзув тизимининг мавжуд бўлгани (оромий, сүғдий, хоразмий, юонон, кушон) – Кушон хонлиги таркибига кирувчи халқарнинг юксак даражадаги маданиятининг яна бир карра исботидир.

Кушон салтанати умуман қадимги Марказий Осиёнинг иқтисодиёти, маданияти ва санъати гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда халқаро савдо-сотик кенг ривожланган, янги шаҳарлар барпо бўлган. Аммо энди жараён эллинистик йўналишда эмас эди. Яъни, маданият ва санъат шарқий, эллинистик, ҳинд ва қўчманчилар анъанасининг синтезидан ташкил топган янги кушон йўналишига асосланди. Бу даврдан қолган қўплаб меъморий обидалар ва ҳайкаллар Шимолий Ҳиндистонда, қобулнинг водий туманларида, Бақтрияда, Амударёнинг шимолий ва жанубий қирғоқларида сақланган. Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар, мелоддан аввалги III асрда ҳинд императори Ашок томонидан буддизм давлат дини сифатида тасдиқлангандан сўнг янада кучайди.

Умуман Кушон маданияти қадимий томирга эга жойларда, янги омиллар, янги одамлар таъсирида ривожланган, Юонон-Бақтрия хонлиги маданиятининг давомчиси ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш керакки, ўз навбатида кушон санъати бошқа халқлар маданияти билан узвий боғланган ҳолда, улар, хусусан Ҳиндистон маданиятида ўзи ҳам чуқур из қолдирди (Таксила ва Матура ёдгорликлари); шунингдек, Шарқий Туркистонда Кучи ва Каравана фреска ва ҳайкаллари; алания муҳити орқали таъсир этилган Шарқий Европа маданий ёдгорликлари сўзимизга ёрқин далил бўлиши мумкин.

1932 йили қадимшунослар томонидан олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида Терmez яқинидаги эрамизнинг I-II асрларига мансуб Айритом шаҳарчасидан ибодатхонанинг ташқи девор пештоқларига ўрнатилган, сарғиш оқтошдан ишланган ҳайкаллар топилган эди. Тошга ўйиб ишланган, белига акаиф япроқлари боғлаган 14 та одам қиёфаси туширилган бу пештоқда мусиқачи ва гирляндчилар тасвиirlанган. Бундай манзара антик давр Ўрта Шарқ тасвирий санъатида жуда кенг тарқалган. Пештоқ тўлиқ сақланмаган, фақатгина 8 та бўлаги топилган ҳолос. Шунингдек, айрим қиёфалар ўз шаклини йўқотган бўлиб, улар мусиқачими, гирляндчими ажратиб олиш қийин. Мусиқачилар сони 5 та эканлиги аниқ бўлиб, қолган 3

та қиёфани аниқлаш мушкул. Шунинг учун мана шу 5 та мусиқачи қиёфаси нисбатан батафсил ўрганилган. Аммо қадимий бу квинтет (бешлик)ни тўлиқ таркиб, дея аниқ айтиш қийин.

Айритом пештоқида тасвирланган оркестрнинг 2та торли мусиқа чолғуси - кичик бурчакли, тўққиз торли (балки ўн уч торлидир) арфа ва тўрт торли дўмбира, шунингдек, битта қуш авлос ва 2 та зарбли чолғу - нофора (барабан) векимвалсимон асбоб. Бу эрда қатоий ансамбл ослуби сақланганлиги шубхасиз, яъни, чолғуларнинг барча асосий (торли, дамли, зарбли) гуруҳларидан фойдаланилган. Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир гуруҳда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ва мураккаб, жозибали охангларни таратувчи турли хил чолғулар жамланган. Шунингдек, зарбли чолғуларнинг ҳам ҳар хили ишлатилганлиги эътиборлидир. Афтидан бу гирляндалар билан боғлиқ бўлиб, ҳаракат, юришни англатган.

Гирляндлар – шунчаки безак бўлмай, балки бутун композициянинг маълум маъносини англатади. Яъни, гирляндачилар мусиқий чолғулар садоси остида одимлаганлар. Ва афтидан бу юришларда рақс унсурлари ҳам кўлланган. Бундай тантанани бошқариш ҳаракатини тартиблаштириш учун эса бир қатор қўл билан ижро этилувчи, шаклан унча катта бўлмаган зарбли асбоблар керак бўлган. Мана шундай мусиқа садолари остида гирляндалар билан юриш анъанаси Айритом пештоқларида ўз ифодасини топган.

### Қадимги Хоразм мусиқа маданияти

Яна бир ҳудуд Хоразм воҳасининг бу даврга оид тарихи эса жуда ноаниқ. Аммо бу даврда Хоразм шоҳларининг тангалари ўрнини кушонликлар тангаси эгаллашига қараганда Хоразм Кушон империяси таркибига кирган, деб фараз қилиш мумкин. Эрамизнинг III асрларида Хоразмда маҳаллий шоҳларнинг тангалари зарб қилиниши ва кушон тангаларининг сиқиб чиқарилиши Хоразмнинг илгаригидай мустақилликка эришганлигини кўрсатади.

Кушон империяси даврида дин, меъморчилик ва санъат соҳасида рўй берган ўзгаришлар Хоразм маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шунингдек, қадимги Бақтрия (Айритом ёдгорлиги), Тоҳаристон (Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Болалик тепа ёдгорлиги) маданияти ҳам гандҳар санъати анъаналарининг бевосита таъсири остида тараққий қилган. Натижада Хоразмда учрайдиган кушон даври ҳайкалчаларининг кўриниши анча ўзгаради. Эндиликда ҳайкалчалардаги кийим ва безаклар кангюй давриникидай серхашам бўлмай, унда, гандҳар санъатининг таъсири сезилиб туради. Янги турдаги ҳайкалчалар ҳинд кийимларидағидай анча ери очик бўлиб, бу ҳол унинг будда образлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Хоразмнинг күшон даврига оид маънавий-маданий ёдгорликлари жуда бой ва ажойибdir. Жумладан, 1945-1950 йиллар мобайнида олиб борилган эрамизнинг III - IV асрига оид Тупроққалъа саройининг қазиш ишлари вақтида жуда кўп сонли деворий ёзувлар топилган бўлиб, улар орасида учта мусиқий чолғунинг тасвири ҳам аниқланган. Булар: олтита торли кичик арфа, иккита торли кичик уძсимон чолғу ва қумсоат шаклидаги иккиёқлама зарбли чолғу. Ва ушбу учта чолғуга монанд учта мусиқачи аёллар тасвири.

Созандалардан бири бўлган, арфа чалаётган аёл тасвири жуда машҳур бўлса, қолган иккитаси эса деярли ҳеч қаерда чоп этилмаган. Сопол идишларга туширилган тасвирларда саккизта чолғу ушлаб турган созанданинг қиёфаси ва сопол хумдон деворининг бир томонига бир рельефли тасвирлар ишланган. Барча ҳайкалча ва рельефлар турли даврларга мансуб бўлиб, мелоддан аввалги IV - III асрлардан эрамизнинг I асригача бўлган даврни ўз ичига олади. Ҳар бир ҳайкалчага биттадан мусиқий чолғу тасвири тўғри келиб, рельефларга ҳам шунчадан тасвирлар туширилган. Шундай қилиб, жами 9 та чолғу асбоби мавжуд эканлиги аниқланди. Уларнинг барчаси турли чолғулар гурухига мансуб. Торли гурухларда тўққиз торли, бурчакли арфа, беш торли кифара, тўрт торли уძсимон чолғу ва олтита, иккиторли дуторни эслатувчи, резонатор шакли бўйича икки кичик гурухга бўлинувчи созлар мавжуд.

Иккита ҳайкалча ва рельефдан ташқари бу сопол идишлардаги тасвирлар чоп этилмаган. 1909 йили Хоразм атрофидан топилган Аников кумуш идишини эса бир қатор тадқиқотчилар қадимий Хоразм торевтикаси асарларига оид деб ҳисоблашади. Мазкур идишда ўлимга маҳкум этилганлар қалъаси, оссуариядан олиб чиқилаётган муқаддас Сиёвуш ҳоки тасвирланган. Бу маросим эса рога (шоҳсимон соз) садолари остида кечеётгани ҳам маълум бўлади. Созандалар етти кишидан иборат бўлиб, уларнинг учтаси бир томонда, тўрттаси иккинчи томонда жойлашган. Улар чалаётган дамли асбобларнинг барчаси чақиравчи (сигнал) тур бўлиб, уларнинг ҳажми, тузилиши, ижро этиш услублари ҳам бир хил. Шундай қилиб, қадимий Хоразм мусиқий чолғуларининг жами тури 19 тани ташкил этади: 11 та торли, 7 та дамли ва 1 та зарбли созлардир.

Биринчи гурух чолғулари кенг ва турлича намоён этилган. Бу гурухга киравчи мусиқий чолғулар тарихан иккита аниқ табақага ажralади. Улар, ўзининг келиб чиқиши билан жанубий ерли, дехқончилик билан шуғулланувчи туманларга тегишли тури ва адирли кўчманчи қабилаларнинг мусиқий турмуш шароитига оид чолғулар туридир.

Биринчи табақа чолғулардан энг эътибор тортгани – бу катта ва кичик бурчакли арфалар бўлиб, қадимда улар Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган, аммо кейинчалик муомаладан чиқкан.

Антик даврда Хоразмнинг бурчакли арфаси икки тоифага бўлинган: катта бурчакли ва кичик бурчакли. Марказий Осиё (бурчакли) арфаларининг машҳур бўлган барча турлари, жумладан, Айритом пештоқидаги арфа (мелоддан аввалги II асрдан эрамизнинг I асригача давр оид) ва Тупроққалъа арфаси (эрамизнинг III асрига мансуб) кичик бурчакли арфалар тоифасига киради. Қўйқирилган қалъадаги катта бурчакли арфа тасвири (эрамиздан аввалги IV-III асрлар) – Марказий Осиёда ҳозирги кунгача топилган ягона намунадир. Бундан ташқари, мазкур тасвирлар умуман Марказий Осиё арфасининг энг қадимииси ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ҳар икки ҳолатда ҳам Хоразмнинг юксак мусиқий маданиятга эга бўлган мамлакат эканлиги биринчи ўринда туради.

Катта ва кичик арфаларнинг тузилиши (конструкцияси) бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Бу эрдаги фарқ, чолғунинг ҳажми, ижро этиш услуби, акустик сифатлари ва аниқ бир вазиятда у ёки бу арфанинг қўлланилишидир.

Марказий Осиё арфалари, хусусан, катта ва кичик, бурчакли (арфа)ларнинг мусиқий сози ҳақида аниқ бир далилни кўрсатиш қийин. Аммо бу созни аниқлашнинг ягона имконияти бу А.В.Мачинскийнинг қадимги Миср арфалари бўйича ўтказган ишонарли далиллар асосидаги тадқиқотидир.<sup>1</sup> Яъни, бу олимнинг ишларига таянган ҳолда муайян аниқликлар киритиш мумкин; жумладан, катта ва кичик, бурчакли Хоразм арфаларининг корпуси икки қисмдан иборат эди: резонатор ва торлар маҳкамланадиган маҳсус жой бўлиб, улар бир-бири билан бир текисда бир бурчак остида бирлашгандир. Чолғулар фақатгина ёғочдан ясалган. Резонатор – 4та узун, силлиқ таёқчадан иборат бўлиб, ўз навбатида бу таёқчалар қийшиқ, узун қовурғалар билан шундай кўшилганки, натижада тўртбурчакли корпус ҳосил бўлиб, унинг пастки, ингичка қисмига сим(тор)ларни ушлагич маҳкамланган. Қарама-қарши томонлари эса резонаторнинг ички декасига бириктирилган. Резонатор ва тор ушлагичнинг кўшилиш услуби ҳақида бир нарса дейиш қийин.

Бу чолғулар сим(тор)ларининг умумий сони 9 та ва 6 та бўлган: қўйқирилган қалъадан топилган арфа тасвирида улар 9 та бўлса, Тупроққалъа арфасида 6 тани ташкил этади. Айритом арфасидаги 9та тор яхши тасвирларда берилган; Шопурнинг (Эрамизнинг III асри мансуб) катта, бурчакли арфасида торлар сони 6 тадан иборат. Торлар ичакдан ва жилкадан тайёрланган. Арфалар жаранги (тембри) бир хил бўлмаган: катталари - каттиқ ва паст (регистр), кичиклари - жарангдор ва юқори (регистр) товушли.

Арфалар ўтирган, тик турган ва юрган ҳолатларда ижро этилган. Ҳамма вазиятда ҳам чолғуни ушлаш ҳолати бир хил бўлган. Яъни, арфа резонаторининг энли томони доимо юқорига қаратилган ҳолда ижро этилган. Тик турган ҳолдаги ижро вақтида арфани олдинда, бурчагини белга тираган ҳолда ёки ўнг қўл билан ушлаб, чап ёнга қистирган ҳолатда ижро этилган. Арфанинг ўтирган ҳолда ижро этиш усули бироз бошқачароқ: яъни, чолғу одатда ижрочининг чап ёнига кўйилади ва чап қўл билан ушлаб ижро этилади. Чолғу корпуси чап ёнга ва чап елкага тираб турилади. Кичик арфани одатда чап томондан юқорига кўтарган ҳолда (бунда чолғу чап қўл билаги билан чап ёнбошга тиralган ҳолатда) ижро этилади. Маълумки, мусиқий чолғулар ўзларининг жуда ҳам бежирим ташқи кўринишлари билан ажралиб турган. Ҳаттоки, агарда чолғу жуда камтар кўринишда бўлса, у ҳолда созни турли бўёқлар билан безатишган. Бу услугуб чолғунинг нафакат томошабинга эстетик завқ бериши учун, балки ўзгача мақсадларни кўзлаб ҳам кўлланилган. Масалан, авваламбор чолғунинг акустик сифати яхшиланган; иккинчидан чолғу материали (ёғоч) тез урилмаган (чарчамаган) ва бундан чолғунинг умрини узайтириш каби муаммо ечими топилган дейиш мумкин.

Тупроққалъанинг кичик, бурчакли арфаси қизғиши-жигаррангга бўялган. Худди шундай тарзда Панжикент арфалари ҳам бўялган. Далил тариқасида муайян манбаларни келтириш мумкин. Жумладан, Тан даврида яшаган Хитой шоири Бо Цзюйи ўзининг «Чжечжи ракқосаси» («Чжечжи» - Марказий Осиё, аниқроғи тошкентча рақс бўлиб, у Хитойга келтирилган) номли шеърида айнан турли бўёқларга бўялган чолғу хақида маълумот беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадимги Хоразм мусиқа маданияти
2. Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод
3. Қораҳонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар)
4. Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари
5. Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Апраксина.О.А. Методика музыкального воспитания в школе. (Учебное пособие для пед. институтов по спец. 2119 «Музыка и пение») -М.: Просвещение, 1983-222с
2. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т. Музыка, 2005. -80 с.

3. С.Бегматов, Д.А.Каримова Қ.МАмиров Т.Фофур Ғулом нашриёти, 2008 й.
4. Панжиев Қ. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 2020 й. 274 б.
5. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й
6. Лутфуллаев А . Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.: Мусиқа.

**2-мавзу. Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.**

**Режа:**

- 1.Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти.
- 2.Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари,
- 3.Анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.

**Таянч иборалар:** Этномусиқашунослик, мароси, қадрият, анъана, урф-одат, мусиқа ўқитувчиси.

**1.Этномусиқашунослик ва унинг ижтимоий ҳаётда тутган урни ва аҳамияти**

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро урушлар шаҳарларнинг бўшаб, вайронага айланиши Ўрта Осиё халқ оммасининг қашшоқланишига олиб келди. Бу процесс ўзларини ўзбеклар деб атаган кўчманчилар бошлиғи Шайбонийхон ҳокимиятни қўлга олган XVI асрнинг бошидаёқ фаоллашган эди. Ана шу вақтдан бошлаб “ўзбеклар” деган халқ номи қарор топади. XVII ва XVIII асрларда феодал тарқоқлик кучаяди. Катта феодал давлати алоҳида хонликлар Бухоро, Хива ҳамда Кўқон хонликларига бўлиниб кетди. Бундай бўлиниш ўзбек халқининг мусиқа маданиятида ҳам акс этди. Ўзбек хонлари саройидаги мусиқий ҳаёт асосан темурийларнинг Ҳирот ва Самарқанд саройларидаги анъаналарини давом эттиради. Кўпгина шоир ва мусиқачилар Бухородаги шайбонийлар саройига, бир қисми эса Хоразмга кўчади. Бухоро ва Хоразмнинг аралаш ўзбек ва тожик мусикали-поэтик анъаналари янада тараққий топиши ана шулар билан изоҳланади. XVI аср шоирлари ва мусиқачилари, шунингдек, мусика илмининг билимдонларидан Нажмиддин Кавқабий ижоди катта қизиқиш уйғотади. Унинг “Мусиқа ҳақида рисола”си устоз анъаналарнни Самарқанд ва бошқа шаҳарларда давом

эттирган шогирдлари (Хожи Мухаммад, Мавлоно Ризо Самарқандий) учун мусиқали-поэтик қўлланма бўлган эди. XVII асрнинг сарой мусиқачи ва назариётчиси Дарвишали Чангий эди. Унинг рисоласи мусиқага оид фикрларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Муаллиф бошқалардан фарқли ҳолда, фақатгина мусиқа назарияси асосларини баён қилиб қолмай, балки ўз асарининг катта қисмини турли даврларда яшаб ижод этган бирқа тор мусиқачилар фаолияти, шунингдек, саройда мавжуд бўлган мусиқа асбоблари тавсифига ҳам бағишлайди. Бироқ, бу ерда ҳам халқ музикаси ҳақида ҳеч қандай эслатма учрамайди. Дарвишали Чангий оддий халқ турмушида, айниқса хотин-қизлар ўртасида кенг тарқалган дуторни чолғу асбоблар қаторига киритмайди. Ўрта Осиёда мусиқий-назарий илм ривожига тўхтаб ўтиш алоҳида аҳамиятга эга. Айни IX-XI асрларда мусиқа фанига асос солиниб, Ўрта Осиёning ўрта асрда яшаган олимларининг деярли барчаси бу масала билан шуғулландилар. IX асрдаёқ мусиқа ҳақида рисолалар пайдо бўлиб, уларда мусиқанинг назарий асослари тадқиқ этилади, мусиқа асбоблари илмий тасвирланади, таникли ижрочилар номи, уларнинг репертуари, “кенг тарқалган мусиқа жанрларининг номлари келтирилади. Ўрта Осиё олимлари фалсафа, математика, медицинага оид жуда кўп асарларнинг бутун-бутун бўлимларини мусиқага бағишлайдилар. Мусиқани тадқиқ этишда уларга Пифагор ва унинг математика услуби маълум даражада таъсир кўрсатди. Мусиқа асосини шеър тузилиши асоси билан боғлаб тушунилган. Масалан: Форобий мусиқа билан поэзия чуқур боғланган, мусиқа шеърдаги вазнлар нисбати билан ҳам мустаҳкам алоқада; ритм эса поэзия билан мусиқани бирлаштирувчи бошланмадир деб билган. Мусиқа билан шеърий вазн ўртасидаги мустаҳкам алоқа ўзбек ва тожик мусиқали поэтик санъатининг янада ривожланиши учун характерлидир. Форобий фаолиятининг аҳамияти ҳақида гапириб, шуни таъкидлаш керакки, у Шарқ фанини антик фан, қадимий Греция фани билан боғлади. Форобий Аристотелнинг шарҳловчиси сифатида ҳам машҳур, бунинг учун у “иккинчи муаллим” деган фахрий ном олган. Айниқса, Форобий акустика масаласига катта эътибор берди, бунинг учун у гаммалар интервалини ҳисоблаш мақсадида уд товушқаторидан фойдаланди. Мусиқа назарияси масалалари билан Шарқнинг улкан олими Ибн Сино ҳам шуғулланди. Унинг асарларининг айрим бўлимларида мусика ва унинг физик хоссаси, мусиқий парда ва ритмик асоси ҳақида маълумотлар бор. Ибн Сино “Китоб уш-шифо” ва “Китоб ун-нажот”да мусиқа фанининг акустика, “Донишнома”да математика томонларини ривожлантиради. Форобий, Ибн Сино ва бошқа Ўрта Осиё олимларининг ўрта асрдаги илм ва маданиятнинг юқори даражасини акс эттирган асарлари ана шу давр мусиқа маданиятини

ўрганишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Назарий асарлар мусиқа санъатининг монодия (ривожлангаи бир овозли) табиатига асосланган эди. Биринчи бўлим (илми таълиф) овозларнинг ўзаро муносабатлари, товушқаторларини ўрганишга, иккинчиси (илми иқо) эса ритм ҳақидаги таълимотдан иборат эди. XV асрнинг иккинчи ярмида ўтмишдошлари-Форобий, Ибн Сино, Абдулқодир Мароғийларнинг мусиқа назариясига оид асосий қонунларини давом эттирган ва ривожлантирган тожик шоири Жомий (1414-1492) нинг “Мусиқа ҳақида рисола”си ана шундай асарлардан ҳисобланади.

Жомий ҳам ўтмишдошлари каби овозларнинг интервал ҳолдаги ўзаро муносабатларини беради, уларни торнинг қисмлари нисбатидан чиқарган ҳолда асосий жинс - товушқатор (тетрахорд ва пентахорд)ларни ташкил қилиш ҳамда улардан жам (парда)лар ташкил этиш усулини кўрсатади. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа маҳсулни ўн иккн мақомлардан келиб чиқиб, Жомий асосий товушқаторларни ўн етти поғонали гамма ҳосил қилувчи ўн етти бўлакка бўладн (ин тервал нисбатлари центларда белгиланган):

Кейинчалик товушқатор асосини ўзбек мусиқасига хос бўлган миксолидий ладига мувофиқ етти поғонали гамма ташкил қилиши аниқланди. Шунингдек, рисолада ритм ҳақидаги таълимот ҳам кенг ривожлантирилган. В.Беляевнинг Жомий рисоласига ёзган изоҳларида “шеръий ритмика вокал ва ҷолғу асарларнинг айрим бўлаклари поэтик давралар узунлиги билан мос келадиган оҳанг чизиқларининг юзага келиши учун асос саналади” дейилади. Шунингдек, Жомий асосий ритмик формула (яъни усул)лар тузилишини тадқиқ этади. Рисоланинг хотимасида ладларнинг тингловчиларга таъсири ҳақида ҳам сўз юритиладики, бу пардаларнинг ахлоқий таъсири ҳақидаги қадимги юононлар назариясини ривожлантириш ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг бошқа мусиқачилари асарларидаги каби Жомийнинг асарида ҳам космологик гоялар баён қилинадики, ана шунга мувофиқ мусиқа табиат гармонияси ва жамиятнинг ахлоқий асосларини ифодалайди. Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин ал Урмавий асарларидаги қоидаларни кўпроқ такрорлаган ҳолда Жомий уларда ҳукмрон бўлган математик услублардан фарқли равишда мусиқачининг “соғлом ҳиссиёти”га мурожаат қилиб, унинг назарияда амалиёт томон кўприк ташлайди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963. 2 Джами Абдурахман. Трактат о музике, 105- бет.

Унинг қарашлари ўтмишининг Арнстоксен каби мутафаккирларининг қарашлари билан тўғри келади. Ўрта Осиё олимларининг мусиқа назариясига оид асарлари халқнинг мусиқий ҳаётига бағишиланган саҳифалардан жой олмаган. Лекин шак-шубҳа йўқки, сарой ва шаҳар доирасида оммавийлашган бой, ривожланган мусиқа санъати, ажойиб куйлар ижодкори, ижрочилиари бўлган Ўрта аср бастакорларининг профессионаллашиши халқ мусиқа маданияти заминида ўсди ва ривожланди, ижод этишнинг қатъий қоидалари эса халқ мусиқа амалиётнинг кўпинча ижодий қайта ншланиши натижаси бўлди.

**Шарқ манбашибунислиги.** Шарқда ўзига хос мусиқа фанининг яратилишига асос бўлган сабаблар ва манбалар. Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037) ва Ибн Зайла (вафоти 1049) илмий ишларининг яратилиши, тарихий, илмий ва амалий аҳамияти. Қомусий илмий рисолаларда ўзининг мукаммал ифодасини топган мусиқий масалалар. Абу Абдулло Хоразмий (Х аср) ва унинг “Илмлар калити” қомусий асари. Унда баён этилган мусиқий маълумотларнинг шарҳи. Ихвону-с-Сафо мусиқий рисолалари. Абул Фараж Исфаҳоний (897-967) ва унинг машҳур “Кўшиқлар китоби”. Асосий мазмуни ва аҳамияти. Сафиуддин Урмавий (1216-1294), Қутбиддин Шерозий (1236-1310), Маҳмуд Амулий (вафоти 1349) мусиқага доир илмий рисолалари. Темурийлар даври мусиқа маданияти бўйича асосий манбалар. Ҳожа Абдулқодир Марғий (1363 - 1434) ва бошқалар. Алишер Навоий даврида ва унинг раҳнамолигида яратилган мусиқий-назарий рисолалар ва уларнинг ҳозирги замон шарҳлари. А.Жомийнинг «Рисолаи мусиқий» асари. Нажмиддин Кавқабий (XVI аср) ва Дарвеш Али Чангий (XVII аср) мусиқий рисолалари. Бухорода Шашмақом туркумининг узил-кесил шаклланишига доир ишончли ёзма манбалар. Хоразм мақомлари туркумининг узил-кесил шаклланишига доир асосий манбалар. XIX асрда Ўрта Осиёда яратилган баёз ва куллиётларга изоҳлар. Уларнинг мавзулари, эндиликда манба сифатида қўлланилиши.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа манбашибунислигининг йирик намояндадарининг илмий тадқиқотлари. Ўзбекистон мусиқий манбашибунислигида амалга оширилган янги тадқиқотлар ва устувор режалар ўз аксини топди. Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданий юксалиши, санъатининг салномаси мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси ўша халқнинг ўтмишини ва келажагини белгилайди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг бой тарихига, маданияти ва санъатига эга бўлиб, унинг ривож топган миллат сифатида ўз ўрнига эга. Аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий маданият асослари, санъат дурдоналари, мусиқий маданиятимизнинг ноёб

ижролари, хуллас маданият ва санъатимизнинг барча йўналишлардаги кўринишлари бугунги кунда ҳам бўй басти билан намоён бўлмоқда.

ХХ асрнинг сўнги ўн йиллигидаги юртимиздаги ўзгаришлар натижасида, мустақилликнинг шарофати билан халқимиз аждодларимиздан мерос қолган, ўзининг бой маданияти ва санъати тарихини чуқур ўрганишга имкониятлар яратилдики, бу бебаҳо тарихимизга янгича ёндашишни, уни янгича тафаккур билан англашликни тақозо этади. “Халқимизнинг келажаги, - деб ёзади мамлакатимиз мустақиллиги асосчиси И.Каримов,- энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди”<sup>1</sup>.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки халқимизнинг кўп асрлик бой маданий меросини ўрганишда миллат тарихи, қадриятлар, миллий мафкура, миллий ўзликни англаш асосий мезон вазифасини бажаради. Халқимизнинг маданият ва санъат тарихини ўрганишда ана шу мезонларга суюнган ҳолда фикрлашга ундаиди ва миллий ифтихор туйғусини уйғотади. Халқимизнинг бой маданияти ва санъат тарихи билан қисқа сатрлар орқали яқиндан таништириш яъни, унинг ривожига янгича назар ташлаш деб қабул қилиш ўринлидир. ХХ аср охирида мамлакатимизда миллий мафкуравий сиёsat орқали миллий истиқбол ғояси тамойилига асосланган маданият тушунчаси, комил инсон тарбиясида маданият ва санъатнинг ўрни, маънавий маданият асосларига таянувчи диний маданият, бугунги ғоявий курашлар силсиласидаги миллий маданият ва санъат, эстетик маданият жабҳаларини бирлаштирувчи умумий фикрлар жамланган бўлиб, ҳар бир инсон учун ҳозирги кунда зарур бўлган маънавий тушунчалар таркиб топди.

Албатта, миллатимиз тарихи билан боғланган, ибтидоий жамоа даври санъати тарихидан бошлаб, қадимги дунё санъти, қадимги шарқ санъати, қадимги Ўрта Осиё санъати ҳамда Марказий Осиё ўйғониши даври маданияти ва санъати билан қисқача воқиф этди. Темурийлар даври хақида сўз кетганда Амир Темур давридаги миллий уйғониш, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқароларнинг маданиятимиз ва санъатимиз ривожига улкан хисса қўшди.

<sup>1</sup> И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон» 1997 й. 137 бет.

Тарихдан маълум Туркистонда маърифатчилик ва жадидчилик ҳаракати учинчи ўйғониш даврини бошланиши деб эътироф этилади. Дархақиқат маърифатчилар таълим ва тарбияга янгича услугуб билан ёндашиш, янгича фикрлаш билангина янги авлод тарбиясида муваффақиятга эришиш мумкин деган ғояни олдинга сурадилар. Ўз навбатида ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари бугунги кунда ҳам ўз ўрнини йўқотмаганлиги ва сақлаб қолинганлиги, хозирги авлод вакиллари ҳам ўзбекона удумларни давом эттираётганлиги миллий менталитетимизнинг нақадр улуғлиги, софлиги ва халқоналийлиги билан ажralиб туради.

Тарихан ривожланиш даврини бошдан кечирган XX аср бошларидан заминимизга профессионал санъат сифатида кириб келган халқимизнинг томоша санъати, кино санъати, театр санъати, рақс санъати ва унинг тарихий ривожи ўз аксини топади. Шунингдек, тарихдан халқ орасида ривожланиб келган халқ амалий санъати, тасвирий санъат ҳам мусиқа санъати билан ўйғун ҳолда ривожланиб, бир-бирларини тўлдириб келганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти алоҳида тарихий ривожланиш босқичларига эга. Аждодларимиздан бизгача етиб келган мусиқий меросимиз бугунги кунда ҳам маънавиятимизнинг сарчашмаси бўлиб хизмат қилмоқда. Мусиқа маданиятимизнинг тарихи, мақом санъати, ижрочилик йўллари ва мактаблари, халқ фольклор ва достончилик санъати ҳам мустақиллик йилларида халқимизнинг унутилаёзган удум, анъаналинини қайта тиклаш йўлида улкан ишларни амалга оширди.

Албатта ҳар бир миллат, халқ ўз тарихини билишлиги ҳаётий заруратdir. Шундай экан ўзбек халқининг ҳам аждодлардан қолган бой тарихий меросини, маданияти ва санъати тарихини хозирги авлодларга, айниқса ёшларга етказиш жараёни баркамол авлод тарбиясида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши табиийdir. Зеро жаҳонга Абу Али Ибн Сино, Мухаммад ал - Хоразмий, Ахмад ал -Фаргоний, Абу Наср Фаробий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур сингари улуғ фарзандларни берган ўзбек халқи ўзининг бой маданий тарихини эҳзозлашга ва шундай улуғ аждодлари билан фаҳрланишга хақлидир.

Қадимги шарқ халқлари санъати ва маданияти тарихи катта даврни ўз ичига олади. Қадимги шарқда мавжуд бўлган қадимги Миср подшохлиги, олд Осиёдаги Шумер, Аккад, Бобил (Вавилония), Оссурия, Урарту, Хетт давлатлари, Эрон империяси, Ўрта Осиё, Хиндистон, Хитой, ва Жанубий Шарқий Осиёдаги давлат ва подшохликлар жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирдилар. Шарқ халқлари яшайдиган худудда қуёш нурининг мўллиги,

суви, тошқин дарёлари, серунум ерлари одамларни эрта дехқончилик ва чорвачилик билан шуғуланишга ўргатди. Қадимги Шарқда санъат узоқ вақт хунармандчилликни бир қисми сифатида қолди. Эрамиздан аввалги 5000-4000 йилларда ёк бу ерларда синфий жамият - қулдорлик жамияти шаклана бошлади ва бу жамият янги эранинг бошларигача давом этди. Қулдорлик жамияти санъатининг вазифаси эса кўпчиликни бошқарувчи синфга, эксплуататорлар ғоясини омма ичидаги тарғиб қилиш бўлиб қолди. Шарқ халқларининг реализми ҳам ўзига хос хусусиятга эга. У кўпинча воқелик, кишилар ва тушунчаларни фантастик образларда, рамзий ва шартли белгиларда тантанали, улуғвор қилиб ифодалайди. Биз Шарқ санъатини ўргангандаги алоҳида йирик санъаткорлар ижоди тўғрисида тўхталмаймиз. Чунки, санъат намуналари омма ичидан чиқсан номаълум истеъдод эгалари томонидан яратилган.

Қадимги шарқ санъатида қадимги Миср санъати алоҳида ўрин тутади. Қадимги Миср санъати деярли 4000 йилни ўз ичига олган даврда тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликни нодир дурдоналари дунёга келди. Бу кунда ҳам ўзининг маҳобати, бадиийлиги билан барчани ҳайратга солади. Бу ерда биринчи марта инсон ва унинг меҳнати санъаткор асарида ўз ифодасини топди. Қадимги Миср санъатининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у дин билан алоқада ва унга тобе бўлган. Миср эҳромлари қаторидан жой олган уч династия фиравни Жосер мақбарами, IV династия фиравнлари Хуфу, Хафра ва Минкиура пирамidalари Фифадаги Карнак ва Луксор ибодатхоналари гигант меъморчилик санъатининг нодир намуналари. Қадимги Миср тасвирий санъати меъморчилик билан боғлиқ холда ривож топди. Миср санъати умумжаҳон санъати тараққиётida ўзига хос қайтарилилмас ўринни эгаллайди.

Олд Осиё санъати деганда ўрта ер денгизи, хавзасининг шарқий қисми соҳиллари, Кичик Осиёning тоғли районлари территорияларида эрамиздан аввалги Шумер, Аккад, Оссурия, Урарту, Бобил каби қатор давлатлар мавжуд бўлиб, улар жаҳон санъати тарихига ўз хиссаларини қўшганлар. Бу ерда хайкалтарошликтин гўзал асарлари яратилди, деворий суратлар, нозик амалий-декоратив буюмлар ишланди. Аккад подшохлиги даврида Олд Осиё ягона давлатга бирлаштирилди. Шу даврда тасвирий санъат реализми ортди. Айни шу даврда Шумер достони «Гилгамиш» яратилди. «Саргон хайкали», «Семит портрети», «Нарасмин стелласи» ўша даврнинг машҳур асарларидандир. Олд Осиё санъатида нодир меъморчилик ва тасвирий санъат ёдгорликлари юзага келди.

Ахмонийлар даврида вужудга келган санъат ўрта шарқ халқлари тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Бу санъат бевосита ўрта шарқда

яшайдиан халқларининг янги ўзаро муносабатлари натижасида, атрофдаги халқлар санъати таъсирида равнақ топди. Жумладан подшолар саройларини куришда Суғд, Бактрия ва Хоразмдан келган уста ва санъаткорлар меҳнат қилганликлари хақидаги маълумотлар мавжудлиги шундан далолат беради. Ахмонийлар даври санъати атрофидаги мамлакатлар санъатига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган.

Қадимги Шарқда ўзига хос хисобланган Хиндистон санъати ҳам қатор тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Бу тараққиёт жараёнида хинд санъатига gox Шумер, gox Грек санъатининг таъсири бўлган. Лекин шунга қарамай, унинг санъатида ўзига хослик мавжуд бўлиб, у асосан халқ санъати, айниқса ҳунармандчилик таъсирида бўлган. Хиндистон санъати қадимдан ҳар-хил динлар тапсирида ривож топган. Қадимги Хиндистон санъатининг гуллаган даври Маурия сулоласи (э.ав. 272-232 й)да содир бўлди. Ашока хукмронлиги даврида буддизм кенг тарқалди. Ибодатхоналар қурилишига, тасвирий санъат асарларига кенг эптибор берилди. Аджантадаги ғор ичидаги ибодатхона ва шунга ўхшаш қатор санъат асарлари қадимги хинд маданиятининг нодир намуналариdir.

Хулоса қилиб айтганда қадимги шарқ санпати ўйғониш даври санъатнинг ривожланишига муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

## Ўрта аср ўйғониш даври намоёндалари Ахмад ал-Фарғоний

Ахмад ал-Фарғоний яқин ва Ўрта Шарқда “Хосиб” (математик) мартабасига сазовор бўлган. Ахмад ал-Фарғоний Марказий Осиё ўйғониш маданиятининг йирик арбобларидан бири хисобланади. Ал-Фарғоний ҳар томонлама билим соҳиби бўлиб, илми нужум, жўхрофия, математика, табиатшуносликнинг бошқа соҳаларида нафақат мусулмон шарқида, балки Европада ҳам катта шухрат топганлиги маълум. Улуг олим туғилиб ўсган Фарғона ўлкаси қадимдан ўз даврининг юксак маданиятига эга бўлган ва тараққий этган ўлка бўлган. Хўжанд, Ахсикент, Марғилон, Қубо, Қўқоннинг шуҳрати ўша даврларда ҳам юксак эди. Унинг қуйидаги асарлари мавжуд: “Астролюбия хақида мукаммал китоб”, “Астролюбия санъати хақида”, “Етти иқлим китоби”, “Мармарнинг хизмати хақида китоб”, “Самовий харакатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси хақида китоб” асарлари бизгача етиб келган. У илм-фан ривожланган шаҳарларда яшаб ижод қилди. Бағдод халифасининг “Байтул хикма” академиясида ишлади. Умрининг сўнгти йилларини Мисрда ўтказди ва шу ерда вафот этди. Европадан “Ал-Фраганус” номи билан машҳур бўлган. Унинг илмий асарлари жаҳоннинг энг катта кутубхоналарида сақланади.

### **Абу Наср Фаробий**

Абу Наср Фаробий 873 йили таваллуд топган. 950 йилда вафот этган. Ўтрор шаҳрида яшаган. Фаробийнинг маданият соҳасига қўшган хиссасини турли фан соҳаларида олиб борган илмий тадқиқотлари, ёзган асарлари асосида аниқлаш мумкин. “Масалалар манбаи”, “Қонунлар хақида китоб”, Фалакиётнинг давомийлиги”, “Хажм ва миқдор”, “Катта мусиқа китоби”, “Мусиқа хақида сўз”, “Инсон аҳзолари хақида рисола”, ”Шеър ва қофиялар”, ”Луғатлар хақида китоб” сингари кўплаб китоблар қолдирди. Масалан, хунармандчилик, табиблиқ, дурадгорлик ва бошқалар нуқтаи назаридан уларни “хунармандчилик” ва “санъат” соҳаларига бўлади. Фаробий “Мусиқа хақида катта китобида” бу билимни бошқа назарий билимлардан фарқ қилишини, уларни эгаллаш учун восита ва усууллар ўрганиш талаб қилинишини айтади. Фаробийнинг илм хақида қарашларида шарқ ўйғониш даври ижтимоий тафаккурининг илғор йўналишлари ўз ифодасини топади, у маънавий маданиятимиз равнақига қўшилган катта хиссадир.

### **Абу Али Ибн Сино**

Ўйғониш маданиятининг улкан арбобларидан бири Ибн Синонинг асли исми шарифи Абу Али Ал-Хасан ибн Абдуллоҳ Ибн Сино бўлиб, 980 йилда Бухоронинг Афшона қишлоғида таваллуд топган. Замона зайли билан Хоразм, Эронни турли шаҳарларида хаёт кечиради. Саргардонлик йилларида ўзининг йирик асарларини ёзади. 1037 йилда Исфахонда вафот этади. Ибн Сино жаҳон маданияти тарихида қомусий билимга эга бўлган йирик арбоб сифатида алоҳида ўрин тутади.

Унинг фанни турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асари мавжудлиги тўғрисида маълумот берилди. Уларда тиббиёт, мусиқа, фалсафа, этика, илоҳиётшунослик, тилшунослик, эстетика масалаларига оид фикрлар берилади. У яратган китоб “Аш-шифо” 21 томдан иборат бўлиб фалсафий ва тиббий билимлар қомуси хисобланади. Ибн Сино бадиий намуналари, шеърлар, қиссалар, рубоийлар ижод қилди. “Тайр қиссаси”. “Соломон ва ибсол”, “Хай ибн Якзон” қиссалари ва ўзининг серқирра бой ижоди билан жаҳон маданияти тараққиётида фавқулодда ролп ўйнайди.

### **Абу Райхон Мухаммад Ибн Аҳмад Беруний**

Ўйғониш маданиятининг йирик арбоби Беруний 973 йил сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилди. (“Берун” сўзи ташки шаҳар маъносини билдиради). 16-17 ёшидаёқ математика ва астрономиядан етук олим бўлиб етишди. 995 йилда дунёда биринчи бўлиб глобусни яратди,

ой тутилишини кузатди. 997 йилда унинг саргардонлик хаёти бошланади. Рай, Гургон, Ғазна шаҳарларида яшайди. Шу даврда Ибн Сино билан учрашади. 1048 йилда Ғазнада вафот этади. Унинг ўтмиш ёдгорликлари”, “Хоразмнинг машҳур зотлари”, “Геодезия”, “Хиндистон”, “Қонуни маҳсудий”, “Минералогия”, “Сайдона” сингари йирик асарлари мавжуддир. “Ўтмиш ёдгорликлари” асарининг бир катта бўлимида урф-одатлар, расм-руслар, афсоналар, фолклор санъати, хайит байрамлари, диний маросимлар, ва Наврӯз байрами хақида қимматли маълумотлар беради. Буюк асари “Хиндистон” китобида хинд маданияти тарихига бағишлиланган хазиналар ўрин олган. Абу Райхон Берунийнинг илмий ва фалсафий қарашлари ўша даврда кенг тарқалган ғоявий курашларда катта ижобий ахамиятга эга бўлди. Унинг хоки 1997 йилда ватандашларимиз томонидан, олиб келиниб Беруний шахрига дағн қилинган. Бу ер барчанинг зиёратгоҳига айланган.

## 2.Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари.

Ислом бадиий ва илмий ижодиётга ҳам ўз таъсирини қўрсатди. Ушбу феноменни тафаккур этиш, доимо ўзига хос муаммоли масала бўлиб келган. Аммо, шундай бўлса-да бу ҳақда мавжуд манбаларга асосланган ҳолда фикрлар (илмий фаразлар, тахминлар) билдирилган ва ёзилган. Ҳар бир тегишли манбада анъанавий мусулмон маданияти ўзига хос тарзда талқин этилган. Ислом ва мусиқа муаммоларини чуқур ўрганишда баъзан манбалар ва материалларнинг талаб даражасида эмаслиги (яъни, масалалар эчимиға қониқарли жавоб берувчи маълумотларнинг этишмаслиги) ҳам бу мавзуни атрофлича ёритиш мураккаблаштиради.

Ислом ва мусиқа муаммоси икки йўналишда ўрганилиши мумкин. Биринчиси “расмий” Ислом, яъни мазҳаблари ва талқинлари, иккинчиси эса дин ичида вужудга келган тасаввуф оқимиmdir. Ана шу икки дунё миқёсида мусиқа турли бадиий ва фалсафий-естетик шаклларга эга бўлди. Бунда мусиқа шаклларининг кўлами, мусиқа тинглаш ва уни ўрганишиш ман этилишидан тортиб, токи мусиқа ёрдамида Оллоҳга етишиш каби жараёнгача бўлган тушунчалар билан белгиланади.

Бирин-кетин вужудга келган бу икки дунё мураккаб тарзда бир-бири билан «қоришиб» кетган. Ўрта асрларда яшаган инсон ”оддийдан – мураккабга” томон Ислом қонунларини ўрганганди. Яъни, Ислом асослари, сўфийлик шариати, тариқати ва ҳоказо. Тасаввуф Ислом дини қонунлари, ғоялари ва тимсолларини чуқур фалсафий, рамзий-естетик маъно ва мазмун билан бойитади. Маълумки, Қуръони Каримда мусиқа санъатига бўлган муносабат тўғридан-тўғри (очик) билдирилмаган. Мусиқа мавзуси кўпроқ

хадисларда ёритилган. Мусиқа тарафдорлари ва қаршилар айнан шу манбага таянган ҳолда иш кўришган. Турли хил илмий изланишлардан шу нарса аниқланадики, мусиқага бўлган қаршиликнинг иккита асосий сабаби мавжуд. Ҳар бир сабаб маълум бир тарихий даврга тўғри келади ва сиёсий-мафкуравий ҳамда маданий ривожланиш билан боғлиқ бўлади.

Дастлабки мусиқага бўлган қаршилик, VII-VIII асрларга тўғри келади. Ислом дини христианлик, яхудийлик зардуштийликка нисбатан қаршилиги бўлмаса-да, ўзининг “ички душманлари” бўлмиш “бутпарастлик”, “кўпхудолик”ка қарши аёвсиз кураш олиб борган. Ана шу “унсурлар” арабларда (Ислом дини жорий бўлишидан аввал) товуш, сўз, тасвир каби материалларда акс эттирилгандир. Масалан, мусиқа бутпарастлар диний маросимларида қўлланилиб, уларнинг афсоналари билан йўғрилган. Мавжуд маълумотлар (илмий фаразлар, тахминлар)га кўра айнан шу сабабли Ислом дини нозил бўлганида мусиқа ман этилган.

Мусиқа билан боғлиқ тасвиirlар деворларга ҳам чизилган Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ҳудудларидан топилган мусиқачиларнинг терракота ҳайкалчалари бу ерларда мусиқа анча юқори мавқега эга бўлганидан далолат беради. Зардуштийлик ва буддавийликда мусиқадан кенг фойдаланилган. Улар маросимларда мураккаб тизимли мусиқий тимсолларга таянишган. Буддизм рамзига машҳур “Айритом пештоқлари”ни боғлаш мумкин. Бу даврда мусиқа ҳам тасвирий санъат сингари Исломдан бўлак динларнинг рухи ва ғоясини ифодалаб, уларнинг тимсолларини ўзида намоён этган. Аммо мусиқа ва тасвирий санъатга нисбатан қўлланилувчи ҳуқуқий тартибот ўша пайтда ҳали йўқ эди. Унинг жорий этилиши VIII-IX асрларга тўғри келади. Боиси, бу даврда хадислар жорий бўлиб, Исломнинг тўрт асосий мазҳаблари – ханбалий, моликий, шофеий ва ханафий ташкил топди (ушбу мазҳаблар уларнинг асосчилари номи билан аталган). Мазкур мазҳабларнинг бевосита мусиқага доир фикрлари кейинчалик ёзиб қолдирилган қонунга оид, тасаввуф ва баҳзан мусиқашуносликка оид манбаларга иқтиbos тарзида киритилган. Ислом динида мусиқанинг таҳқиқланишига сабаб, бошқа динларга ўхшамаслик, яъни ислом аҳлини мусиқа билан чалғитиб, диннинг таъсир кучини сусайтирмасликда эди. Ислом дини ўз маросимларини ҳар қандай «дунёвий унсурлар» билан бузишдан сақлади. Бу ҳолат мусиқадан воз кечишнинг иккинчи сабабидир. IX-XI асрларда Ислом аҳли маданиятида “дунёвий” рағбат ҳукмронлик қила бошлаган. Шаҳарларда мусиқа етакчи ўринга эга бўлади. Мусиқа ҳиссиётроҳати учун восита ҳисобланган. Мусиқа “дунёвий” яшаш тарзининг бошқа кўринишлари, яъни, май, қимор ўйини кабилар қаторида инсонни охиратга бўлган ишончини сусайтиради ёки умуман йўқотади, деган фикрни илгари

сурган. Мусиқа ман этилишининг иккинчи сабабига “мутриблар” ҳам ўз ҳиссасини қўшишган. Мутриблар, яъни мусиқачилар асосан зиёфатларда, майхўрликларда қатнашиб, мусиқа чалишган (ёки куйлашган) ва эвазига ҳақ олишган. Базму-жамшиддаги мусиқа ижроси дин томонидан қаттиқ қораланганд. Аҳлоқан бузук мусиқачиларга қарши мусиқа санъатининг йирик намояндлари ҳам қарши чиқишиган. Бундай тоифа мусиқачиларга ўз навбатида Алишер Навоий ҳам “муносиб таҳриф” берган.

Ўша даврларда қонуншунослар инсон ҳаётида мусиқа билан тўқнашадиган турли вазиятларни ҳисобга олган ҳолда қонунлар таъсис этардилар. Асосан диний ва тасаввуфга оид китобларда мусиқа 4 турли қоидаларга бўйсунганд ҳолда ижро этилиши белгиланган: ҳалол (шариатга мувофиқ равишда), ҳаром, мубоҳ иа макрух.

Дин билан боғлиқ бўлган, яъни қурҳони Каримни қироат билан ўқиш, аzon чақириш, ҳарбий мусиқа кабилар эса қонуний равишида рухсат этилган бўлиб, мусиқа санъатининг шакллари сифатида тан олинарди. Алломалардан бири Ал-Фаруқийнинг таҳқидлашича, “Ислом ҳеч қачон мусиқа санъатига қарши бўлмаган. Дин фақат айрим ҳолатлардагина маълум бир шаклларни қабул қилмаган. Бу ҳолатлар инсонга мусиқанинг салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқдир”. Ислом дини ва мусиқанинг ўзаро муносабатлари сулолаларнинг алмашуви билан ҳам боғлиқ. Шўнингдек, жамиятнинг ҳар бир табақаси динга турлича муносабатда бўлганлиги сабабли, мусиқага бўлган муносабат ҳам албатта шу ҳолат билан боғлиқ бўлган. Айни вақтда мусиқа бобида Исломнинг назарий қонунлари замонавий жамият билан тўқнаша бошлади. Бу ҳолат XIX асрнинг охирларида ёрқин намоён бўла бошлаган. Демократия, маҳрифатпарварлик каби ҳаракатлар динга нисбатан янгича булган муносабатни юзага келтирди. Одамлар сиёsat, техника, европача илм каби соҳаларга интилиб, диннинг кўпгина қонунларини баҳзан ихтиёрий, баҳзан ихтиёrsиз равишида буздилар. Бундай ҳолат динни маълум даражада ислоҳотга учрашига сабаб бўлди. Маҳрифатпарварлик ҳаракати мусиқа маданияти соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, янгича нодир мусиқий дурдоналарнинг яратилиши, янги чолғулар, мусиқий техника воситалари, янгича мусиқий илм ва ҳоказо. Бундай янгиликлар “Ислом ва мусиқа” муаммосини янада мураккаблаштириди

Мусулмонлар ўзларига яна савол бера бошлади: муснқага қандай муносабатда бўлиш керак муаммо “янгича” тафаккур этилиб эчимини топиши керак эди. XX аср, “Ислом ва мусиқа” муаммосига ўзгаришлар олиб келди. “Мусиқий секуляризатсия” (мусиқани дин таъсиридан халос этиш) жараёни турли вақтда, турли шаклларда ислом дунёсининг йирик марказларида кеча бошлади (араб мамлакатлари, Туркия, Эрон ва б.). Ислом

динининг ички йўналишларидан бири саналган тасаввуф оқими, ўн асрдан зиёд тарихий жараённи ўз ичкга олган ҳолда бутун мусулмон дунёсида тарқалгандир. Худога ва Ҳақиқатга эришишнинг илоҳий жараёни (“шариат” – мусулмонларнинг диний қонуни, тариқат – сўфийлик йўли, ҳакиқат – Оллоҳга этишиш) суфийлик таълимотида санъат билан боғлиқ. Сўфийлик таълимотида мусика, шеърият ва рақс санъатининг этакчи турларига айланди. Санъат – шайхларнинг ўзаро мунозараларига сабаб бўлган. Баъзилар Оллоҳга этишиш йўлида санъат воситасини қулай деб билсалар, айримлар бунинг аксини айтар эдилар. Масалан, бундай бахслар киромийлар ва қодирийлар тариқатлари ўртасида олиб борилган. Киромийлар Оллоҳга эришишда мусиқанинг ўрнини юқори деб билсалар, қодирийлар мусика, баланд товуш воситаларни умуман рад этганлар. Бу сингари бахслар қанчалик кўп бўлмасин, сўфийлик таълимоти айнан мусика сабабли ўз моҳиятини кўрсата олди. (Айнан санъат туфайли тасаввуф ўзининг ҳаётий қарама-қаршиликларини эча олди ва одамзоднинг яшаш сирлари эчимини топа олди.

Сўфий гўшт емаган, дори-дармон ичмаган, чўмилмаган, ўзини очликка маҳкум қилган, қариндошлари хақида гапирмаган, негаки, буларнинг барчаси моддий ҳаёт билан боғлиқ бўлган.

Инсоннинг ички кечинмалари (субъектив кечинмалар) сўфийлиқда юқори даражали аҳамиятга эга бўлган.

Тасаввуф назариётчилари санъатни Оллоҳга этишиш, йўлидаги бошланғич нуқта деб билганлар. Тасаввуф учун барча санъат турлари орасида мусика биринчи ўринда турган. Ислом дини мусика соҳасини таҳқиқлаган бўлса-да, сўфийлик таълимотида мусиқага батамом қарама-қарши назар билан қаралган. Албатта, аввалига тасаввуф эстетикаси мусиқадан очик-ойдин фойдалана олмаган мусика аста-секинлик билан кириб келган.

Дастлабки тасаввуф оқимининг ғоялари (VIII-IX асрлар) ислом динига “қарама-қарши” бўлган. Яна шундай қаршиликлардан бири мусика эди. Мусика сўфийларда “самоҳ” (tinglash) атамаси билан қўлланилар эди. Дастлабки сўфийлик йиғилишларида шайхлар мусиқадан кенг фойдаланишган (мажлиси самоҳ). Мажлисларда мусиқий айтимлар, шеърий шакллардан фойдаланишган. Аммо улар ўзига хос сўфийлик маъносига эга эди. Кўпинча рубоий-тароналар панд-насиҳат ва фалсафий-этик ҳарактерда бўларди. Марказий Осиёда тасаввуфнинг кўпқиррали дунёси, дарвешлар, қаландарлар, фақирлар томонидан намоён этиларди. Тасаввуфнинг Марказий Осиё халқларида “Яссавийхонлик” тариқати ҳам кенг ривожланган эди. Тариқат

асосчиси Ҳожи Аҳмад Яссавий бўлиб, унинг мероси оғзаки анъана орқали бизгача этиб келган. Аҳмад Яссавий мақбараси (қабри) 800 йилдан буён Марказий Осиё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади. Инсон ҳаёти зиёратдан-зиёратгача, яъни қисмларга бўлинган. Ҳаётий туркумлар чегараси Яссавий хонақосида ўтказилган зикр рақслари билан белгиланган.

Инқилобдан аввалги даврда Яссавий хонақосида “кичик” зикрлар бир ҳафтада бир марта ўтказиларди (жума кунида). Бир йилда бир марта эса хонақога зиёратга борилган ва зикр тушиш маросими ўтказилган. “Катга” зикр маросими 25 декабрдан 5 февралгacha бўлган вақт мобайнида амалга оширилар эди (қишки чилла вақтида). Ҳозирги даврда зикр маросимлари ўтказилмай қўйилган. Аммо шундай бўлса-да, бу ерларга саёҳатчилар, шунингдек, Европа, Америка, Осиё мамлакатларидан шарқшунос олимлар келиб туришади. Мадраса толиблари, Худо йўлига кирган одамлар, маънавий ва жисмоний соғайишни истаганлар ҳам бу ерларга келишади. Якка ҳолда, оиласвий, гурух бўйлб одамлар хонақо атрофини айланадилар ва девор ғиштларига қўл уриб, юз-кўзларига суртадилар. Киши билмас тарзда бу ерга шаманлар ҳам келишади. Улар ҳам ишларини бошлашдан аввал дуо олиш илинжида бўлиҳади. Аммо улар шуни ҳам билишадики, зиёратни Яссавийнинг биринчи устози Арслонбоб қабридан бошлаш керак. Шундай тартиб бўлмаса, зиёратлар қабул бўлмайди.

Арслонбобо ва унинг шогирди бўлмиш Аҳмад Яссавий мақбараларини халқ турли афсоналар билан боғлашган. Айтишларича, икки диндорнинг мозорлари ўртасида ер ости йўлаги бор эмиш. XIV аср охирларида Темур ҳукмига биноан мозор устига хонақо қурилиши бошланганида ғайриоддий воқеалар содир бўла бошлаган. қурувчилар анчагача иш бошлай олмаганлар, Кундалик қурувчилик ишларидан сўнг, катта хўкиз келиб, қурилган жойни бузиб кетар экан. Шу тарзда бир неча кун ўтган. Темурнинг тушига Ҳожа Аҳмад кириб, хонақо аввал Арслонбоб мозори устига қурилиши кераклигини айтган. Шундан сўнг ишлар юришган. Арслонбонинг қабри Чимкент вилоятининг қизилқум раёнида жойлашган. Бу ерларда шаман (бахши)чилик кенг ривожланган. Қадимдан бу ерда авлиё шахслар яшаган. Атрофдаги қишлоқларда яшовчиларнинг кўпчилиги Яссавий билан қондош эканликларини таҳқидлайдилар. Айнан шулар Туркистон хонақосида зикр маросимлари учун йиғилардилар. Махаллий шаманчилик сўфийлик иа Ислом тасаввурлари билан боғлиқ. Ана шу асосда Аҳмад Яссавий таълимоти юзага келган.

Ҳожа Аҳмад Яссавий турли номлар билаш қайд этилади: Ҳожа Аҳмад, Ҳазрати Султон, Ҳазрат, Пири Туркистон, Ота Яссавий ва ҳоказо. Аҳмад Яссавий ўз таълимотини турк халқларига бағишишлаган эди. Яссавий тариқати

(йўли) айнан ундан бошланган. Ушбу тариқат Марказий Осиё ва Қозоғистон яшовчи ўтрок ва кўчманчи халқлар орасида тарқалган. Яссавийдан “ота” дейилмиш генеологик шажара бошланган. Яссавий таълимоти ўз таъсирини бошқа сўфлийлик тариқатларига кўрсатган: нақшбандия, кубровия, қаландария ва бошқалар.

Аҳмад Яссавий мероси – бу унинг “ҳикматлари”дир. “Ҳикматлар” – ўзига хос шеър-достон бўлиб, оғзаки тарзда ижод қилинади. Ҳикматлар оҳангларга солинган. Улар яккахон ёки жамоа бўлиб ижро этиш учун мўлжалланган. Оғзаки, ёзма тарзларда тарқатилган. Нашр қилинган ҳикматлар битта китобга “Девони ҳикмат”га жамланган қоидага кўра, ҳикматлар тўртликлардан иборат бўлиб, умумий мавзу, мазмунга эга бўлган.

Ҳазрати Султоннинг қилган ишларини мусиқасиз тасаввур этиш мушкул. Унинг ҳикматлари Марказий Осиё ва Қозоғистондаги барча диний айтимлар қатламидан ўрин олган (қаландарлар, маддоҳлар, баҳшилар, отинлар ижро бисоти шулар жумласидандир). Ҳикматларнинг ижро этилиши услублари кўлами ҳам анча кенг бўлган (шарҳли декламатсион-речитациядан, мақом санъатига яқин юқори касбий даражадаги “хониш”). Хожа Аҳмад ва унинг ҳикматлари тарафдорлари “яссавийхонлик” номини олган анъанага асос солдилар. Ва ниҳоят, Аҳмад Яссавий ва унинг ҳикматлари сўфийларда “зикри жаҳрий”нинг ривожланишига сабаб бўлган. А.Яссавий ҳақидаги маълумотларни турли манбаларда учратиш мумкин (ҳикматлар, сўфиийликка оид адабиётлар афсоналар ва ҳоказо). А.Яссавий шахси сирли, ечимини топмаган тилсимдир. Баъзи шарқшунослар уни ҳаттоки, бу дунёда яшаганлигини ҳам ҳали ҳануз гумон остига қўядилар. Шу билан биргаликда хақиқат ва тўқима ўзаро шу қадар боғланиб кетганки, уларни ажратиб бўлмайди.

Баъзи маълумотларга кўра Яссавий Яssi шахрида баъзиларида эса Сайрамда туғилган деб эътироф этилади. У диндорлар оиласида дунёга келган. Отаси – Шайх Иброҳим ота ва онаси қорасоч момо, ўғиллари Аҳмад 7 ёшлигига ёк оламдан ўтган эдилар. Шу ёшида у “буюк шайхлар”дан бири бўлмиш Арслонбобнинг тарбиясига ўтган. Арслонбоб Аҳмадга ислом дини асосларини, ундан сўнг эса сўфиийлик таълимоти ва зикри тарғиб этишни ўргатди.

Арслонбобнинг вафотидан сўнг Яссавий энг катта ҳикматларидан бирини унга бағишилаган. Арслонбоб тарбиясига ўтмасдан аввал ҳам Аҳмад илоҳий кучга эга бўлиб, унинг ҳаётида хронологик равища турли ғайри оддий воқеалар содир бўлиб турган. Умрининг биринчи йилида арвоҳлар, иккинчи йилида – пайғамбарлар, учинчи йилида – чилтонлар, тўртинчи йилида – Муҳаммад (с.а.в.) ва Хизр бувалар келиб туришган экан. Улар

кичик Аҳмадни Худо йўлига хизмат қилиш учун тайёрладилар. Бутун умри давомида илоҳий кучга эга бўлган одамлар Яссавийга ёрдам бериб турадилар. Арслонбоб вафотидан сўнг Яссавий ўқишини давом эттириш учун Бухорога кетади ва у ерда Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид тушади (вафоти тахминан 1140-1141й.). Ўқиш сўнгида Яссавий шайхлик қилиш учун устозидан дуо олади. Кейин эса унинг ўзида муридлар пайдо бўлади Яссавий сўфийлар жамоасига бошчилик қиласди.

Аммо бироз вақт ўтгандан сўнг Яссавий Бухородаги фаолиятини тўхтатиб, ўзининг даштларига қайтади. Унинг муридлари Фиждувонийнинг қўл остига ўтадилар. Яссавий эса умрининг охиригача Туркистанда яшайди (тахм. вафоти 1166-1167 йй.). Унинг ўз ватанига қайтишини бир нечта сабабларини айтишади. “Юқоридан” турк кўчманчи халқларига Исломни тарғиб этиш ҳақида белги берилади. Яна бир сабаби, “эгри” йўлда юрганларни “тўғри”, яъни Ислом йўлига жалб этиш. Ислом аҳли томонида А.Яссавий Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг турган. Муҳаммад (с.а.в.) 63 ёшларида вафот этган бўлсалар, Яссавий 64 ёшида ердаги “носоз” ҳаётдан чарчаб, ер остига кириб кетган дейилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг мухим мавзуи – зикрdir. У тўғри маънода сўфийнинг юрагида пайдо бўлиб, сўнгра йиғи ва илтижолар кўринишида ташқарига чиқади. Яссавий издошлари зикрни ўз тариқатларининг асосий тавсифномасига айлантирганлар. Улар амалиётда қўллайдиган зикр “жахрия” (юқори овозли зикр) дейилади. Бу сўз тариқат номига айланди (“яссавий” атамаси вақт ўтиши билан ўз ўрнини “жахрия” атамасига бўшатиб берган). Бу ҳол XVIII-XIX асрларда бўлган. Зикрнинг бошқа тури “хуфия” дейиларди. “Хуфия” зикри охиста, берк тарзда ўтказиларди. Ушбу маросимнинг “зикри appa” турида Яссавийнинг ўзи ҳам иштирок этган. Бу ҳақда Яссавий ҳикматларидан билиш мумкин. “Зикри – appa” ҳақидаги батафсил маълумотлар тасаввуфга оид асарларда (XVI-XVIII асрларда) пайдо бўлган. Зикр, яъни Оллоҳ номларини (исмларини) ёдга олишни. Ҳақиқатга эришмоқни истаган ҳар бир сўфий ўтказиши шарт. Яссавий зикрни 5 ёшидан амалиётда қўллай бошлаган.

Тасаввуф таълимоти асосида сохта ва ҳақиқий сўфийларни аниқлаш гояси ётади. Сўфийлик зикрларида Худонинг етти номи айтилар эди: Яссавий ҳикматларида эса Оллоҳнинг учта сифати қўлланган: хайи (тирик), ҳақ (ҳаққоний), хува (У, яъни Оллоҳ). Яссавий ҳикматларида “зикри илоҳий”, “зикри қалб” каби зикр турлари ҳақида ҳам қайдлар бор. Яссавий тариқатида зикрнинг ўзига хос тури “чаҳор зарб” дейилади. “Чорзарб”нинг ўзига хослиги тавҳиднинг такрорланишидадир. Чорзарбнинг очиқ ва баланд овозда айтилиши, рақс жўрлигига бўларди. Чорзарбнинг сўз формуласи – “Ла илаҳа иллаллоҳ”дир. Бунда ҳар бир бўғин маълум ҳаракатлар ёрдамида айтилган.

Чорзарбнинг ритмик формуласи ҳам бўлган (“як зарб”, “ду зарб”, “се зарб”, “чор зарб”). Ушбу формулалар диний руҳдаги бошқа айтимлар ҳам қўлланилган. Як зарб, ду зарб, се зарб, чор зарб деб номланган зикр қисмлари куйлари Тошкент ва Фарғона водийсида XIX-XX асрларда қўлланилган диний айтимлар билан ҳамоҳанг. Жумладан,

Як зарбда Оллоҳнинг номи бир марта айтилади;

Ду зарбда Тангрининг номи икки марта антилади;

Се зарбда Яратганинг номи уч марта айтилади;

Чорзарбда Худонинг номи тўрт маротаба айтилади.

Зикр айтувчилар эса ҳикматларда “зокир”лар деб келтирилади. Зикри аррада ҳақиқатга эришиш учун жазава ҳолати белгиланган. Зикри арра, афсоналарга кўра Закариё пайғамбарнинг ўлими билан боғлиқ экан. Закариё душманларидан қочиб дараҳт ковагига беркинади. Буни пайқаб қолган душманлар эса дараҳтни арралашади, шунда Закариё ҳам қийналиб вафот этади. Шу даврдан бошлаб зикри-арралар ўтказила бошланган. Зикрда аррага ўхшаш товушлар, Закариёнинг ўлим олди нолалари ўхшатма, тақлид этилган. Яссавий ҳикматлари икки асосий йўналишда қўлланилган: 1) сўфийлик зикрида, 2) диний айтимларда (қаландарлар, маддоҳлар, отин ойилар, баҳшилар ижро бисотида).

Яссавий ҳикматлари аёллар зикрида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. XII асрда тасаввуф йўналишида “фалсафийлаштирилиш” каби рағбат пайдо бўлди. Бунда самоҳ ва рақсни сўфийлар маросимида қўлланилиши асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Бу даврда тасаввуф таълимотига оид бир қатор китоблар ёзилган: Ал-Калободийнинг “Китаб ат-тахруф”, Ал-қушорийнинг “Рисала аҳкам ас-сама”, Ал-Ғазнавийнинг “Кашф ал-махжуబ” ва бошқалар. Яратилган китобларнинг ҳар бирида самоҳга бағишлиланган бўлим мавжуд бўлиб, бу анъана асрлар давомида ўзгармаган. Самоҳ кўпгина тортишувларга сабаб бўлган. Самоҳ тарафдорлари ҳам, қаршилар ҳам ўз саволларига жавобни курхон, Ҳадис, афсона ва ривоятлар битилган китоблардан излаганлар.

Ўрта асрларда самоҳ муаммолари жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланган. Унда айниқса амалий муаммолар бирламчи бўлган. IX-X асрларда самоҳнинг учта асосий шартлари мавжуд эди: замон, макон ва ихван (жамоа). Дастребки учта шартга Абулқосим Жунайдий-Бағдодий томонидан аниқ таҳриф берилган Тасаввуфда “самоҳ айтимлари”да қўлланиладиган сўз ва атамаларга алоҳида эътибор берилган. Уларнинг талқини рисола ва лугатлар батафсил ёритилган. Тинглов ва рақс зикр маросимида вақт нуқтаи назаридан тартиблаштирилган эди. Зикрнинг марказий унсури – важд ҳолатидир. Важд ҳолатидан сўнг сўфий Ҳақиқатга эришади.

Зикрнинг асосий икки тури мавжуд: булар, “зикр-и хафи”, “охиста зикр” ва “зикр-и жахри” – “баланд товушли зикр”. Зикр устоз шайх томонидан кузатиб турилган. Дастреб шеър ёхуд сўфийлик матнлари ўқилиб, сўнгра эса қаввал ижроси кўповозли ижро билан алмашиниб келган. Маълум руҳий ҳолатга эришилгандан сўнг рақсга ўтилган. Маросим давомида қурҳондан олинган иборалар, рамзий сўзлар қайта-қайта такрорланиб, маълум бир руҳий ҳолат (медитация)га эришилган. Масалан, ха, хи, хақ, хува ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Зикрда айтиладиган асосий иборалардан бири “Laила иллаллоҳ”, яъни ўзга илоҳ йўқдур” бўлиб, унда Яратганга ҳамду-сано айтишдан иборатдир. Ана шу такрорланувчи таъриф ўртасида ҳофиз бошқа айтимларни ижро этган. Айтимлар диний, фалсафий, мавзуларда бўлган. Зикр авжида “Оллоҳ” сўзи кўп маротаба кўп овозли тарзда ижро этилган.

Самоҳ маросими ҳақида Евropa ва Россиялик саёҳатчилар ҳам гувоҳлик беришган. Улар Туркия, Эрон каби мамлакатлардан Марказий Осиёга XVII-XX асрларда ташриф буюрган шарқшунос олимлар, элчилар, саёҳатчилар каби вакиллар бўлиб, ушбу маросимларни кўрганлар ва ёзиб қолдирғанлар. Баъзи тариқатларда мусиқа чолғулари кенг тарғиб қилинган. Ўзига хос диний маънога эга бўлган куйлар муқаддимада, бўлимлар орасида ва зикр якунида ижро этилган. Жалолиддин Румий асос солган Мавлавийлар тариқатида (Туркияда) най рамзий чолғу сифатида қўлланилган. Ҳатто чолғуларга бағищланган китоблар ҳам ёзилган. Масалан, «Рубобнома» (тахминларга кўра бу асар Ж.Румийнинг ўғли Султон Валад қаламига мансуб), “Найнома” (Ж.Румий) каби асарлар шулар жумласидандир. Самоҳ ва зикр амалиёти хонақо, қаландархоналарни йирик диний-музиқий ўчоғ (марказ)га айлантириди. Бу ерларда ўзига хос шакллар ва анъаналар ривожланган. Мусиқанинг фалсафий қарашларга жалб этилиши, сўфийлар дунёқарashi билан боғлиқдир. Сўфий мусиқа ёрдамида Илоҳий уйғунликка эришган. Унинг кўз олдида бихишт (жаннат) пайдо бўлиб, ундаги дарахтларга қўнғироқчалар илингани намоён бўлган.

Бихиштда яшовчилар мусиқа тингламоқни истасалар (самоҳ); Оллоҳ дарахтга осилган қўнғироқчаларни ҳаракатлантиради. Ердаги одамлар (аҳли дунё) бу товушларни эшитсалар, ўша заҳотиёқ жон берадилар. Сўфийликнинг ҳар бир босқичи – шариат, тариқат, маҳрифат, ҳақиқат, маълум сонлар (мақом)га тўғри келади. Уларнинг сони 40-тага етган (ҳар бирига 10-тадан). Аҳмад Яссавий тариқатига биноан “ҳар бир сўфий, ҳар бир дарвеш, ҳар бир фақир 40 мақомни билмаса, амалиётда қўлламаса уларнинг шайхлиги, сўфийлиги, фақирлиги ёлғондир”.

Хар бир мақом инсон ҳаётининг турли жараёнларини белгилаб берган, баъзилари эса руҳий ҳолатни белгиланган. Самоҳ назариётчилари махсус атамалар тизимини ўйлаб топганлар: бу “ахвал – и мақамат” (яъни, мақомлар аҳволи) каби.

“Важд” (жазава), самоҳ жараёнида эришиладиган ҳолат. У икки асосий турга бўлинади: турли руҳий ҳолат (аҳвол), иккинчи – кашфиёт. Самоҳнинг руҳий ҳолатлари ҳақида IX аср муаллифлари ҳам ёзиб қолдирганлар. Масалан, ал-Хужвирий: тараб, фарах, ғам, шавқ хусусида маълумотлар берган. X-XI асрларнинг тасаввуфга оид китобларида мақомлар, аҳвол, важд ҳақида маълумотлар келтирилади. X-XV асрларда ёзилган мусиқий рисолаларда эса мақомлар тавсифи ўзгача тарзда ёритилган. Уларда сўфийлик билан боғлиқ айрим қирриларгина ўз ифодасини топган. Ўн икки мақомнинг руҳий ҳолатга бўлган таъсири хусусида Урмавий, Омулий, Мароғий, Жомий, Хусайний каби муаллифлар ўзларининг асарларида имконқадар маълумот берганлар. Руҳий ҳолатга бўлган таъсир дунёвий-естетик ҳарактерга эга эди. Аммо келтирилган маълумотлар самоҳ ва мақомотнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари йўқлигини тасдиqlамайди.

### Шарқ манбашунослиги

Шарқда ўзига хос мусиқа фанининг яратилишига асос бўлган сабаблар ва манбалар. Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037) ва Ибн Зайла (вафоти 1049) илмий ишларининг яратилиши, тарихий, илмий ва амалий аҳамияти. Қомусий илмий рисолаларда ўзининг мукаммал ифодасини топган мусиқий масалалар. Абу Абдулло Хоразмий (X аср) ва унинг “Илмлар калити” қомусий асари. Унда баён этилган мусиқий маълумотларнинг шарҳи. Ихвону-с-Сафо мусиқий рисолалари. Абул Фараж Исфаҳоний (897-967) ва унинг машҳур “Қўшиқлар китоби”. Асосий мазмуни ва аҳамияти. Сафиуддин Урмавий (1216-1294), Кутбиддин Шерозий (1236-1310), Маҳмуд Амулий (вафоти 1349) мусиқага доир илмий рисолалари. Темурийлар даври мусиқа маданияти бўйича асосий манбалар. Хожа Абдулқодир Мароғий (1363 - 1434) ва бошқалар. Алишер Навоий даврида ва унинг раҳнамолигида яратилган мусиқий-назарий рисолалар ва уларнинг ҳозирги замон шарҳлари. А.Жомийнинг «Рисолаи мусиқий» асари. Нажмиддин Кавқабий (XVI аср) ва Дарвеш Али Чангий (XVII аср) мусиқий рисолалари. Бухорода Шашмақом туркумининг узил-кесил шаклланишига доир ишончли ёзма манбалар. Хоразм мақомлари туркумининг узил-кесил шаклланишига доир асосий манбалар. XIX асрда Ўрта Осиёда яратилган баёз ва куллиётларга изоҳлар. Уларнинг мавзулари, эндиликда манба сифатида қўлланилиши.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа манбашунослигининг йирик намояндаларининг илмий тадқиқотлари. Ўзбекистон мусиқий

манбашунослигига амалга оширилган янги тадқиқотлар ва устувор режалар ўз аксини топди. Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданий юксалиши, санъатининг салномаси мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси ўша халқнинг ўтмишини ва келажагини белгилайди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг бой тарихига, маданияти ва санъатига эга бўлиб, унинг ривож топган миллат сифатида ўз ўрнига эга. Аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий маданият асослари, санъат дурдоналари, мусиқий маданиятимизнинг ноёб ижролари, хуллас маданият ва санъатимизнинг барча йўналишлардаги кўринишлари бугунги кунда ҳам бўй басти билан намоён бўлмоқда.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигидаги юртимиздаги ўзгаришлар натижасида, мустақилликнинг шарофати билан халқимиз аждодларимиздан мерос қолган, ўзининг бой маданияти ва санъати тарихини чукур ўрганишга имкониятлар яратилдики, бу бебаҳо тарихимизга янгича ёндашишни, уни янгича тафаккур билан англашликни тақозо этади. “Халқимизнинг келажаги, - деб ёзади мамлакатимиз мустақиллиги асосчиси И.Каримов,- энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди”<sup>1</sup>.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки халқимизнинг қўп асрлик бой маданий меросини ўрганишда миллат тарихи, қадриятлар, миллий мафкура, миллий ўзликни англаш асосий мезон вазифасини бажаради. Халқимизнинг маданият ва санъат тарихини ўрганишда ана шу мезонларга суянган ҳолда фикрлашга ундаиди ва миллий ифтихор туйғусини уйғотади. Халқимизнинг бой маданияти ва санъат тарихи билан қисқа сатрлар орқали яқиндан танишириш яъни, унинг ривожига янгича назар ташлаш деб қабул қилиш ўринлидир. XX аср охирида мамлакатимизда миллий мафкуравий сиёsat орқали миллий истиқлол гояси тамойилига асосланган маданият тушунчаси, комил инсон тарбиясида маданият ва санъатнинг ўрни, маънавий маданият асосларига таянувчи диний маданият, бугунги ғоявий курашлар силсиласидаги миллий маданият ва санъат, эстетик маданият жабҳаларини бирлаштирувчи умумий фикрлар жамланган бўлиб, ҳар бир инсон учун ҳозирги кунда зарур бўлган маънавий тушунчалар таркиб топди.

<sup>1</sup> И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон» 1997 й. 137 бет.

Албатта, миллатимиз тарихи билан боғланган, ибтидоий жамоа даври санъати тарихидан бошлаб, қадимги дунё санъти, қадимги шарқ санъати, қадимги Ўрта Осиё санъати ҳамда Марказий Осиё ўйғониш даври маданияти ва санъати билан қисқача воқиф этди. Темурийлар даври хақида сўз кетганда Амир Темур давридаги миллий уйғониш, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқароларнинг маданиятимиз ва санъатимиз ривожига улкан хисса қўшди.

Тарихдан маълум Туркистанда маърифатчилик ва жадидчилик ҳаракати учинчи ўйғониш даврини бошланиши деб эътироф этилади. Дархақиқат маърифатчилар таълим ва тарбияга янгича услуг билан ёндашиш, янгича фикрлаш билангина янги авлод тарбиясида муваффакиятга эришиш мумкин деган ғояни олдинга сурадилар. Ўз навбатида ўзбек халқининг қадимий урфодатлари бугунги кунда ҳам ўз ўрнини йўқотмаганлиги ва сақлаб қолинганлиги, хозирги авлод вакиллари ҳам ўзбекона удумларни давом эттираётганлиги миллий менталитетимизнинг нақадр улуғлиги, софлиги ва халқоналийлиги билан ажralиб туради.

Тарихан ривожланиш даврини бошдан кечирган XX аср бошларидан заминимизга профессионал санъат сифатида кириб келган халқимизнинг томоша санъати, кино санъати, театр санъати, рақс санъати ва унинг тарихий ривожи ўз аксини топади. Шунингдек, тарихдан халқ орасида ривожланиб келган халқ амалий санъати, тасвирий санъат ҳам мусиқа санъати билан ўйғун ҳолда ривожланиб, бир-бирларини тўлдириб келганлигини қўриш мумкин.

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти алоҳида тарихий ривожланиш босқичларига эга. Аждодларимиздан бизгача етиб келган мусиқий меросимиз бугунги кунда ҳам маънавиятимизнинг сарчашмаси бўлиб хизмат қилмоқда. Мусиқа маданиятимизнинг тарихи, мақом санъати, ижрочилик йўллари ва мактаблари, халқ фольклор ва достончилик санъати ҳам мустақиллик йилларида халқимизнинг унтуилаёзган удум, анъаналинини қайта тиклаш йўлида улкан ишларни амалга оширди.

Албатта ҳар бир миллат, халқ ўз тарихини билишлиги ҳаётий заруратdir. Шундай экан ўзбек халқининг ҳам аждодлардан қолган бой тарихий меросини, маданияти ва санъати тарихини хозирги авлодларга, айниқса ёшларга етказиш жараёни баркамол авлод тарбиясида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши табиийdir. Зоро жаҳонга Абу Али Ибн Сино, Мухаммад ал - Хоразмий, Аҳмад ал -Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур сингари улуғ фарзандларни берган ўзбек халқи

ўзининг бой маданий тарихини эҳзозлашга ва шундай улуғ аждодлари билан фахрланишга хақлидир.

Қадимги шарқ халқлари санъати ва маданияти тарихи катта даврни ўз ичига олади. Қадимги шарқда мавжуд бўлган қадимги Миср подшохлиги, олд Осиёдаги Шумер, Аккад, Бобил (Вавилония), Оссурия, Урарту, Хетт давлатлари, Эрон империяси, Ўрта Осиё, Хиндистон, Хитой, ва Жанубий Шарқий Осиёдаги давлат ва подшохликлар жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирдилар. Шарқ халқлари яшайдиган худудда қуёш нурининг мўллиги, суви, тошқин дарёлари, серунум ерлари одамларни эрта дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга ўргатди. Қадимги Шарқда санъат узоқ вақт хунармандчиликни бир қисми сифатида қолди. Эрамиздан аввалги 5000-4000 йиллардаёқ бу ерларда синфий жамият - қулдорлик жамияти шаклана бошлади ва бу жамият янги эранинг бошларигача давом этди. Қулдорлик жамияти санъатининг вазифаси эса кўпчиликни бошқарувчи синфга, эксплуататорлар ғоясини омма ичидан тарғиб қилиш бўлиб қолди. Шарқ халқларининг реализми ҳам ўзига хос хусусиятга эга. У кўпинча воқелик, кишилар ва тушунчаларни фантастик образларда, рамзий ва шартли белгиларда тантанали, улуғвор қилиб ифодалайди. Биз Шарқ санъатини ўрганганда алоҳида йирик санъаткорлар ижоди тўғрисида тўхталмаймиз. Чунки, санъат намуналари омма ичидан чиқкан номаълум истеъдод эгалари томонидан яратилган.

Қадимги шарқ санъатида қадимги Миср санъати алоҳида ўрин тутади. Қадимги Миср санъати деярли 4000 йилни ўз ичига олган даврда тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликни нодир дурдоналари дунёга келдики бугунги кунда ҳам ўзининг маҳобати, бадиийлиги билан барчани ҳайратга солади. Бу ерда биринчи марта инсон ва унинг меҳнати санъаткор асарида ўз ифодасини топди. Қадимги Миср санъатининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у дин билан алоқада ва унга тобе бўлган. Миср эхромлари қаторидан жой олган уч династия фиравни Жосер мақбараси, IV династия фиравнлари Хуфу, Хафра ва Минкиура пирамидалари Фифадаги Карнак ва Луксор ибодатхоналари гигант меъморчилик санъатининг нодир намуналаридир. Қадимги Миср тасвирий санъати меъморчилик билан боғлиқ холда ривож топди. Миср санъати умумжаҳон санъати тараққиётida ўзига хос қайтарилмас ўринни эгаллайди.

Олд Осиё санъати деганда ўрта ер денгизи, хавзасининг шарқий қисми соҳиллари, Кичик Осиёнинг тоғли районлари территорияларида эрамиздан аввалги Шумер, Аккад, Оссурия, Урарту, Бобил каби қатор давлатлар мавжуд бўлиб, улар жаҳон санъати тарихига ўз хиссаларини қўшганлар. Бу ерда хайкалтарошликтин гўзал асарлари яратилди, деворий

суратлар, нозик амалий-декоратив буюмлар ишланди. Аккад подшохлиги даврида Олд Осиё ягона давлатга бирлаштирилди. Шу даврда тасвирий санъат реализми ортди. Айни шу даврда Шумер достони “Гилгамиш» яратилди. “Саргон хайкали”, “Семит портрети”, “Нарасмин стелласи” ўша даврнинг машхур асарлари дандир. Олд Осиё санъатида нодир меъморчилик ва тасвирий санъат ёдгорликлари юзага келди.

Ахмонийлар даврида вужудга келган санъат ўрта шарқ халқлари тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Бу санъат бевосита ўрта шарқда яшайдиан халқларининг янги ўзаро муносабатлари натижасида, атрофдаги халқлар санъати таъсирида равнақ топди. Жумладан подшолар саройларини куришда Сугд, Бактрия ва Хоразмдан келган уста ва санъаткорлар меҳнат қилғанликлари хақидаги маълумотлар мавжудлиги шундан далолат беради. Ахмонийлар даври санъати атрофидаги мамлакатлар санъатига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган.

Қадимги Шарқда ўзига хос хисобланган Хиндистон санъати ҳам қатор тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Бу тараққиёт жараёнида хинд санъатига gox Шумер, gox Грек санъатининг таъсири бўлган. Лекин шунга қарамай, унинг санъатида ўзига хослик мавжуд бўлиб, у асосан халқ санъати, айниқса хунармандчилик таъсирида бўлган. Хиндистон санъати қадимдан хар-хил динлар тапсирида ривож топган. Қадимги Хиндистон санъатининг гуллаган даври Маурия сулоласи (э.ав. 272-232 й)да содир бўлди. Ашока хукмронлиги даврида буддизм кенг тарқалди. Ибодатхоналар қурилишига, тасвирий санъат асарларига кенг эптибор берилди. Аджантадаги ғор ичидаги ибодатхона ва шунга ўхшаш қатор санъат асарлари қадимги хинд маданиятининг нодир намуналари дидир.

Хулоса қилиб айтганда қадимги шарқ санпати уйғониш даври санъатнинг ривожланишига муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

### **Ўрта аср уйғониш даври намоёндалари**

#### **Ахмад ал-Фарғоний**

Ахмад ал-Фарғоний яқин ва Ўрта Шарқда “Хосиб” (математик) мартабасига сазовор бўлган. Ахмад ал-Фарғоний Марказий Осиё ўйғониш маданиятининг йирик арбобларидан бири ҳисобланади. Ал-Фарғоний ҳар томонлама билим соҳиби бўлиб, илми нужум, жўхрофия, математика, табиатшуносликнинг бошқа соҳаларида нафақат мусулмон шарқида, балки Европада ҳам катта шуҳрат топганлиги маълум. Улуғ олим туғилиб ўсган Фарғона ўлкаси қадимдан ўз даврининг юксак маданиятига эга бўлган ва тараққий этган ўлка бўлган. Хўжанд, Ахсикент, Марғилон, Қубо, Қўқоннинг шуҳрати ўша даврларда ҳам юксак эди. Унинг қуйидаги асарлари мавжуд: “Астролюбия хақида мукаммал китоб”, “Астролюбия санъати хақида”, “Етти

иқлим китоби”, “Мармарнинг хизмати хақида китоб”, “Самовий харакатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси хақида китоб” асарлари бизгача етиб келган. У илм-фан ривожланган шаҳарларда яшаб ижод қилди. Бағдод халифасининг “Байтул хикма” академиясида ишлади. Умрининг сўнгги йилларини Мисрда ўтказди ва шу ерда вафот этди. Европадан “Ал-Фраганус” номи билан машҳур бўлган. Унинг илмий асарлари жаҳоннинг энг катта кутубхоналарида сақланади.

### **Абу Наср Фаробий**

Абу Наср Фаробий 873 йили таваллуд топган. 950 йилда вафот этган. Ўтрор шаҳрида яшаган. Фаробийнинг маданият соҳасига қўшган хиссасини турли фан соҳаларида олиб борган илмий тадқиқотлари, ёзган асарлари асосида аниқлаш мумкин. “Масалалар манбай”, “Қонунлар хақида китоб”, “Фалакиётнинг давомийлиги”, “Хажм ва миқдор”, “Катта мусиқа китоби”, “Мусиқа хақида сўз”, “Инсон аҳзолари хақида рисола”, ”Шеър ва қофиялар”, ”Луғатлар хақида китоб” сингари қўплаб китоблар қолдирди. Масалан, хунармандчилик, табиблиқ, дурадгорлик ва бошқалар нуқтаи назаридан уларни “хунармандчилик” ва “санъат” соҳаларига бўлади. Фаробий “Мусиқа хақида катта китобида” бу билимни бошқа назарий билимлардан фарқ қилишини, уларни эгаллаш учун восита ва усууллар ўрганиш талаб қилинишини айтади. Фаробийнинг илм хақида қарашларида шарқ ўйғониш даври ижтимоий тафаккурининг илғор йўналишлари ўз ифодасини топади, у маънавий маданиятимиз равнақига қўшилган катта хиссадир.

### **Абу Али Ибн Сино**

Ўйғониш маданиятининг улкан арбобларидан бири Ибн Синонинг асли исми шарифи Абу Али Ал-Хасан ибн Абдуллоҳ Ибн Сино бўлиб, 980 йилда Бухоронинг Афшона қишлоғида таваллуд топган. Замона зайлар билан Хоразм, Эронни турли шаҳарларида хаёт кечиради. Саргардонлик йилларида ўзининг йирик асарларини ёзади. 1037 йилда Исфахонда вафот этади. Ибн Сино жаҳон маданияти тарихида қомусий билимга эга бўлган йирик арбоб сифатида алоҳида ўрин тутади.

Унинг фанни турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асари мавжудлиги тўғрисида маълумот берилди. Уларда тиббиёт, мусиқа, фалсафа, этика, илоҳиётшунослик, тилшунослик, эстетика масалаларига оид фикрлар берилади. У яратган китоб “Аш-шифо” 21 томдан иборат бўлиб фалсафий ва тиббий билимлар қомуси хисобланади. Ибн Сино бадиий намуналари, шеърлар, қиссалар, рубоийлар ижод қилди. “Тайр қиссаси”. “Соломон ва ибсол”, “Хай ибн Якзон” қиссалари ва ўзининг серқирра бой ижоди билан жаҳон маданияти тараққиётида фавқулодда ролп ўйнайди.

## Абу Райхон Мухаммад Ибн Ахмад Беруний

Уйғониш маданиятининг йирик арбоби Беруний 973 йил сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилди. (“Берун” сўзи ташқи шаҳар маъносини билдиради). 16-17 ёшидаёқ математика ва астрономиядан етук олим бўлиб етишди. 995 йилда дунёда биринчи бўлиб глобусни яратди, ой тутилишини кузатди. 997 йилда унинг саргардонлик хаёти бошланади. Рай, Гургон, Ғазна шаҳарларида яшайди. Шу даврда Ибн Сино билан учрашади. 1048 йилда Ғазнада вафот этади. Унинг ўтмиш ёдгорликлари”, “Хоразмнинг машҳур зотлари”, “Геодезия”, “Хиндистон”, “Қонуни маҳсудий”, “Минералогия”, “Сайдона” сингари йирик асарлари мавжуддир. “Ўтмиш ёдгорликлари” асарининг бир катта бўлимида урф-одатлар, расм-руслар, афсоналар, фолклор санъати, хайит байрамлари, диний маросимлар, ва Наврӯз байрами хақида қимматли маълумотлар беради. Буюк асари “Хиндистон” китобида хинд маданияти тарихига бағишлиланган хазиналар ўрин олган. Абу Райхон Берунийнинг илмий ва фалсафий қарашлари ўша даврда кенг тарқалган ғоявий курашларда катта ижобий ахамиятга эга бўлди. Унинг хоки 1997 йилда ватандаошларимиз томонидан, олиб келиниб Беруний шаҳрига дағн қилинган. Бу ер барчанинг зиёратгоҳига айланган.

### 3. Анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.

Анъанавий хонандалик ва унинг тарихи, илдизини ўрганар эканмиз энг аввало “анъана”, анъанавийлик”, “қўшиқ”, “ашула”, “катта ашула” “анъанавий қўшиқ”, “бастакорлик асарлари” тушунчаларига изоҳ бериб ўтишни жоиз деб билдиқ. Анъана тушунчаси “Ўзбек тилининг изоҳли лугатида”<sup>2</sup> “наслдан наслга ўтувчи қоида”, яъни, ҳаётда қарор топган ва топаётган урф-одат, удум ва бошқа амалларни анъана тарзда такрорланиб келиши деб эътироф этилади. Анъанавийлик эса ўз-ўзидан ушбу жараённи доимий равища, йиллар мобайнида ўзига хос шаклда такрорланиб келиши демакдир. Шу нуқтаи назардан биз тадқиқ этаётган анъанавий қўшиқлар ҳам ҳаётда, кундалик турмуш тарзимизда қарор топган ва топаётган урф-одат, удум ва бошқа амалларни авлоддан-авлодга йиллар мобайнида ўтиб клиши ва бу жараённи доимий равища такрорланишидир. Яна ҳам ойдироқ айтадиган бўлсак, анъана – авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, одамлар ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, доимий ўтказиладиган

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 107 б.

ижтимоий ахлоқ муносабатларнинг умумлашган норма ва принциплари. Шу ўринда қўшиқ<sup>3</sup> тушунчаси кенг қўлланилган. Адабиётларда кўрсатилишича, қўшиқ атамаси “шлок”, “такшут”, “ир” (йир), “куг” каби номлар билан қадимдан аталиб келган. Дастреб, Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида “қошуғ” - қўшиқ, қасида, шеър тарзida аталиб, сўзнинг маъносини шарҳлашдаги тўртлик маъносида ишлатилади. Анъанавий қўшиқлар ҳақида гап кетганда бу иборага мутахассислар фикрига таяниб хулоса чиқариш лозим бўлади. Атоқли мусиқашунос олим Р.Юнусов қўшиқ ҳақида таъриф бериб, мусиқий атама, иборалардан фойдаланиш амалиётида тегишли нуқсонлар борлиги ҳақида фикр билдириб шундай дейди – “кундалик муомилада тез-тез учрайдиган “қўшиқ” билан “ашула”ни фарқламаслик, фарқлай олмаслик кўзга яққол ташланади<sup>4</sup>. Дарҳақиқат ушбу фикрлар айни ҳақиқат. Қўшиқ атамаси ҳақида маълумот бериб ўтдик. Ашула бу бир оз қўшиқка нисбатан мураккаб жанр. Қўшиқни кундалик ҳаётимиздаги турли тоифадаги одамлар ижро этишлари мумкин. Бироқ, ашула ижрочиси маълум тайёргарликдан ўтган бўлиши ёки устоз сабоқларини олган бўлиши лозим.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда кўп учрайдиган “анъанавий хонандалик”, “анъанавий қўшиқ”, “анъанавий ашулачилик”, “анъанавий мумтоз мусиқа” ибораларига ойдинлик киритиб, тадқиқот давомида қўллашимиз учун осон бўладиган атамани тавсиф этсак. Яъни, аслида қандай юритишимиш лозимлиги хусусида ҳам тадқиқот доирасида ўз фирқ-мулоҳазаларни баён этамиш.

Юқорида “қўшиқ”, “ашула” ибораларга мутахассислар томонидан келтириб ўтилган таърифларни баён этдик. Қўшиқ жанрини ҳеч қандай мусиқий тайёргарлиги бўлмаган, оддий касб эгаси бўлган, мусиқа ва санъатга қизиқиши бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда ижро эта олади. Чунки, қўшиқ ижро қилиш учун маҳсус тайёр гарик шарт эмас. Маълум ритмга таянилган ҳолда кичик диапазонда куйлаш мумкин. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ашула жанрини ижро этиш учун маълум кўникма ва малака талаб этилади. Ашула жанридаги асарларнинг жуда кўпчилиги асосан аруз вазнданаги шеърий мисралардан ташкил топади ва албатта ашулани авж пардаларда куйлаш шарт бўлади. Бу ўринда мусиқашунос олим Р.Юнусовнинг фикриларига таянамиз: - “ўзбек анъанавий мусиқасига хос

<sup>3</sup> “қўшиқ” сўзи мусиқашуносликда қабул қилинган икки хил маъно (1-сўз ва куйнинг бирлашувидан ҳосил бўлган айтим намуналари, 2-банд шакли айтим жанри).

<sup>4</sup> Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маъruzalap matni. Тошкент. 2000 й., 4 б.

ички қонуниятларнинг энг муҳим қирраларидан бири – авж масаласидир. Уни илмий жиҳатдан тўғри идрок этиб олиш кўп чалкашликларни олдини олади<sup>5</sup>. Авж атамаси хусусида атоқли олим И.Акбаров ўзининг “Мусиқа луғати” китобида шундай таъриф беради<sup>6</sup>. Авж арабча бўлиб “чўққи, мусиқа баёни ва ривожида энг юқори нуқта” деган маънони англатишини маълум қилади. Бу ўринда яна мусиқашунос олим Р.Юнусовнинг авж атамаси хусусидаги фикрларига қайтамиз. Ўзбек миллий мусиқачилар истеъмолида бу авж сўзини асосан уч тоифага бўлиб, изоҳлайди. Биринчидан, авж – ҳар қандай мусиқа асарнинг энг баланд, чўққи пардасининг лўнда ифодаси. Бундай кенг маъноли авж атамасидан хонандалик санъатида чекланмаган миқёсда фойдаланишни айтади. Иккинчидан, ўзбек анъанавий мусиқасида ривожланган шаклнинг юқори пардаларидаги маҳсус тузилма тушунилишини ҳамда ҳажмада катта, баланд пардаларда баён этилувчи куй тузилмалари асосан бастакорлик ижодиётининг маҳсули ашула, катта ашула, сувора, мақом жарнларга холислиги ва учинчидан, бир жуфт куй авж сўзини қўшилганлиги ҳолда юритилишини, бунга мисол тариқасида “Зебо пари авж”, “Турк авжи” каби асарларни келтириб ўтади<sup>7</sup>. Демак, ашулада авж пардалар асосий рол ўйнайди. Ушбу тафсилотларни эътиборга олган ҳолда айтиш жоизки тадқиқотимиз мавзуси ҳисобланган анъанавий хонандалик масаласини баён этишда фақат ашула, катта ашула ижрочиларини ўрганиш масаласи ётади. Шу ўринда атоқли мусиқашунос олимлар Ф.Карамотли<sup>8</sup> ва О.Иброҳимов<sup>9</sup> тадқиқотларида ўзбек мусиқа меросини икки қатламга ажратган ҳолда тасниф этадилар ва айнан, иккинчи қисм мусиқа анъаналарига анъанавий хонандалик айтимларини ашула, катта ашула деб юритадилар.

Мусиқа ижодиёти яна бир атама борки, бу атама орқали айтимнинг у ёки бу хусусиятлари тушунилади. Атоқли олимлар мазкур тушунчага таъриф берар экан унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ижро шароити, шеърий матни ва куй-оҳангнинг ҳажми, мазмун ва шаклланиш ҳолати ва шакли хусусида бир қадар тўхталиб ўтадилар. Жанр хақида гап борар экан

<sup>5</sup> Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари. Маъruzalap matni. Тошкент. 2000 й., 7 б.

<sup>6</sup> Акбаров И. Музика луғати. Тошкент. 1987 й., 5 б.)

<sup>7</sup> Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маъruzalap matni. Тошкент. 2000 й., 8 б.

<sup>8</sup> Кароматов Ф. Ўзбек ҳалқи музика мероси (Йигирманчи асрда) 1 том. 1-китоб. Қўшиқ. Тошкент, 1978.

<sup>9</sup> Иброҳимов О. Ўзбек ҳалқ мусиқа ижоди (методик тавсияновма). Тошкент. 1994 йил. 1-қисм.

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Мусиқа назарияси” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Мусиқий асарлар таҳлили” номли маъruzalар матн<sup>10</sup>да жанрнинг тарихан вужудга келганини ҳамда у бир қатор белгилари билан ажратилиб туриши ҳакида фикр билдирилиб, қуйидаги бешта саволга жавоб бериши лозимлиги хусусида тўхталади. Жумладан, жанр бўлиши учун ушбу айтим ким учун ижро этилаяпти (1), ким учун (2), қайрда (3), ким (4) ва нима (5) деган саволга жавоб бериши лозимлиги хусусида тўхталади.

Албатта жанр – бу тур. Унинг луғавий маъносига ҳам эътибор қаратадиган бўлсак француз тилида genre – тур, услуб<sup>11</sup> маъноларини англатади. Дарҳақиқат жанр тушунчаси нафакат мусиқашунослик илмida, балки адабиётшунослик, фолклоршунослик, фалсафа, тасавуф ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Асрлар мобайнида халқимизга жуда катта руҳий ва маънавий қувват бериб келаётган миллий қадриятларимизни, фольклор анъаналаримизни ёшлар онгтига чукур сингдириш хар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишида муҳим аҳамиятга эга. Юртимиз мустақилликка эришгач, бунга кенг имкониятлар яратилди. Чунки мамлакатимизда кечеётган миллий ўзликни англаш ва маънавий хурлини ҳис этиш эҳтиёжи аждодларимиз қалб қўри, ақл заковати турмуш тажрибаси асосида яратилган маданий меросимизни билишни ва шу асосда турли бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини амалга оширишни тақазо этмоқда – Ижодкор халқимиз томонидан яратилган нодир маҳнавий бойлик хисобланган фолклор асарлари асрлар оша турли ахлоқий тушунчаларни бетакрор бадиий шаклда кишилар қалбига сингдиришида бебаҳо сарчашма сифатида хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек халқи этнографияси ва фолклорини ўрганиш орқали аждодларимизнинг бой маданий ва марифий ўтмишини янадатеран англаш мумкин.

Хар бир халқ ёки элат, аввало тарихи маданий бирлиги билан ажralиб туради. Ўзбек халқи хам узоқ тарихий давр мобайнида шаклланиб жуда кўп илмий-маданий хусусиятларга эга бўлди. Ўтмиш аждодларимиз анҳаналари қадриятлари асрдан асрга авлоддан-авлодга сақланиб тараққий топиб келди. Хусусан, миллий-маданий хусусиятларимизни сақланиб қолишида халқ оғзаки бадиий ижодининг роли бекиёс бўлди. Жумладан халқимизни ўзига хосурф-одат ва маросимлари бола тарбияси, меҳмоннавозлик табиати ,

<sup>10</sup>Красуцкая Л.И., Мирходжаева С.Х., Ибрагимова Ш.Э. Мусиқа асарлар таҳлили. Маъruzalар матни. 2008.

<sup>11</sup> Акбаров И.А. Мусиқа луғати. Тошкент. 1987. 121-бет

ахлоқ-одоб қоидалари, пазандачилик малакаси, меҳнат ва турмуш тарси тартиблари фолклор асарлари орқали бизгача етиб келди. Узоқ ўтмишда гурух-гурух бўлиб халқ сайилларида оммавий байрамаларда турли туман томошалар кўрсатган халқ қизиқчилари, қўтирчоқбозлар, дорбозлар, раккос ва хонандаларни ижодий уюшмаларини фолклор-фанаграфик ансамбилини ўзига хос наъмуналари дейиш мумкин. Чунки фолклор асарларини оммавий равища ижро этувчиларни аксарият профессионал бўлмай балки оаваскор ижрочиilar бўлиб уларни репертуари хам соф халқдандур. Ўзбек фолклори ва лапарлари табиати воҳа ва водийга хос бўлган янги муҳитга қараб кенг мавзулиги билан рангбарангдир.

Ватанга бўлган муҳаббат, ота-она учун севган ёрига, яшаб турган жойига, урф-одатлар, қиз йигинлар хақида, айтишувлар тўй маросимлари хақида, аллалар, ёр-ёрлар, бешик тўйлар хақида меҳнат жараёнида хашарлар пайтида айтиладиган лапарлар халқдан олинган бўлиб бизгача оғзаки равища етиб келган.

Халқ ижодиётини асрash ва ривожлантиришда фолклор-этнографик ансамбли раобарларининг бу соҳдаги ижодий иқтидори муҳим амалий ахамиятга эга. Аммо бу йўлда тинмай изланиш лозим бўлади. Халқнинг энг сара қўшиқларини ансамблга жалб қилинган ижрочиilarнинг ўзидан ёзиб олиш мумкин. Бундан ташқари, муайян худуддаги кекса авлод вакилларидан ўрганиб олинган қўшиқларни ижро этган ёш ижрочиilarни ёки шундай қўшиқларни билган қариндош-уруглар ва таниш-билишларни шу қўшиқларни ижро этиш учун ансамблга жалб этиш мумкин. Қадимий анъанадаги қўшиқларни халқ орасида танилган ижрочиilar гуруои ёки якка хонандалардан ҳам ёзиб олса бўлади. Бу фолклор ансамблларининг мужассамланишини талаб қилишга хақлимиз. Шундагина улар халқ қўшиқларини ижро этишда Фаргона, Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоятларсдаги мавжуд услубларни уйгунлаштира бориб, ўзбек миллий маданиятининг нioоятда бой, серқирра ижодий имкониятларини намойиш эта оладилар.

Фолклор ансамбли репертуарида айниқса ижро услубининг муайян томонлари шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ансамбл репертуарига анъанавий халқ оғзаки ижодий намуналари билан бирга (қайта ишланган ёки мустақил яратилган), муаллифлар асарларининг киритилиши замонавий охангларни кучайтириш, шунингдек, миллий қадриятлар устуворлигини таминлашга хизмат қилади. Бундай янги қўшиқлар ва муаллифлар асарлари ватанпарварлик, Ватан истиқболи туйгуси билан тўлиб-тошган хозирги кунимиз қаҳрамонларининг қалб истакларини акс эттирувчи асарлар бўлиб, ёшлар тарбиясига алоҳида таҳсир кўрсатади. Унутмаслик керакки, кўпинча

халқ қўшиқларининг қайта ишланган ва бадий сайқал берилган намуналари ахолининг эстетик диди ва бадий сўзни хис қилиш кўникмасига, кўхна мусиқа фолклорига нисбатан кўпроқ, маъқул ва мос болади. Шунинг учун фолклор этнографик ансамбллари репертуари шаклланишининг дастлабки босқичларида қайта ишланган қўшиқларга шунингдек, қўшиқ муаллифларининг фолклор услубида халқ рухиятига мос яратган қўшиқларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Бунда фолклор ансамбл репертуарига муаллифлар асарларини пухта ўйлаб, асарга танқидий ёндашиб саралаш ниооятда муюим. Айниқса, танлаб олинган материаллар ансамбл ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бўлиши, ижро этиладиган асар ансамблда шаклланган ижро услубига мос келиши лозим.

Фолклор анъаналари халқнинг турмуш тарзи, хаёти, дунёқараши, руойи-естетик олами ва ички кечинмаларини юксак бадий ифода эттирган қадриятдир. Ўзбекистонда собиқ тузум йилларида халқ ижодиёти ўзининг қадимий ижрочилик аноаналарини ва бадий меросини муайян даражада сақлаб қолган бўлсада, ўша даврнинг сиёсий қатагонлари ва мафкуравий тазииклари бундай анъанавий қадриятлар тизимининг кўпгина поетик табиатига салбий тасир кўрсатган эди. Оқибатда, ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётининг кўпгина қадимий жанрлари, этиқодий қарашлари, тасавурлари, маросим фолклори намуналари, халқ анъаналари, сайл ва байрамлари билан алоқадор удум ва қўшиқлар, афсона, ривоят, нақллар унутилаёзди. XX асргача яратилган ўзбек маросим фолклори жанрлари ўзининг қадимий анъаналари хамда поетик табиатини мукаммал ҳолда сақлаб қолган эди. Бироқ собиқ тузумнинг мафкуравий қатагонлари натижасида халқнинг оилавий-маиший маросимлар фолклорининг кўгина кўона жанрлари, масалан, сўз сехрига асосланган бадиха, кина, олқиши каби жанрлари, йил фаслларига алоқадор Наврўз, қизил гул сайли, бойчечак, “гул сух”, биринчи кўш чиқариш билан боғлиқ “шох мойлар”, шунингдек, “ё рамазон”, “барот келди”, ёмгир чақириш, шамол чақириш ва уни тўотатиш мақсадида ижро этилган қадимий айтим ва қўшиқларнинг матнлари халқ

Мустақиллик туфайли юзага келган ижодий эркинлак, руҳий янгиланиш жараёни фолклор асарларини кенг таргиб қилишга имкон яратди. Айниқса, маросим фолклори, достончилик, халқ удумларини тиклаш, шунингдек халқнинг хаваскорлик ижодиётини тараққий эттиришга кенг йўл очилди. Унутилган қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябр “Ўзбекистон театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони халқимизнинг нодир мусиқа мероси яъни, халқ ижрочилиги -

фолклор қўшиқ ижрочилиги санъатини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Ҳозирги ахборотлар аламашинуви ривожланган бир даврдамиллий қадриятларни янада ривожлантириш таъминлаш учун ёшларни шарқона одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар, анъаналаримиз асосида тарбиялаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Хеч кимга сир эмас, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизга хорижий сармоялар технология ва хоказолар билан бир қаторда гарб маданияти ҳам кириб келмоқда. Телеэкранларда намойиш этилаётган айрим бемаъни, бузукчиликни тарғиб этувчи видеофилмлар, айрим радиоларда янграётган маза-матрасиз, саёз, енгил-елпи қўшиқлар бир қисм ёшларимизни ўз “оғуши”га олмоқда. Бу хақда Президентимизнинг куюнчаклик билан шундай деган эдилар. «Афсуски, санҳатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмагур лавхаларни акс эттириш, беъманилик ва хаёсизлик, баъзан эса хатто ахлоқий бузукликни тарғиб қилишлар кўриниб қолади». Афсуски, бу жараён хозир ҳам давом этмоқда. Хозир сухбатларда бунинг ечимиға турлича ёндошилади. Баъзилар бундай номақулликни тарғиб қилувчи маҳсулотларга чеклов жорий қилишни маслаҳат берса, баъзилар қаттиқ маъмурий чоралар кўришни тавсия этади. Бу борада кўзга кўринган файласуф домламиз Жондир Туленовнинг фикрларига қўшилмасдан иложимиз йўқ. У кишининг ёзишларича: «Фикримизча, чет эллардан кириб келаётган миллий урф-одат, анъаналар ва маънавиятимизга тамомила зид бўлган ахлоқий бузуклик, хаёсизлик ва бемаъниликни ёқловчи асарларга қарши ўзимизнинг кўп асрлик тарихига эга, жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган шарқона юксак маданиятимизнинг ва маънавиятимизни қалқон этиб қўйишимиз керак». Ана шундай қимматли, ўринли фикрлардан келиб чиқилса, маданиятимиз, санъатимиз тарихи, унинг босиб ўтган шонли йўл борасида кўп ижод қилишга тўгри келади.

Ўзбек халқининг анъанавий фолклор қўшиқчилик санъати тарихи хақида сўз борганда унинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалишини биз биламиз. Бу илмий асосланган хақиқатдир. Анъанавий фолклор қўшиқчилик санъатимиз қадимги замонлардан бошлаб ана шу кунларга қадар мураккаб йўлнибоси бўтди.

Ўзбек халқи фолклор қўшиқчилик санъати тарихи кўхна бўлиб, унинг шаклланиш жараёни эса халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек халқимизнинг тарихи эсамилодданолдинги бирнечамингйилликка бориб тақалади. Агар яна чукурроқ мулоҳаза юритилса, олимларнинг илмий тадқиқотларига суюнисла, у ибтидоий жамоа давридан бошланганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Миллий-анъанавий фолклор қўшиқчилик тарихига

назар ташлар эканмиз, хали дунёning айрим бурчакларида ярим кишилар истиқомат қилган даврларда бизнинг ҳудудда фолклор санъати куртаклари ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўтган асрнинг 50-70 йилларида Ўзбекистон ҳудудида қатор археологик изланишлар олиб борилган. Бундан сал аввалроқ рус олими профессор, Овчинников раҳбарлигидаги экспедиция Бойсун туманига қарашли Мачай қишлоғида жойлашган тоғли ҳудудда “Тешиктош” ғорини топади. Кейинчалик машхур археологлар С.Толстов, Я. Ғуломовлар қадимий маданият ўчоқларидан бири Қўйқирилган қалъа (шахар ҳаробалари) топдилар. Таникли ўзбек олими А. Кабиров хозирги Навоий вилояти ҳудудида жойлашган Сармишсой қоятошларини кашф этди. Тешиктош ғорининг деворларига ишланган расмлар орасида миллий фолклор санъатига оид намуналар топилди.

“Инсонга сиҳат-саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин-сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида маҳсус ўтказиладиган, ҳалқ орасида қатъий анъанага айланиб қолган хатти-ҳаракатлар маросим” – дейилади. Таникли олим Баҳодир Саримсоқовнинг таърифидан маълум бўладики, маросим ҳалқ орасида қатъий анъанага айланган тадбир ҳисобланар экан. Инсон туғилганидан то ҳаётдан кўз юмгунига қадар ўнлаб маросимлар гувоҳига айланади. Гоҳида унинг марказий қаҳрамони, гоҳида иштирокчи, гоҳида оддий қузатувчи бўлади. Аммо маросимлар ҳаётнинг ажralmas қисми сифатида ҳамиша ҳамроҳликда содир бўлаверади. Маросим араб тилидаги “марсум” ((مرسوم) сўзидан олинган бўлиб, 1 – чизилган; 2 – расм қилинган; 3 – одат бўлган маъноларини англатади. Муайян қоидалар асосида чизилган, миллат томонидан расм қилинган ва одат тусига кирган тадбирларни эса шартли равишда уч турга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Марказий Осиёга жаҳон маданиятинг таъсирини тушунтириб беринг?
2. Ўйғониш даврида янгича тафаккур қандай яратилди?
3. Маданий алоқалар ривожидаги маданият равнақи қандай?
4. Илоҳий ва илмий фалсафий маданиятнинг ривожи қандай йўналишда акс этган?
5. Ўйғониш даврида Ислом динининг аҳамиятини қандай тушунасиз?
6. Тасаввуф фалсафасини тушунтириб беринг?
7. Дунёвий маданият деганда нимани тушунасиз?

8. Марказий Осиё илмий мероси хақида нима дея оласиз?
9. Ахмад ал-Фарғоний хақида нима биласиз?
10. Абу Наср Фаробий хақида сўзлаб беринг.
11. Абу али ибн Сино хақида нима биласиз?
12. Абу Райхон Беруний хақида нима биласиз.?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Д.А.Каримова Мусиқий педагогик маҳорат асослари ўқув қулланма. Т. 2008 й.
2. Шарипова Г. Мусиқа ўқитиш методикаси. Маҳрузалар матни. 2000 й.
3. Зимина А.Н.Основқ музқалғного воспитания и развития. М. 2000 й.
4. Файзиев О.Ўқувчиларда мусиқий нафосат тарбиясини шакллантириш. Т. 1992 йи.
5. Х.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1997 й.
6. Шарипова Г.М. Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси. Т.Турон-Истиқбол 2006 й.
7. Н.Норхўжаев, Ҳ.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1999 й.
8. Г.Шарипова мусиқа ўқитиш методикаси Т. 2006
9. О.Иброҳимов, Ж.Садиров 7-синф мусиқа дарслиги Т. 2008 F.Ғулом нашрёти
10. О.Иброҳимов Ўзбек халқ мусиқа ижоди.Т. 1997 й.
11. Мақомат.О.Матёқубов Мусиқа нашриёти Т. 2004 й.

**З-мавзу: Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

### **Режа:**

- 1.Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари
- 2.Ўрта асарлар мусиқашунослиги
- 3.Халқ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти.
- 4.Ислом ва мусиқа

**Танянч иборалар:** будда, тафаккур, мерос, мусиқашунослик, этномусиқашунослик, халқ анъаналари, касбий мусиқа, достончилик.

## 1.Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари

Кушон хонлиги Марказий Осиё халқлари тарихида массагет қабилаларига мансуб тоҳар сулоласидан бирининг номи билан аталган. Хитой манбаларида ёзилишича, Даҳя, яъни Бақтрияга кўчиб ўтган массагет (юечжи)лар бешта вассал ҳокимликка бўлинган бўлиб, улардан бири Гуйшуан деб номланган.

Гуйшуан сўзи “кушон” атамасининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у ўша давр ёдгорликлари ҳисобланган тангалардаги ёзувлардан маълумdir. Марказий Осиёнинг жануби ва шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб яшнаганидан дарак беради. Дастребки ёдгорликлар Айритом ва Кўхна Термезда ўтган асрнинг 30-йилларида очилиб, 60-йилларида давом эттирилган. Кейинчалик кўхна Термез яқинидаги қоратепа буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби кўхна шаҳарчалар очилиб, ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлади.

Кушон давлатига расман асос соглан ҳукмдор Кужула Кадфиз 4 та қабилани ўзига бўйсундирди ва уни Кушон беклиги деб эълон қилди. Бу давлатнинг дастлабки ҳукмдори 30 йил подшолик қилди. Кушон хонларининг энг машҳури Канишка ҳисобланади. У (78-123) ҳукмронлик қилган даврда Кушон давлати жуда қурдатли давлатга айланиб, замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда турарди. Ҳукмдор давлат пойтахтини ҳам Далварзинтепадан Пешаворга кўчиради. Канишка ҳукмронлигининг охирги йилларида Кушон давлати жуда катта ҳудудни ўз ичига олган. Унинг чегараси Фарбда Орол ва Каспий дengиз бўйларигача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуи оқимигача, Шарқда эса Синоцзяннинг Хўтан шаҳридан Ганг бўйларидаги Банорасгача чўзилган.

Будда динига қаттиқ эътиқод қилган подшо ўз давлатида мазкур динни расмий равишда давлат дини сифатида эълон қилади. Марказий Осиё халқлари ҳаётида бу даврда катта силжишлар бўлди. Яъни, жуда ҳам улкан марказлашган давлат вужудга келди, шаҳарлар сони кўпайди, савдо-сотик алоқалари халқаро даражага кўтарилди; жонли савдо ҳаёти ва колонизацион фаолият, саводни ва ёзув (хат)ни кенг тарқалишига имкон яратди. II асрга тааллуқли машҳур “сўғд ёзуви”даги намуна айнан Дунхуан (Шарқий Туркистон)дан топилган бўлиб, у Самарқандда истиқомат қилувчи онанинг Друан (Дунхуан)да яшовчи қизига йўллаган хатида яққол исботини топган. Бу хат ўша давр Марказий Осиё халқларининг юқори даражадаги маданий ҳаёти, жумладан, аёлларнинг саводлилиги ва мустақиллигидан далолат

беради. Бу даврда кушон ёзуви ҳам пайдо бўлиб, у юон алифбосига асосланган эди. Мазкур ёзувни ўша даврнинг тангалари, мухрлари ва турли буюмларида учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бир неча ёзув тизимининг мавжуд бўлгани (оромий, сугдий, хоразмий, юон, кушон) – Кушон хонлиги таркибиға киравчи халқларнинг юксак даражадаги маданиятининг яна бир карра исботидир.

Кушон салтанати умуман қадимги Марказий Осиёning иқтисодиёти, маданияти ва санъати гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда халқаро савдо-сотиқ кенг ривожланган, янги шаҳарлар барпо бўлган. Аммо энди жараён эллинистик йўналишда эмас эди. Яъни, маданият ва санъат шарқий, эллинистик, ҳинд ва кўчманчилар анъанасининг синтезидан ташкил топган янги кушон йўналишига асосланди. Бу даврдан қолган кўплаб меъморий обидалар ва ҳайкаллар Шимолий Ҳиндистонда, қобулнинг водий туманларида, Бақтрияда, Амударёning шимолий ва жанубий қирғоқларида сақланган.

Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар, мелоддан аввалги III асрда хинд императори Ашок томонидан буддизм давлат дини сифатида тасдиқлангандан сўнг янада кучайди. Умуман Кушон маданияти қадимий томирга эга жойларда, янги омиллар, янги одамлар таъсирида ривожланган, Юон-Бақтрия хонлиги маданиятининг давомчиси ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш керакки, ўз навбатида кушон санъати бошқа халқлар маданияти билан узвий боғланган ҳолда, улар, хусусан Ҳиндистон маданиятида ўзи ҳам чуқур из қолдирди (Таксила ва Матура ёдгорликлари); шунингдек, Шарқий Туркистанда Кучи ва Каравара фреска ва ҳайкаллари; алания муҳити орқали таъсири этилган Шарқий Европа маданий ёдгорликлари сўзимизга ёрқин далил бўлиши мумкин.

1932 йили қадимшунослар томонидан олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида Терmez яқинидаги эрамизнинг I-II асрларига мансуб Айритом шаҳарчасидан ибодатхонанинг ташки девор пештоқларига ўрнатилган, сарғиш оқтошдан ишланган ҳайкаллар топилган эди. Тошга ўйиб ишланган, белига акаиф япроқлари боғлаган 14 та одам қиёфаси туширилган бу пештоқда мусиқачи ва гирляндачилар тасвириланган. Бундай манзара антик давр Ўрта Шарқ тасвирий санъатида жуда кенг тарқалган. Пештоқ тўлиқ сақланмаган, фақатгина 8 та бўлаги топилган ҳолос. Шунингдек, айрим қиёфалар ўз шаклини йўқотган бўлиб, улар мусиқачими, гирляндачими ажратиб олиш қийин. Мусиқачилар сони 5 та эканлиги аниқ бўлиб, қолган 3 та қиёфани аниқлаш мушкул. Шунинг учун мана шу 5 та мусиқачи қиёфаси нисбатан батафсил ўрганилган. Аммо қадимий бу квинтет (бешлик)ни тўлиқ таркиб, дея аниқ айтиш қийин.

Айритом пештоқида тасвиrlанган оркестрнинг 2 та торли мусиқа чолғуси - кичик бурчакли, тўққиз торли (балки ўн уч торлидир) арфа ва тўрт торли дўмбира, шунингдек, битта қуш авлос ва 2 та зарбли чолғу - нофора (барабан) векимвалсимон асбоб. Бу ерда қатъий ансамблъ услуби сақланганлиги шубхасиз, яъни, чолғуларнинг барча асосий (торли, дамли, зарбли) гурухларидан фойдаланилган. Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир гурухда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ва мураккаб, жозибали охангларни таратувчи турли хил чолғулар жамланган. Шунингдек, зарбли чолғуларнинг ҳам ҳар хили ишлатилганлиги эътиборлидир. Афтидан бу гирляндалар билан боғлиқ бўлиб, ҳаракат, юришни англатган.

Гирляндалар – шунчаки безак бўлмай, балки бутун композициянинг маълум маъносини англатади. Яъни, гирляндачилар мусиқий чолғулар садоси остида одимлаганлар. Ва афтидан бу юришларда рақс унсурлари ҳам қўлланган. Бундай тантанани бошқариш ҳаракатини тартиблаштириш учун эса бир қатор қўл билан ижро этилувчи, шаклан унча катта бўлмаган зарбли асбоблар керак бўлган. Мана шундай мусиқа садолари остида гирляндалар билан юриш анъанаси Айритом пештоқларида ўз ифодасини топган.

### Ўрта асрлар мусиқашунослиги

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро урушлар шаҳарларнинг бўшаб, вайронага айланиши ўрта Осиё халқ оммасининг қашшоқланишига олиб келди. Бу жараён ўзларини ўзбеклар деб атаган кўчманчилар бошлиғи Шайбонийхон ҳокимиятни қўлга олган XVI асрнииг бошидаёқ фаоллашган эди. Ана шу вақтдан бошлаб “ўзбеклар” деган халқ номи қарор топади. XVII ва XVIII асрларда феодал тарқоқлик кучаяди. Катта феодал давлати алоҳида хонликлар Бухоро, Хива ҳамда Кўқон хонликларига бўлиниб кетди. Бундай бўлиниш ўзбек халқининг мусиқа маданиятида ҳам акс этди. Ўзбек хонлари саройидаги мусиқий ҳаёт асосан темурийларнинг Ҳирот ва Самарқанд саройларидаги анъаналарини давом эттиради. Кўпгина шоир ва мусиқачилар Бухородаги шайбонийлар саройига, бир қисми эса Хоразмга кўчади. Бухоро ва Хоразмнинг аралаш ўзбек ва тожик мусиқали-поэтик анъаналари янада тараққий топиши ана шулар билан изоҳланади. XVI аср шоирлари ва мусиқачилари, шунингдек, мусиқа илмининг билимдонларидан Нажмиддин Кавқабий ижоди катта қизиқиш уйғотади. Унинг “Мусиқа ҳақида рисола”си устоз анъаналарнни Самарқанд ва бошқа шаҳарларда давом эттирган шогирдлари (Хожи Мухаммад, Мавлоно Ризо Самарқандий) учун мусиқали-поэтик қўлланма бўлган эди. XVII асрнинг сарой мусиқачи ва назариётчisi Дарвишалн Чангий эди. Унинг рисоласи мусиқага оид фикрларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Муаллиф бошқалардан фарқли ҳолда, фақатгина мусиқа назарияси асосларини баён қилиб қолмай, балки ўз

асарининг катта қисмини турли даврларда яшаб ижод этган бирқа тор мусиқачилар фаолияти, шунингдек, саройда мавжуд бўлган мусиқа асбоблари тавсифига ҳам бағишлайди. Бироқ, бу ерда ҳам халқ музикаси ҳакида ҳеч қандай эслатма учрамайди. Дарвишали Чангий оддий халқ турмушида, айниқса хотин-қизлар ўртасида кенг тарқалган дуторни чолғу асбоблар қаторига киритмайди. Ўрта Осиёда мусиқий-назарий илм ривожига тўхтаб ўтиш алоҳида аҳамиятга эга. Айни IX-XI асрларда мусиқа фанига асос солиниб, Ўрта Осиёning ўрта асрда яшаган олимларининг деярли барчаси бу масала билан шуғулландилар. IX асрдаёқ мусиқа ҳакида рисолалар пайдо бўлиб, уларда мусиқанинг назарий асослари тадқиқ этилади, мусиқа асбоблари илмий тасвирланади, таниқли ижрочилар номи, уларнинг репертуари, “кенг тарқалган мусиқа жанрларининг номлари келтирилади. Ўрта Осиё олимлари фалсафа, математика, медицинага оид жуда кўп асарларнинг бутун-бутун бўлимларини мусиқага бағишлайдилар. Мусиқани тадқиқ этишда уларга Пифагор ва унинг математика услуби маълум даражада таъсир кўрсатди. Мусиқа асосини шеър тузилиши асоси билан боғлаб тушунилган. Масалан: Форобий мусиқа билан поэзия чуқур боғланган, мусиқа шеърдаги вазнлар нисбати билан ҳам мустаҳкам алоқада; ритм эса поэзия билан мусиқани бирлаштирувчи бошланмадир деб билган. Мусиқа билан шеърий вазн ўртасидаги мустаҳкам алоқа ўзбек ва тожик мусиқали поэтик санъатининг янада ривожланиши учун характерлидир. Форобий фаолиятининг аҳамияти ҳакида гапириб, шуни таъкидлаш керакки, у Шарқ фанини антик фан, қадимий Греция фани билан боғлади. Форобий Аристотелнинг шарҳловчиси сифатида ҳам машхур, бунинг учун у “иккинчи муаллим” деган фахрий ном олган. Айниқса, Форобий акустика масаласига катта эътибор берди, бунинг учун у гаммалар интервалини ҳисоблаш мақсадида уд товушқаторидан фойдаланди. Мусиқа назарияси масалалари билан Шарқнинг улкан олими Ибн Сино ҳам шуғулланди. Унинг асарларининг айрим бўлимларида мусиқа ва унинг физик хоссаси, мусиқий парда ва ритмик асоси ҳакида маълумотлар бор. Ибн Сино “Китоб уш-шифо” ва “Китоб ун-нажот”да мусиқа фанининг акустика, “Донишнома”да математика томонларини ривожлантиради. Форобий, Ибн Сино ва бошқа Ўрта Осиё олимларининг ўрта асрдаги илм ва маданиятнинг юқори даражасини акс эттирган асарлари ана шу давр мусиқа маданиятини ўрганишимизда мухим манба бўлиб хизмат қиласди. Назарий асарлар мусиқа санъатининг монодия (ривожланган бир овозли) табиатига асосланган эди. Биринчи бўлим (илми таълиф) овозларнинг ўзаро муносабатлари, товушқаторларини ўрганишга, иккинчиси (илми иқо) эса ритм ҳакидаги таълимотдан иборат эди. XV асрнинг иккинчи ярмида ўтмишдошлари-

Форобий, Ибн Сино, Абдулқодир Мароғийларнинг мусиқа назариясига оид асосий қонунларини давом эттирган ва ривожланларган тожик шоири Жомий (1414-1492) нинг “Мусиқа ҳақида рисола”си ана шундай асарлардан ҳисобланади.

Жомий ҳам ўтмишдошлари каби овозларнинг интервал ҳолдаги ўзаро муносабатларини беради, уларни торнинг қисмлари нисбатидан чиқарган ҳолда асосий жинс - товушқатор (тетрахорд ва пентахорд)ларни ташкил қилиш ҳамда улардан жам (парда)лар ташкил этиш усулини кўрсатади. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа маҳсулни ўн иккн мақомлардан келиб чиқиб, Жомий асосий товушқаторларни ўн етти поғонали гамма ҳосил қилувчи ўн етти бўлакка бўладн (ин тервал нисбатлари центларда белгиланган):

Кейинчалик товушқатор асосини ўзбек мусиқасига хос бўлган миксолидий ладига мувофиқ етти поғонали гамма ташкил қлиши аниқланди. Шунингдек, рисолада ритм ҳақидаги таълимот ҳам кенг ривожлантирилган. В.Беляевнинг Жомий рисоласига ёзган изоҳларида “шеърий ритмика вокал ва ҷолғу асарларнинг айрим бўлаклари поэтик давралар узунлиги билан мос келадиган оҳанг чизиқларининг юзага келиши учун асос саналади” дейилади. Шунингдек, Жомий асосий ритмик формула (яъни усул)лар тузилишини тадқиқ этади. Рисоланинг хотимасида ладларнинг тингловчиларга таъсири ҳақида ҳам сўз юритиладики, бу пардаларнинг ахлоқий таъсири ҳақидаги қадимги юнонлар назариясини ривожлантириш ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг бошқа мусиқачилари асарларидаги каби Жомийнинг асарида ҳам космологик ғоялар баён қилинадики, ана шунга мувофиқ мусиқа табиат гармонияси ва жамиятнинг ахлоқий асосларини ифодалайди. Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин ал Урмавий асарларидаги қоидаларни кўпроқ такрорлаган ҳолда Жомий уларда ҳукмрон бўлган математик услублардан фарқли равишда мусиқачининг “соғлом ҳиссиёти”га мурожаат қилиб, унинг назарияда амалиёт томон кўприк ташлайди<sup>12</sup>.

Унинг қарашлари ўтмишнинг Арнстоксен каби мутафаккирларининг қарашлари билан тўғри келади. Ўрта Осиё олимларининг мусиқа назариясига оид асарлари халқнинг мусиқий ҳаётига бағишлиланган саҳифалардан жой олмаган. Лекин шак-шубҳа йўқки, сарой ва шаҳар доирасида оммавийлашган бой, ривожланган мусиқа санъати, ажойиб куйлар ижодкори, ижрочилари

<sup>12</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963. 2 Джами Абдурахман. Трактат о музике, 105- бет.

бўлган Ўрта аср бастакорларининг профессионаллашиши халқ мусиқа маданияти заминида ўсида ва ривожланди, ижод этишнинг қатъий қоидалари эса халқ мусиқа амалиётнинг кўпинча ижодий қайта ншланиши натижаси бўлди.

Мусиқа чолғуларида ҳар бир халқнинг миллий ўзига хос хусусиятлари, анъанаси, урф-одат ва қадриятлари ўз ифодасини топганки, улардан тараладиган овоз ҳам шунга мослаштирилган. Мусиқий чолғуларда ижрочилик санъати инсоният маънавиятини тараннум этувчи восита сифатида халқ ижодиёти маҳсули бўлиб, азал-азалдан омма орасида шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Миллий чолғулар моҳир соз усталари томонидан тобора мукаммалаштирилиб, жаранглилиги, мусиқавийлиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб турибди. Мусиқий чолғулар тарихий ривожланиш давомида уларга нисбатан талаб ва эҳтиёжни ошиб бориши билан уларнинг таълимий ва тарбиявий томонларига ҳам эътибор шу қадар кучайиб бормоқда.

Халқ чолғулари узоқ ўтмишда пайдо бўлган. Маълумотларга қараганда, дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган, деб тахмин қилинади. Мусиқа чолғулари оиласи тарихида дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Бунинг асосий сабаби энг қадимги ибтидоий одамларнинг меҳнатини ижодий маҳсулидир. Илк ибтидоий одалар ҳайвонларни қорин тўйғазиш ғамида йиртқич ҳайвонларни ҳам турли ов усулларидан фойдаланган ҳолда қўлга киритишга ҳаракат қилган. Ҳайвонларнинг терисини қуриган дарахтнинг кундасини устига қолдириб кетган. Жазира маҳалла мусиқи тери қотиб қолган. Кейинги сафар одамлар келиб, терини олишга ҳар қанча ҳам уринсада, бироқ, олаолмаган. Кейин турини устига қўли ёки бирор таёқ ёки чўп билан урса у ўзидан баланд ва ёқимли садо чиқарган ва унинг кейинчалик довул деб атаганлар. Ундан кейин шовқинли чолғулар пайдо бўлди, ижрочилар қарсак чалиб ритмни таъкидлаган, шовқинли чолғулар таъсирини кўпайтирганлар. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, такрорланмас гўзал ҳолатни вужудга келтирган. Шундай меҳнат жараёнларида одамларнинг онги табиийки куй, оҳанг, қўшиқ билан банд бўлган. Самарали меҳнат натижасида қўшиқлар пайдо бўла бошлиган ва улар секин-аста оғиздан-оғизга, отадан-ўғилган, онадан-қизга ўтиб шаклланган ва одамлар қалбидан бир умрга жой олди.

Қадимги шарқ маданияти бағрида, ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларни, товуш тусини сақлаб қолди. Шу тариқа чанг, най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак, қўбизлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди.

Кулдорлик тузими даврида Мароқанд, Нисо, Тупроққалъа, Термиз ва

бошқа шаҳарлар мавжуд эди. Ушбу шаҳарлар ҳудудида олиб борилган қазилма ишлар чоғида бадиий ҳунармандчилик буюмлари, турли хил ҷолғуларининг тасвирлари топилди. Қулдорлик жамияти Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти ривожида муҳим босқич бўлди. Ҳалқ мусиқаси янада юксалиши билан бирга, ҷолғулар ҳам такомиллашди.

Асримизнинг 30-40-йилларида уюштирилган археологик экспедициялар (С.Л.Толстов, В.А.Вяткин, М.Б.Массон ва бошқалар раҳбарлигига) натижасида қимматли маълумотларга эга бўлинди. Топилган маданий ёдгорликларда турли хил мусиқа асбоблари: танбур, рубобсимон ҷолғу, қонун, уд, най, сурнай, карнай, доирасимон ҷолғулар чалаётган машшоқлар тасвирланган.

Ҳалқ ҷолғулари Ўрта Осиё аҳолисининг турмуши ва меҳнат фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Ҷолғулар жўрлигига қўшиқ, ўйин ва куйлар ҳалқнинг катта-катта маросимлари, оиласи, мавсумий байрамларида ижро этилиб келинмоқда. Байрамлар кўпроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёда “Наврӯз”, “Лола сайли”, “Ҳосил байрами”, “Қовун сайли”, “Узум сайли” каби мавсумий байрамлар кенг тарқалган. Бундай оммавий байрамларни ҳалқ ҷолғу ансамбллари, хонанда ва созандалар ҳамда раққосаларсиз тасаввур қилиш қийин. Байрамларда, маданий маросимларда айниқса карнай, сурнай, дойра, ноғора ва урма зарбли мусиқа ҷолғулари кенг қўлланилган.

IX аср охирида Сомонийлар маҳаллий феодал сулоласи Ўрта Осиёнинг каттагина қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро йирик маданий марказга айланди. Бу ерда адабиёт ва мусиқа тараққий этди. Ҳаёт шароитининг ўзгариши туфайли мусиқа санъатининг ижтимоий аҳамияти ошди. Шаҳарликлар ва юқори табака синфлари турмушида мусиқанинг роли сезиларли кучайди. Ўша пайтлардаёқ ихтисослашув маҳсус мусиқий устахоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди якканавоз, ансамбл мусиқачилиги ва рақсни ўз ичига олган вокал ҷолғу мусиқа туркумлари мавжуд эди.

Ўрта аср мусиқа ижрочилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, ҷолғу ижрочилари нафақат бир неча турдаги мусиқа асбобларини чала олган, балки ўзлари ҳам мусиқа басталаганлар. Ҷолғучилар ўз даврининг етук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган. Ўрта аср шароитида мусиқий асарлари ҳам кўпайди. Бу ерда устоз-шогирд анъаналари қарор топди ва ривожланди. Айни шу пайтда ансамбл ижрочилиги такомиллашди, мусиқа санъатининг асосий кўринишлари шаклланиб ҷолғу асбобларининг янги намуналари кашф этилди.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижрочилик санъати

тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқанинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар.

Форобийнинг (873-950) "Катта мусиқа китоби" ("Китоб ал-музиқа ал-кабр"), Абу Али ибн Синонинг (980-1037) "Даволаш китоби" ("Китоби ушшифо") қомусидаги "Мусиқа ҳақидағи рисола", ал-Хоразмийнинг (Х аср) "Билимлар калити", Сайфуддин Урмовийнинг (1216-1294) "Олижаноблик ҳақида китоби" ёки "Шарофия китоби", Жомийнинг (1414-1492) "Мусиқа ҳақидағи рисола" китобларида мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган.

Сайфуддин Урмавий истеъододли уд чолғу ижрочиси, хонанда, машҳур созанда сифатида танилган. У Озарбайжоннинг Урмавия шаҳрида туғилган. Сайфуддиннинг энг катта ютуғи лад (модиус)ларнинг мукаммал системасини ишлаб чиққанлигидадир.

Ибн Зайлининг (1044 йилда вафот этган) "Мусиқа ҳақидағи тўлиқ китоб"и ("Китоб ул-кабир фил-музиқий") унинг мусиқа илмидаги ягона ва бебаҳо китобидир. У янги усулни – мусиқада ладларни ҳарфлар билан ифодалаш усулинини ишлаб чиқди.

Абдуқодир Мароғий (XV аср), Абдуқодир ибн-Ройибий (Мароғий) Озарбайжоннинг Мароғ шаҳрида туғилган, лекин ҳаётининг иккинчи ярми Амир Темур саройида - Самарқандда ўтган ва Ҳиротда вафот этган. "Мусиқа илмида оҳанглар тўплами" ("Жами ал-алҳан фи-ilm ал-musiқiy") рисоласида мусиқа ҳақидағи таълимотни-камонча, етти торли ғижжак каби бир турдаги мусиқа чолғуси борлиги ҳақидағи маълумотлар билан бойитди.

Ал-Хусайнининг (XV аср) "Мусиқий канонлар" рисоласида асосан Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган икки торли мусиқа чолғуси-дотор ҳақида бир қатор мусиқий чолғулар хусусида жуда қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Қутбиддин аш-Шерозий (1236-1310) эронлик мусиқа назариётчиси сифатида танилган бўлиб, ўз рисоласида камончали танбур ҳақида гапириб, инсон овозини мусиқа асбоблари ичидаги энг ёқимлиси деб ҳисоблаган. XVII асрда яшаган Бухоролик мусиқашунос Дарвиш Али ўз рисоласида танбур, чанг, қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак каби мусиқа чолғулари ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси халқ чолғуларини ўрганиш соҳасида ҳам тарихий қимматга эга. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг машҳур асари "Китоб ал – мусиқа ал -кабир" ("Мусиқа ҳақида катта китоб") улкан аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажralиб туради. Ўрта аср олими ўзининг ушбу машҳур китобида икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади.

Форобий мохир ижрочи сифатида мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганишга аҳамият беради ва у: "... Жангур - жадалларда, рақсларда, тўй - томошаларда, кўнгил очар базмларда ҳамда ишқ - муҳаббат қўшиқларини куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор" деб ёзади.

Форобийнинг юқоридаги фикри чолғуларнинг нафақат сарой аҳёнлари, балки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, чорводору-дехқонлар, ҳунурмандлар орасида шунингдек, мусиқа маданияти соҳасида етакчи ўрин эгаллаган.

Китобнинг иккинчи қисми бошдан-охир ўша давр мусиқа чолғуларига бағишиланган. Унда лютня, танбур, най, рубоб, чанг, қонун ва бошқа мусиқа чолғулари изчил ва батафсил таҳрифланади. Форобий торли, мизробли лютняни ўша даврда энг кенг тарқалган чолғу ҳисоблаган. Лютня ўзига хос мизроб (чертма) воситасида чалинган, дастасида эса лигатура (лад)лар жойлашган. IX-X асрларда лютня арабча уд номини олади. Бу чолғу кўпгина Шарқ мамлакатларида, Кавказ орти халқлари орасида ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Замонавий уд намуналари ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг миллий чолғу лабораторияси музейида сақланиб келинмоқда.

“Мусиқа ҳақидаги катта китоб”да Форобий яна бир чолғу асбоби-танбурни ҳам таҳрифлайди. Олимнинг фикрича, танбур (дилни тирнаш) удга энг яқин турдаги чолғулардан бири деб ҳисоблайди.

Танбурда торлар нохун (металдан ясалган маҳсус чертмак-тирнок) ёрдамида чертилади. Танбур худди уд каби кенг тарқалган ва халқ севган чолғудир. Танбурнинг икки ёки уч жез (сим) тори бўлган. Унинг икки тури маълум: Хурросон ва Бағдод танбурлари. Бағдод танбурларининг мақом (парда)лари камроқ (бешта), чолғу дастаси калтароқ бўлган. Хурросон танбурининг мақом (парда)лари кўп бўлган, дастасида чолғу бўғзидан то дастанинг ярмигача оралиғида пардалар жойлашган. Танбурнинг бу тури шу кунгача ўз шаклини йўқотмай, мусиқа ижрочилиги амалиётида якканавоз ҳамда ансамбл чолғуси сифатида амалиётда фойдаланиб келиняпти.

Форобий, шунингдек, найни ҳам таҳрифлайди. У тури хил дамли чолғуларини овоз ҳосил қилиши хусусиятига кўра найсимон гурухга киритади. Улардан бири оддий най ёки бир йўналишда жойлашган кўп тешикли най. Бу турдаги найлар ёки турлича аталувчи найлар ҳозирги кунда ҳам Шарқ халқлари орасида мавжуд. Уни ветнамликлар “сао”, тожиклар “тутек”, татарлар “кавал”, қозоқлар “сибизга”, озарбайжонлар “ней” (жуда кам учрайди), қирғизлар “уоо”, “чоор” (чўпонларнинг чолғу асбоби), ўзбеклар “най” деб атайди. Олим кўпинча тут дараҳтидан ишланадиган кенг тарқалган сурнай ҳақида ҳам тўхталади.

Форобий, шунингдек, дунай (мизмар)ни ҳам тилга олади. Дунай ҳозирги

кўшнай ёки туркман халқ чолғуси гоша-дилли “тюй дюк” (кўш қамиш найчалардан тузилган чолғу)га ўхшайди.

Форобий рисоласида ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган рубобни ҳам батафсил таҳрифлайди. Ўша даврдаги рубоб ҳам ҳозирги Қашқар рубобига ўхшаб, резанатор ва анча узун дастадан тузилган. Икки хил чертма торли рубоб мавжуд бўлган. 1 ёғоч декали ва асосий қисми ёғочдан, 2 пастки қисми чармдан ишланган декали.

Форобийнинг таҳқидлашича, чанг очик торларнинг тебраниши орқали оҳанг ҳосил қилувчи мусиқа чолғулари туркумига киради. Ўша даврдаги чангнинг 15 тори бўлган, улар диатоник созланган ва икки октава оралиғига тенг товушқаторга эга бўлган. Рисолада таҳрифланган барча чолғулар ашула, рақс, якканавоз ва ансамбл ижрочилигига жўр бўлишда фойдаланилган. Форобийнинг гувоҳлик беришича, уд чолғуси ансамбл ижрочилигига етакчи рол ўйнаган. «Чолғу асбоблари ҳақида китоб» да олим танбур, рубоб, чанг каби чолғуларини уdda ҷалинаётган кўйга ёки якканавоз хонандага уйғун жўр бўлиш учун созлаш усууларини тушунтиради. Шундай қилиб, Шарқнинг улуғ алломаси мусиқа илмининг бир бўлими сифатида чолғуларни ўрганувчи чолғушунослик соҳасига асос солди. Бу соҳа кейинчалик бошқа олимларнинг асарларида ҳам кенг бойитилди ва ривожлантирилди.

Яшаган даврига кўра Буюк олим ибн Сино Форобийга жуда яқин. Унинг "Даволаш китоби" деб номланган йирик қомусининг "Мусиқа ҳақида рисола" бобида ўша даврнинг мусиқа ижрочилигига оид илмий-фалсафий билимлари баён этилган. Бу рисолаларда чолғулар таҳрифига анчагина ўрин ажратилган. Ибн Сино ўз даври мусиқаларини икки гурухга бўлади: мизробли, нохунли (барбод, танбур, рубоб) ва бутун резанатор қопқоғи бўйлаб тортилган очик торли чолғулари (шоҳруҳ, чилтор, лира, чанг, арфа).

Ўша даврда Шарқнинг таникли мутафаккири Сайфуддин Урмавий мусиқа илми тизимини ривожлантирди. У уста чолғучи, хонанда ва моҳир бастакор сифатида машҳур эди. Удда олиб борган тажрибаларига таяниб, олим ўз назарий қоидаларини баён этди. Урмавийнинг "Тақвадорлик китоби"да чолғу асбоблари ичида уд энг машҳур ва энг замонавийидир деб таҳқидлаганлар. Уднинг беш жуфт тори кварта тартибидаги 7 та мақоми (лади) бўлган. Торлари бам, маснас, масна, зир ва энг юқориси ҳадд деб аталган. Беш қўш торли такомиллашган уд кейинги пайтларда ҳам ўз тузилишини сақлаб қолган. Уднинг квартага созланган беш қўш тори ва етти мақоми (ладаси) ҳақида Шерозий (1236-1311), Жомий (XV аср), ал-Хусайний, Марғий, ибн Синолар ҳам ёзишган. Жомийнинг "Мусиқа ҳақидаги рисола"сида келтирилган уд дастасининг тўла чизмаси уни созлаш ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Олимнинг тасдиқлашича мавжуд ўн икки

мақом қадимий етук мусиқанинг асосидир. Жомий мусиқанинг тингловчиларига таъсири ҳақида тўхталиб, унинг чуқур руҳий ва маънавий аҳамияти бор, деб ҳисоблайди.

XIII-XVII асрларда яратилган рисолаларда чанг, қонун, нузха, рубоб, танбур каби торли чолғулар, шунингдек, дамли чолғу найнинг таърифлари берилган.

Дарвиш Алининг (XVII асрда) Бухорода яратилган мусиқага доир рисоласи анъанавий чолғулар ҳақидаги маълумот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Унда мусиқа маданияти, чунончи, Ўрта Осиёning йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ҳамда моҳир ижрочилар ҳақида нодир маълумотлар мавжуд.

Дарвиш Алининг рисоласи XVI-XVII асрлар Ўрта Осиё мусиқасини ўрганиш учун қимматбаҳо манбадир. Мазкур асарда машхур хонанда ва чолғучилар, бастакорларнинг ижодий таржимаи ҳоллари баён этилган.

Дарвиш Али ўтмишдошлари сингари, торли мизробли чолғулар орасида тебраниш оҳангига кўра энг яхшиси саналган удни чолғулар "шоҳи" деб атади. Рисолада ёзилишича, чанг чолғучилар ҳомийси Зуҳрага бағишлиланган.

Таърифланган чангнинг етти мақом ижроси учун йигирма олти торли ва етти пардаси бўлган. Булардан ташқари, рисолада қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак, мусиқа, экбон-най, (дамли, чармли), Хитойда тарқалган руҳавза (олти тордан иборат ноҳунли) каби чолғулар ҳам тилга олинган.

Дарвиш Али таъриф берган чолғулардан еттитаси, танбур, чанг, қонун, уд, рубоб, қўбиз, ғижжак ўша даврда кенг тарқалган чолғулар эди.

Дарвиш Алининг маълумотлари мусиқа амалиётида дастлаб ансамблда уйғун калорит ҳосил қиласиган торли-ноҳунли ва торли -камончали чолғулар қўлланилганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлади. Рисолада чангчи Дијором, найчилар Абдуқодир ва Хўжа Абдуллоҳлар, Мавлоно Қосими-Раббоний, Султон - Аҳмадий - "девона" рубобчилар, aka-ука Шайх Абу - Бакри Раббоний ва Шайх Беҳдучи, доно қонунчи шайх Шамси Раббоний ва кўпгина бошқа машхур усталарнинг номлари тилга олинган.

Дарвиш Алининг гувоҳлиги яна шуниси билан қимматлики, у қайд этган чолғуларнинг каттагина қисми (най, сурнай, чанг, қонун, рубоб, танбур, ғижжак, қўбиз, дойра, ногора, уд) Ўрта Осиёning ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикаларида, шунингдек, Озарбайжонда бизнинг кунларгача сақланиб келди ва у такомиллашмоқда. Ушбу мусиқа чолғулари узоқ вақт мобайнида ўзбек халқининг маданий турмушидан мустаҳкам ўрин олиб, унинг маданий хаётида кенг қўлланиб келинган. Шундай экан, бу чолғуларни ўзбек халқ чолғулари, деб аташ ўринлидир. Абдул Фазл Бойҳақий (XIV аср) асарларида торли мизробли (руд, барбад, танбур), дамли

ва урма зарбли чолғулар (карнай, литавра ва барабан) сингариларнинг номлари келтирилган.

Маълумки, Шарқ адабиётида ўтмишда шоирлар асарларига жавоб ёзиш (“назира”) тизими кенг қўлланилган. Кўплаб “Хамса”лар ҳам шу йўсинда яратилган. Навоий ўзининг “Сабҳаи сайёр” (“Хамса” достонларининг бири) достонида Баҳром Гўр хақидаги қадимий афсонани, янгича талқин этди. Асар қаҳрамони - чанг чолғучиси Дилором деб аталган. Шоир унинг чолғусини мусиқа тимсоли сифатида гавдалантирган.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) эътироф этишича, Алишер Навоий ўз даврида кўплаб уд чолғучиларнинг ўз истеъоддларини намоён этишига кўмаклашган. “Бобурнома”да ўзбек халқ чолғулари ижрочиларининг номлари зикр этилган. Бобур, шунингдек, Шоҳ Кулмий-Фижжакий, Ҳусайн Удий, Ҳўжа Абдуллоҳ Марварид Қонуний каби моҳир ижрочиларни ҳам тилга олади.

Навоий даврида най, уд, ғижжак, қонун, карнай, сурнай, ноғора, дойра, чанг ижрочилиги кенг тарқалган эди. Уларнинг ҳаммаси ансамбл ижросида ҳам, якка ижрода ҳам бирдек қўлланилган. Чанг якка чолғу сифатида алоҳида ажралиб турган.

XV-XVII аср ёзма ёдгорликлари маълумотларини қиёслаб шундай хуносага келиш мумкинки, бу даврга келиб, Ўрта Осиёда халқ чолғуларида ижролик маданияти ўз камолотига етди. Ўзбек халқ чолғулари ижрочилари айни чоғда ўзлари ҳам мусиқа асарлари яратганлар. Ўша пайтдаёқ моҳир чанг, уд, ғижжак, қонун, най, танбур, буламон ижрочилари ва етук хонандалари бўлган, улар ўзига хос ансамбллар тузишган. Шунингдек, якканавоз ижрочилик ҳам ривожланган.

Восифий ўз “эсталиклар”ида ажойиб услуб ўйлаб топган қонун чолғучиси Ҳожи Абдулло Марварид номини келтиради. У басталаган куй ва қўшиқлар халқ орасида кенг тарқалган. Шундай қилиб, XIV-XVII аср тасвирий санъатида ва адабий меросида илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалувчи мусиқа чолғулари асосий типларининг барқарорлигини тасдиқловчи бой материал бўлган.

Ўрта Осиё олимларининг мусиқа хақидаги рисолалари, бадиий адабиёт, рассомчилик бизнинг кунларгача етиб келган ўзбек халқ чолғулари тарихий тараққиётининг узун занжирдаги айрим узилган ҳалқаларини қайсиdir даражада тиклаш имконини беради. Неча юз йиллар ўтди, мусиқа чолғулари эса якка, ансамбл ва оркестр ижрочилигида ўз ўрнини эгаллаб, бугунги кунгача яшаб келмоқда. Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш XVII-XIX асрларда чолғулар батафсил таҳрифланган йирик асарлар яратилмади. Бу кўпроқ феодал тарқоқлигининг

кучайиши билан боғлиқ. Улкан давлат айрим-айрим хонликларга бўлинисб кетади (Бухоро, Хива, Қуқон хонликлари). Бу эса мусиқа санъати тараққиётида акс этмай қолмади. Ўзбек мусиқа маданиятида маҳаллий хусусиятлар касб эта бошлади. Ўзига хос мусиқа чолғулари шаклланди. Мусиқа турларидан-мақомлар бундан бўён ҳар хонликда ўзига хос йўналишда такомиллашди. Мақом ижрочилари зарурат юзасидан ўзгаришлар киритишиди. Шунга қарамай, мусиқанинг умумий хусусиятларини сақлаб қолишиди. Ҳар бир ижрочи мақом ижросига ижодий ёндашиб, мусиқа ижросига ўзига хос такрорланмас жиҳатлар киритди. Оғзаки тарзда чолғуларни сақлаб қолиш анъанаси мақомнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, бусиз унинг яшаб қолиш ва сўнгги тараққиётини тасаввур этиш қийин. Ҳар бир хонликда ўзига хос бир йўналишда ҳалқ мусиқасининг янги турлари яратилди; байрамона, куйлар, ҳалқ томоша куйлари (дорбозлик, кўғирчоқбозлик) янги типдаги рақс куйлари. Бу куйлар ўзининг қувноқлиги, шўхлиги билан бир-биридан фарқ қилиб турган ва кенг ҳалқ оммасини ўзига жалб этган.

### **Ҳалқ мусиқа анъаналари, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти.**

Ҳалқимизнинг истиқлолга эришиш муносабати билан азалий қадрятларимизни тиклаш, ўз тарихимизни, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, маънавий ва шу жумладан, бадиий меросимизни атрофлича ўрганиш ҳамда ундан баҳрамад бўлиш имконияти вужудга келди.

Ўзбек ҳалқининг мусиқа мероси жуда бой ва қадимий тарихга эга. Унинг ажойиб анъаналари ҳозирги кунда ҳам ўз бадиий ва эстетик қийматини сақлаб келмоқда. Бу анъаналар замонавий ўзбек мусиқа маданиятининг ажralmas қисмини ташкил қилади.

Қадим – қадим замонлардан она-заминимиз ўзининг бой маънавий мероси, юксак маданияти, урф-одат, маросим ва анъаналари билан жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаган. Бу ўлка ҳалқларининг буюк сиймолари дунё илм-фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келганлар.

“Ватанимиз”, деган эди давлат мустақиллиги асосчиси И.А.Каримов, - башарият тафаккур хазинасига унутилмас хисса қўшиб келди. Асрлар мобойнида ҳалқимизнинг юксак маънавият, ватанпарварлик, маҳрифатпарварлик каби эзгу – фазилатлар шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий, ахлоқий таълимотлар ҳам ҳалқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Шуни алоҳида таҳқидлаш жойизки, ўзбек ҳалқининг тарихий тараққиёти даврида моддий ва маънавий маҳданияти бар текис равишда ривожланмади.

Унда уйғониш ва юксалиш билан бирга депсиниш, турғунлик ҳолатлари ҳам бўлиб турди.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари ўтган узоқ тарихий давр мобайнида кўплаб истилочилар томонидан забт этилган. Улар ерли аҳолини бой миллий маданиятидан бегоналаштириш сиёсатини олиб борганлар. Шунга қарамай халқимиз ўз миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ва маънавий дунёсини асраб қолган ва уни бойитиб борган.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганч, маънавий-маданий ҳаётимизда туб ўзгаришлар яратиш учун кенг имкониятлар вужудга келди. “Маънавият тақдирининг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди. Унинг қарашлари шунчалиу бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди. Фожеалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчиликлар кунларида иродани мустаҳкамлайди”, - деган эди биринчи Президент И.А.Каримов.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигига маданият ва санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки миллатнинг ўтмиш ва келажак олдидаги машулияти унинг маънавиятига алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Асосий мақсад – ўтмиш маданий, маънавий меросимизни чукур ўрганиш, уни кенг оммалаштириш, шу қадриятлар воситасида комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказиш, пировардига уларни келажак авлодларга бус-бутун етказишдан иборатдир.

Миллий маданият, маънавиятимизнинг чукур ўрганишда қўшиқчилик санъати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Миллий қўшиқчилик санъатимиз тарихи, унинг анъанавий қирраларини ўрганиш, ижро усусларининг ранг-баранглигини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мусиқа санъати тўғрисидаги қарор ва фармонларида миллий анъанавий мусиқа санъатини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Фармонларда кўзда тутилган энг асосий мақсад – мусиқа санъати ютуқларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу соҳа ижодий ходимларининг меҳнатини янада рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоялашни назарда тутишдан иборат эди. Шу фармондан келиб чиқиб, республика қўшиқчилик, мусиқа маданиятини янада юксалтиришнинг тегишли чора-тадбирлари белгиланиб, шу асосда кўпгина ижодий ишларни амалга оширилмоқда.

Бу йўлдаги ҳаракатлар, айниқса, “Ўзбекистон – ватаним маним”, “Шарқ тароналари” (Халқаро кўрик танлови), “Ниҳол” номидаги Давлат мукофоти ва бошқа қатор кўрик танловларда ўз аксини топди. Бундай кўрик танловлар

мамлакатимизда янги санъат дасталарини элимизга манзур бўлган янги хушовоз хонандаларни, миллий қўшиқчилик анъаналаримизнинг турли қирраларини ўз ижодларига асос қилиб олган санъат ижодкорларини этиштириб чиқармоқда.

Юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг республика телевиденияси, радиоси ижодкорлари томонидан муттасил ўтказилиб борилаётганлиги республика хукуматининг қўшиқчилик, мусиқа соҳасида олиб бораётган событқадам ишларидан ҳисобланади.

Буюк истиқлолнинг синовли давонларидан ўтишда, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ислоҳотлар ўтказилаётган бир паллада жамиятимизда миллий маданият ва санъат, маънавият ва маҳрифат каби инсонпарвар ҳамда тараққиётпарвар омилларга алоҳида дикқат эътибор берилмоқда. Бу ўринда амалий бебаҳо қадриятларимизни, ҳалқчил удум ва анъаналаримизни тобора тўлароқ тиклаш, тарихий – маданий ёдгорликларимизни шу жумладан мусиқий меросимизни муфассал ўргана бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уни ёш авлодлар томонидан илмий ҳамда амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириш учун сўнги йилларда барча зарурий шарт – шароитлар юзага келтирилганини эҳтироф этиш лозим.

Кўзланган эзгу мақсадларга эришиш учун республикамизнинг маданият ва санъат ўкув юртларида, шунингдек, ҳалқ таълими тизимиға кирувчи гуманитар йўналишдаги олий ва ўрта ўкув юртларида ўзбек мусиқа ижодиётининг барча қатламларини – росмана ҳалқ мусиқаси, мақомчилик, достончилик, ўтмиш ва замонавий бастакорлик, компазиторлик, бадиий ҳаваскорлик, эстрада санъатини қамраб оловчи қатор маҳсус ўкув фанлар жорий этилди. Ўз навбатида, уларни мукаммал дастур, дарслик ва ўкув қўлланмалар билан таҳминлаш – ҳозирги кунда мутахассисларимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Адабиётшунослик, санъатшунослик соҳаларида хусусан, мавжуд мусиқий адабиётларда услугуб сўзи ҳар хил маъноларда қўлланиб турилиши маълум. Булардан бир ҳолларда унинг кенг, умумлашма, бошқаларда эса хийла тор, ёки кўчма маъно ва мазмунлари қайд қилинади. Таҳқидлаш лозимки, услугуб атамаси ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан турлича идрок этилсада, айни пайтда у ўзаро яқин, муштарақтушунчаларни англатиши мумкин. Демак, бу масалага аввало ойдинлик киритиш зарур.

Услуб сўзи ёрдамида аввало бир мунча кенг, аниқроғи – йиғма маънода жаҳон ҳалқлари мусиқа санъатига хос умумий ёки муайян мінтақавий хусусиятлар табиати ифодаланади. Бунга, жумладан, шарқона мусиқий услугуб, “Европача мусиқа услуби” каби иборалар яққол мисол бўла олади. Бошқа барча бадиий ижодиёт кўринишлари мисоли, мусиқада ҳам миллий

ўзига хосликка айнан услуг атамаси ёрдамида қисқа ва лўнда тавсиф берилади.

Мусиқий асарларнинг ички тузилиш қонуниятлари бу масалада янада мухимроқ аҳамият касб этади. Яъни, асосий воситаларнинг ўзаро муносабатларини мезонлардан у ёки бу услуг аниқланади. Хусусан, “бир овозли” ёки “манодан”, “кўп овозли”, жумладан “гармоник”, “полифоник”, “томфоник” номли услублар шулар тоифасига киради. Йирик ижодий йўналиш ва оқимлар. Масалан, “классицизм”, “романтизм”, “импересионизм”, “реализм” ва бошқалар ҳам услуг тушунчаси билан бевосита боғлиқдир.

Услуб сўзи яна бастакор, композитор, дирижёр, хонанда ва созандалар фаолиятини ижодий жиҳатдан чуқурроқ ёритиш мақсадида ишлатилади. Айниқса, у бирорта машҳур санъаткорнинг ижодий қиёфасини, унинг фарқли, бетакрор чизги – қирраларини таҳлил ёки қиёс ила кўрсатишда баҳоликудрат ҳизмат қиласи. Шунингдек, “чолғу услуби”, “мақом услуби”, “ёввойи” ёки “патнисаки услуб”, “бадиқа услуби”, “замонавий услуб” сингари ранг – баранг маъноларни билдирувчи ҳолларни кундалик ўқув – назарий ва амалий истехмолда тез – тез учраб туриши мумкин.

Мусиқий фолклоршунослик соҳасида услугга даҳлдор яна бир тушунча бор бўлиб, у бирор ҳалқ, миллат ва элатга мансуб ижодиёт кўламида жойлардаги туб аҳолининг ўзгача бетакрор ижодий хусусият, удум ва анъаналарга дикқатимизни жалб қиласи. Табиийки, “маҳаллий услублар” масаласини ўзбек ҳалқ мусиқа ижодиёти мисолида, яъни унинг тарихий – назарий - амалий асосларига таянган ҳолда кўриб чиқиши ўқув фани олдига кўйилган мақсадларга мувофиқдир.

Ўзбек ҳалқ мусиқасининг кўхна, ниҳоятда бой ва сержило анъаналари аввало унинг турфа ярим – маҳаллий услубларида ёрқин ва теран ўз ифодасини топади. Дарҳақиқат, айрим ҳолларда мусиқий – маҳаллий услугнинг тишлишунослиқдаги “шева”, “лаҳжа”, тушунчалари билан қиёс қилиниши ҳам бежиз эмас. Бироқ, адабиётшуносликдан фарқли ўлароқ, жами мавжуд “мусиқий шева”ларнинг муштарақ сифатлари ўз навбатда “умуммиллий мусиқий услуб” сингари йигма тушунчани юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, мусиқада услуг том маънода турли – туман, бир ҳисобда айрича тушунчалар дойрасини вужудга келтирсада, бунда деярли барча таркибий воситаларининг узвий боғлиқлигини, тизимилигини назарда тутиш даркор. Худди шу боисдан ўзбек ҳалқ мусиқа ижодиёти билан таниш, уни ўрганиш ҳамда амалий ўзлшатириш борасида услугнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта.

Кўлами кенг, серқатлам мусиқа меросимизни ташкил этувчи хилма – хил кўхна намуналарини нота ёзувига тушириб, тўплаб, ушбу йўналишда дастлабки илмий изланишлар билан шуғулланган бир қатор мутахассислар иш фаолиятида кузатилган услубий тафовутларга ўз вактида алоҳида этибор берилган улар бу ҳақида илк бор қизиқарли маълумотларни тўплаб, теран илмий мушоҳадалар юритгналар. Хусусан, эҳтироф этилганки, Ўзбекистон худудининг барча воҳаларида, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар орасида, шунигдек, айрим бошқа хорижий мамлакатларда азалдан туб ўзбек аҳолиси зич ҳолда яшаб келаётган ерларда “музиқий шева”ларнинг кўринишлари ўзгача экан. Кузатилаётган бундай анча мураккаб этник, жуғрофий, сиёсий-ижтимоий, тарихий-маданий воқейлик тўлалигича қамраб олиш, унга мукаммал таҳрифу-тавсифлар бериш қийин масала, албатта буларнинг орасида ҳозирга қадар кўлами жиҳатидан бир мунча кенглиги, тарихан қадимийлиги, хусусиятлари бўйича беназир, бетакрорлиги билан асосан тўртта маҳаллий услуг тавсиф ила алоҳида алоҳида ажратилган бўлиб, ўзбек мусиқашунослигига нисбатан атрофлича ўрганилган. Уларнинг ҳар бир муайян худуд номи билан, яъни Тошкент – Фарғона, Бухора – Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё – Қашқадарё маҳаллий услублари, - деб юритилади.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек халқ мусиқасининг тарихий ривожланишида мазкур маҳаллий услубларнинг келиб чиқиши жуда кўп нарсаларга боғлиқ бўлган. Шу жумладан, миллатимиз шаклланишининг тарихи узун жараёнида серуруғ ва кўп қабилали туркий тили қадимий қавларнинг ўзаро бирикиб кетганлиги, халқ ҳаётининг узоқ – яқин ўтмишда рўй берган оламшумул аҳамиятга молик катта ижтимоий – сиёсий воқейликлар (масалан, ҳозирги Ўзбекистон воҳаларининг давлатчилик нуқтайи назаридан қадимги замон ва ўрта асрларда бир қатор катта - кичик подшоликлар, салтанатлар, амирлик ва хонликларга кирган ёки ичидан бўлинib кетган), ерли аҳолининг турмуш тарзи, қишлоқ ва шаҳар маданиятининг ўзаро ўзгариб турган мувозанатлари, дехқончилик, чорвачилик, касб-хунармандчиликнинг ўрни, иқтисодий ҳамда ички – ташқи савдо – сотиқ ишларининг ривожланиши даражаси, бошқа миллат ва элатлар билан ўрнатилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқалари, яқин қўни – қўшиничиликнинг ўзаро таъсири аҳамиятлидир.

Ўзига хос маҳаллий хусусиятлар маросим – майший мусиқасида ҳам, номаросим куй – қўшиқчиликда ҳам, бастакорлик ва достончилик ижодкорлигига ҳам, ашула ва чолғу ижодкорлигига ҳам бевосита намоён бўлади. Анъанавий услублар заминида битилган ҳозирги замон асарларида ҳам бу хислатлар озми – қўпми, ҳамон намоён бўлиши мумкин.

Аждодларимиз томонидан яратилиб, асрлар оша бизгача етиб келган мусиқа меросимизнинг бундай сифат кўрсаткичи ва фазилатлари ўзбек халқининг битмас – тугаммас, бепаён ижодий салоҳияти, юксак бадиий диди ва теран тафаккурларидан яққол далолат бериши табиийдир. Зеро, мозийдан шу кунга қадар маҳаллий санъат аҳли анъанавий ижодиётнинг шакл ва навларини тобора такомиллаштириб, унинг бадиий баркамол намуналарини авайлаб-асраб, янгидан-янги ижодкорлик сайҳт – ҳаракатлари ила миллий – маънавий бойликларини доимо кўпайтира борганлар. Санъаткорлар халқнинг орзу-умидларини, севинча ва ҳайратларини, қувонч ва қайғуларини, жамики инсоний қалб эҳтиёжларини юксак мусиқий идрок билан тасвирлаб бериб, кишиларга ҳамиша руҳий – маънавий озуқа беришган. Улар мумтоз мусиқа орқали нафосат ва эзгулик олишга тингловчини ошно қилиш истагида бўлиб, ўлмас қадриятлар билан ҳамиша баҳраманд этиб келганлар.

Касбий мусиқа ижрочилиги соҳасида санъаткорлар устоз – шогирдлик анъанасини юзага келтириб, уни қадимдан бевосита қўллаган ҳолда фаолият кўрсатиб келишган. Ўзбекистон Марказий Осиёning турли воҳаларидағи таниқли хонанда, созанда ва бастакорлар билан ўзаро яқин алоқаларда бўлишган. Уларнинг ўрта ва яқин шарққа, қолаверса бутун дунёга машҳур бўлган олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган мусиқий илм–фан асосларидан тажрибали муаллимлар ёрдамида, кўплаб маҳсус назарий рисолалар орқали боҳабар бўлишгани маълумдир.

XVII аср охири ва XIX аср бошларида ўзбек мусиқа маданиятида халқ ва профессионал мусиқа санъатининг қўйидаги кўплаб янги турлари такомиллаша бошлади; катта ашула, катта ўйин, Шодиёна, Наврўз, Мавриги, Шашмақом, Чор мақом (унга Дугоҳ, Хусайнӣ, Чоргоҳ, Баёт, Гулёри-Шаҳноз кирган). Жойларда мавжуд мусиқа чолғулари ва ижрочиларга боғлиқ ҳолда турлича чолғу ансамбллари тузилган. Кўп ҳолларда халқ чолғулари ансамбл таркибиға ғижжак, танбур, дутор, чанг, най, қўшнай, доира каби мусиқа чолғулари киритилган.

Мусиқачиликда олти туркум асарлардан иборат Шашмақом айниқса машҳур бўлган. У Ўрта Осиё халқлари сюита (туркум) шаклидаги профессионал мусиқасининг узоқ тараққиёти натижасида вужудга келган. И.Ражабов ёзади: Шашмақом олти хил турли лад тизимларидан иборат, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мушкилот (чолғу) ва наср (ашула) бўлимларидан иборат бўлган қўйидаги мақомларга (қисмларга) бўлинади:

“Рост”, “Бузруг”, “Наво”, ”Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ирок” ... . Ҳар бир мақом 20 тадан 40 тагача катта-кичик қисмларни ўз ичига олади. Ҳаммаси бўлиб туркумда 250 га яқин мушкилот ва наср қисмлари бор. Бир мақомнинг ижроси бир неча соат давом этган.

Халқ чолғулари халқ оғзаки ижоди ва синфик адабиёт билан узвий боғлиқлика ривожланади. Халқ чолғулари ҳақидаги тасаввурларни бадиий асарлардаги мусиқа чолғулари ифодалари, китоб миниатюраларидағи чолғучилар тасвири бойитади. Фирдавсий, Саҳдий, Навоий, Дехлавийларнинг асарларида 60 дан зиёд халқ чолғуларининг номи зикр этилган.

Мақомлар асосан сарой аёнлари ҳузурида муайян вақтда ёки муайян шароитларда ижро этилган. Ҳатто моҳир қўшиқчиларнинг ўзига хос мусобақаси (айниқса, авжларни ижро этишда, шунингдек, ўзига хос янги янги қисмларини тўқишида) ташкил этилгани маълум.

Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оханг ва ритм қонуниятларига кўра халқ қўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, факат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одатда, ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинган.

Биринчиси – фақат чолғуларда ижро этилган қисми бўлиб мушкилот деб аталган, иккинчиси – чолғулар жўрлигига айтиладиган ашула қисми бўлиб, наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи-уфорни ҳам олган.

Чолғучилар орасида мусиқа товушларини ёзиб қўрсатадиган маҳсус белгилар тизими нотация яратишга интилиш пайдо бўлди. Буни амалга ошириш шоир-мусиқачи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий 1825-1879)га насиб этди. Истеҳдодли мусиқа ижрочиси моҳир танбурчи ва гижжакчи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши саёҳат чоғида нота бўйича куй чалаётган чолғучиларни кўриб ҳайратга тушди. Мирзабоши - Комил Хоразмий Хоразмга қайтиши биланоқ илгаридан дилига туғиб юрган нияти мақомларни ёзиб олишга илҳом билан киришди.

Пахловон Ниёз Мирзабоши Комилнинг шогирди Муҳаммад Ёқуб Харратов (1867-1939) машҳур танбурчи эди. У нафақат чоғучилик санъатини, балки ҳаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Истеъдодли чолғучи Комил Хоразмий раҳбарлик қилган сарой халқ чолғулари ансамбилининг созандаси бўлган Муҳаммад Ёқуб Харратов (Матёқуб Харратов) танбур нотоциясини тузишда ва хоразмча мақомларни ёзиб олишда қатнашган. Устозидан хоразмча мақом туркумларини қабул қилиб, уларнинг сақланиб қолишига катта ҳисса қўшган.

Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825) саройида ишлаган машҳур танбурчи ва қўшиқчи Ниёзхўжа Ҳожининг ижодий ва ижрочилик фаолияти Хивада кечди. У хоразм мусиқа маданиятига катта эътибор берди.

Матёқуб Харратовнинг айтишича, Ниёзхўжа Бухорога “Шашмақом”ни ўрганиш учун борган. У Бухордан қайтгач, бухороча мақомлар Хива

чолғучилари тамонидан ўзлаштирилиб, Хоразмда кенг тарқала бошлади. Хоразмнинг машхур чолғучилари Мухаммадраҳим Феруз, Комил Хоразмий, Мирзо Мухаммадрасул ва бошқалар Ниёзхўжа билан ҳамкорликда мақомларга янги чолғу бўлимлари қўшиб, уларни бойитдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон шахри машҳур чолғучилар тўпланган марказга айланган эди. Бу ерда Уста Худойберди раҳбарлигига ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик мактабини ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб яратилди. Фарғона чолғулари бухороча шашмақомни фаол ўзлаштира бошлади. Ота - Жалолиддин Носиров (1845-1928) мақом ижрочиси, таниқли ўқитувчи, чолғучи, уста танбурчи эди. У дастлаб мусиқа илмини онасидан ўрганди, сўнгра мақомларнинг зукко билимдони ва моҳир ижрочиси бўлган отасидан таълим олди. Ота-Жалол Носиров узоқ йиллар мобайнида Амир Олимхон (Бухоро), Амир Музаффархон (Шаҳрисабз)," Амир Отажонлар (Кармана, ҳозирда Навоий)лар саройида ўзбек халқ чолғулари ансамблининг доимий раҳбари ва хонандаси бўлган. Ота Фиёс Абдуғани (1858-1924) ўзбек мусиқасининг билимдони, бухоролик танбурчи эди. У Шашмақомнинг Мушқулот қисмини яхши билган ва ҳар бир мақомни унга хос усул ва хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда ижро этган.

Хожи Абдулазиз Расулов (1852-1936) ўзбек ва тожик мусиқасининг таниқли ижрочиларидан бири, моҳир танбурчи Ҳожи Рахимқулнинг шогирди. 1888 йилда Бухорога борди. У ерда Ота-Жалолиддин Назиров раҳбарлиги остида бир йил ичида Шашмақомни мукаммал ўрганди. А.Расулов Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўзбек халқ мусиқаси ва мақомларини фаол тарғиб қилди. У ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги ривожига танбурчи, дуторчи ва хонанда сифатида салмоқли ҳисса қўшиб, халқ ва мусиқа жамоатчилигининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Юқорида номлари келтириб ўтилган мусиқачи-чолғучилар ўз ижодий йўлини бошлаб ўз даврида ижодий камолотга етдилар. Улар ҳаммаси маҳрифатчилар, ёш мусиқачиларнинг устозлари эдилар. Уларнинг педагогик қарашлари, таълимотлари ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича янги педагогик ҳаётий манба бўлиб, ўлмас мерос сифатида сақланмоқда.

1917-1945 йилларда ижрочилик санъатининг тараққиёти 1917 йилдан кейин ўзбек мусиқа санъати жадал ва жўшқин тараққий эта бошлади. Биринчи ўн йилликдаёқ мусиқа таълими, фольклоршунослик, ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Мусиқа ўқув юртлари - Тошкентдаги Туркистон халқ консерваторияси (1918) ва унинг Самарқанддаги, Фарғонадаги (1919), Бухородаги (1920) филиалларида катта ишлар амалга оширилди. Уларда асосан ўзбек халқ чолғуларини ҳамда баъзи Европача мусиқа чолғулари (фортециано, скрипка

ва дамли чолғулари) ни чалиш ўргатилар эди. Бу мусиқа билим юртлари том маънодаги консерватория бўлмаса-да, бироқ, ўтган давр мусиқа маданияти илмини ўрганиш имконига эга бўлмаганларга содда мусиқа назарий илми ҳамда ижро санъатида сабоқ берилар эди. Шу туфайли ёш республиканинг кўпгина шаҳарларида мусиқа ҳаваскорлиги кенг қулоч ёйди.

Ўзбек санъатининг асосчиси, драматург, бастакор, муаллим, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мусиқа санъати ривожига катта хисса қўшди. 1917 йилгача бўлган даврдаги ҳалқ мусиқачи ва ижрочилиари яратган анъаналар чолғуларнинг кейинги авлоди ижодида таркиб топди ва давом этди. Мусиқачи-ижрочиilar қайта тузилган маданий-маҳрифий ташкилотларда ишга киришиб кетди.

Таникли танбурчи ва хонанда Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги “Намуна” мактаб-интернати қошида ҳалқ чолғулари ансамблини тузди. Бу ансамбл кейинчалик Тошкент мусиқа техникумини ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 20-йилларда ўкув юртлари, заводлар, фабрикалар қошида, қишлоқ жойларда “Кўк кўйлак”, “Санъатчи қизлар”, “Санойи нафиса” каби мусиқий жамоалар тузилди. Ташкил қилинган ижодий жамоалар таркибида найчи, чангчи, дуторчи, танбурчи, ғижжакчи, дойрачи, ногарачилар ва қашқар рубоб созандалари бўлган ҳалқ чолғулари ансамбллари ҳам бор эди.

Ҳалқ чолғулари ансамбллари Фарғонада, Андижонда, Самарқандада ҳам тузилади. Уларга машҳур чолғучилар уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умирзоқов, Юсуфжон Шакаржонов, уста Рўзмат Исабоев, Матюсиф Харратов, Уста Тойир Маруфжон Тошпулатов, Мухиддин Мавлоновлар раҳбарлик қилишган. Уларнинг самарали ижоди туфайли, ўзбек ҳалқ чолғуларида ижрочилик санъатидан кўпчилик баҳраманд бўлди.

1936 йилда Москвада бўладиган декада муносабати билан Қори Ёқубовга Давлат филармониясини тузиш топширилади, у филармониянинг биринчи директори этиб тайинланади. Қори Ёқубовнинг ва бошқа мусиқа санъати арбобларининг қатъийлиги туфайли, Тошкентда давлат консерваториясини тузиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ўзбек ҳалқ мусиқаси анъаналарининг давомчиси, Тошкентлик моҳир ҳалқ чолғучиси-дуторчи, танбурчи, найчи Юнус Ражабийнинг (1897-1976) ижодий фаолиятига маҳрифатпарварлик кенг мусиқий-ижтимоий хусусиятлар хос эди. Беш жилдлик ўзбек ҳалқ мусиқасини ёзib олиб, нашрга тайёрлаганлиги Юнус Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолиятининг энг ажойиб самараси бўлди. 1927 йили Юнус Ражабий Ўзбекистон радио қўмитаси қошида 12 чолғувчи (хонанда ва созандалар)дан иборат ҳалқ чолғулари миллий ансамбли ташкил этади. Бу ансамблга у Тошкентдаги ўша

пайтда машҳур мусиқачилар - қўшнайчи Хайрулла Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражапов, Махсудхўжа Юсупов, ғижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Маҳмуд Юсупов, найчилар Дадаали Соатқулов, Сайд Калонов, чангчилар Нигматжон Дўстмуҳаммедов, Фахриддин Содиков, Маҳаматжон Расулов, дойрачи Дадаҳўжа Соттиевларни жалб этди. Репертуарида ўзбек халқ куйлари билан бир қаторда замонавий бастакор, шу жумладан Юнус Ражабийнинг “Чоргоҳ”, “Кўчабоғи”, “Баёт”, “Бирлашингиз”, “Фабрика”, “Ғалаба”, “Ҳаммамиз”, “Илғор”, “Мирзадавлат” каби асарлари бор эди. Кейинроқ бу ансамблда республиканинг машҳур хонандалари Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Бухоролик домла Ҳалим Ибодов, Самарқандлик дуторчи ва хонанда ҳожи Абдураҳмон Умаров, танбурчи ва хонандалар Матёкуб Харратов, Сафо Муғоний, Тошкентлик Назира Ахмедова каби санъаткорлар ишлаган. Айни пайтда ансамблнинг ижрочилик репертуари “Шашмақом”нинг мушқулот ва наср қисмлари: “Насуруллои”, “Наврўзи Сабо”, “Талқини ушшоқ”, “Сарвинози талқинча”, шунингдек, бастакорларнинг “Уйғонинг”, “Бизнинг қишлоқ”, “Яшасин”, “Колхозимиз” каби асарлар ҳисобига кенгайди.

1930 йилда Тошкент мусиқа олий мактаби, 1936 йилда эса унинг асосида Ўрта Осиёда биринчи мусиқа олий ўқув юрти - Тошкент давлат консерваторияси очилди. 1936-1937 ўқув йили халқ чолғуларида ижрочилик соҳасида мусиқий таълим ривожи учун жуда муҳим давр бўлди. Айнан шу даврда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида А.И.Петросянц ташаббуси билан Ю.Ражабий, А.Дарошев, А.Мансуров, Б.Гиенко, Н.Крестянин, В.Марсиковский, А.Махсудов, О.Қосимов каби ўқитувчилар умуммақбул нота тизими асосида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича сабоқ бера бошлидилар. Ш.Шоакрамов, А.Ғофуров, М.Юнусов (чанг), С.Юлдошов, Г.Қодиров (танбур), А.Илёсов, М. Аъзамов кабилар уларнинг биринчи ўқувчилардан бўлишиди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маданиятининг ўсиши, жаҳон бастакорлари асарларининг ўзлаштирилиши, Ўзбекистон бастакорларининг халқ чолғулари учун маҳсус асарлар яратишдаги фаол ижодий фаолияти ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалиши учун муҳим замин бўлди. Шу билан бирга, юқори малакали илмий педагогик ва ижрочи кадрларни пухта ва мукаммал қилиб тайёрлаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг кейинги даврлардаги юксалиши Тошкент консерваториясининг фаолияти билан чамбарчас боғланди. 1948 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мусиқа олий таълим муассасаларида, шу

жумладан; ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳам халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим бериш бошланди.

Ўзбек халқ чолғулари бўлимига (оркестр факультети таркибида) раҳбарлик килиш, ўқувчиларни саралаб йигиш, ўқув режаларини тузиш А.И.Петросянц томонидан амалга оширилди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича профессионал таълимни йўлга қўйишида В.А.Успенский, М.А.Ашрафий, А.И.Петросянц, И.П.Благовещенский, Б.Ф.Гиенко, Г.Г.Собитовлар катта рол ўйнашди.

1948-1949 йиллардаги биринчи ўқув йилида консерваторияга Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг 13 чолғучиси ўқишига қабул қилинди. Шулардан 10 киши: Назир Нигматов (қўшнай), Аббос Баҳромов, Александр Евдокимов (прима-рубоб), Лаъли Султонова, Мирзаев, Бурибой Мирзааҳмедов (қашқар рубоб), Махаматжон Асилов, Обид Холмуҳамедов (ғижжак), Анвар Ливиев (дойра) 1-курсга қабул қилинди. Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг битирувчилари Ахмаджон Одилов (чанг), Валентина Борисенко (прима рубоби), Феоктист Василевлар (қашқар рубоби) эса 2-курсга қабул қилинди.

Муҳаммаджон Мирзаев республикадаги рубобчиларнинг энг машҳури, куйчи-бастакори. Консерваторияни қашқар рубоби синфида А.И.Петросянц раҳбарлигига тамомлаган. 1951 йилдан филармония оркестирида ишлаш билан бир қаторда, ўзбек халқ мусиқа меросини ўрганиш бўйича ёш ижрочилигарга мураббийлик қилиб келган. Халқ артистлари Х.Мавлонова, М.Турғунбоевалар билан ижодий ҳамкорликда “Баҳор валси”, “Янги тановар”, “Гулноз”, “Дилбар”, “Гулхумор”, “Дилдор” каби лирик қўшиқли рақс куйларини яратган. У яратган қўшиқлар орасида “Ширмоной”, “Олтин сандик”, “Уч дугоналар” айниқса машҳурдир. М.Мирзаев Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси ва бир қанча мукофатлар соҳиби. Рубоб ижрочилигига (кейинроқ ёш ижрочилигар томонидан ривожлантирилган) хиссий ва ёрқин услугуб асосини яратган дастлабки рубобчилардан ҳисобланади.

Мирза Ҳакимович Тоиров консерваторияни най ихтисослиги бўйича тамомлаган дастлабки битирувчилардан бири (1956). У ўз устози А.И.Петросянц билан ҳамкорликда “Най мактаби” ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Ўзбекистондаги барча мусиқа билим юртларида, шу билан бирга, қўшни республикаларда ҳам най синфларининг очилишига имкон яратди. М.Тоиров 1957 йилдан ижрочилик кафедрасида аввал ўқитувчи, сўнгра доцент бўлиб ишлаган. Айни бир пайтда Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестирида ҳам иштирок этган. М.Тоиров мусиқа ижрочилири Бутуниттифоқ конкурсининг (1957) ҳамда Ёшлар ва

ўқувчиларнинг VI жаҳон фестивалининг совриндори (1957), Эстония ва МДҲ давлатлари (Москва, Қозогистон, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон)да бўлиб ўтган ўзбек санъати декадаларида қатнашган. М.Тоиров бир неча истехдодли найчиларни тарбиялаб камол топтирган. Унинг И.Қосимов, О.Азизов, Ш.Аҳмаджонов, Р.Холмирзаев, К.Юсупов, А.Абдурашидов каби шогирдлари республика кўрикларининг совриндори бўлишган. М.Тоиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969). У 1987 йилдан консерваториянинг профессори унвонига сазавор бўлди.

Фозил Матюсович Харратов (1926-1971) таниқли чангчилардан бири эди. Мусиқа билими ва ижрочилик илк сабоғини ўз отаси, машҳур чангчи Матюсуф Харратовдан олди. Отаси (М.Харратов) фарзандининг истагига кўра, унга ярим хроматик товуш қаторига мансуб янги чанг ясад беради. 1942 йилда Ф.Харратовларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Фозил бу ерда аввал Тошкент давлат циркининг аралаш мусиқа ансамблида ишлайди. У 1950-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясида А.Одиловнинг чанг чолғуси синфида ўқийди. Кейин бир оз вақт консерваторияда дарс беради. Унинг шогирдлари орасида Г.Неҳматов, Ф.Шукрова, Т.Хўжамбердиев каби таниқли ижрочилар бор. Ф.Харратов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI Жаҳон фестивалининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). У “Хурмат Белгиси” ордени билан мукофотланган.

Феоктист Никифорович Василев (1919-1987) дастлабки профессионал қашқар рубоби ижрочиларидан биридир. У 1937 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишига киради. 1938 йилдан Ўзбекистон филармонияси халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамблида ишлаган. Консерваторияни қашқар рубоби синфи бўйича А.И.Петросянц раҳбарлигига тамомлаган (1952). 1949 йилдан консерваторияда қашқар рубоби, дутор, танбур ихтисослиги бўйича дарс берган. С.Тахалов, А.Бобохонов, Г.Эргашев, Т.Ражабов, Қ.Усмонов каби машҳур рубобчилар унинг қўл остида тарбияланганлар. Феоктист Никифорович ўзининг илмий-методик ишларида (“Рубоб мактаби” дарслиги) “қашқар рубоби учун этюд ва машқлар” рубоб чалишни ўрганиш бўйича тизимли ўқитиш методини ишлаб чиқди. 1983 йилдан Ф.Василев профессор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган эди.

Феоктист Никифоровичнинг номи ўзбек мусиқа маданияти ҳамда 40 йилга яқин мураббий бўлиб хизмат қилган Тошкент консерваторияси билан чамбарчас боғлиқ.

Валентина Яковлевна Борисенко (1919-1990) ўзининг ижодий йўлини Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида чолғувчи

бўлиб бошлади (1939). Прима рубоби ихтисослигида ижрочи ва ўқитувчи сифатида танилди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатгач (1948), Борисенко оркестрнинг торли-нохунли чолғулар гурухида концертмейстер бўлиб ишлади. Консерваторияни прима рубоби ихтисослиги бўйича И.Г.Благовещенский раҳбарлигида тамомлади (1952). Сўнгра оркестрда ишлашни давом эттириди. 1950 йилдан Тошкент консерваториясида ўқитувчи, 1962 йилдан эса халқ чолғулари кафедрасининг доценти лавзимларида ишлаган. Борисенконинг машҳур шогирдлари орасида А.Маликов, Г.Салаева (Обидова), Б.Йўлдошев, М.Раҳимов, Б.Азимов, Ш.Жанайдаров, А.Дадамуҳамедов каби ижрочиликар бор.

Сулаймон Маниевич Тахалов (1942 йилда туғилган) ажойиб ижро техникасига ва алоҳида товуш жозибасига эга бўлган, анъанавий ва академик ижро усулини бирдек мукаммал эгаллаган рубобчилардандир. Консерваторияда ўқиши тугатгач, Ф.Н.Василев синфида (1958) қашқар ва афғон рубоблари ҳамда танбур ихтисосликлари бўйича сабоқ берди. С.Тахалов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг ВИ Жаҳон фестивалида иштирок этган (1957). У халқ чолғулари ижрочилири Бутуниттифоқ конкурсининг ўзбек халқ мусиқаси нота ёзуви ва тавсифини такомиллаштириш соҳасида катта илмий-тадқиқот ишларининг соҳиби. У “Афғон рубобини, чалишни ўргатиш методикаси асослари” номли ўқув қўлланма муаллифидир. С.Тахалов 1985 йилдан доцент, 1988 йилдан эса санъатшунослик фанлари доктори, профессор илмий даража ва унвонларини олган.

Абдусалом Маликович Маликов (1939-1979). Доцент вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қилган. А.Маликовнинг рубоб-прима ихтисослиги бўйича 60-65 йилларда консерваторияда В.Й.Борисенко раҳбарлигида олиб борган ижодий фаолияти алоҳида эътиборга лойик. У 1967 йилдан халқ чолғулари ижрочилик кафедрасида ишлаган. И Республика кўрик-танловининг соҳиби (1971).

Ғуломқодир Эргашевич Эргашев (1946 йилда туғилган). Тошкент консерваториясининг собиқ ўқувчиси (1969). Ф.Н.Василевнинг шогирди, афғон рубоби ижрочиси, турли хил дастурлар билан тез-тез концертларда қатнашиб турди. 1967 йилдан ТДКсида ўқитувчи, 1988 йилдан кафедра доценти лавзимида ишлаган

Чанг мусиқа чолғуси танбурнинг ўттиз икки пардасидан олиниб ихтиро қилинган. Баъзи ривоятларда гўё Арастун (Арестотел) Ҳаким Зухро юлдузига

қиёс қилиб ихтиро қилгари дейилади<sup>13</sup>. Ундан ташқари Абдулқодир Марофий ўзининг "Мақосид ул алхон" (куйлар мақсадлари) китобида чанг мусиқа чолғусини юзига тери тортилган унга 24 та тор икки томонига ип билан боғлаб қўйилган" деган маълумот берилган бўлиб, нохун (тирнок) воситасида ижро этилган. Қадимги чанг мусиқа чолғусининг бир тури бу чолғунинг юз қисмига тери эмас балки ёғоч қопланган. Торлари ип билан эмас чўплар воситасида беркитиб қўйилган.

Хозирги кунда Ўзбекистон худудида мусиқа ижрочилигига қўлланилаётган "Чанг" номли мусиқа чолғуси Шарқ ва бошқа халқларнинг миллий мусиқа ижрочилигига турли хил номланишларга эга. Беларуссия ва Украина - симбала. Уйғур халқларида - чанг, Эронда-сантур деб номланиб Ўзбекистондаги - "Чанг" мусиқа чолғусига ўхшаш. Кўпгина мусиқий рисолаларда зикр этилган "Чанг" чолғуси ҳамда ХВИ асрларда яшаган Дарвеш Али Чангий ижро этган "Чанг" номли мусиқа чолғуси тамоман бошқа кўринишда бўлиб, хозирги кунда мусиқа ижрочилигига қўлланилаётган "Арфа" мусиқа чолғусининг айнан ўзидир.

### Ислом ва мусиқа

Маълумки, Ислом бадиий ва илмий ижодиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу феноменни тафаккур этиш, доимо ўзига хос муаммоли масала бўлиб келган. Аммо, шундай бўлса-да бу ҳақда мавжуд манбаларга асосланган ҳолда фикрлар (илмий фаразлар, тахминлар) билдирилган ва ёзилган. Ҳар бир тегишли манбада анъанавий мусулмон маданияти ўзига хос тарзда талқин этилган. Ислом ва мусиқа муаммоларини чукур ўрганишда баъзан манбалар ва материалларнинг талаб даражасида эмаслиги (яни, масалалар эчимиға қониқарли жавоб берувчи маълумотларнинг этишмаслиги) ҳам бу мавзуни атрофлича ёритиш мураккаблаштиради.

Ислом ва мусиқа муаммоси икки йўналишда ўрганилиши мумкин. Биринчиси "расмий" Ислом, яъни мазҳаблари ва талқинлари, иккинчиси эса дин ичида вужудга келган тасаввуф оқимиmdir. Ана шу икки дунё миқёсида мусиқа турли бадиий ва фалсафий-естетик шаклларга эга бўлди. Бунда мусиқа шаклларининг кўлами, мусиқа тинглаш ва уни ўрганишиш ман этилишидан тортиб, токи мусиқа ёрдамида Оллоҳга етишиш каби жараёнгача бўлган тушунчалар билан белгиланади.

Бирин-кетин вужудга келган бу икки дунё мураккаб тарзда бир-бири билан «қоришиб» кетган. Ўрта асрларда яшаган инсон "оддийдан –

<sup>13</sup> Нағмаи ниёгон. Таҳқиқ ва таҳияи А. Ражабов. Душанбе. Адаб, 1988.124 с..

мураккабга” томон Ислом қонунларини ўрганган. Яъни, Ислом асослари, сўфийлик шариати, тариқати ва ҳоказо. Тасаввуф Ислом дини қонунлари, гоялари ва тимсолларини чуқур фалсафий, рамзий-эстетик маъно ва мазмун билан бойитади. Маълумки, Қуръони Каримда мусиқа санъатига бўлган муносабат тўғридан-тўғри (очиқ) билдирилмаган. Мусиқа мавзуси кўпроқ хадисларда ёритилган. Мусиқа тарафдорлари ва қаршилар айнан шу манбага таянган ҳолда иш кўришган. Турли хил илмий изланишлардан шу нарса аниқланадики, мусиқага бўлган қаршиликнинг иккита асосий сабаби мавжуд. Ҳар бир сабаб маълум бир тарихий даврга тўғри келади ва сиёсий-мафкуравий ҳамда маданий ривожланиш билан боғлиқ бўлади.

Дастлабки мусиқага бўлган қаршилик, VII-VIII асрларга тўғри келади. Ислом дини христианлик, яхудийлик зардуштийликка нисбатан қаршилиги бўлмаса-да, ўзининг “ички душманлари” бўлмиш “бутпарастлик”, “кўпхудолик”ка қарши аёвсиз кураш олиб борган. Ана шу “унсурлар” арабларда (Ислом дини жорий бўлишидан аввал) товуш, сўз, тасвир каби материалларда акс эттирилгандир. Масалан, мусиқа бутпарастлар диний маросимларида қўлланилиб, уларнинг афсоналари билан йўғрилган. Мавжуд маълумотлар (илмий фаразлар, тахминлар)га кўра айнан шу сабабли Ислом дини нозил бўлганида мусиқа ман этилган.

Мусиқа билан боғлиқ тасвиirlар деворларга ҳам чизилган Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон худудларидан топилган мусиқачиларнинг терракота ҳайкалчалари бу ерларда мусиқа анча юқори мавқега эга бўлганидан далолат беради. Зардуштийлик ва буддавийликда мусиқадан кенг фойдаланилган. Улар маросимларда мураккаб тизимли мусиқий тимсолларга таянишган. Буддизм рамзига машҳур “Айритом пештоқлари”ни боғлаш мумкин. Бу даврда мусиқа ҳам тасвирий санъат сингари Исломдан бўлак динларнинг руҳи ва гоясини ифодалаб, уларнинг тимсолларини ўзида намоён этган. Аммо мусиқа ва тасвирий санъатга нисбатан қўлланилувчи ҳуқуқий тартибот ўша пайтда ҳали йўқ эди. Унинг жорий этилиши VIII-IX асрларга тўғри келади. Боиси, бу даврда хадислар жорий бўлиб, Исломнинг тўрт асосий мазҳаблари – ханбалий, моликий, шофеий ва ханафий ташкил топди (ушбу мазҳаблар уларнинг асосчилари номи билан аталган). Мазкур мазҳабларнинг бевосита мусиқага доир фикрлари кейинчалик ёзиб қолдирилган қонунга оид, тасаввуф ва баҳзан мусиқашуносликка оид манбаларга иқтиbos тарзида киритилган. Ислом динида мусиқанинг таҳқиқланишига сабаб, бошқа динларга ўхшамаслик, яъни ислом аҳлини мусиқа билан ҷалғитиб, диннинг таъсир кучини сусайтирмасликда эди. Ислом дини ўз маросимларини ҳар қандай «дунёвий унсурлар» билан бузишдан сақлади. Бу ҳолат мусиқадан воз кечишнинг иккинчи сабабидир.

IX-XI асрларда Ислом ахли маданиятида “дунёвий” рағбат ҳукмронлик қила бошлаган. Шаҳарларда мусиқа етакчи ўринга эга бўлади. Мусиқа ҳиссийётроҳати учун восита ҳисобланган. Мусиқа “дунёвий” яшаш тарзининг бошка кўринишлари, яъни, май, қимор ўйини кабилар қаторида инсонни охиратга бўлган ишончини сусайтиради ёки умуман йўқотади, деган фикрни илгари сурган. Мусиқа ман этилишининг иккинчи сабабига “мутриблар” ҳам ўз ҳиссасини қўшишган. Мутриблар, яъни мусиқачилар асосан зиёфатларда, майхўрликларда қатнашиб, мусиқа чалишган (ёки куйлашган) ва эвазига ҳақ олишган. Базму-жамшиддаги мусиқа ижроси дин томонидан қаттиқ қораланган. Аҳлоқан бузук мусиқачиларга қарши мусиқа санъатининг йирик намояндалари ҳам қарши чиқишишган. Бундай тоифа мусиқачиларга ўз навбатида Алишер Навоий ҳам “муносиб таҳриф” берган.

Ўша даврларда қонуншунослар инсон ҳаётида мусиқа билан тўқнашадиган турли вазиятларни ҳисобга олган ҳолда қонунлар таъсис этардилар. Асосан диний ва тасаввуфга оид китобларда мусиқа 4 турли қоидаларга бўйсунган ҳолда ижро этилиши белгиланган: ҳалол (шариатга мувофиқ равишда), ҳаром, мубоҳ иа макрух.

Дин билан боғлиқ бўлган, яъни қурҳони Каримни қироат билан ўқиш, аzon чақириш, ҳарбий мусиқа кабилар эса қонуний равишда рухсат этилган бўлиб, мусиқа санъатининг шакллари сифатида тан олинарди. Алломалардан бири Ал-Фаруқийнинг таҳқидлашича, “Ислом ҳеч қачон мусиқа санъатига қарши бўлмаган. Дин фақат айрим ҳолатлардагина маълум бир шаклларни қабул қилмаган. Бу ҳолатлар инсонга мусиқанинг салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқдир”. Ислом дини ва мусиқанинг ўзаро муносабатлари сулолаларнинг алмашуви билан ҳам боғлиқ. Шўнингдек, жамиятнинг ҳар бир табақаси динга турлича муносабатда бўлганлиги сабабли, мусиқага бўлган муносабат ҳам албатта шу ҳолат билан боғлиқ бўлган. Айни вақтда мусиқа бобида Исломнинг назарий қонунлари замонавий жамият билан тўқнаша бошлади. Бу ҳолат XIX асрнинг охирларида ёрқин намоён бўла бошлаган. Демократия, маҳрифатпарварлик каби ҳаракатлар динга нисбатан янгича булган муносабатни юзага келтирди. Одамлар сиёsat, техника, эвропача илм каби соҳаларга интилиб, диннинг кўпгина қонунларини баҳзан ихтиёрий, баҳзан ихтиёrsиз равишда буздилар. Бундай ҳолат динни маълум даражада ислоҳотга учрашига сабаб бўлди. Маҳрифатпарварлик ҳаракати мусиқа маданияти соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, янгича нодир мусиқий дурдоналарнинг яратилиши, янги чолғулар, мусиқий техника воситалари, янгича мусиқий илм ва ҳоказо. Бундай янгиликлар “Ислом ва мусиқа” муаммосини янада мураккаблаштириди

Мусулмонлар ўзларига яна савол бера бошлади: муснқага қандай муносабатда бўлиш керак муаммо “янгича” тафаккур этилиб эчимини топиши керак эди. XX аср, “Ислом ва мусиқа” муаммосига ўзгаришлар олиб келди. “Мусиқий секуляризация” (мусиқани дин таъсиридан халос этиш) жараёни турли вактда, турли шаклларда ислом дунёсининг йирик марказларида кеча бошлади (араб мамлакатлари, Туркия, Эрон ва б.). Ислом динининг ички йўналишларидан бири саналган тасаввуф оқими, ўн асрдан зиёд тарихий жараённи ўз ичкга олган ҳолда бутун мусулмон дунёсида тарқалгандир. Худога ва Ҳақиқатга эришишнинг илоҳий жараёни (“шариат” – мусулмонларнинг диний қонуни, тариқат – сўфийлик йўли, ҳақиқат – Оллоҳга этишиш) суфийлик таълимотида санъат билан боғлиқ. Сўфийлик таълимотида мусиқа, шеърият ва рақс санъатининг этакчи турларига айланди. Санъат – шайхларнинг ўзаро мунозараларига сабаб бўлган. Баъзилар Оллоҳга эришиш йўлида санъат воситасини қулай деб билсалар, айримлар бунинг аксини айтар эдилар. Масалан, бундай бахслар киромийлар ва қодирийлар тариқатлари ўртасида олиб борилган. Киромийлар Оллоҳга эришишда мусиқанинг ўрнини юқори деб билсалар, қодирийлар мусиқа, баланд товуш воситаларни умуман рад этганлар. Бу сингари бахслар қанчалик кўп бўлмасин, сўфийлик таълимоти айнан мусиқа сабабли ўз моҳиятини кўрсата олди. (Айнан санъат туфайли тасаввуф ўзининг хаётий қарама-қаршиликларини эча олди ва одамзоднинг яшаш сирлари эчимини топа олди.

Сўфий гўшт емаган, дори-дармон ичмаган, чўмилмаган, ўзини очликка маҳкум қилган, қариндошлари хақида гапирмаган, негаки, буларнинг барчаси моддий ҳаёт билан боғлиқ бўлган.

Инсоннинг ички кечинмалари (субъектив кечинмалар) сўфийликда юқори даражали аҳамиятга эга бўлган.

Тасаввуф назариётчилари санъатни Оллоҳга этишиш, йўлидаги бошлангич нуқта деб билганлар. Тасаввуф учун барча санъат турлари орасида мусиқа биринчи ўринда турган. Ислом дини мусиқа соҳасини таҳқиқлаган бўлса-да, сўфийлик таълимотида мусиқага батамом қарама-қарши назар билан қаралган. Албатта, аввалига тасаввуф эстетикаси мусиқадан очик-ойдин фойдалана олмаган мусиқа аста-секинлик билан кириб келган.

Дастлабки тасаввуф оқимининг ғоялари (VIII-IX асрлар) ислом динига “қарама-қарши” бўлган. Яна шундай қаршиликлардан бири мусиқа эди. Мусиқа сўфийларда “самоҳ” (tinglash) атамаси билан қўлланилар эди. Дастлабки сўфийлик йиғилишларида шайхлар мусиқадан кенг фойдаланишган (мажлиси самоҳ). Мажлисларда мусиқий айтимлар, шеърий

шакллардан фойдаланишган. Аммо улар ўзига хос сўфийлик маъносига эга эди. Кўпинча рубоий-тароналар панд-насиҳат ва фалсафий-этик ҳарактерда бўларди. Марказий Осиёда тасаввуфнинг кўпқиррали дунёси, дарвешлар, қаландарлар, факирлар томонидан намоён этиларди. Тасаввуфнинг Марказий Осиё ҳалқларида шомончилик билан генетик муносабати мавжуд. Бу ҳудуд ҳалқларида “Яссавийхонлик” тариқати ҳам кенг ривожланган эди. Тариқат асосчиси Ҳожи Аҳмад Яссавий бўлиб, унинг мероси оғзаки анъана орқали бизгача этиб келган. Аҳмад Яссавий мақбараси (қабри) 800 йилдан буён Марказий Осиё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади. Инсон ҳаёти зиёратдан-зиёратгача, яъни қисмларга бўлинган. Ҳаётий туркумлар чегараси Яссавий хонақосида ўtkазилган зикр рақслари билан белгиланган.

Инқилобдан аввалги даврда Яссавий хонақосида “кичик” зикрлар бир хафтада бир марта ўтказиларди (жума кунида). Бир йилда бир марта эса хонақога зиёратга борилган ва зикр тушиш маросими ўтказилган. “Катга” зикр маросими 25 декабрдан 5 февралгача бўлган вақт мобайнида амалга оширилар эди (қишки чилла вақтида). Ҳозирги даврда зикр маросимлари ўтказилмай қўйилган. Аммо шундай бўлса-да, бу ерларга саёҳатчилар, шунингдек, Европа, Америка, Осиё мамлакатларидан шарқшунос олимлар келиб туришади. Мадраса толиблари, Худо йўлига кирган одамлар, маънавий ва жисмоний соғайишни истаганлар ҳам бу ерларга келишади. Якка ҳолда, оиласвий, гуруҳ бўлйб одамлар хонақо атрофини айланадилар ва девор ғиштларига қўл уриб, юз-қўзларига суртадилар. Киши билмас тарзда бу ерга шаманлар ҳам келишади. Улар ҳам ишларини бошлашдан аввал дуо олиш илинжида бўлиҳади. Аммо улар шуни ҳам билишадики, зиёратни Яссавийнинг биринчи устози Арслонбоб қабридан бошлаш керак. Шундай тартиб бўлмаса, зиёратлар қабул бўлмайди.

Арслонбобо ва унинг шогирди бўлмиш Аҳмад Яссавий мақбараларини халқ турли афсоналар билан боғлашган. Айтишларича, икки диндорнинг мозорлари ўртасида ер ости йўлаги бор эмиш. XIV аср охирларида Темур ҳукмига биноан мозор устига хонақо қурилиши бошланганида ғайриоддий воқеалар содир бўла бошлаган. қурувчилар анчагача иш бошлай олмаганлар, Кундалик қурувчилик ишларидан сўнг, катта хўқиз келиб, курилган жойни бузиб кетар экан. Шу тарзда бир неча кун ўтган. Темурнинг тушига Ҳожа Аҳмад кириб, хонақо аввал Арслонбоб мозори устига қурилиши кераклигини айтган. Шундан сўнг ишлар юришган. Арслонбонинг қабри Чимкент вилоятининг қизилқум раёнида жойлашган. Бу ерларда шаман (бахши)чилик кенг ривожланган. Қадимдан бу ерда авлиё шахслар яшаган. Атрофдаги қишлоқларда яшовчиларнинг кўпчилиги Яссавий билан қондош эканликларини таҳқидлайдилар. Айнан шулар Туркистон хонақосида зикр

маросимлари учун йиғилардилар. Махаллий шаманчилик сўфийлик иа Ислом тасаввурлари билан боғлиқ. Ана шу асосда Аҳмад Яссавий таълимоти юзага келган.

Хожа Аҳмад Яссавий турли номлар билаш қайд этилади: Хожа Аҳмад, Ҳазрати Султон, Ҳазрат, Пирি Туркистон, Ота Яссавий ва ҳоказо. Аҳмад Яссавий ўз таълимотини турк халқларига бағишилаган эди. Яссавий тариқати (йўли) айнан ундан бошланган. Ушбу тариқат Марказий Осиё ва Қозоғистон яшовчи ўтроқ ва кўчманчи халқлар орасида тарқалган. Яссавийдан “ота” дейилмиш генеологик шажара бошланган. Яссавий таълимоти ўз таъсирини бошқа сўфийлик тариқатларига кўрсатган: нақшбандия, кубровия, қаландария ва бошқалар.

Аҳмад Яссавий мероси – бу унинг “ҳикматлари”дир. “Ҳикматлар” – ўзига хос шеър-достон бўлиб, оғзаки тарзда ижод қилинади. Ҳикматлар оҳангларга солинган. Улар яккахон ёки жамоа бўлиб ижро этиш учун мўлжалланган. Оғзаки, ёзма тарзларда тарқатилган. Нашр қилинган ҳикматлар битта китобга “Девони ҳикмат”га жамланган қоидага қўра, ҳикматлар тўртликлардан иборат бўлиб, умумий мавзу, мазмунга эга бўлган.

Ҳазрати Султоннинг қилган ишларини мусиқасиз тасаввур этиш мушкул. Унинг ҳикматлари Марказий Осиё ва Қозоғистондаги барча диний айтимлар қатламидан ўрин олган (қаландарлар, маддоҳлар, бахшилар, отинлар ижро бисоти шулар жумласидандир). Ҳикматларнинг ижро этилиши услублари кўлами ҳам анча кенг бўлган (шарҳли декламатсион-речитациядан, мақом санъатига яқин юқори касбий даражадаги “хониш”). Хожа Аҳмад ва унинг ҳикматлари тарафдорлари “яссавийхонлик” номини олган анъанага асос солдилар. Ва ниҳоят, Аҳмад Яссавий ва унинг ҳикматлари сўфийларда “зикри жаҳрий”нинг ривожланишига сабаб бўлган. А.Яссавий хақидаги маълумотларни турли манбаларда учратиш мумкин (ҳикматлар, сўфийликка оид адабиётлар афсоналар ва ҳоказо). А.Яссавий шахси сирли, ечимини топмаган тилсимдир. Баъзи шарқшунослар уни ҳаттоки, бу дунёда яшаганлигини ҳам ҳали ҳануз гумон остига қўядилар. Шу билан биргаликда хақиқат ва тўқима ўзаро шу қадар боғланиб кетганки, уларни ажратиб бўлмайди.

Баъзи маълумотларга кўра Яссавий Яssi шахрида баъзиларида эса Сайрамда туғилган деб эътироф этилади. У диндорлар оиласида дунёга келган. Отаси – Шайх Иброҳим ота ва онаси қорасоч момо, ўғиллари Аҳмад 7 ёшлигига ёк оламдан ўтган эдилар. Шу ёшида у “буюк шайхлар”дан бири бўлмиш Арслонбобнинг тарбиясига ўтган. Арслонбоб Аҳмадга ислом дини асосларини, ундан сўнг эса сўфийлик таълимоти ва зикрни тарғиб этишни ўргатди.

Арслонбобнинг вафотидан сўнг Яссавий энг катта ҳикматларидан бирини унга бағишилаган. Арслонбоб тарбиясига ўтмасдан аввал ҳам Аҳмад илоҳий кучга эга бўлиб, унинг ҳаётида хронологик равишда турли ғайри оддий воқеалар содир бўлиб турган. Умрининг биринчи йилида арвоҳлар, иккинчи йилида – пайғамбарлар, учинчи йилида – чилтонлар, тўртинчи йилида – Муҳаммад (с.а.в.) ва Хизр бувалар келиб туришган экан. Улар кичик Аҳмадни Худо йўлига хизмат қилиш учун тайёрладилар. Бутун умри давомида илоҳий кучга эга бўлган одамлар Яссавийга ёрдам бериб турадилар. Арслонбоб вафотидан сўнг Яссавий ўқишини давом эттириш учун Бухорога кетади ва у ерда Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид тушади (вафоти таҳминан 1140-1141й.). Ўқиш сўнгида Яссавий шайхлик қилиш учун устозидан дуо олади. Кейин эса унинг ўзида муридлар пайдо бўлади Яссавий сўфийлар жамоасига бошчилик қиласди.

Аммо бироз вақт ўтгандан сўнг Яссавий Бухородаги фаолиятини тўхтатиб, ўзининг даштларига қайтади. Унинг муридлари Фиждувонийнинг қўл остига ўтадилар. Яссавий эса умрининг охиригача Туркистонда яшайди (тахм. вафоти 1166-1167 йй.). Унинг ўз ватанига қайтишини бир нечта сабабларини айтишади. “Юқоридан” турк кўчманчи халқларига Исломни тарғиб этиш ҳақида белги берилади. Яна бир сабаби, “эгри” йўлда юрганларни “тўғри”, яъни Ислом йўлига жалб этиш. Ислом аҳли томонида А.Яссавий Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг турган. Муҳаммад (с.а.в.) 63 ёшларида вафот этган бўлсалар, Яссавий 64 ёшида ердаги “носоз” ҳаётдан чарчаб, ер остига кириб кетган дейилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг мухим мавзуи – зикрдир. У тўғри маънода сўфийнинг юрагида пайдо бўлиб, сўнгра йиғи ва илтижолар кўринишида ташқарига чиқади. Яссавий издошлари зикрни ўз тариқатларининг асосий тавсифномасига айлантирганлар. Улар амалиётда қўллайдиган зикр “жахрия” (юқори овозли зикр) дейилади. Бу сўз тариқат номига айланди (“яссавий” атамаси вақт ўтиши билан ўз ўрнини “жахрия” атамасига бўшатиб берган). Бу ҳол XVIII-XIX асрларда бўлган. Зикрнинг бошқа тури “хуфия” дейиларди. “Хуфия” зикри охиста, берк тарзда ўтказиларди. Ушбу маросимнинг “зикри appa” турида Яссавийнинг ўзи ҳам иштирок этган. Бу ҳақда Яссавий ҳикматларидан билиш мумкин. “Зикри – appa” ҳақидаги батафсил маълумотлар тасаввуфга оид асарларда (XVI-XVIII асрларда) пайдо бўлган. Зикр, яъни Оллоҳ номларини (исмларини) ёдга олишни. Ҳақиқатга эришмоқни истаган ҳар бир сўфий ўтказиши шарт. Яссавий зикрни 5 ёшидан амалиётда қўллай бошлаган.

Тасаввуф таълимоти асосида сохта ва ҳақиқий сўфийларни аниқлашғояси ётади. Сўфийлик зикрларида Худонинг етти номи айтилар эди: Яссавий ҳикматларида эса Оллоҳнинг учта сифати қўлланган: хайи (тирик),

хақ (хаққоний), хува (У, яъни Оллох). Яссавий ҳикматларида “зикри илохий”, “зикри қалб” каби зикр турлари ҳақида ҳам қайдлар бор. Яссавий тариқатида зикрнинг ўзига хос тури “чахор зарб” дейилади. “Чорзарб”нинг ўзига хослиги тавҳиднинг такрорланишидадир. Чорзарбнинг очиқ ва баланд овозда айтилиши, рақс жўрлигига бўларди. Чорзарбнинг сўз формуласи – “Ла илаха иллаллох”дир. Бунда ҳар бир бўғин маълум ҳаракатлар ёрдамида айтилган. Чорзарбнинг ритмик формуласи ҳам бўлган (“як зарб”, “ду зарб”, “се зарб”, “чор зарб”). Ушбу формулалар диний руҳдаги бошқа айтимлар ҳам қўлланилган. Як зарб, ду зарб, се зарб, чор зарб деб номланган зикр қисмлари куйлари Тошкент ва Фарғона водийсида XIX-XX асрларда қўлланилган диний айтимлар билан ҳамоҳанг. Жумладан,

Як зарбда Оллоҳнинг номи бир марта айтилади;

Ду зарбда Тангрининг номи икки марта антилади;

Се зарбда Яратганинг номи уч марта айтилади;

Чорзарбда Худонинг номи тўрт маротаба айтилади.

Зикр айтувчилар эса ҳикматларда “зокир”лар деб келтирилади. Зикри аррада ҳақиқатга эришиш учун жазава ҳолати белгиланган. Зикри appa, афсоналарга кўра Закариё пайғамбарнинг ўлими билан боғлиқ экан. Закариё душманларидан қочиб дараҳт ковагига беркинади. Буни пайқаб қолган душманлар эса дараҳтни арралашади, шунда Закариё ҳам қийналиб вафот этади. Шу даврдан бошлаб зикри-арралар ўтказила бошланган. Зикрда аррага ўхшаш товушлар, Закариёнинг ўлим олди нолалари ўхшатма, тақлид этилган. Яссавий ҳикматлари икки асосий йўналишида қўлланилган: 1) сўфийлик зикрида, 2) диний айтимларда (қаландарлар, маддоҳлар, отин ойилар, баҳшилар ижро бисотида).

Яссавий ҳикматлари аёллар зикрида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. XII асрда тасаввуф йўналишида “фалсафийлаштирилиш” каби рағбат пайдо бўлди. Бунда самоҳ ва рақсни сўфийлар маросимида қўлланилиши асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Бу даврда тасаввуф таълимотига оид бир қатор китоблар ёзилган: Ал-Калободийнинг “Китаб ат-тахруф”, Ал-қушорийнинг “Рисала аҳкам ас-сама”, Ал-Ғазнавийнинг “Кашф ал-махжуబ” ва бошқалар. Яратилган китобларнинг ҳар бирида самоҳга бағишлиланган бўлим мавжуд бўлиб, бу анъана асрлар давомида ўзгармаган. Самоҳ кўпгина тортишувларга сабаб бўлган. Самоҳ тарафдорлари ҳам, қаршилар ҳам ўз саволларига жавобни қурҳон, Ҳадис, афсона ва ривоятлар битилган китоблардан излаганлар.

Ўрта асрларда самоҳ муаммолари жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланган. Унда айниқса амалий муаммолар бирламчи бўлган. IX-X асрларда самоҳнинг учта асосий шартлари мавжуд эди: замон, макон ва ихван (жамоа). Дастлабки

учта шартга Абулқосим Жунайдий-Бағдодий томонидан аниқ таҳриф берилган Тасаввуфда “самоҳ айтимлари”да қўлланиладиган сўз ва атамаларга алоҳида эътибор берилган. Уларнинг талқини рисола ва лугатлар батафсил ёритилган. Тинглов ва рақс зикр маросимида вакт нуқтаи назаридан тартиблаштирилган эди. Зикрнинг марказий унсури – важд ҳолатидир. Важд ҳолатидан сўнг сўфий Ҳақиқатга эришади.

Зикрнинг асосий икки тури мавжуд: булар, “зикр-и хафи”, “охиста зикр” ва “зикр-и жаҳри” – “баланд товушли зикр”. Зикр устоз шайх томонидан кузатиб турилган. Дастреб шеър ёҳуд сўфийлик матнлари ўқилиб, сўнгра эса қаввал ижроси кўповозли ижро билан алмашиниб келган. Маълум руҳий ҳолатга эришилгандан сўнг рақсга ўтилган. Маросим давомида қурҳондан олинган иборалар, рамзий сўзлар қайта-қайта такрорланиб, маълум бир руҳий ҳолат (медитация)га эришилган. Масалан, ха, хи, хақ, хува ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Зикрда айтиладиган асосий иборалардан бири “Laила иллаллоҳ”, яъни ўзга илоҳ йўқдур” бўлиб, унда Яратганга ҳамду-сано айтишдан иборатдир. Ана шу такрорланувчи таъриф ўртасида ҳофиз бошқа айтимларни ижро этган. Айтимлар диний, фалсафий, мавзуларда бўлган. Зикр авжида “Оллоҳ” сўзи қўп маротаба кўп овозли тарзда ижро этилган.

Самоҳ маросими ҳақида Европа ва Россиялик саёҳатчилар ҳам гувоҳлик беришган. Улар Туркия, Эрон каби мамлакатлардан Марказий Осиёга XVII-XX асрларда ташриф буюрган шарқшунос олимлар, элчилар, саёҳатчилар каби вакиллар бўлиб, ушбу маросимларни кўрганлар ва ёзиб қолдирганлар. Баъзи тариқатларда мусиқа чолғулари кенг тарғиб қилинган. Ўзига хос диний маънога эга бўлган куйлар муқаддимада, бўлимлар орасида ва зикр якунида ижро этилган. Жалолиддин Румий асос солган Мавлавийлар тариқатида (Туркияда) най рамзий чолғу сифатида қўлланилган. Ҳатто чолғуларга бағишлиланган китоблар ҳам ёзилган. Масалан, «Рубонома» (тахминларга кўра бу асар Ж.Румийнинг ўғли Султон Валад қаламига мансуб), “Найнома” (Ж.Румий) каби асарлар шулар жумласидандир. Самоҳ ва зикр амалиёти хонақо, қаландархоналарни йирик диний-мусиқий ўчоғ (марказ)га айлантирди. Бу ерларда ўзига хос шакллар ва анъаналар ривожланган. Мусиқанинг фалсафий қарашларга жалб этилиши, сўфийлар дунёқарashi билан боғлиқдир. Сўфий мусиқа ёрдамида Илоҳий уйғунликка эришган. Унинг кўз олдида бихишт (жаннат) пайдо бўлиб, ундаги дарахтларга қўнгироқчалар илингани намоён бўлган.

Бихиштда яшовчилар мусиқа тингламоқни истасалар (самоҳ); Оллоҳ дарахтга осилган қўнгироқчаларни ҳаракатлантиради. Ердаги одамлар (ахли дунё) бу товушларни эшитсалар, ўша заҳотиёқ жон берадилар.

Сўфийликнинг ҳар бир босқичи – шариат, тариқат, маҳрифат, ҳақиқат, маълум сонлар (мақом)га тўғри келади. Уларнинг сони 40-тага етган (ҳар бирига 10-тадан). Аҳмад Яссавий тариқатига биноан “ҳар бир сўфий, ҳар бир дарвеш, ҳар бир фақир 40 мақомни билмаса, амалиётда қўлламаса уларнинг шайхлиги, сўфийлиги, фақирлиги ёлғондир”.

Ҳар бир мақом инсон ҳаётининг турли жараёнларини белгилаб берган, баъзилари эса руҳий ҳолатни белгиланган. Самоҳ назариётчилари махсус атамалар тизимини ўйлаб топганлар: бу “ахвал – и мақамат” (яъни, мақомлар аҳволи) каби.

“Важд” (жазава), самоҳ жараёнида эришиладиган ҳолат. У икки асосий турга бўлинади: турли руҳий ҳолат (аҳвол), иккинчи – кашфиёт. Самоҳнинг руҳий ҳолатлари ҳакида IX аср муаллифлари ҳам ёзиб қолдирганлар. Масалан, ал-Хужвирий: тараб, фарах, ғам, шавқ хусусида маълумотлар берган. X-XI асрларнинг тасаввуфга оид китобларида мақомлар, аҳвол, важд ҳакида маълумотлар келтирилади. X-XV асрларда ёзилган мусиқий рисолаларда эса мақомлар тавсифи ўзгача тарзда ёритилган. Уларда сўфийлик билан боғлиқ айрим қирриларгина ўз ифодасини топган. Ўн икки мақомнинг руҳий ҳолатга бўлган таъсири хусусида Урмавий, Омулий, Марогий, Жомий, Хусайний каби муаллифлар ўзларининг асарларида имконқадар маълумот берганлар. Руҳий ҳолатга бўлган таъсир дунёвий-естетик ҳарактерга эга эди. Аммо келтирилган маълумотлар самоҳ ва мақомотнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари йўқлигини тасдиқламайди.

### Назорат саволлари:

1. Қадимги шарқ санъати ривожи қайси даврларни ўз ичига олади?
2. Шарқ халқлари яшайдиган худуд нимаси билан фарқланади?.
3. Қулдорлик жамияти санъати вазифаси қандай бўлган?
4. Қадимги шарқда Миср санъатининг ўрни қандай бўлган?
5. Олд Осиё санъати деганда нимани тушунасиз?
6. Қадимги Эрон санъатининг ахамияти қандай бўлган?
7. Қадимги Ҳиндистон санъатининг ўзига хослигини қандай тушунасиз?
8. Қадимги Ўрта Осиё санъати ҳақида тушунчангиз?
9. Марказий Осиёда қайси маданиятлар ўз номи билан аталади?
10. Туркий халқларнинг қадимий ёзма маданияти қандай бўлган?
11. Ёзма маданият ривожида халқ оғзаки ижодини ўрни қандай?
12. Ўзбек достонларида қадимий эпслар қандай гавдалантирилган?
13. «Девони луғатут турк» асари ҳақида нима биласиз?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.А.Каримова Мусиқий педагогик маҳорат асослари ўқув қулланма. Т. 2008 й.
2. Шарипова Г. Мусиқа ўқитиш методикаси. Махрузалар матни. 2000 й.
3. Зимина А.Н.Основы музкального воспитания и развития. М. 2000 й.
4. Файзиев О.Ўқувчиларда мусиқий нафосат тарбиясини шакллантириш. Т. 1992 йи.
5. X.Раҳимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1997 й.
6. Шарипова Г.М. Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси. Т.Турон-Истиқбол 2006 й.
7. Н.Норхўжаев, X.Раҳимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1999 й.
8. Г.Шарипова мусиқа ўқитиш методикаси Т. 2006
9. О.Иброҳимов, Ж.Садиров 7-синф мусиқа дарслиги Т. 2008 F.Гулом нашрёти
10. О.Иброҳимов Ўзбек халқ мусиқа ижоди.Т. 1997 й.
11. Мақомат.О.Матёқубов Мусиқа нашриёти Т. 2004 й.
12. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ мусиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
13. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.
14. Рассоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
15. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарслик (қўллўзма). – Т., 2014.
16. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўллўзма). – Т., 2014.
17. А.Мансуров. “Мусиқа санъати (турлари бўйича)” йўналиши “Мусиқа санъатида замонавий тенденциялар” модули. Тошкент. 2016 й.

**4-мавзу. Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.**

### Режа:

- 1.Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари
- 2.Ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари.
- 3.Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари

**Таянч иборалар:** мусиқа, чолғу, мактаб, педагог, маҳорат, ижрочилик, хонанда, созанда.

### **1.Ўзбек мусикасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари**

Ўзбек мусиқа санъати тарихи ижрочилигига хонандалик санъати устоздан-шогирдга анъана асосида ўтиб, шакланиб, ривожланиб, турли шароитларга мослашган ҳолда бизгача етиб келмоқда. Халқ ижодиётидаги фольклор айтимлари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа - мақомлар, академик вокал ва замонавий мусиқа ижодиётида ўзида миллий хусусиятларни тўла намаён эта олган санъат тури сифатида анъанавий хонандалик асосий ўринда туради. Юқорида тилга олинаётган ҳар бир йўналиш ўзининг шакл ва ижрочилик нуқтаи назаридан ўз услуби, қонун-қоидалари ва шаклу-шамоилларига эгалиги хусусида мусиқашунос олим С.Бекматов<sup>14</sup> ўз тадқиқотларида келтириб ўтган. Улар орасида тарихий тажрибалар асосида шаклланган ва энг мукаммал анъаналарни ўзида мужассам этган анъанавий хонандалик йўналиши ўзининг ижрочилик услуби, шакли, ижро йўли, айтимнинг мураккаблиги ва халқчиллиги билан аълоҳида аҳамиятга эга. Мазкур йўналиш азал-азалдан, ўзбек халқининг энг гўзал урф-одатлари, анъана, қадрият ва миллий рухиятини юзага чиқариб, халқимизнинг бой маънавиятини дунё халқлари олдида асллиги ва ўзига хослигини қўрсатиб келмоқда. Шу боис ҳам хонандалик анъанаси ва унинг айтим йўналишлари, услублари шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Анъанавий ашула ижрочилиги санъати аҳоли орасида кенг оммалашди. Айниқса, уларнинг хонандалик жанри жиҳатидан кенг қамровлиги, ижро услубларининг кенглиги, жой ва макон анъаналарининг ўзига хос маҳаллий услубларида намаён бўлиши билан аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, натижада маҳаллий унсурлар билан характерланувчи ижро услублар, кейинчалик эса ижро мактаблари юзага келди. Андижон, Хоразм, Марғилон, Кўқон хофизлик мактаблари ёки Ота Жалол Назиров, Хамроқул Қори, Уста Шоди Азизов, Хожихон Болтаев, Мадрахим Шерозий (Ёқубов), Мамадбува Саттров, Расулқори Мамадалиев, Муроджон Ахмедов, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Маматбува Сатторов, Журахон Султонов, Маъмуржон Узоков, Комилжон Отаниёзов, Фаттоҳон Мамадалиев, Коммуна Исмоилова, Назира Ахмедова, Саодат Қобулова, Берта Довудова, Фахриддин Умаров, Отажон Худойшукуров, Таваккал Қодиров, Хайрулла Лутфуллаев, Махмуджон

---

<sup>14</sup> Хофизлик Санъати". "Мусика" нашриёти Тошкент. 2007.

Тожибоев, Муножаат Йўлчиева, Камодиддин Рахимов, Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов ва бошқа қатор юзлаб хонандаларнинг ижро йўллари юзага келди.

Хонандалик санъатининг бошқа йўналишлари каби анъанавий хонандаликда ҳам билим ҳамда амалий унсурлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шундай унсурлардан бири ва бирламчи жараён бу шубҳасиз - овоздир. Ҳар бир инсоннинг ўз овоз ранги мавжуд. Биз уларнинг овоз ранги асосида бирбиридан фарқлаймиз ва ажратамиз. Хонанда овози рангida хонанданинг ижро маҳорати, сўз талаффузи, айтим йўли, куй ва оҳангни ижодий маҳорат тажрибаси билан ўзаро мутаносиблигига боғлиқ.

Хонандалик амалининг замирида мавжуд бўлган ана шу ўзига хос босқичлар, том маънода ўзига хос даражаларни юзага келтирганки, улар халқ орасида қўшикчи, лапарчи, яллачи, достон, термачи, ашулачи, талқинчи, савтхон, насрхон, зикир, жаҳрчи, гўяндачи, айтимчи, хонанда ва ниҳоят ҳофиз каби номлар билан аталишга олиб келинган. Булар эса ўз ўрнида хонандалик санъатининг турлари сифатида амалиётда шаклланган. Ижро чиларнинг ҳар бири ҳар томонлама мукаммал ҳисобланиб, энг юкори даражасигача эришишга мұяссар бўлганини эса “ҳофиз” деб юритиш анъанага айланган<sup>15</sup>. Чунончи, ҳофиз кенг қамровли ҳамда ижро чилик маҳоратининг юқори босқичига эришган хонанданинг ўз соҳаси бўйича мутахассис даражаси берилган атамадир. Ўзбек мусиқасининг оҳанглари, энг муҳими, руҳияти, айниқса ҳофизлиқда ўз аксини топган. Хонандаликда юқори савияга эришиб мумтозлик касб этганларни, яъни мумтоз мусиқа намуналарини ижро этувчи айтим соҳибларини “ашулачи”, “мақомчи” номлари билан бирга, XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб “ҳофиз” деб аташ тилимизда аллақачон расм бўлиб улгурди.

Юқорида келтирилган ҳар бир атамада мусиқий жанр хусусияти тўла ифодасини топадиган бўлса, “ҳофиз” ҳам бу ўринда қатор таркибий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўзининг айрим жиҳатларни намаён этган. “ҳофиз”-арабча “хифз” сўзидан олинган бўлиб, аслида “асровчи”, “ёдда сақловчи” маъноларини англатади<sup>16</sup>. Шу боис бўлса керак ўтмишда, ижро талқини билан боғлик касб эгалари ҳамда амалларида хифз, яъни эсда сақлаш муҳим ҳисобланган ва талқин этиш жиҳатларини ўзида мужассам этганлари бу ном билан аталиб келинган.

XX асрнинг 30 йилларига келиб мумтоз мусиқа мероси ва халқ йўлларига мансуб йирик шаклдаги ашулалар ижро чилари - моҳир хонанда ва

<sup>15</sup> Бекматов С. Ҳофизлик санъати. Ўқув-услубий қўлланма. 2007 й. 135 б.

<sup>16</sup>Худди шу китоб. 135 б.

машхур ашулачиларни ҳофиз деб юритиш расман кенг оммалашди. Хукумат томонидан ҳам 1939 йили “Халқ ҳофизи” деб номланган фахрий унвон таъсис этилди. Унга биринчилар қаторида машхур хонандалар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоков ва Ортиқхўжа И момхўжаевлар сазовор бўлдилар. 1991 йили моҳир ашулачиларга берилган бу олий унвон (қарийб 60 йиллик танаффусдан сўнг) қайта тасдиқланиб, Очилхон Отахонов, Одилжон Юсупов, Фаттоххон Мамадалиев ва Хасан Ражабийлар ҳамда 1993 йили Мухаммаджон Каримов, Рузмат Жуманиёзов, Орифхон Хотамов ва Ўлмас Сайджоновлар унга сазовор бўлдилар. Мустақиллик шарофати билан “Халқ Ҳофизи” фахрий унвонига Қувондиқ Исканадаров, Эсон Лутфуллаев, Исмоилжон ва Исройлжон Вахобовлар, Махмуджон Йўлдошев, Махмуджон Тожибоев, Бекназар Дўстмуродов, Фарход Давлатовлар сазовор бўлдилар.

## **2.Ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари.**

Мамлакатимизни мустақил давлат тараққиёти йўлида баркамол авлод тарбиясидаги эътибори ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Ҳар томонлама ривожланган, жисмонан ва ақлан етук шахсни тарбиялаш жамиятимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистонда инсон омили, инсон манфаати давлат ривожланиш дастурининг асосий вазифалари қаторида турганлигидан далолатdir. Ватанимизнинг келажаги бугунги ёш авлоднинг илмий салоҳияти, мустақил ва оқилона фикр юрита олишларига ҳар томонлама боғлиқлиги Давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ шахс тарбиясига, унинг маҳнавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”<sup>17</sup>да амалга оширишга оид давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таҳминлаш бўйича нафақат Олий ва ўрта

<sup>17</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1-илова: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

махсус таълим вазирлиги олдида балки, ўрта махсус таълим муассасалари олдида жуда катта вазифаларни бажариш лозимлигини кўрсатди. 2017 йилдан ўқувчи ёшларни 11 йиллик умумий ўрта таълим мактабларини қамраб олиши халқнинг маҳнавий маданиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари давлатнинг муҳим сиёсати даражасига кўтарилиган масалалардан бирига айланди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар бўлажак ўқувчи ёшларни тарбиялашдек мураккаб жараёнга янада масҳулиятли бўлган ҳолда эътибор қаратишни талаб этмоқда. Давлатнинг мазкур таълими сиёсатининг нечоғли самарали кечиши узлуксиз таълим тазимининг барча бўғинлари узвий тарзда, ягона механизм тарзида фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мактабдан ташқари таълимнинг имкониятлари алоҳида эътиборга молик жараёндир.

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли доно ва албатта, баҳтли бўлиб яшashi учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз,- деб такидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов бу борада маҳнавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезирлигимизни, қатҳият ва масҳулиятимиз кўрсатмасак, бугунги глобаллашув жараёнда ўқувчи ёшларнинг таълим тарбиясида бир оз муаммоларга дуч келиб қолишимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилнган ҳамда изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда хаётимизнинг барча жабхаларида, энг муҳими, ҳалқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маҳнода, Ҳаракатлар стратегияси<sup>18</sup> Ўзбекистонни тез сурҳатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берадиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир, десак, айни ҳақиқат бўлади. Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишининг тўртинчи ва бешинчи бўлимларида таълим ва фанхасини ривожлантириш: узлуксиз таълим

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эътиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, болаларни бўш вақтлаирни мазмунли ўтказиш, уларни мусиқа ва санъатга жалб қилиш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш белгилаб берилган. Республикализнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ахборот алмашиш воситаларини турли хилларини кўрайганлиги ёш авлод тарбиясида жиддий эътибор беришни тақозо этмоқда. Ёш авлодни маънавий жиҳатдан соълом, бақувват, билимли қилиб тарбиялаш, айниқса, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва касбга йўналтирилган ҳолда мақсадли ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалалалирдан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан тавсия этилган “Ёшларни мусиқа, рассомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини ошириш, қобилиятларини намоён қилишни таоминлаш”га қаратилган 5 та ташаббуснинг биринчи сифатида эътироф этилиши, жойларда ўқувчи-ёшларни мусиқа санъати турларига бўлган қизиқиши бўйича ижодкорлигини қўллаб-қуватлашга қаратилганлиги ўта муҳимдир.

Тарбия - деганда ҳар томонлама етук, ўзида ахлоқий роклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган инсонни етиштириш назарда тутилади. Тарбия тизимида мусиқа санъати етакчи ўринда туради. Ҳозирги кунда мусиқа санъатини инсон тарбиясидаги роли ортиб бормоқда. Ёшларимизни маънавий етук, комил инсон этиб тарбиялашда мактабнинг роли билан мусиқа тўгаракларининг фаолияти шакшубҳасиз каттадир. Мактаб ёшларга билим асосларини сингдиради. У ўқувчи-ёшларни илмий дунёқарашини шаклланиши ва мустаҳкамланиши йўлида асосий ройдевор бўлиб ҳизмат қиласи.

Ўқувчи-ёшларнинг бадиий тўгараклар орқали ҳаётга қизиқиши, ижодкорлик қобилиятларини шаклланиши ва ривожланишида, айниқса, ҳаётга бўлган ҳис-туйъуларини ўсиб боришида, атроф-муҳит, жамият тараққиётида кузатиш қобилияти ва дунёқарашини шаклланишида мусиқа санъати муҳим ўрин тутади. Бошқа санъат турларига нисбатан мусиқа ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялашнинг энг муҳим тарбиявий воситасидир.

Миллий мусиқа маданиятимиз, хусусан, мусиқа санъати турлари ҳисобланган хонандалик ва чоли ижрочилиги маҳоратини эгаллаган ҳар қандай инсон қалбида ёвузлик, ватанфуруушлик, тажавузкорлик, фитнакашлик ва бошқа инсонийликка хос бўлмаган хусусиятлардан йироқ

бўлиб, қалбида, онги шуурида бунёдкорлик, ижодкорлик, меҳр-муҳаббат, Она-Ватанга садоқат ва миллатга ҳурмат руҳида тарбияланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим ислоҳотларини амалга оширишда жуда катта тажриба йигилди. Тўпланган миллий тажрибанинг таълили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги илоғ ютуқларни қўллаш асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар мусиқа маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ишлай олиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Замонавий ахборот технологиялари ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таҳминлаш ривожланиб борди. Фан ва таълимнинг меҳёрий-хуқуқий базаси шакллантирилди. Ўқув-услубий, илмий, инновацион, замонавий технологиялар мукаммалашиб, ўқув жараёнига татбиқ этишга киришилди. Ўқитишнинг янги шакллани жумладан, сиртдан, кечки, масофадан туриб ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакиллари, метод ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суюниб, ўқув жараёни самарадорлигини оширади. ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади.

Шу боисдан ҳам, педагогик технология, дидактик технология, таълим технологияларига ўқув жараёnidаги энг самарали воситалар деб қаралмоқда. Улардан дунё педагогик амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Хозирга кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборатдир.

Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим – тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини такомилаштириш масалалари ҳал этилмай қолади.

Янги педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун унинг илмий – амалий меҳанизмини яратиш зарур.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳали республикамизда янги педагогик технологияларни, таълим инновацияларни тўплаш, улар ичидан фаолиятимиз учун энг самарадорлигини тажриба-синовлардан ўtkазиш ва ўқув жараёнига жорий этишни йўлга қўядиган тизим (меҳанизм) шакиллантирилмаганлиги учун, биз ўқитувчи амалиётчиларимизнинг ижодий фаолиятларига ёрдам бериш мақсадида шу қўлланмани яратишга қўл урдик. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- педагогик технология амалиёти ва назариясини ўқиб ўрганишни ташкил этиш;
- педагогик технологияларни ўрганиш, кузатиш, назорат қилиш қилиш
- педагогик технологияларни ўкув жараёнига татбиқ этиш бўйича семинарлар, тренинглар ўtkазиш;
- педагогик технологияларни тўплаш, танлаш, қўллаш бўйича тегишли маҳлумотлар банкини яратиш, уларни таълил қилиш асосида ўкув жараёнига татбиқ этиш;
- илгор педагогик технологияларни амалда қўллаш тажрибаларини таълил этиш, умумлаштириш, оммалаштириш бўйича тавсия қўлланмалар яратиб, таълим муассасаларига етказиш.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қиласди. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда, ушбу қўлланмада ўқувчига билим беришда замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва уларни ўкув жараёнига жорий этиш механизмини очишга ҳаракат қилдик.

Таълим – тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуслари ҳам такомиллашиб бормоқда. ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияларга айланиб бормоқда. Худди шу каби таълим – тарбия соҳасида ҳам сўнги йилларда педагогик технология амал қила бошлади.

Педагогик технология тушунчаси XX асрда пайдо бўлди ва турли ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда.

Ўтган асрнинг 50 – йиллари ўртасидан 60 – йилларгача «таълим технологияси» атамаси қўлланилиб, бунда дастурлаштирилган таълим назарда тутилган.

70 – йилларда «педагогик технология» атамаси қўлланилиб, у аввалдан лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишни кафолатловчи ўкув жараёнини ифодаланганди.

80 – йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг компьютерли ва ахборот технологияларни яратишга айтилган.

«Педагогик технология – баркамол инсонни шакиллантириш фаолияти».

Шу билан бирга, педагогик технологиянингкенг қўлламли, серкирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қўйидаги яна бир нечта таҳрифларини келтиришимиз мумкин:

Педагогик технология ахборотларини ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маҳно – мазмунларни ҳамда ахборотлар орасидаги турли боғлиқликларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология – таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йигиндиси; у педагогик жараённинг ташкилий – услубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология – бу ўз олдига таълим шакилларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология – маҳлумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология инсонга (таълим-тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таҳсир ўtkазиш фаолиятидан иборат.

Педагогик технология ўқувчини мустақил ўқишига, билим олишига, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради. ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги конунга кўра, 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув предметлар, шу жумладан мусиқа предмети бўйича ҳам ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мусиқа маданияти ўқув предмети ўқувчиларнинг маҳнавий, бадиий ва аҳлокий маданиятини шакллантиришга, миллий ғуурур ва ватанпарварлик тарбиясиниамалга оширишга, ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қиласи. Мусиқа маданияти ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари, жумладан, адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан багланади. Барча ўқув фанллари қатори мусиқий таълимда ҳам ДТСларнинг жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар амалий халқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва Созандаларнинг ижодий фаолиятлари, мақом, шашмақом достонлар ва бугунги замонавий мусилияйтда ўз аксини топди.

Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг баркамол бўлиб етишларида ўзига хос ва такрорланмас манбаа бўлиб хизмат қиласди. Азалдан Шарқ, жумладан, ўзбек мусика таълим-тарбияси педагогикаси ва унинг мукаммал устоз ва шогирд анъаналари мисолида такомиллашиб борган. Давлат таълим стандартларида оммавий ҳалқ мусиқа педагогикаси, профессионал мусиқа ижодкорлари, мусиқа ижрошилари (созанда, хонандалар) катта ашулачилар, макомчилар, достончилар асарларнинг элементар асосларини ўрганиш меҳёrlаштирилган. Мусиқа таълимида давлат таълим стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тассавур қилиш, уларда ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, бадиий ва мусиқий дид каби ҳислатларни ривожлантиришни таҳминлайди. Мусиқа маданияти таълимининг янги мазмуни ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила Оладиган, умумбашарий, мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутади. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий мусиқа фаолиятлари: мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад бўлиб ҳисобланилади. Шунингдек, ўқувчилар Мусиқий иқтидорни ривожлантириш, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш, мусиқа санъатига қизиқувчи ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг бадиий эхтиёжларини қондириш.

Мусиқа таълим – табиясининг асосий вазифасини ташкил этади. Шу билан бир қаторда жаҳон ҳалқларининг умуминсоний мусиқий қадриятларини ҳам чуқур ўрганиш ёш авлодни ҳалқаро нуфузга молиллик бўлган маданий дурдоналардан баҳраманд бўлишни таҳминлайди.

Жамият тараққиётнинг ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверадио у табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам мувсиқа маданияти ўқитувчиси, ўқувчиларни маҳнавий, бадиий ва аҳлоқий маданиятининг шакитллантириши, миллий ғурури ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини, ижодий маҳоратнинг, нафосатда, бадиий дидни ўстириши, фикр доирасини кенгайтириши мустақиллик ва ташаббускорликни мунтазам равишда шакиллантириб бериш лозимдир. Шунинг билан мусиқа маданияти ўқув предметини умумий ўрта таълим мактабларида ўтиказиладиган барча ўкув предметлари жумладан: адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан боғлашнинг билигши керак.

Мусиқа маданияти ўқитувчиси давлат таълим стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, уларда ижодкорлик, бадиий ва мусиқий дид каби ҳислатларни ривожлантириши керак. Шу билан бирга мусиқа маданияти ўқитувчиси ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етиши лозим бўлади. Шунингдек, жаҳон хақларининг умуминсоний мусиқий қадриятларини ҳам чуқур ўрганиши ёш авлодни ҳалқаро нуфузга мойиллик бўлган дурдоналардан баҳраманд бўлишига тайёрлаши керак. Биз биламизки педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини, унинг қонунларини очиб бериши ва шу орқали инсон манфатлари тарбия жараёнига таҳсир этишини назарда тутади.

Мусиқа маданияти ўқитувчисининг педагогик маҳоратларидан энг аввал биринчиси таълим – тарбия соҳасида ортирилган таржималарни ўрганиши лозим. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Илғор ўқитувчилар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибалрни ўрганиш жараёндаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва ижодий ишлари, педагогик хужжатларини ўрганиш методлардан фойдаланилади, масалан: кузатишда ўрганиш лозим бўлган педагогик ҳодисани маҳлум мақсадда келиб чиқсан холда кузатиш баённомасини олиб боради. Бу жараён аниқ режа асосида олиб боради.

Суҳбат эса факт – далиллар тўплаш ёки кузатиш давомида тўпланган материалларга аниқлик киритиш мақсадида олиб борилади.

«Суҳбат мустақил ёки ёрдамчи метод сифатида қўлланилади».

Ахборотли, яъни билим, малака, кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган;

-мазмун хусусиятлари бўйича: дунёвий, технократик, умумтаълим мазмунида бўлиб, таълим – тарбия жараёнида ташкил қилиш ва олиб борища дидактикага марказий ўрин берилади;

-бошқарув тури бўйича: анъанавий-мумтоз (классик) бўлиб, унга таълимнин техника воситалари қўшилган;

-болага ёндашув бўйича: авторитатор;

-кўп қўлланиладиган методлари бўйича: тушунтириш-иллюстрациялаш;

-таълим олувчилар тоифалари бўйича: оммавий.

Шу билан бир вактда, жамиятнинг ривожланиши алохида мамлакатларда ва умуман жаҳонда инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологияларни яратди. Булар ҳам юқорида айтилган

Белгиларга кўра қўйидагича тасниф қилиниши мумкин: ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, дастурлаштирилган таълим, гурухли технологиялар ва бошқалар.

Нима учун мусиқани ҳамма эшитадио, лекин ҳамма ҳам идрок эта олмайди? Нима учун европалик тингловчи Шарқ мусиқасини, шарқ тинловчиси Европа мусиқасини Ҳар доим тўла тушунавермайди? Мусиқий идрокнинг тўлақонлилиги, мусиқий ифода воситаларини тушуниш имконияти, интенсивлик ва мусиқий кечинма турлари ҳар бир одамда ҳар хил бўлиб, ўз хусусиятлари, сабабига эга. Мусиқа тарихи ва амалиётидан бир неча мисол келтирамиз.

XX аср бошларида Ўзбекистонда яшаб ижод этган мусиқачи, этнограф Август Эйхгорн шаҳарлик ўзбекларнинг қўшиқлари ҳақида, жумладан, шундай деган: «Уларнинг қўшиқлари ижросини давомий эшитиш биз учун ёқимсиз, бу нарса асабимизга тегади»<sup>19</sup> Шарқ тингловчилари томонидан ҳам операдаги вокал ариялар, романслар ҳақида шунга ўхшашиб фикрлар билдирилган. Улар бу мусиқани «қўпол ва нотабиий» деб ҳисоблайдилар.

Мусиқий асарни тўғри ва тўла баҳолай олувчи ривожланган мусиқий эшитиш қобилиятига эга кишиларда бунга қарама-қарши фикрлар мавжуд. Икки жилдлик «Ўзбек ҳалқ қўшиқлари» тўпламини йиққан мусиқашунос Е.Е.Романовскаяга назариётчи ва композитор Б.В.Асафьев шундай хат ёзган: «Хозирча қўшиқларни наридан-бери кўриб чиқдим, лекин бу уларнинг худди тирик гуллардай мусаффо ва хушбўйлигини ҳис этишим учун етарли бўлди. Доимо Ҳали «сайқал берилмаган» асл ҳалқ ижодига дуч келганимда менда шундай ҳиссиёт пайдо бўлади» (...). Сахифа ортидан сахифани ҳузур қилиб кўраман ва эшитаман, оҳанг ва нақшлар безагидан ҳаяжонга тушаман (...). Қўшиқда нафис харакатлар бисёр. Мазкур бутунлай ўзига хос нафис оҳангдорлик бутун мелосда синчков «техник синкопалаш»дан юзага келса керак. Мен мелоснинг бу турини жуда ҳам ёқтираман. Афсус, тилни билмайман. Айтинг-чи, унда урғу аломати бирор оҳангда мавжудми (яъни, овоз урғуси вокализацияга боғлиқми ёки гап давомийликлар нисбатидами)? Ёхуд барча синкопалик мусиқа чолғуларидан келиб чиқадими? Ёки бу қўллар нафислиги, юз ифодалари, гавда, бутун тана, қадам ташлашнинг ўзига хослиги, оёқлар ўйини, яъни аслида рақсдан келиб чиқаётганмикин? Бундай

<sup>19</sup> «Музыкальная фольклористика в Узбекистане», Т., 1963, с.98.

нафис куй асосида қандай балет қилиш мумкин бўларди-ажойиб! Бу пластикада очиқ ҳиссиётларсиз қанча лиризм, қанча дилкаш хаёллар ва туйғулар илиқлиги бор. Билмадим, ҳаммаси шундайми ёки бу менинг тасаввурларимми-лекин менинг тирик қўшиқли ритм-куй-пластикаси ва майса, гуллар ҳамда асал каби хушбўй талаффуз ҳақидаги таассуротларим шундай (...). Сиз ўзингизнинг муваффақиятли ишингиз билан менга кўп кувонч келтирдингиз»<sup>20</sup>.

Бошқа бир машҳур мусиқашунос, композитор, педагог Х.С.Кушнарёв доира ва ноора усуллари жаранги ҳақида шундай дейди: «Ҳар бир усул нафақат маълум бир оҳанг, балки ўзига хос интонацияси билан ҳам тавсифланади (баландликка кўра ҳаракати билан). Усул –ритм томони олдинга ўринга олиб чиқилган ва етакчи, интонацион ҳамда муайян тус бериб турувчи куй»<sup>21</sup>.

Европа мусиқасининг Шарқ тингловчиси томонидан тушунилиши ва қабул қилиниши ҳақида машҳур ўзбек шоири Фурқатнинг мисоли эътиборга молик. У 1890 йилда Тошкентдаги рус мусиқа жамияти концертида қатнашган ва бу ҳақда «Нағма ва нағмагар ва анинг чолғуси ва ул нағма таъсири хусусида» шеърини ёзади. Мазкур шеърда у фортепиано ижроси ҳақида шундай ёзади:

**Илмий ижод-** бу илмий билишни ривожлантириш, янги илмий билим олиш ва ундан фойдаланиш, илмий билимни янги қонунлар ва қонуниятлар, янги илмий принциплар ва назариялар, инсон фаолиятининг ҳар хил соҳаларидаги амалиётга фаол чиқишлиар орқали бойитиш билан боғлиқ билиш ва бунёдкорлик фаолиятидир.

**Илмий ижод-** бу асосий жиҳати ўрганилаётган ходисалар ва жараёнларнинг, уларнинг ҳаракат ва ривожланиш қонунларининг моҳиятини абстракт тушунчалар, схемалар, формулалар, тенгламалар ва ҳоказалар шаклида ифодалашдан иборат бўлган объектив воқеликни субъектив акс эттиришdir.

**Ижод** – бу инсоннинг сифат жиҳатидан янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган рухий ва амалий фаолияти. Инсон ўз ижоди билан меҳнат қуролларини, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш техникаси материаллари, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг янги турларини, тураг жойлар,

<sup>20</sup> Е.Е.Романовская. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. / Сост. М.С.Ковбас (Мақола ва маъruzalар. Мусиқий фольклор ёзувлари / Тузувчи М.С.Ковбас). –Т., 1957, с.25-26.

<sup>21</sup> Х.С.Кушнарёвнинг 1943 йил Ўзбекистон санъатшунослик институтида қилган маъruzаси. Матн сақланиб қолмаган. Ю.Коннинг «Тонкость наблюдений, глубина выводов» мақоласида иқтибос келтирилган, М., Сов. музыка, 4-сон, 1969, с.66-68.

транспорт, алоқа, ахборот воситаларини ва бошқаларни яратади. У табиий мұхит ичида «сунъий мұхитни» вужудға келтиради. Кенг маңнода жамият ҳам инсоннинг ижодий маңсаудидир. Ҳамма ижтимоий ходисалар, мұносабатлар, алоқалар, қадриятлар инсон томонидан вужудға келтирилған. Инсон үз онгли ижоди билан бадий асарларни, санъат, ахлоқий мұносабатлар, қадриятлар, динни ва фанни яратған.

Ижоднинг ишлаб чиқариш, техник, ихтирочилик, илмий, сиёсий, ташкилотчилик, фалсафий, бадий, ағсанавий, диний, кундалик турмуш ва бошқа турлари мавжуд.

Ишлаб чиқариш ижоди янги моддий бойликларни яратышга қаратылған.

Ихтирочилик ижоди- бу инсоннинг табиат ва жамият қонунларини очиш, билиш ва ўрганиш асосида машина, асбоб- ускуналар, мосламалар, қурилмалар, иншоотлар яратышидир.

Ташкилотчилик ижоди эса инсоннинг жамиятда кишиларни бошқариш, ularни уюштириш, бирлаштириш, улут ишларга бошлаш ва бошчилик қилиш, хуллас бир бутун жамият ишларини ташкил қилиш қобилиятидир.

Бадий ижод эса, инсоннинг санъат ва маданият соҳаларида табиат ва жамият ҳодисаларини, инсоннинг ўзини нафосат қонунлари ва принциплари асосида бадий ифодалаш фаолиятидир.

Илмий ижод инсоннинг табиат, жамият ва ўз тафаккурида амал қиласынан қонун ва қонуниятларини кашф қилиш, билиб олиш билан боғлиқ бўлган яратувчилик фаолиятидир. Илмий ижодни муаммони ечишни топишдангина иборат қилиб қўядиган қарашлар ҳам бор. Аммо бунда ижодий жараённинг бошланиши, унинг авж олдиришнинг бошланиши ҳисобга олинмаган. Эҳтиёжларни англаш этиш, муаммони қўйиш ва уни ифодалаш – муаммони ҳал қилишни излаш жараённинг бошланғич нұқталари, асослари. Конкрет муаммоли вазиятни аниқлаш, қўйиш, тадқиқотнинг мақсадини белгилаш билан муаммо натижани олишга қаратылған мураккаб ҳаракатнинг бутун ижодий жараёнига қаратади. Ижодий жараённинг марказий звеноси бўлган идеаллик муаммоликнинг бевосита таъсири натижасида пайдо бўлади ва субъектнинг муайян эҳтиёжларини қондириш учун вужудға келади.

Илмий салоҳиятини ўстириш бўйича келажак режаларни белгилаш. Соҳа фани, илмий йўналиш бўйича илмий изланишлар профессор-ўқитувчининг фаолиятида таркибий қисм ҳисобланади.

Хозирги пайтда долзарб булган муаммони билиши ва ечимини топишда соҳа муаммосини ечиб илмий салоҳиятни ошириш ва келгусида илимий-амалий ёки ҳалқ хўжалигининг иқтисодиёт тармоқларига мухим ҳисса қўшишга эришиш асосий вазифалардандир.

Фаннинг маълум йўналишида, Дунё миқёсида тан олинган илмий йўналиш илмий мактаб дейилади. Маълумки бир соҳа бўйича Жаҳонда эътироф этилган мукаммал ютуқларга эришиш фан муаммоларини Дунё миқёсида ҳал этиш ҳам киради. Республикада асосан таянч ОТМларида илмий мактаблар шаклланган. Вилоят ОТмларида илмий мактаблар шахобчаларини шакллантириш муҳимдир.

### **3.Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари**

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими асосида шахсни ривожлантиришда жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Бу ўринда шубҳасиз мусиқа дарсларида эътибор тубдан такомиллаштирилиб, уни янада ривожлантириш масаласига эътибор ўзгача тус олди. Келажак авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашга алоҳида ургу берилиши жуда ҳам аҳамиятли ва қувонарли ҳолдир. Шахс шаклланишида айниқса ўзбек ҳалқ мусиқа тарихи фанининг ўрни бир қадар аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бугунги глобаллашув жараёнида мусиқий таълим-тарбия жараёни, сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида мавжуд муаммоларни аниқлаш, жумладан, бугунги кун мусиқа ўқитувчиларининг дарс машғулотларини интерфаол технологиялардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги мазкур амалий-ижодий жабҳа билан бирга, унинг назарий-илмий асосларини ишлаб чиқиш бугунги кун ва келажагимизнинг долзарб эҳтиёжларидан биридир.

“Мусиқа – миллат руҳининг тили, мусиқа – миллат ҳис-туйғуларининг таржимонидир. Шунинг учун фақат эстетик тарбияда эмас, ахлоқий, маънавий, руҳий, ҳаттоқи, диний-илоҳий тарбияда мусиқанинг хизматлари бекиёсдир” деб айтади филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул ўзининг адабий сұхбатларидан бирида ва шу ўринда Ибн Халдуннинг ушбу фикрини эслатиб ўтади: “Мусиқа бир санъат сифатида фақат ижтимоий ва маданий жиҳатдан юксалған мұхитларда ривож топади. Иқтисодий фаровонликка эришган жамиятларгина мусиқага кучли эҳтиёж сезади [2]. Мусиқа (юнон тилида mousiche - музалар санъати) - инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. Унинг мазмунни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян мусиқий бадиий образлардан иборат. Мусиқа инсоннинг турли кайфиятлари (масалан қўтариқилик, шодлик, завкланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ва бошқалар)ни ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, мусиқа шахснинг

иродавий сифатлари (катьиятлик, интилувчанлик, ўйчанлик, вазминлик ва б.)ни, унинг табиати (мижози)ни ҳам ёрқин акс эттиради.

Мусиқанинг ушбу ифодавий тасвирий имкониятлари юонон олимлари - Пифагор, Платон, Аристотель ва Шарқ мутафаккирлари - Форобий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий каби тасаввуф арбоблари Имом Ғазолий,

Калободий Бухорий ва бошқалар томонидан юқори баҳоланган, шарҳ ва илмий тадқиқ қилинган. Мусиқанинг одам онги ва ҳиссиётига таъсир этишнинг ажойиб кучи унинг руҳий жараёнларга ҳамоҳанг бўлган процессуал - муайян жараёнли табиати билан боғлиқдир.

Инсон шахсини ривожлантиришда мусиқа санъатининг роли ва педагогик аҳамияти хусусида Б.В.Асафьев, Ю.Б.Алиев, О.А.Апраксина, Т.И. Бакланова, Л.А. Баренбойм, О.А. Блох, Н.Я. Брюсова, Н.А. Ветлугина, К.В.Головская, Н.Л. Гродзенская, Д.Б.Кабалевский, З.Кодай, Э.Б.Абдуллин, Л.А.Мазель, В.В.Медушевский, Н.М.Михайловская, Е.Н.Назайкинский, Е.В.Николаева, Г.П.Новикова, К.Орф, В.И.Петрушин, О.П.Радышоваларнинг илмий ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонда мусиқий таълим-тарбия бўйича XX асрнинг 60-90 йилларда Ҳ.Нурматов, Ф.Жўраев, Р.Қодиров, Қ.Мамиров, С.Аннамуратова, Т.Турсунов, мустақиллик даврида О.Иброҳимов, Н.Тоштемиров, Қ.Панжиев ва бошқалар томонидан яратилган илмий ишларда мусиқий таълимнинг мақсад ва вазифалари, мусиқий фаолият турлари, мусиқа таълимида қўлланиладиган қатор анъанавий усуллар ёритилган бўлиб, бунда мусиқанинг жуда катта тарбиявий имкониятлари - мусиқа ўқитувчисининг жиддий қасбий тайёргарлиги ўқувчи шахсига ҳамда унинг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Аммо инсонга кучли ҳиссий таъсир қўрсатиш билан боғлиқ бўлган мусиқа таълимининг тарбиявий потенциалини юзага чиқаришда фақатгина анъанавий методлар ва умумдидақтик тамойилларга таяниб иш олиб бориши замон талабига жавоб бермай қўйди.

Замонавий педагогикада таникли рус олими Г.К.Селевко “педагогик технология”ни фан сифатида эътироф этади ва шундай дейди: “Педагогик технология ўқитишининг бирмунча оқилона йўлларини тадқиқ қилувчи фан сифатида ҳам таълимда қўлланадиган усуллар, принциплар ва регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир”[3.]. Мусиқа таълимида педагогик технологиянинг қўлланиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида самарали амалга ошади.

Мусиқа асарлари мазмунида бадий ғоялар умумлашган ҳолда берилиб, мусиқали образларнинг ўзаро муносабатлари (таққосланиш, тўқнашув, ривожланиш каби) жараёнида шаклланади. Мазкур жараённинг хусусиятларига кўра мусиқа мазмуни ҳам турли - эпик, драматик, лирик белгиларга эга бўлиши мумкин. Булардан инсоннинг ички дунёси, руҳий ҳолатларини ифодалашга мойил бўлган лирика мусиқанинг «ботиний» табиатига анча яқиндир.

Мусиқанинг мазмuni - шахсий, миллий ва умумбашарий бадий қийматларнинг бирлигидан иборат бўлиб, бунда маълум халқ, жамият ва тарихий даврга хос руҳий тароват, суръат, ижтимоий фикр ва кечинмалар умумлашган ҳолда ифодаланади. Мусиқа шакллари ҳар бир даврнинг маънавиймаърифий талабларига жавоб берган ҳолда, айни вактда инсон фаолиятининг кўпгина жабхалари (муайян жамоавий тадбирлар, одамларнинг ўзаро этик ва эстетик таъсир этиш, мулоқот қилиш жараёнлари) билан муштарақдир. Мусиқанинг, айниқса, инсоннинг ахлоқий ва эстетик дидини шакллантириш, ҳиссий туйғуларини ривожлантириш, ижодий қобилиятларини рағбатлантириш воситаси сифатида роли жуда муҳимдир.

Аммо, санъат тури сифатида мусиқа факат унгагина хос бўлган хусусиятлар (масалан бадий-эстетик мақсадларни кўзлаши, мазмун ва шакл бадий қиймат сифатида касб этилиши, айниқса, мусиқа товушларининг муайян мусика тизимларида ташкил этилиши) билан нутқдан фарқ қиласди.

Хар бир алоҳида олинган мусиқа товуши бирламчи ифодавий имкониятга эга бўлсада мусиқа товушларининг муваққат нисбатлари эса баланд- пастлик муносабатлари лад тузилмаларида, мусиқий ритм ва метрда ўз аксини топади. Дунёнинг аксарият халқлари мусиқа маданияти, жумладан, ўзбек мусиқа фольклори, анъанавий мусиқа ва бастакорлик ижодиётида лад асосини турли кўринишдаги диатоника ташкил этади. Композиторлик мусиқада (айниқса, XX асрда ривож топтан йўналишларда) диатоника билан бирга хроматика ҳам кенг ўрин олган.

Мусиқада асосий бадий восита - куй (мелодия)дир. Мусиқанинг оғзаки анъанадаги (монодия) услубларида куй бадий образнинг ягона ва тугал мусиқий ифодаси ҳисобланади. Кўп овозли композиторлик йўналишларда гармония, полифония унсурлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мусиқа асаридаги куй (мавзу)лар ривожи унинг композицияси (шакл)ни ташкил этади. Мусиқа шакли асар мазмунининг моддий тажассуми ва вужудга келиш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Мусиқа асарлари шаклига мунтазам такрорланувчи таркиб ва унсурлар хос бўлиб, булар бадий мазмундаги

ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик каби хусусиятларга маълум даражада зиддир. Ўзаро алоқа ва бирлик доирасидаги бундай диалектик зиддиятлар мусиқа асарини яратиш ва ижро этиш жараёнида ҳамиша хилма-хил равища ўз ечимини топади. Турли ҳалқлар мусиқа маданияти ва анъаналарида Мусиқанинг баркарор ва бекарор унсурларининг ўзаро муносабатлари ҳам ўзгачадир. Масалан, анъанавийлик мезонига асосланган оғзаки йўналишдаги мусиқа услубларида муайян бадиий мазмун, эстетик қоидалар билан бирга мусиқа асарлари шаклига бадихагўйлик хусусиятлари, номусиқавий (асарнинг ижро этиш вақти, жойи, шароити каби) ҳолатлар ўз таъсирини ўтказади. Индивидуал бадиий образларни ифодалашга қаратилган ёзма анъанадаги композиторлик санъати асарлари эса кўпроқ айнан мусиқий ривожланиш қоидаларига, яъни тугалланган, яхлит ва барқарор шаклларга асосланади. Шунинг учун, композиторлик мусикада мазкур шаклларни ифодалашга ҳамда объектив ҳолатда саклашда асосий омил бўлган нота ёзуви муҳим ўрин тутади.

Мусиқа инсон маданиятида ва жамоавий ҳаётда ўзига хос ўринга эгадир. У дам олиш ва қўнгил очиш пайтлари, турли маросим, байрам, базм ва сайиллар, диний ва расмий тадбирлар, оммавий ва ҳарбий юришлар, спорт машклари ва меҳнат жараёнида муайян вазифалар бажаради. Шунинг учун мусиқа асарлари ўз мазмунига мувофиқ ҳолда бир нечта услугуб, тур ва жанр гурухларига ажратилади. Алла, зикр, марсия, сарбозча, вальс, марш, месса каби жанрлар ҳаётдаги майший ва б. шароитлар билан боғлиқ бўлади. Ашула, дастгоҳ, чолғу куй, мақом йўллари, концерт, миниатюра, романс ва бошқаларда эстетик таъсир ўтказиши вазифалари асосий ўрин тутади. Жанрлар, ўз навбатида, диний мусиқа, ёшлар мусикаси, майший мусиқа, оммавий мусиқа, ҳарбий мусиқа, камер мусиқа, симфоник мусиқа, хор мусиқаси каби мусиқа турларига бирлашади. Тарихий, миллий, маҳаллий, шахсий (индивидуал) мусиқа услублари ҳам мусиқий тафаккур тарзи, оҳанг, ритм, шакл каби мусиқий унсурларни ўзига қамраб олиб, муайян бир давр ёки миллий маданиятга мансуб бўлган турли жанрдаги асарлар умумиятини акс эттиради ( Авангардизм, Барокко, Классицизм, Оғзаки анъанадаги мусика, Романтизм, Сентиментализм).

Инсоннинг мусиқа фаолияти асосан З босқичда амалга оширилади: ижод, ижро ва тинглаш (ўқув). Ҳар бир босқичда асарнинг мазмун ва шакли ўзгача кўринишга эга бўлади. Ижод босқичида бадиий ғоя ва шакл муаллиф онгига муштарак ҳолда туғилади. Ижро жараёнида шакл ва мазмун ижрочи томонидан унинг дунёкараши, эстетик тасаввурлари, шахсий тажриба ва маҳоратига мос равища узгартирилади. Мусиқа ихлосмандлари ҳам ижро этилаётган асарни ўзларининг хусусий диди,

ҳаётий ва бадий тажрибасига асосланиб қабул қилишади. Шундай қилиб, мусиқа фаолияти ҳамма босқичларда ижодий табиатга эга бўлади.

Турли (композиторлик ва оғзаки анъанадаги) услубларда мусиқа ижрочилиги аҳамияти турличадир. Профессионал йуналишдаги маданият тизимида мусиқа кўпинча бадий асарларни ижро этадиган санъаткорлар фаолияти орқали намоён бўлади. Шунинг учун мусиқа ижрочи (созанда, хонанда)ларининг аксарияти композитор ва бастакорларнинг ҳақиқий ҳамкорларидир. Улар устоз-шогирд муносабатлари жараёнида ўзлаштирган ёки нота ёзуви ёрдамида ўрганган асарларни жонли равишда тингловчилар олдида талқин этадилар. Мусиқий фольклор тизимида мусиқа намуналари омма онгининг бадий маҳсулоти сифатида юзага келиб, ҳаваскор қўшиқчи, созанда ёки жамоавий тарзда ижро этилади.

Мусиқа ижрочилиги мусиқа чолғулари ҳамда инсон овоз воситасида амалга оширилади. Булар якка тарзда, ансамбль, хор, оркестр каби бирикма шаклларида намоён бўлади.

Мусиқа ижодиёти, ижрочилиги ва тингланиши мусиқа фаолиятининг бошқа турлари — масалан, мусиқа тарбияси, мусиқа таълими, и. т. (Мусиқашунослик), мусиқий танқид ва бошқалар билан бирга жамият мусиқа маданият тизимини ташкил этади.

Мусиқа инсон тафаккурининг алоҳида маҳсули бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти асар билан бевосита мулоқотда, яъни унинг жарангловчи оҳангини ўзлаштириш жараёнидагина намоён бўлади. Щу нуқтаи назардан замонавий мусиқий таълим методикаси талаба ёшларда мусиқа ва мусиқа ҳақидаги билимлар, йирик шаклдаги мусиқа асарларини ҳиссий онгли идрок этиш малакаларини шакллантириш, ҳиссий ва мусиқий тажрибаларни бойитиш, дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам берувчи бир қатор методларни тавсия этади. Булар мусиқа ҳақида фикр юритиш методи, муаммоли метод, перспектив ва ретроспектив метод, мусиқий умумлаштирув методи, бадий контекст яратиш методи, ҳаётий ассоциациялар методи, полифоник методлардир.

### Назорат саволлари:

1. Ўн икки мақом тизими, шашмақом;
2. Фарғона-Тошкент чор мақоми,
3. Хоразм мақомлари, достон ва суворалар.
4. 1-Исломгача бўлган давр ёки қадимги давр мусиқий анъаналари.
5. 2-Исломий маданият ёки тасаввур анъаналари кесимида Мақом.
6. “Тасаввуф ва мусиқа” мавзувига доир замонавий мусиқашуношлик илмида қандай тадиқотлар бажарилган

7. Тасаввуф анъанасига “мусиқа” қандай ўринда туради ва нима деб номланган
8. Достончилик мактаблари.
9. “Достон” сўзи қайси тилдан олинган ва маҳнуоси нима
10. «Алпомиши», Гўрўғли туркум достонлари деганда нима тушунасиз.
11. «Бахши» сўзи маъноси нима
12. Ўзбек достончилигига достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Улар қайсилар.
13. Хоразм достончилиги
14. Ўзбек достончилик анъанаси

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т.1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон овози 28.01.2010 й 1-3 бетлар.
5. Кароматов Ф.М. Ўзбек халқ музика ижоди тарихи. 1-қисм, 1972, 1981, 2-қисм.
6. Иброхимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 1994 й. 81 б.
7. Панжиев Қ. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. Ўқув қўлланма. 2020 й. 274 б.
8. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
9. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». Тошкент, 2002.
10. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. Тошкент, 2002.
11. Икромов И. Дойра дарслиги. Тошкент, 1997.
12. Тошмуҳамедов М. Ғижжак дарслиги. Тошкент, 1996.
13. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты». Т., «Изд. им. Г.Гуляма». 1990.
14. М.Асилов, Ф.Василев. Тошкент, Дутор дарслиги. 1987.
15. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й. Лутфуллаев А . Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.:

**5-Маъруза. Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар**

### **Режа**

1.Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби.

2.Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари.

3.Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари.

4. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар

**Таянч иборалар:** асар, чолғу, жанр, тинглаш, маданият, ижрочилик, маҳорат, тасниф, овоз, маҳорат, тажриба.

**1.Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби.**

Мусиқа чолғуларида ҳар бир халқнинг миллий ўзига хос хусусиятлари, анъанаси, урф-одат ва қадриятлари ўз ифодасини топганки, улардан тараладиган овоз ҳам шунга мослашган. Мусиқий чолғуларда ижрочилик санъати инсоният маънавиятини тараннум этувчи восита сифатида халқ ижодиёти маъсули бўлиб, азал-азалдан омма орасида шакланиб, ривожланиб келмоқда. Миллий чолғулар моҳир соз усталари томонидан тобора мукаммаллаштирилиб, жаранглилиги, мусикавийлиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб турибди. Мусиқий чолғулар тарихий ривожланиш давомида уларга нисбатан талаб ва эҳтиёжни ошиб бориши билан уларнинг таълимий ва тарбиявий томонларига ҳам эътибор шу қадар кучайиб бормоқда.

Халқ чолғулари узоқ ўтмишда пайдо бўлган. Маълумотларга қараганда, дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган, деб тахмин қилинмоқда. Мусиқа чолғулари оиласи тарихида дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Бунинг асосий сабаби энг қадимги

ибтидоий одамларнинг меҳнатини ижодий маҳсулидир. Илк иптидоий одамлар ҳайвонларни қорин тўйғазиш ғамида йиртқич ҳайвонларни ҳам турли ов усулларидан фойдаланган ҳолда қўлга киритишга ҳаракат қилган. Ҳайвонларнинг терисини қуриган дарахтнинг кундасини устига қолдириб кетган. Жазирама иссиққа тери қотиб қолган. Кейинги сафар одамлар келиб, терини олишга ҳар қанча ҳам уринсада, бироқ, олаолмаган. Кейин қотиб қолган терини устига қўли ёки бирор таёқ ёки чўп билан урса у ўзидан баланд ва ёқимли садо чиқарган ва унинг кейинчалик довул деб атаганлар. Ундан кейин шовқинли чолғулар пайдо бўлди, ижрочилар қарсак чалиб ритмни таъкидлаган, шовқинли чолғулар таъсирини қўпайтирганлар. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, такрорланмас гўзал ҳолатни вужудга келтирган. Шундай меҳнат жараёнларида одамларнинг онги табиийки куй, оҳанг, қўшиқ билан банд бўлган. Самарали меҳнат натижасида қўшиқлар пайдо бўла бошлаган ва улар секин-аста оғиздан-оғизга, отадан-ўғилган, онадан-қизга ўтиб шаклланган ва одамлар қалбидан бир умрга жой олди.

Қадимги шарқ маданияти бағрида, ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларни, товуш тусини сақлаб қолди. Шу тариқа чанг, най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак, қўбизлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди.

Кулдорлик тузими даврида Мароқанд, Нисо, Тупроққалъа, Термиз ва бошқа шаҳарлар мавжуд эди. Ушбу шаҳарлар ҳудудида олиб борилган қазилма ишлар чоғида бадиий ҳунармандчилик буюмлари, турли хил чолғуларининг тасвиirlари топилди. Қулдорлик жамияти Ўрта Осиё халқлари маданияти ривожида муҳим босқич бўлди. Халқ мусиқаси янада юксалиши билан бирга, чолғулар ҳам такомиллашди.

Асримизнинг 30-40-йилларида уюштирилган археологик экспедициялар (С.Л.Толстов, В.А.Вяткин, М.Б.Массон ва бошқалар раҳбарлигига) натижасида қимматли маълумотларга эга бўлинди. Топилган маданий ёдгорликларда турли хил мусиқа асбоблари: танбур, рубобсимон чолғу, қонун, уд, най, сурнай, карнай, дойрасимон чолғулар чалаётган машшоқлар тасвиirlанган.

Халқ чолғулари Ўрта Осиё аҳолисининг турмуши ва меҳнат фаолиятининг ажralmas таркибий қисмига айланди. Чолғулар жўрлигига қўшиқ, ўйин ва куйлар халқнинг катта-катта маросимлари, оиласиий, мавсумий байрамларида ижро этилиб келинмоқда. Байрамлар кўпроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёда “Наврӯз”, “Лола сайли”, “Хосил байрами”, “«Қовун сайли”, “Узум сайли” каби мавсумий байрамлар кенг тарқалган. Бундай оммавий байрамларни халқ чолғу ансамблари, хонанда ва созандалар ҳамда раққосаларсиз тасаввур қилиш қийин. Байрамларда,

маданий маросимларда айниқса карнай, сурнай, дойра, ноғора ва урма зарбли мусиқа чолғулари кенг қўлланилган.

IX аср охирида Сомонийлар маҳаллий феодал сулоласи Ўрта Осиёning каттагина қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро йирик маданий марказга айланди. Бу ерда адабиёт ва мусиқа тарақкий этди. Ҳаёт шароитининг ўзгариши туфайли мусиқа санъатининг ижтимоий аҳамияти ошди. Шаҳарликлар ва юқори табака синфлари турмушида мусиқанинг роли сезиларли кучайди. Ўша пайтлардаёқ ихтисослашув маҳсус мусиқий устахоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди якканавоз, ансамбл мусиқачилиги ва рақсни ўз ичига олган вокал чолғу мусиқа туркumlари мавжуд эди.

Ўрта аср мусиқа ижрочилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шунда эдики, чолғу ижрочилари нафакат бир неча турдаги мусиқа асбобларини чала олган, балки ўzlари ҳам мусиқа басталаганлар. Чолғучилар ўз даврининг етук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган. Ўрта аср ўрталарида мусиқий чолғуларнинг ранг барранг кўринишлари пайдо бўла бошлади. Шулар билан бир қаторда бу ерда устоз-шогирд анъаналари қарор топди ва ривожланди. Айни шу пайтда ансамбл ижрочилиги такомиллашди, мусиқа санъатининг асосий кўринишлари шаклланиб чолғу асбобларининг янги намуналари кашф этилди.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижрочилик санъати тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқанинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар.

Форобийнинг (873-950) "Катта мусиқа китоби" ("Китоб ал-музиқа ал-кабр"), Абу Али ибн Синонинг (980-1037) "Даволаш китоби" ("Китоби ушшифо") қомусидаги "Мусиқа ҳақидаги рисола", ал-Хоразмийнинг (X аср) "Билимлар калити", Сайфуддин Урмовийнинг (1216-1294) "Олижаноблик ҳақида китоби" ёки "Шарофия китоби", Жомийнинг (1414-1492) "Мусиқа ҳақидаги рисола" китобларида мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган.

Сайфуддин Урмавий истеъоддли уд чолғу ижрочиси, хонанда, машҳур созанда сифатида танилган. У Озарбайжоннинг Урмавия шаҳрида туғилган. Сайфуддиннинг энг катта ютуғи лад (модиус)ларнинг мукаммал тизимини ишлаб чиққанлигидadir.

Ибн Зайлининг (1044 йилда вафот этган) "Мусиқа ҳақидаги тўлиқ китоб"и ("Китоб ул-кабир фил-музиқий") унинг мусиқа илмидаги ягона ва бебаҳо китобидир. У янги усулини – мусиқада ладларни харфлар билан ифодалаш усулинини ишлаб чиқди.

Абдуқодир Мароғий (XV аср), Абдуқодир ибн-Ройибий (Мароғий)

Озарбайжоннинг Мароғ шаҳрида туғилган, лекин ҳаётининг иккинчи ярми Амир Темур саройида-Самарқандда ўтган ва Ҳиротда вафот этган. "Мусиқа илмида оҳанглар тўплами" ("Жами ал-алҳан фи-ilm ал-мусиқий") рисоласида мусиқа ҳақидаги таълимотни-камонча, етти торли ғижжак каби бир турдаги мусиқа чолғуси борлиги ҳақидаги маълумотлар билан бойитди.

Ал-Хусайннинг (XV аср) "Мусиқий канонлар" рисоласида асосан Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган икки торли мусиқа чолғуси - дутор ҳақида бир қатор мусиқий чолғулар хусусида жуда қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Қутбиддин аш-Шерозий (1236-1310) эронлик мусиқа назариётчisi сифатида танилган бўлиб, ўз рисоласида камончали танбур ҳақида гапириб, инсон овозини мусиқа асбоблари ичида энг ёқимлиси деб ҳисоблаган. XVII асрда яшаган бухоролик мусиқашунос Дарвиш Али ўз рисоласида танбур, чанг, қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак каби мусиқа чолғулари ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси ҳалқ чолғуларини ўрганиш соҳасида ҳам тарихий қийматга эга. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг машхур асари "Китоб ал – мусиқа ал -кабир" ("Мусиқа ҳақида катта китоб") улкан аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Ўрта аср олими ўзининг ушбу машхур китобида икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади. Форобий моҳир ижрочи сифатида мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганишга аҳамият беради ва у: "... Жангу - жадалларда, рақсларда, тўй - томошаларда, қўнгил очар базмларда ҳамда ишқ - муҳаббат қўшиқларини куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор" деб ёзади.

Форобийнинг юқоридаги фикри чолғуларнинг нафақат сарой аъёнлари, балки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, чорводору-дехқонлар, ҳунурмандлар орасида шунингдек, мусиқа маданияти соҳасида етакчи ўрин эгаллаган. Китобнинг иккинчи қисми бошдан-охир ўша давр мусиқа чолғуларига бағищланган. Унда лютня, танбур, най, рубоб, чанг, қонун ва бошқа мусиқа чолғулари изчил ва батафсил таърифланади. Форобий торли, мизробли лютняни ўша даврда энг кенг тарқалган чолғу ҳисоблаган. Лютня ўзига хос мизроб (чертма) воситасида чалинган, дастасида эса лигатура (лад)лар жойлашган. IX-X асрларда лютня арабча уд номини олади. Бу чолғу кўпгина Шарқ мамлакатларида, Кавказ орти ҳалқлари орасида ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Замонавий уд намуналари ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг миллий чолғу лабораторияси музейида сақланиб келинмоқда.

"Мусиқа ҳақидаги катта китоб"да Форобий яна бир чолғу асбоби-

танбурни ҳам таърифлайди. Олимнинг фикрича, танбур (дилни тирнаш) удга энг яқин турдаги чолғулардан бири деб хисоблайди.

Танбурда торлар нохун (металдан ясалган махсус чертмак-тирнок) ёрдамида чертилади. Танбур худди уд каби кенг тарқалган ва халқ севган чолғудир. Танбурнинг икки ёки уч жез (сим) тори бўлган. Унинг икки тури маълум: Хуросон ва Бағдод танбурлари. Бағдод танбурларининг мақом (парда)лари камроқ (бешта), чолғу дастаси калтароқ бўлган. Хуросон танбурининг мақом (парда)лари кўп бўлган, дастасида чолғу бўғзидан то дастанинг ярмигача оралигида пардалар жойлашган. Танбурнинг бу тури шу кунгача ўз шаклини йўқотмай, мусиқа ижрочилиги амалиётида якканавоз ҳамда ансамбл чолғуси сифатида амалиётда фойдаланиб келиняпти.

Форобий, шунингдек, найни ҳам таърифлайди. У турли хил дамли чолғуларини овоз ҳосил қилиши хусусиятига кўра найсимон гурухга киритади. Улардан бири оддий най ёки бир йўналишда жойлашган кўп тешикли най. Бу турдаги найлар ёки турлича аталувчи найлар ҳозирги кунда ҳам Шарқ халқлари орасида мавжуд. Уни ветнамликлар “сао”, тожиклар “тутек”, татарлар “кавал”, қозоқлар “сибизға”, озарбайжонлар “ней” (жуда кам учрайди), қирғизлар “уоо”, “чоор” (чўпонларнинг чолғу асбоби), ўзбеклар “най” деб атайди. Олим қўпинча тут дараҳтидан ишланадиган кенг тарқалган сурнай ҳақида ҳам тўхталади.

Форобий, шунингдек, дунай (мизмар)ни ҳам тилга олади. Дунай ҳозирги қўшнай ёки туркман халқ чолғуси гоша-дилли “тюй дюк” (қўш қамиш найчалардан тузилган чолғу)га ўхшайди.

Форобий рисоласида ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган рубобни ҳам батафсил таърифлайди. Ўша даврдаги рубоб ҳам ҳозирги қашқар рубобига ўхшаб, резанатор ва анча узун дастадан тузилган. Икки хил чертма торли рубоб мавжуд бўлган. 1 ёғоч декали ва асосий қисми ёғочдан, 2 пастки қисми чармдан ишланган декали.

Форобийнинг таъкидлашича, чанг очик торларнинг тебраниши орқали оҳанг ҳосил қилувчи мусиқа чолғулари туркумiga киради. Ўша даврдаги чангнинг 15 тори бўлган, улар диатоник созланган ва икки октава оралиғига teng товушқаторга эга бўлган. Рисолада таърифланган барча чолғулар ашула, ракс, якканавоз ва ансамбл ижрочилигига жўр бўлишда фойдаланилган. Форобийнинг гувоҳлик беришича, уд чолғуси ансамбл ижрочилигига етакчи рол ўйнаган. “Чолғу асбоблари ҳақида китоб” да олим танбур, рубоб, чанг каби чолғуларини уdda ҷалинаётган куйга ёки якканавоз хонандага уйғун жўр бўлиш учун созлаш усусларини тушунтиради. Шундай қилиб, Шарқнинг улуғ алломаси мусиқа илмининг бир бўлими сифатида чолғуларни ўрганувчи чолғушунослик соҳасига асос солди. Бу соҳа кейинчалик бошқа олимларнинг

асарларида ҳам кенг бойитилди ва ривожлантирилди. Яшаган даврига қўра, Буюк олим ибн Сино Форобийга жуда яқин бўлган. Унинг "Даволаш китоби" деб номланган йирик қомусининг "Мусиқа ҳақида рисола" бобида ўша даврнинг мусиқа ижрочилигига оид илмий-фалсафий билимлари баён этилган. Бу рисолаларда чолғулар таърифиға анчагина ўрин ажратилган. Ибн Сино ўз даври мусиқаларини икки гурӯхга бўлади: мизробли, ноҳунли (барбод, танбур, рубоб) ва бутун резанатор қопқоғи бўйлаб тортилган очик торли чолғулари (шоҳруҳ, чилтор, лира, чанг, арфа).

Ўша даврда Шарқнинг таниқли мутафаккири Сайфуддин Урмавий мусиқа илми тизимини ривожлантирди. У уста чолғучи, хонанда ва моҳир бастакор сифатида машҳур эди. Удда олиб борган тажрибаларига таяниб, олим ўз назарий қоидаларини баён этди. Урмавийнинг "Тақвадорлик китоби"да чолғу асбоблари ичида уд энг машҳур ва энг замонавийидир деб таъкидлаганлар. Уднинг беш жуфт тори кварта тартибидаги 7 та мақоми (лади) бўлган. Торлари бам, маснас, масна, зир ва энг юқориси ҳадд деб аталган. Беш қўш торли такомиллашган уд кейинги пайтларда ҳам ўз тузилишини сақлаб қолган. Уднинг квартага созланган беш қўш тори ва етти мақоми (ладаси) ҳақида Шерозий (1236-1311), Жомий (XV аср), ал-Хусайний, Марофий, ибн Синолар ҳам ёзишган. Жомийнинг "Мусиқа ҳақидаги рисола"сида келтирилган уд дастасининг тўла чизмаси уни созлаш ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Олимнинг тасдиқлашича мавжуд 12 мақом қадимий етук мусиқанинг асосидир. Жомий мусиқанинг тингловчиларига таъсири ҳақида тўхталиб, унинг чуқур руҳий ва маънавий аҳамияти бор, деб хисоблайди.

XIII-XVII асрларда яратилган рисолаларда чанг, қонун, нузха, рубоб, танбур каби торли чолғулар, шунингдек, дамли чолғу найнинг таърифлари берилган.

Дарвиш Алининг (XVII асрда) Бухорода яратилган мусиқага доир рисоласи анъанавий чолғулар ҳақидаги маълумот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Унда мусиқа маданияти, чунончи, Ўрта Осиёning йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ҳамда моҳир ижрочилар ҳақида нодир маълумотлар мавжуд.

Дарвиш Алининг рисоласи XVI-XVII асрлар Ўрта Осиё мусиқасини ўрганиш учун қимматбаҳо манбадир. Мазкур асарда машҳур хонанда ва чолғучилар, бастакорларнинг ижодий таржимаи ҳоллари баён этилган. Дарвиш Али ўтмишдошлари сингари, торли мизробли чолғулар орасида тебраниш оҳангига қўра энг яхшиси саналган удни чолғулар "шоҳи" деб атади. Рисолада ёзилишича, чанг чолғучилар ҳомийси Зухрага бағишлиланган.

Таърифланган чангнинг етти мақом ижроси учун йигирма олти торли ва

етти пардаси бўлган. Булардан ташқари, рисолада қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак, мусиқа, экбон-най, (дамли, чармли), Хитойда тарқалган рухавза (олти тордан иборат нохунли) каби чолғулар ҳам тилга олинган.

Дарвиш Али таъриф берган чолғулардан еттитаси, танбур, чанг, қонун, уд, рубоб, қўбиз, ғижжак ўша даврда кенг тарқалган чолғулар эди.

Дарвиш Алиниң маълумотлари мусиқа амалиётида дастлаб ансамблда уйғун калорит ҳосил қиласидиган торли-нохунли ва торли - камончали чолғулар қўлланилганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. Рисолада чангчи Дилором, найчилар Абдуқодир ва Хўжа Абдуллоҳлар, Мавлоно Қосими-Раббоний, Султон - Аҳмадий – “девона” рубобчилар, aka-ука Шайх Абу - Бакри Раббоний ва Шайх Бехдучи, доно қонунчи шайх Шамси Раббоний ва қўпгина бошқа машҳур усталарнинг номлари тилга олинган.

Дарвиш Алиниң гувоҳлиги яна шуниси билан қимматлики, у қайд этган чолғуларнинг каттагина қисми (най, сурнай, чанг, қонун, рубоб, танбур, ғижжак, қўбиз, дойра, ноғора, уд) Ўрта Осиёнинг ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикаларида, шунингдек, Озарбайжонда бизнинг кунларгача сақланиб келди ва у такомиллашмоқда. Ушбу мусиқа чолғулари узоқ вақт мобайнида ўзбек халқининг маданий турмушидан мустаҳкам ўрин олиб, унинг маданий хаётида кенг қўлланиб келинган. Шундай экан, бу чолғуларни ўзбек халқ чолғулари, деб аташ ўринлидир. Абдул Фазл Бойҳақий (XIV аср) асарларида торли мизробли (руд, барбад, танбур), дамли ва урма зарбли чолғулар (карнай, литавра ва барабан) сингариларнинг номлари келтирилган. Маълумки, Шарқ адабиётида ўтмишда шоирлар асарларига жавоб ёзиш (“назира”) тизими кенг қўлланилган. Кўплаб “Хамса” лар ҳам шу йўсинда яратилган. Навоий ўзининг “Сабъаи сайёр” (“Хамса” достонларининг бири) достонида Баҳром Гўр ҳақидаги қадимий афсонани, янгича талқин этди. Асар қаҳрамони - чанг чолғучиси Дилором деб аталган. Шоир унинг чолғусини мусиқа тимсоли сифатида гавдалантирган.

Захриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) эътироф этишича, Алишер Навоий ўз даврида кўплаб уд чолғучиларнинг ўз истеъододларини намоён этишига кўмаклашган. “Бобурнома”да ўзбек халқ чолғулари ижрочилигининг номлари зикр этилган. Бобур, шунингдек, Шоҳ Кулмий-Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Хўжа Абдуллоҳ Марварид Қонуний каби моҳир ижрочиларни ҳам тилга олади. Навоий даврида най, уд, ғижжак, қонун, карнай, сурнай, ноғора, дойра, чанг ижрочилиги кенг тарқалган эди. Уларнинг ҳаммаси ансамбл ижросида ҳам, якка ижрода ҳам бирдек қўлланилган. Чанг якка чолғу сифатида алоҳида ажралиб турган.

XV-XVII аср ёзма ёдгорликлари маълумотларини қиёслаб шундай хulosага келиш мумкинки, бу даврга келиб, Ўрта Осиёда халқ чолғуларида

ижролик маданияти ўз камолотига етди. Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиари айни чоғда ўзлари ҳам мусиқа асарлари яратганлар. Ўша пайтдаёқ моҳир чанг, уд, ғижжак, қонун, най, танбур, буламон чолғу ижрочилиари ва етук хонандалари бўлган, улар ўзига хос ансамбллар тузишган. Шунингдек, якканавоз ижрочилик ҳам ривожланган.

Восифий ўз “эсталиклар”ида ажойиб услуб ўйлаб топган қонун чолғучиси Ҳожи Абдулло Марварид номини келтиради. У басталаган куй ва қўшиқлар халқ орасида кенг тарқалган. Шундай қилиб, XIV-XVII аср тасвирий санъатида ва адабий меросида илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалувчи мусиқа чолғулари асосий типларининг барқарорлигини тасдиқловчи бой материал бўлган.

Ўрта Осиё олимларининг мусиқа ҳақидаги рисолалари, бадиий адабиёт, рассомчилик бизнинг кунларгача етиб келган ўзбек халқ чолғулари тарихий тараққиётининг узун занжирдаги айрим узилган ҳалқаларини қайсиdir даражада тиклаш имконини беради. Неча юз йиллар ўтди, мусиқа чолғулари эса якка, ансамбл ва оркестр ижрочилигида ўз ўрнини эгаллаб, бугунги кунгача яшаб келмоқда. Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш XVII-XIX асрларда чолғулар батафсил таърифланган йирик асарлар яратилмади. Бу кўпроқ феодал тарқоқлигининг кучайиши билан боғлиқ. Улкан давлат айрим-айрим хонликларга бўлинниб кетади (Бухоро Амирлиги, Хива, Қуқон хонликлари). Бу эса мусиқа санъати тараққиётida акс этмай қолмади. Ўзбек мусиқа маданиятида маҳаллий хусусиятлар касб эта бошлади. Ўзига хос мусиқа чолғулари шаклланди. Мусиқа турларидан - мақомлар бундан буён ҳар хонликда ўзига хос йўналишда такомиллашди. Мақом ижрочилиари зарурат юзасидан ўзгаришлар киритиши. Шунга қарамай, мусиқанинг умумий хусусиятларини сақлаб қолиши. Ҳар бир ижрочи мақом ижросига ижодий ёндашиб, мусиқа ижросига ўзига хос такрорланмас жиҳатлар киритди. Оғзаки тарзда чолғуларни сақлаб қолиш анъанаси мақомнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, бусиз унинг яшаб қолиш ва сўнгги тараққиётини тасаввур этиш қийин. Ҳар бир хонликда ўзига хос бир йўналишда халқ мусиқасининг янги турлари яратилди; байрамона, куйлар, халқ томоша куйлари (дорбозлик, кўғирчоқбозлик) янги типдаги ракс куйлари. Бу куйлар ўзининг қувноқлиги, шўхлиги билан бир-биридан фарқ қилиб турган ва кенг халқ оммасини ўзига жалб этган.

XVII аср охири ва XIX аср бошларида ўзбек мусиқа маданиятида халқ ва профессионал мусиқа санъатининг қуйидаги кўплаб янги турлари такомиллаша бошлади; катта ашула, катта ўйин, Шодиёна, Наврўз, Мавриги, Шашмақом, Чор мақом (унга Дугоҳ, Ҳусайнӣ, Чоргоҳ, Баёт, Гулёри-Шаҳноз

кирган). Жойларда мавжуд мусиқа чолғулари ва ижрочиларга боғлиқ ҳолда турлича чолғу ансамбллари тузилган. Кўп ҳолларда халқ чолғулари ансамбл таркибиға ғижжак, танбур, дутор, чанг, най, қўшнай, доира каби мусиқа чолғулари киритилган.

Мусиқачиликда олти туркум асарлардан иборат Шашмақом айниқса машҳур бўлган. У Ўрта Осиё халқлари сюита (туркум) шаклидаги профессионал мусиқасининг узоқ тараққиёти натижасида вужудга келган. И.Ражабов ёзади: Шашмақом олти хил турли лад тизимларидан иборат, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мушкилот (чолғу) ва наср (ашула) бўлимларидан иборат бўлган қуйидаги мақомларга (қисмларга) бўлинади:

“Рост”, “Бузруг”, “Наво”, ”Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ирок” . . . Ҳар бир мақом 20 тадан 40 тагача катта-кичик қисмларни ўз ичига олади. Ҳаммаси бўлиб туркумда 250 га яқин мушкилот ва наср қисмлари бор. Бир мақомнинг ижроси бир неча соат давом этган.

Халқ чолғулари халқ оғзаки ижоди ва синфикс адабиёт билан узвий боғлиқлика ривожланади. Халқ чолғулари ҳақидаги тасаввурларни бадиий асарлардаги мусиқа чолғулари ифодалари, китоб миниатюраларидаги чолғучилар тасвири бойитади. Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Дехлавийларнинг асарларида 60 дан зиёд халқ чолғуларининг номи зикр этилган.

Мақомлар асосан сарой аёнлари хузурида муайян вақтда ёки муайян шароитларда ижро этилган. Ҳатто моҳир қўшиқчиларнинг ўзига хос мусобақаси (айниқса, авжларни ижро этишда, шунингдек, ўзига хос янги-янги қисмларини тўқишида) ташкил этилгани маълум.

Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оханг ва ритм қонуниятларига кўра халқ қўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, фақат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одатда, ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинган. Биринчиси – фақат чолғуларда ижро этилган қисми бўлиб мушкилот деб аталган, иккинчиси – чолғулар жўрлигига айтиладиган ашула қисми бўлиб, наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи-уфорни ҳам олган.

## 2.Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари.

Чолғучилар орасида мусиқа товушларини ёзиб кўрсатадиган маҳсус белгилар тизими нотация яратишга интилиш пайдо бўлди. Буни амалга ошириш шоир-музиқачи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий 1825-1879)га насиб этди. Истеъдодли мусиқа ижрочиси моҳир танбурчи ва ғижжакчи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши саёҳат чоғида нота бўйича куй чалаётган чолғучиларни кўриб ҳайратга тушди. Мирзабоши - Комил

Хоразмий Хоразмга қайтиши биланоқ илгаридан дилига туғиб юрган нияти мақомларни ёзиб олишга илҳом билан киришди.

Пахловон Ниёз Мирзабоши Комилнинг шогирди Мұхаммад Ёқуб Харратов (1867-1939) машхур танбурчи эди. У нафакат чоғучилик санъатини, балки ҳаттотлик санъатини ҳам мұкаммал әгаллаган эди. Истеъоддли чолғучи Комил Хоразмий раҳбарлик қилған сарой халқ чолғулари ансамблиниң созандаси бўлган Мұхаммад Ёқуб Харратов (Матёқуб Харратов) танбур нотоциясини тузишда ва хоразмча мақомларни ёзиб олишда қатнашган. Устозидан хоразмча мақом туркумларини қабул қилиб, уларнинг сақланиб қолишига катта хисса қўшган.

Мұхаммад Раҳимхон (1806-1825) саройида ишлаган машхур танбурчи ва қўшиқчи Ниёзхўжа Ҳожининг ижодий ва ижрочилик фаолияти Хивада кечди. У хоразм мусиқа маданиятига катта эътибор берди.

Матёқуб Харратовнинг айтишича, Ниёзхўжа Бухорога “Шашмақом”ни ўрганиш учун борган. У Бухородан қайтгач, бухороча мақомлар Хива чолғучилари тамонидан ўзлаштирилиб, Хоразмда кенг тарқала бошлади. Хоразмнинг машхур чолғучилари Мұхаммадраҳим Феруз, Комил Хоразмий, Мирзо Мұхаммадрасул ва бошқалар Ниёзхўжа билан ҳамкорликда мақомларга янги чолғу бўлимлари қўшиб, уларни бойитдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон шаҳри машхур чолғучилар тўпланган марказга айланган эди. Бу ерда Уста Худойберди раҳбарлигига ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик мактабини ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб яратилди. Фарғона чолғулари бухороча шашмақомни фаол ўзлаштира бошлади. Ота - Жалолиддин Носиров (1845-1928) мақом ижрочиси, таниқли ўқитувчи, чолғучи, уста танбурчи эди. У дастлаб мусиқа илмини онасидан ўрганди, сўнгра мақомларнинг зукко билимдони ва моҳир ижрочиси бўлган отасидан таълим олди. Ота-Жалол Носиров узоқ йиллар мобайнида Амир Олимхон (Бухоро), Амир Музаффархон (Шаҳрисабз)," Амир Отажонлар (Кармана, ҳозирда Навоий)лар саройида ўзбек халқ чолғулари ансамблиниң доимий раҳбари ва хонандаси бўлган. Ота Ғиёс Абдуғани (1858-1924) ўзбек мусиқасининг билимдони, бухоролик танбурчи эди. У Шашмақомнинг Мушкулот қисмини яхши билган ва ҳар бир мақомни унга хос усул ва хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда ижро этган.

Хожи Абдулазиз Расулов (1852-1936) ўзбек ва тожик мусиқасининг таниқли ижрочиларидан бири, моҳир танбурчи Ҳожи Раҳимқулнинг шогирди. 1888 йилда Бухорога борди. У ерда Ота-Жалолиддин Назиров раҳбарлиги остида бир йил ичида Шашмақомни мұкаммал ўрганди. А.Расулов Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўзбек халқ мусиқаси ва мақомларини фаол тарғиб қилди. У ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги

ривожига танбурчи, дуторчи ва хонанда сифатида салмоқли ҳисса қўшиб, ҳалқ ва мусиқа жамоатчилигининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Юқорида номлари келтириб ўтилган мусиқачи-чолғучилар ўз ижодий йўлини бошлаб ўз даврида ижодий камолотга етдилар. Улар ҳаммаси маърифатчилар, ёш мусиқачиларнинг устозлари эдилар. Уларнинг педагогик карашлари, таълимотлари ўзбек ҳалқ чолғуларида ижрочилик бўйича янги педагогик ҳаётий манба бўлиб, ўлмас мерос сифатида сақланмоқда.

1917-1945 йилларда ижрочилик санъатининг тараққиёти 1917 йилдан кейин ўзбек мусиқа санъати жадал ва жўшқин тараққий эта бошлади. Биринчи ўн йилликдаёқ мусиқа таълими, фольклоршунослик, ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Мусиқа ўкув юртлари - Тошкентдаги Туркистон ҳалқ консерваторияси (1918) ва унинг Самарқанддаги, Фарғонадаги (1919), Бухородаги (1920) филиалларида катта ишлар амалга оширилди. Уларда асосан ўзбек ҳалқ чолғуларини ҳамда баъзи Европача мусиқа чолғулари (фортелияно, скрипка ва дамли чолғулари)ни чалиш ўргатилар эди. Бу мусиқа билим юртлари том маънодаги консерватория бўлмаса-да, бироқ, ўтган давр мусиқа маданияти илмини ўрганиш имконига эга бўлмаганларга содда мусиқа назарий илми ҳамда ижро санъатида сабоқ берилар эди. Шу туфайли ёш республиканинг кўпгина шаҳарларида мусиқа ҳаваскорлиги кенг қулоч ёйди.

Ўзбек санъатининг асосчиси, драматург, бастакор, муаллим, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мусиқа санъати ривожига қатта ҳисса қўшди. 1917 йилгача бўлган даврдаги ҳалқ мусиқачи ва ижрочилари яратган анъаналар чолғуларнинг кейинги авлоди ижодида таркиб топди ва давом этди. Мусиқачи-ижрочилар қайта тузилган маданий-маърифий ташкилотларда ишга киришиб кетди.

Таникли танбурчи ва хонанда Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги “Намуна” мактаб-интернати қошида ҳалқ чолғулари ансамблини тузди. Бу ансамбл кейинчалик Тошкент мусиқа техникумини ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 20-йилларда ўкув юртлари, заводлар, фабрикалар қошида, қишлоқ жойларда “Кўк кўйлак”, “Санъатчи қизлар”, “Санойи нафиса” каби мусиқий жамоалар тузилди. Ташкил қилинган ижодий жамоалар таркибида найчи, чангчи, дуторчи, танбурчи, гижжакчи, дойрачи, ногарачилар ва қашқар рубоб созандалари бўлган ҳалқ чолғулари ансамбллари ҳам бор эди.

Ҳалқ чолғулари ансамбллари Фарғонада, Андижонда, Самарқандада ҳам тузилади. Уларга машҳур чолғучилар уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умирзоқов, Юсуфжон Шакаржонов, уста Рўзмат Исабоев, Матюсуф Харратов, Уста Тойир Маруфжон Тошпулатов, Муҳиддин

Мавлоновлар раҳбарлик қилишган. Уларнинг самарали ижоди туфайли, ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатидан кўпчилик баҳраманд бўлди. 1936 йилда Москвада бўладиган декада муносабати билан Қори Ёқубовга Давлат филармониясини тузиш топширилади, у филармониянинг биринчи директори этиб тайинланади. Қори Ёқубовнинг ва бошқа мусиқа санъати арбобларининг қатъийлиги туфайли, Тошкент давлат консерваториясини тузиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ўзбек халқ мусиқаси анъаналарининг давомчиси, Тошкентлик моҳир халқ чолғучиси, дуторчи, танбурчи, найчи Юнус Ражабийнинг (1897-1976) ижодий фаолиятига маърифатпарварлик кенг мусиқий-ижтимоий хусусиятлар хос эди. Беш жилдлик ўзбек халқ мусиқасини ёзib олиб, нашрга тайёрлаганлиги Юнус Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолиятининг энг ажойиб самараси бўлди.

1927 йили Юнус Ражабий Ўзбекистон радио қўмитаси қошида 12 чолғувчи (хонанда ва созандалар)дан иборат халқ чолғулари миллий ансамбли ташкил этади. Бу ансамблга у Тошкентдаги ўша пайтда машҳур мусиқачилар - қўшнайчи Хайрулла Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражапов, Маҳсудхўжа Юсупов, гижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Маҳмуд Юсупов, найчилар Дадаали Соатқулов, Саид Калонов, чангчилар Нигматжон Дўстмуҳаммедов, Фахриддин Содиқов, Маҳаматжон Расулов, дойрачи Дадаҳўжа Соттиевларни жалб этди. Репертуарида ўзбек халқ қуйлари билан бир қаторда замонавий бастакор, шу жумладан Юнус Ражабийнинг “Чоргоҳ”, “Кўчабоғи”, “Баёт”, “Бирлашингиз”, “Фабрика”, ”Ғалаба”, “Ҳаммамиз”, “Илғор”, “Мирзадавлат” каби асарлари бор эди. Кейинроқ бу ансамблда республиканинг машҳур хонандалари Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Бухоролик домла Ҳалим Ибодов, Самарқандлик дуторчи ва хонанда ҳожи Абдураҳмон Умаров, танбурчи ва хонандалар Матёқуб Харратов, Сафо Муғоний, Тошкентлик Назира Ахмедова каби санъаткорлар ишлаган. Айни пайтда ансамблнинг ижрочилик репертуари “Шашмақом”нинг мушкулот ва наср қисмлари: “Насуруллои”, “Наврўзи Сабо”, “Талқини ушшок”, “Сарвинози талқинча”, шунингдек, бастакорларнинг “Уйғонинг”, “Бизнинг қишлоқ”, “Яшасин”, “Колхозимиз” каби асарлар ҳисобига кенгайди. 1930 йилда Тошкент мусиқа олий мактаби, 1936 йилда эса унинг асосида Ўрта Осиёда биринчи мусиқа олий ўқув юрти - Тошкент давлат консерваторияси очилди.

1936-1937 ўқув йили халқ чолғуларида ижрочилик соҳасида мусиқий таълим ривожи учун жуда муҳим давр бўлди. Айнан шу даврда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида А.И.Петросянс ташаббуси билан Й.Ражабий, А.Дарошев, А.Мансуров, Б.Гиенко, Н.Крестягин,

В.Марсиковский, А.Махсудов, О.Қосимов каби ўқитувчилар умуммақбул нота тизими асосида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича сабоқ бера бошладилар. Ш.Шоакрамов, А.Гофуров, М.Юнусов (чанг), С.Юлдошов, Г.Қодиров (танбур), А.Илёсов, М. Аъзамов кабилар уларнинг биринчи ўқувчилардан бўлиши.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маданиятининг ўсиши, жаҳон бастакорлари асарларининг ўзлаштирилиши, Ўзбекистон бастакорларининг халқ чолғулари учун маҳсус асарлар яратишдаги фаол ижодий фаолияти ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалиши учун муҳим замин бўлди. Шу билан бирга, юқори малакали илмий педагогик ва ижрочи кадрларни пухта ва мукаммал қилиб тайёрлаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг кейинги даврлардаги юксалиши Тошкент консерваториясининг фаолияти билан чамбарчас боғланди. 1948 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мусиқа олий ўқув юртларида, шу жумладан; ҳозирги Ўзбекитон давлат консерваторияси (аввал М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси)да ҳам халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим бериш бошланди.

Ўзбек халқ чолғулари бўлимига (оркестр факультети таркибида) раҳбарлик қилиш, ўқувчиларни саралаб йигиш, ўқув режаларини тузиш А.И.Петросянс томонидан амалга оширилди. Тошкент давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича профессионал таълимни йўлга қўйишида В.А.Успенский, М.А.Ашрафий, А.И.Петросянс, И.П.Благовещенский, Б.Ф.Гиенко, Г.Г.Собитовлар катта рол ўйнашди.

1948-1949 йиллардаги биринчи ўқув йилида консерваторияга Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг 13 чолғучиси ўқишига қабул қилинди. Шулардан 10 киши: Назир Нигматов (қўшнай), Аббос Баҳромов, Александр Евдокимов (прима-рубоб), Лаъли Султонова, Мирзаев, Бурибой Мирзаҳмедов (қашқар рубоб), Маҳаматжон Асилов, Обид Холмуҳамедов (ғижжак), Анвар Ливиев (дойра) 1-курсга қабул қилинди. Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг битирувчилари Ахмаджон Одилов (чанг), Валентина Борисенко (прима рубоби), Феоктист Василевлар (қашқар рубоби) эса 2-курсга қабул қилинди.

Муҳаммаджон Мирзаев (1913 йилда туғилган) республикадаги рубобчиларнинг энг машҳури, куйчи-бастакори. Консерваторияни қашқар рубоби синфида А.И.Петросянс раҳбарлигига тамомлаган. 1951 йилдан филармония оркестирида ишлаш билан бир қаторда, ўзбек халқ мусиқа меросини ўрганиш бўйича ёш ижрочиларга мураббийлик қилиб келган. Халқ артистлари Х.Мавлонова, М.Турғунбоевалар билан ижодий ҳамкорликда

“Баҳор валси”, “Янги тановар”, “Гулноз”, “Дилбар”, “Гулхумор”, “Дилдор” каби лирик қўшиқли рақс қуйларини яратган. У яратган қўшиқлар орасида “Ширмоной”, “Олтин сандик”, “Уч дугоналар” айниқса машҳурдир. М.Мирзаев Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси ва бир қанча мукофатлар соҳиби. Рубоб ижрочилигига (кейинроқ ёш ижрочилар томонидан ривожлантирилган) ҳиссий ва ёрқин услугуб асосини яратган дастлабки рубобчилардан ҳисобланади.

Мирза Ҳакимович Тоиров (1930 йилда туғилган). Консерваторияни най ихтисослиги бўйича тамомлаган дастлабки битирувчилардан бири (1956). У ўз устози А.И.Петросянс билан ҳамкорликда “Най мактаби” ўкув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Ўзбекистондаги барча мусиқа билим юртларида, шу билан бирга, қўшни республикаларда ҳам най синфларининг очилишига имкон яратди. М.Тоиров 1957 йилдан ижрочилик кафедрасида аввал ўқитувчи, сўнгра доцент бўлиб ишлаган. Айни бир пайтда Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида ҳам иштирок этган. М.Тоиров мусиқа ижрочилари Бутунитифоқ конкурсининг (1957) ҳамда Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI жаҳон фестивалининг совриндори (1957), Эстония ва МДҲ давлатлари (Москва, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Тажикистон)да бўлиб ўтган ўзбек санъати декадаларида қатнашган. М.Тоиров бир неча истеъодли найчиларни тарбиялаб камол топтирган. Унинг И.Қосимов, 0.Азизов, Ш.Аҳмаджонов, Р.Холмирзаев, К.Юсупов, А.Абдурашидов каби шогирдлари республика қўрикларининг совриндори бўлишган. М.Тоиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969). У 1987 йилдан консерваториянинг профессори унвонига сазавор бўлди.

Фозил Матюсович Харратов (1926-1971) таниқли чангчилардан бири эди. Мусиқа билими ва ижрочилик илк сабоғини ўз отаси, машҳур чангчи Матюсуф Харратовдан олди. Отаси (М.Харратов) фарзандининг истагига кўра, унга ярим хроматик товуш қаторига мансуб янги чанг ясад беради. 1942 йилда Ф.Харратовларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Фозил бу ерда аввал Тошкент давлат циркининг аралаш мусиқа ансамблида ишлайди. У 1950-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясида А.Одиловнинг чанг чолғуси синфида ўқиёди. Кейин бир оз вақт консерваторияда дарс беради. Унинг шогирдлари орасида Г.Неъматов, Ф.Шукрова, Т.Хўжамбердиев каби таниқли ижрочилар бор. Ф.Харратов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI Жаҳон фестивалининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). У “Хурмат Белгиси” ордени билан мукофотланган.

Феоктист Никифорович Васильев (1919-1987) дастлабки профессионал қашқар рубоби ижрочиларидан биридир. У 1937 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишига киради. 1938 йилдан Ўзбекистон

филармонияси халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамблида ишлаган. Консерваторияни қашқар рубоби синфи бўйича А.И.Петросянс раҳбарлигига тамомлаган (1952). 1949 йилдан консерваторияда қашқар рубоби, дутор, танбур ихтисослиги бўйича дарс берган. С.Тахалов, А.Бобохонов, Г.Эргашев, Т.Ражабов, Қ.Усмонов каби машҳур рубобчилар унинг қўл остида тарбияланганлар. Феоктист Никифорович ўзининг илмий-методик ишларида (“Рубоб мактаби” дарслиги) “қашқар рубоби учун этюд ва машқлар” рубоб чалишни ўрганиш бўйича тизимли ўқитиш методини ишлаб чиқди. 1983 йилдан Ф.Василев профессор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган эди.

Феоктист Никифоровичнинг номи ўзбек мусиқа маданияти ҳамда 40 йилга яқин мураббий бўлиб хизмат қилган Тошкент консерваторияси билан чамбарчас боғлиқ.

Валентина Яковлевна Борисенко (1919-1990) ўзининг ижодий йўлини Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида чолғувчи бўлиб бошлади (1939). Прима рубоби ихтисослигига ижрочи ва ўқитувчи сифатида танилди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатгач (1948), Борисенко оркестрнинг торли-нохунли чолғулар гуруҳида концертмейстер бўлиб ишлади. Консерваторияни прима рубоби ихтисослиги бўйича И.Г.Благовещенский раҳбарлигига тамомлади (1952). Сўнгра оркестрда ишлашни давом эттиради. 1950 йилдан Тошкент консерваториясида ўқитувчи, 1962 йилдан эса халқ чолғулари кафедрасининг доценти лавзимларида ишлаган. Борисенконинг машҳур шогирдлари орасида А.Маликов, Г.Салаева (Обидова), Б.Йўлдошев, М.Раҳимов, Б.Азимов, Ш.Жанайдаров, А.Дадамуҳамедов каби ижрочилар бор.

Сулаймон Маниевич Тахалов (1942 йилда туғилган) ажойиб ижро техникасига ва алоҳида товуш жозибасига эга бўлган, анъанавий ва академик ижро усулини бирдек мукаммал эгаллаган рубобчилардандир. Консерваторияда ўқишини тугатгач, Ф.Н.Василев синфида (1958) қашқар ва афғон рубоблари ҳамда танбур ихтисосликлари бўйича сабоқ берди. С.Тахалов Москвада бўлиб ўтган Ёшлилар ва ўқувчиларнинг VI Жаҳон фестивалида иштирок этган (1957). У халқ чолғулари ижрочилари Бутуниттифоқ конкурсининг ўзбек халқ мусиқаси нота ёзуви ва тавсифини такомиллаштириш соҳасида катта илмий-тадқиқот ишларининг соҳиби. У “Афғон рубобини, чалишни ўргатиш методикаси асослари” номли ўқув қўлланма муаллифидир. С.Тахалов 1985 йилдан доцент, 1988 йилдан эса санъатшунослик фанлари доктори, профессор илмий даража ва унвонларини олган.

Абдусалом Маликович Маликов (1939-1979). Доцент вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қилган. А.Маликовнинг рубоб-прима ихтисослиги бўйича 60-65 йилларда консерваторияда В.Й.Борисенко раҳбарлигига олиб борган ижодий фаолияти алоҳида эътиборга лойик. У 1967 йилдан халқ чолғулари ижрочилик кафедрасида ишлаган. I Республика кўриктанловининг соҳиби (1971).

Ғуломқодир Эргашевич Эргашев (1946 йилда туғилган). Тошкент консерваториясининг собиқ ўқувчisi (1969). Ф.Н.Васильевнинг шогирди, афғон рубоби ижрочиси, турли хил дастурлар билан тез-тез концертларда қатнашиб туради. 1967 йилдан ЎзДКсида ўқитувчи, 1988 йилдан кафедра доценти лавозимида ишлаган.

### **3.Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари.**

XVII аср охири ва XIX аср бошларида ўзбек мусиқа маданиятида халқ ва профессионал мусиқа санъатининг қуйидаги кўплаб янги турлари такомиллаша бошлади; катта ашула, катта ўйин, Шодиёна, Наврӯз, Мавриги, Шашмақом, Чор мақом (унга Дугоҳ, Ҳусайний, Чоргоҳ, Баёт, Гулёри-Шаҳноз кирган). Жойларда мавжуд мусиқа чолғулари ва ижрочиларга боғлиқ ҳолда турлича чолғу ансамбллари тузилган. Кўп ҳолларда халқ чолғулари ансамбл таркибиға ғижжак, танбур, дутор, чанг, най, қўшнай, доира каби мусиқа чолғулари киритилган.

Мусиқачиликда олти туркум асарлардан иборат Шашмақом айниқса машхур бўлган. У Ўрта Осиё халқлари сюита (туркум) шаклидаги профессионал мусиқасининг узоқ тараққиёти натижасида вужудга келган. И.Ражабов ёзади: Шашмақом олти хил турли лад тизимларидан иборат, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мушкилот (чолғу) ва наср (ашула) бўлимларидан иборат бўлган қуйидаги мақомларга (қисмларга) бўлинади:

“Рост”, “Бузруг”, “Наво”, ”Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ирок” ... . Ҳар бир мақом 20 тадан 40 тагача катта-кичик қисмларни ўз ичига олади. Ҳаммаси бўлиб туркумда 250 га яқин мушкилот ва наср қисмлари бор. Бир мақомнинг ижроси бир неча соат давом этган.

Халқ чолғулари халқ оғзаки ижоди ва синфикс адабиёт билан узвий боғлиқликда ривожланади. Халқ чолғулари ҳақидаги тасаввурларни бадиий асарлардаги мусиқа чолғулари ифодалари, китоб миниатюраларидағи чолғучилар тасвири бойитади. Фирдавсий, Саҳдий, Навоий, Дехлавийларнинг асарларида 60 дан зиёд халқ чолғуларининг номи зикр этилган.

Мақомлар асосан сарой аёнлари хузурида муайян вақтда ёки муайян

шароитларда ижро этилган. Ҳатто моҳир қўшиқчиларнинг ўзига хос мусобақаси (айниқса, авжларни ижро этишда, шунингдек, ўзига хос янги янги қисмларини тўқишида) ташкил этилгани маълум.

Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оханг ва ритм қонуниятларига кўра ҳалқ қўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, фақат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одатда, ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинган.

Биринчиси – фақат чолғуларда ижро этилган қисми бўлиб мушкилот деб аталган, иккинчиси – чолғулар жўрлигига айтиладиган ашула қисми бўлиб, наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи-уфорни ҳам олган.

Чолғучилар орасида мусиқа товушларини ёзиб кўрсатадиган маҳсус белгилар тизими нотация яратишга интилиш пайдо бўлди. Буни амалга ошириш шоир-музиқачи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий 1825-1879)га насиб этди. Истеъдодли мусиқа ижрочиси моҳир танбурчи ва ғижжакчи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши саёҳат чоғида нота бўйича куй чалаётган чолғучиларни кўриб ҳайратга тушди. Мирзабоши - Комил Хоразмий Хоразмга қайтиши биланоқ илгаридан дилига туғиб юрган нияти мақомларни ёзиб олишга илҳом билан киришди.

Паҳловон Ниёз Мирзабоши Комилнинг шогирди Муҳаммад Ёқуб Харратов (1867-1939) машҳур танбурчи эди. У нафақат чоғучилик санъатини, балки ҳаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Истеъдодли чолғучи Комил Хоразмий раҳбарлик қилган сарой ҳалқ чолғулари ансамбилининг созандаси бўлган Муҳаммад Ёқуб Харратов (Матёқуб Харратов) танбур нотоциясини тузишида ва хоразмча мақомларни ёзиб олишда қатнашган. Устозидан хоразмча мақом туркумларини қабул қилиб, уларнинг сақланиб қолишига катта ҳисса кўшган.

Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825) саройида ишлаган машҳур танбурчи ва қўшиқчи Ниёзхўжа Ҳожининг ижодий ва ижрочилик фаолияти Хивада кечди. У хоразм мусиқа маданиятига катта эътибор берди.

Матёқуб Харратовнинг айтишича, Ниёзхўжа Бухорога “Шашмақом”ни ўрганиш учун борган. У Бухородан қайтгач, бухороча мақомлар Хива чолғучилари тамонидан ўзлаштирилиб, Хоразмда кенг тарқала бошлади. Хоразмнинг машҳур чолғучилари Муҳаммадраҳим Феруз, Комил Хоразмий, Мирзо Муҳаммадрасул ва бошқалар Ниёзхўжа билан ҳамкорликда мақомларга янги чолғу бўлимлари қўшиб, уларни бойитдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон шаҳри машҳур чолғучилар тўпланган марказга айланган эди. Бу ерда Уста Худойберди раҳбарлигига ўзбек ҳалқ чолғуларида ижрочилик мактабини ўрганиш бўйича ўзига хос

мактаб яратилди. Фарғона чолғулари бухороча шашмақомни фаол ўзлаштира бошлади. Ота - Жалолиддин Носиров (1845-1928) мақом ижрочиси, таникли ўқитувчи, чолғучи, уста танбурчи эди. У дастлаб мусиқа илмини онасидан ўрганди, сўнгра мақомларнинг зукко билимдони ва моҳир ижрочиси бўлган отасидан таълим олди. Ота-Жалол Носиров узоқ йиллар мобайнида Амир Олимхон (Бухоро), Амир Музafferхон (Шаҳрисабз)," Амир Отажонлар (Кармана, ҳозирда Навоий)лар саройида ўзбек халқ чолғулари ансамблининг доимий раҳбари ва хонандаси бўлган. Ота Ғиёс Абдуғани (1858-1924) ўзбек мусиқасининг билимдони, бухоролик танбурчи эди. У Шашмақомнинг Мушкулот қисмини яхши билган ва ҳар бир мақомни унга хос усул ва хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда ижро этган.

Хожи Абдулазиз Расулов (1852-1936) ўзбек ва тожик мусиқасининг таникли ижрочиларидан бири, моҳир танбурчи Ҳожи Рахимқулнинг шогирди. 1888 йилда Бухорога борди. У ерда Ота-Жалолиддин Назиров раҳбарлиги остида бир йил ичида Шашмақомни мукаммал ўрганди. А.Расулов Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўзбек халқ мусиқаси ва мақомларини фаол тарғиб қилди. У ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги ривожига танбурчи, дуторчи ва хонанда сифатида салмоқли ҳисса қўшиб, халқ ва мусиқа жамоатчилигининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Юқорида номлари келтириб ўтилган мусиқачи-чолғучилар ўз ижодий йўлини бошлаб ўз даврида ижодий камолотга етдилар. Улар ҳаммаси маҳрифатчилар, ёш мусиқачиларнинг устозлари эдилар. Уларнинг педагогик қарашлари, таълимотлари ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича янги педагогик ҳаётий манба бўлиб, ўлмас мерос сифатида сақланмоқда.

1917-1945 йилларда ижрочилик санъатининг тараққиёти 1917 йилдан кейин ўзбек мусиқа санъати жадал ва жўшқин тараққий эта бошлади. Биринчи ўн йилликдаёқ мусиқа таълими, фольклоршунослик, ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Мусиқа ўкув юртлари - Тошкентдаги Туркистон халқ консерваторияси (1918) ва унинг Самарқанддаги, Фарғонадаги (1919), Бухородаги (1920) филиалларида катта ишлар амалга оширилди. Уларда асосан ўзбек халқ чолғуларини ҳамда баъзи Европача мусиқа чолғулари (фортециано, скрипка ва дамли чолғулари) ни чалиш ўргатилар эди. Бу мусиқа билим юртлари том маънодаги консерватория бўлмаса-да, бироқ, ўтган давр мусиқа маданияти илмини ўрганиш имконига эга бўлмаганларга содда мусиқа назарий илми ҳамда ижро санъатида сабоқ берилар эди. Шу туфайли ёш республиканинг кўпгина шаҳарларида мусиқа ҳаваскорлиги кенг қулоч ёйди.

Ўзбек санъатининг асосчиси, драматург, бастакор, муаллим, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мусиқа санъати ривожига катта ҳисса

кўшди. 1917 йилгача бўлган даврдаги халқ мусиқачи ва ижрочилари яратган анъаналар чолғуларнинг кейинги авлоди ижодида таркиб топди ва давом этди. Мусиқачи-ижрочилар қайта тузилган маданий-махрифий ташкилотларда ишга киришиб кетди.

Таниқли танбурчи ва хонанда Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги “Намуна” мактаб-интернати қошида халқ чолғулари ансамблини тузди. Бу ансамбл кейинчалик Тошкент мусиқа техникумини ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 20-йилларда ўқув юртлари, заводлар, фабрикалар қошида, қишлоқ жойларда “Кўк кўйлак”, “Санъатчи қизлар”, “Санойи нафиса” каби мусиқий жамоалар тузилди. Ташкил қилинган ижодий жамоалар таркибида найчи, чангчи, дуторчи, танбурчи, ғижжакчи, дойрачи, ноғарачилар ва қашқар рубоб созандалари бўлган халқ чолғулари ансамбллари ҳам бор эди.

Халқ чолғулари ансамбллари Фарғонада, Андижонда, Самарқандада ҳам тузилади. Уларга машҳур чолғучилар уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умирзоқов, Юсуфжон Шакаржонов, уста Рўзмат Исабоев, Матюсиф Харратов, Уста Тойир Маруфжон Тошпулатов, Мухиддин Мавлоновлар раҳбарлик қилишган. Уларнинг самарали ижоди туфайли, ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатидан кўпчилик баҳраманд бўлди.

1936 йилда Москвада бўладиган декада муносабати билан Қори Ёқубовга Давлат филармониясини тузиш топширилади, у филармониянинг биринчи директори этиб тайинланади. Қори Ёқубовнинг ва бошқа мусиқа санъати арбобларининг қатъийлиги туфайли, Тошкентда давлат консерваториясини тузиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ўзбек халқ мусиқаси анъаналарининг давомчиси, Тошкентлик моҳир халқ чолғучиси-дуторчи, танбурчи, найчи Юнус Ражабийнинг (1897-1976) ижодий фаолиятига маҳрифатпарварлик кенг мусиқий-ижтимоий хусусиятлар хос эди. Беш жилдлик ўзбек халқ мусиқасини ёзib олиб, нашрга тайёрлаганлиги Юнус Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолиятининг энг ажойиб самараси бўлди. 1927 йили Юнус Ражабий Ўзбекистон радио қўмитаси қошида 12 чолғувчи (хонанда ва созандалар)дан иборат халқ чолғулари миллий ансамбли ташкил этади. Бу ансамблга у Тошкентдаги ўша пайтда машҳур мусиқачилар - қўшнайчи Хайрулла Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражапов, Маҳсудхўжа Юсупов, ғижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Маҳмуд Юсупов, найчилар Дадаали Соатқулов, Сайд Калонов, чангчилар Нигматжон Дўстмуҳаммедов, Фахриддин Содиков, Маҳаматжон Расулов, дойрачи Дадаҳўжа Соттиевларни жалб этди. Репертуарида ўзбек халқ куйлари билан бир қаторда замонавий бастакор, шу жумладан Юнус Ражабийнинг “Чоргоҳ”,

“Кўчабоғи”, “Баёт”, “Бирлашингиз”, “Фабрика”, ”Ғалаба”, “Ҳаммамиз”, “Илғор”, “Мирзадавлат” каби асарлари бор эди. Кейинроқ бу ансамблда республиканинг машҳур хонандалари Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Бухоролик домла Ҳалим Ибодов, Самарқандлик дуторчи ва хонанда ҳожи Абдураҳмон Умаров, танбурчи ва хонандалар Матёқуб Харратов, Сафо Муғоний, Тошкентлик Назира Ахмедова каби санъаткорлар ишлаган. Айни пайтда ансамблнинг ижрочилик репертуари “Шашмақом”нинг мушкулот ва наср қисмлари: “Насуруллои”, “Наврўзи Сабо”, “Талқини ушшоқ”, “Сарвинози талқинча”, шунингдек, бастакорларнинг “Ўйғонинг”, “Бизнинг қишлоқ”, “Яшасин”, “Колхозимиз” каби асарлар ҳисобига кенгайди.

1930 йилда Тошкент мусиқа олий мактаби, 1936 йилда эса унинг асосида Ўрта Осиёда биринчи мусиқа олий ўқув юрти - Тошкент давлат консерваторияси очилди. 1936-1937 ўқув йили халқ чолғуларида ижрочилик соҳасида мусиқий таълим ривожи учун жуда муҳим давр бўлди. Айнан шу даврда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида А.И.Петросянц ташаббуси билан Ю.Ражабий, А.Дарошев, А.Мансуров, Б.Гиенко, Н.Крестянин, В.Марсиковский, А.Махсудов, О.Қосимов каби ўқитувчилар умуммақбул нота тизими асосида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича сабоқ бера бошладилар. Ш.Шоакрамов, А.Гофуров, М.Юнусов (чанг), С.Юлдошов, Г.Қодиров (танбур), А.Илёсов, М. Аъзамов кабилар уларнинг биринчи ўқувчилардан бўлишиди.

#### **4. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар**

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маданиятининг ўсиши, жаҳон бастакорлари асарларининг ўзлаштирилиши, Ўзбекистон бастакорларининг халқ чолғулари учун маҳсус асарлар яратишдаги фаол ижодий фаолияти ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалиши учун муҳим замин бўлди. Шу билан бирга, юқори малакали илмий педагогик ва ижрочи кадрларни пухта ва мукаммал қилиб тайёрлаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг кейинги даврлардаги юксалиши Тошкент консерваториясининг фаолияти билан чамбарчас боғланди. 1948 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мусиқа олий таълим муассасаларида, шу жумладан; ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳам халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим бериш бошланди.

Ўзбек халқ чолғулари бўлимига (оркестр факультети таркибида) раҳбарлик қилиш, ўқувчиларни саралаб йиғиш, ўқув режаларини тузиш

А.И.Петросянц томонидан амалга оширилди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича профессионал таълимни йўлга қўйишида В.А.Успенский, М.А.Ашрафий, А.И.Петросянц, И.П.Благовещенский, Б.Ф.Гиенко, Г.Г.Собитовлар катта рол ўйнашди.

1948-1949 йиллардаги биринчи ўқув йилида консерваторияга Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг 13 чолғучиси ўқишига қабул қилинди. Шулардан 10 киши: Назир Нигматов (қўшнай), Аббос Баҳромов, Александр Евдокимов (прима-рубоб), Лаъли Султонова, Мирзаев, Бурибой Мирзааҳмедов (қашқар рубоб), Маҳаматжон Асилов, Обид Холмуҳамедов (ғижжак), Анвар Ливиев (дойра) 1-курсга қабул қилинди. Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг битирувчилари Ахмаджон Одилов (чанг), Валентина Борисенко (прима рубоби), Феоктист Василевлар (қашқар рубоби) эса 2-курсга қабул қилинди.

Муҳаммаджон Мирзаев республикадаги рубобчиларнинг энг машҳури, куйчи-бастакори. Консерваторияни қашқар рубоби синфида А.И.Петросянц раҳбарлигига тамомлаган. 1951 йилдан филармония оркестирида ишлаш билан бир қаторда, ўзбек халқ мусиқа меросини ўрганиш бўйича ёш ижрочилигарга мураббийлик қилиб келган. Халқ артистлари Х.Мавлонова, М.Турғунбоевалар билан ижодий ҳамкорликда “Баҳор валси”, “Янги тановар”, “Гулноз”, “Дилбар”, “Гулхумор”, “Дилдор” каби лирик қўшиқли рақс куйларини яратган. У яратган қўшиқлар орасида “Ширмоной”, “Олтин сандик”, “Уч дугоналар” айниқса машхурдир. М.Мирзаев Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси ва бир қанча мукофатлар соҳиби. Рубоб ижрочилигига (кейинроқ ёш ижрочилар томонидан ривожлантирилган) ҳиссий ва ёрқин услугуб асосини яратган дастлабки рубобчилардан ҳисобланади.

Мирза Ҳакимович Тоиров консерваторияни най ихтисослиги бўйича тамомлаган дастлабки битирувчилардан бири (1956). У ўз устози А.И.Петросянц билан ҳамкорликда “Най мактаби” ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Ўзбекистондаги барча мусиқа билим юртларида, шу билан бирга, қўшни республикаларда ҳам най синфларининг очилишига имкон яратди. М.Тоиров 1957 йилдан ижрочилик кафедрасида аввал ўқитувчи, сўнгра доцент бўлиб ишлаган. Айни бир пайтда Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестирида ҳам иштирок этган. М.Тоиров мусиқа ижрочилири Бутуниттифоқ конкурсининг (1957) ҳамда Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI жаҳон фестивалининг совриндори (1957), Эстония ва МДҲ давлатлари (Москва, Қозогистон, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон)да бўлиб ўтган ўзбек санъати декадаларида қатнашган. М.Тоиров бир неча истеходдли найчиларни тарбиялаб камол топтирган.

Унинг И.Қосимов, О.Азизов, Ш.Аҳмаджонов, Р.Холмирзаев, К.Юсупов, А.Абдурашидов каби шогирдлари республика кўрикларининг совриндори бўлишган. М.Тоиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969). У 1987 йилдан консерваториянинг профессори унвонига сазавор бўлди.

Фозил Матюсович Харратов (1926-1971) таниқли чангчилардан бири эди. Мусиқа билими ва ижрочилик илк сабоғини ўз отаси, машҳур чангчи Матюсуф Харратовдан олди. Отаси (М.Харратов) фарзандининг истагига кўра, унга ярим хроматик товуш қаторига мансуб янги чанг ясад беради. 1942 йилда Ф.Харратовларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Фозил бу ерда аввал Тошкент давлат циркининг аралаш мусиқа ансамблида ишлайди. У 1950-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясида А.Одиловнинг чанг чолғуси синфида ўқийди. Кейин бир оз вақт консерваторияда дарс беради. Унинг шогирдлари орасида Г.Некматов, Ф.Шукурова, Т.Хўжамбердиев каби таниқли ижрочилар бор. Ф.Харратов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI Жаҳон фестивалининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). У “Хурмат Белгиси” ордени билан мукофотланган.

Феоктист Никифорович Василев (1919-1987) дастлабки профессионал қашқар рубоби ижрочиларидан биридир. У 1937 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишига киради. 1938 йилдан Ўзбекистон филармонияси халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамблида ишлаган. Консерваторияни қашқар рубоби синфи бўйича А.И.Петросянц раҳбарлигига тамомлаган (1952). 1949 йилдан консерваторияда қашқар рубоби, дутор, танбур ихтисослиги бўйича дарс берган. С.Тахалов, А.Бобохонов, Г.Эргашев, Т.Ражабов, Қ.Усмонов каби машҳур рубобчилар унинг қўл остида тарбияланганлар. Феоктист Никифорович ўзининг илмий-методик ишларида (“Рубоб мактаби” дарслиги) “қашқар рубоби учун этюд ва машқлар” рубоб чалишни ўрганиш бўйича тизимли ўқитиш методини ишлаб чиқди. 1983 йилдан Ф.Василев профессор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган эди.

Феоктист Никифоровичнинг номи ўзбек мусиқа маданияти ҳамда 40 йилга яқин мураббий бўлиб хизмат қилган Тошкент консерваторияси билан чамбарчас боғлиқ.

Валентина Яковлевна Борисенко (1919-1990) ўзининг ижодий йўлини Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида чолғувчи бўлиб бошлади (1939). Прима рубоби ихтисослигига ижрочи ва ўқитувчи сифатида танилди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатгач (1948), Борисенко оркестрнинг торли-нохунли чолғулар гурухида концертмейстер бўлиб ишлади. Консерваторияни прима рубоби ихтисослиги бўйича

И.Г.Благовещенский раҳбарлигига тамомлади (1952). Сўнгра оркестрда ишлашни давом эттириди. 1950 йилдан Тошкент консерваториясида ўқитувчи, 1962 йилдан эса халқ чолғулари кафедрасининг доценти лавзимларида ишлаган. Борисенконинг машҳур шогирдлари орасида А.Маликов, Г.Салаева (Обидова), Б.Йўлдошев, М.Раҳимов, Б.Азимов, Ш.Жанайдаров, А.Дадамуҳамедов каби ижрочиilar бор.

Сулаймон Маниевич Тахалов (1942 йилда туғилган) ажойиб ижро техникасига ва алоҳида товуш жозибасига эга бўлган, анъанавий ва академик ижро усулини бирдек мукаммал эгаллаган рубобчилардандир. Консерваторияда ўқиши тугатгач, Ф.Н.Василев синфида (1958) қашқар ва афғон рубблари ҳамда танбур ихтисосликлари бўйича сабоқ берди. С.Тахалов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг ВИ Жаҳон фестивалида иштирок этган (1957). У халқ чолғулари ижрочиialiри Бутуниттифоқ конкурсининг ўзбек халқ мусиқаси нота ёзуви ва тавсифини такомиллаштириш соҳасида катта илмий-тадқиқот ишларининг соҳиби. У “Афғон рубобини, чалишни ўргатиш методикаси асослари” номли ўқув қўлланма муаллифидир. С.Тахалов 1985 йилдан доцент, 1988 йилдан эса санъатшунослик фанлари доктори, профессор илмий даража ва унвонларини олган.

Абдусалом Маликович Маликов (1939-1979). Доцент вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қилган. А.Маликовнинг рубоб-прима ихтисослиги бўйича 60-65 йилларда консерваторияда В.Й.Борисенко раҳбарлигига олиб борган ижодий фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. У 1967 йилдан халқ чолғулари ижрочилик кафедрасида ишлаган. И Республика кўриктанловининг соҳиби (1971).

Ғуломқодир Эргашевич Эргашев (1946 йилда туғилган). Тошкент консерваториясининг собиқ ўқувчиси (1969). Ф.Н.Василевнинг шогирди, афғон рубоби ижрочиси, турли хил дастурлар билан тез-тез концертларда қатнашиб туради. 1967 йилдан ТДКсида ўқитувчи, 1988 йилдан кафедра доценти лавозимида ишлаган

Чанг мусиқа чолғуси танбурнинг ўттиз икки пардасидан олиниб ихтиро қилинган. Баъзи ривоятларда гўё Арастун (Арестотел) Ҳаким Зухро юлдузига қиёс қилиб ихтиро қилгари дейилади<sup>22</sup>. Ундан ташқари Абдулқодир Марофий ўзининг "Мақосид ул алҳон" (куйлар мақсадлари) китобида чанг мусиқа чолғусини юзига тери тортилган унга 24 та тор икки томонига ип билан боғлаб қўйилган" деган маълумот берилган бўлиб, нохун (тирнок) воситасида

<sup>22</sup> Нағмаи ниёгон. Таҳқиқ ва таҳияи А. Ражабов. Душанбе. Адиб, 1988.124 с..

ижро этилган. Қадимги чанг мусиқа чолғусининг бир тури бу чолғунинг юз қисмига тери эмас балки ёғоч қопланган. Торлари ип билан эмас чўплар воситасида беркитиб қўйилган.

Хозирги кунда Ўзбекистон худудида мусиқа ижрочилигига қўлланилаётган "Чанг" номли мусиқа чолғуси Шарқ ва бошқа халқларнинг миллий мусиқа ижрочилигига турли хил номланишларга эга. Беларуссия ва Украина - симбала. Уйғур халқларида - чанг, Эронда-сантур деб номланиб Ўзбекистондаги - "Чанг" мусиқа чолғусига ўхшаш. Кўпгина мусиқий рисолаларда зикр этилган "Чанг" чолғуси ҳамда ХВИ асрларда яшаган Дарвеш Али Чангий ижро этган "Чанг" номли мусиқа чолғуси тамоман бошқа кўринишда бўлиб, ҳозирги кунда мусиқа ижрочилигига қўлланилаётган "Арфа" мусиқа чолғусининг айнан ўзидир.

### **Назорат саволлари:**

1. “Тасниф” атамаси қандай маънони англатади?
2. Терма ҳақида айтинг.
3. Мехнат қўшиқлари бу –
4. Оиласий маросим айтимлари -

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Марк Феезелл. “Мусис Тъеорий Фундаменталс” Сопиригът. 2011 Алл Ригъц Ресервэд. Леарн Мусис Тъеорий. Нет-2011
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
3. Жамес Таскетт. “Фундаменталс оғ чурч мусис Тъеорий” Аустин Чристиан Акаппелла Мусик. Абilenе Чристиан Университий. 2009.
4. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
5. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
6. Петер Мастер. энглиш Граммар анд Течнисал Вритинг. Регионал Принтинг Сентер. 2004
7. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
8. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари.– Т.: Фан, 2010.–686с.
9. Педагогика назарияси ва тарихи // Тўхтахўжаева М.Х.тахрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

10. Иноятов У.И. Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.
11. Мишаел Пильофер анд Ъоллй Дай “Мусис Тъеорий фор думмиес” Индиана УСА 2007. Вилем Публишинг Инс.
12. Саторине Садолин. Сомплете восал течниyuе. 2012.  
[www.Completevocalsinstitute.com](http://www.Completevocalsinstitute.com)
13. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
14. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
15. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойихалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
16. Америсан популар мусис. Ларри Стар & Чристопоер Утерман. Охфорд Университе Пресс. Инс. 2007.
17. Қаҳҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисодмолия. 2008. 314 б.
18. Мирзаева Н.А.. Хонандалик услубиёти асослари. Маъruzalар матни. Тошкент. 2008. 48 б.
19. Бахромова Т.А. Справочник по музыкальной грамоте и солофеджио. М., 2004.
20. Нурматов Ҳ. ва бошқалар. 1-3 синф “Мусиқа” дарсликлари. 2016
21. Иброҳимов О. 4-синф “Мусиқа” дарслиги. 2016
22. Мансуров А. ва Каримова Д. 5-синф “Мусиқа” дарслиги. 2015
23. Бекматов С. 6-синф “Мусиқа” дарслиги. 2017
24. Иброҳимов О. 7-синф “Мусиқа” дарслиги. 2016

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот: Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

### Режа:

1. Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти
2. Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари
3. Қорахонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар)
4. Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод
5. Қадимги Хоразм мусиқа маданияти

**Таянч иборалар:** ибтидоий жамият, мусиқа чолғулари, дунё, мусиқашунослик, илк чолғу, Марказий Осиё.

Ибтидоий давр одамларининг ҳаёт шарт-шароитлари ҳамда диний қараш, эътиқод ва маросимларининг юзага келишида тарихий жараёнларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Даврлар ўтиши билан ибтидоий одамларнинг турли топиниш ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлган маросимларнинг юзага келиши, уларнинг бадиий-ижровий хусусиятлари ўзига хос тарзда шаклланганлигини кўриш мумкин. Буларнинг овоз ва қадимги чолғулар воситасида “оммавий ўйин” ва “яккахонлик” шаклларида намоён бўлишида шубҳасиз меҳнатнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканлигини археологик топилмалар ва ёдгорликлар гувоҳлик беради. Мазкур ижровий шаклларнинг мусиқий жиҳатлари ҳамда бирламчи жанр андозалари (нутқдош оҳанглар, ўйин-ракс усуллари, дарак берувчи иборалар ва б.)нинг қарор топиши ибтидоий одамлар орасида мулоқот, сўзлашув санъатини ривожланиши туртки берди. Мусиқа чолғуларининг илк шакл ва турлари юзага кела бошлади. Ибтидоий давр одамлари томонидан тайёрланган дастлабки “мусиқа чолғулари” қадимги давр маросимларда ҳамда турмуш юмушларида мусиқа қуролларининг бажарган вазифалар “дарак берувчи”, “ўхшатма”, “жоду” ва оммавий ўйин маросимларида усул берадиган мусиқа қуроллари ва бошқаларни кенг ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Албатта, бу жараёнлар мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларни сақланиб қолганлиги кейинги ўрганишлар натижасида жуда кўп қимматли маълумотларни очиб бермоқда. Жумладан, Кушон хонлиги Марказий Осиё халқлари тарихида массагет қабилаларига мансуб тоҳар сулоласидан бирининг номи билан аталган. Хитой манбаларида ёзилишича, Даҳя, яъни Бақтрияга кўчиб ўтган

массагет (юечжи)лар бешта вассал ҳокимликка бўлинган бўлиб, улардан бири Гуйшун деб номланган.

Мусиқа ижрочилигидаги тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида хорижий адабиётлар (таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари). Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар. Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар. Репертуар танлаш ва чолғу ижрочилигини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари. Машҳур чолғучиларнинг ижоди. Улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Профессионал ижрочилик ўзининг мукаммаллиги, ҳар бир куйга оқилона ёндашиши билан ажралиб туради. Мукаммаллиги шундаки: ижро пайтида ўзини тутиши, ҳар бир штрих, ҳар бир зарб, ҳар бир парда ўз ўрнида бўлиши; ҳар бир куйга оқилона ёндашишини шундай изоҳлаш мумкин: чолғучи маълум бир куйни ижро этишдан олдин яхшилаб ўрганиб чиқади, куйнинг мураккаб жиҳатлари, пардалари, тарихий келиб чиқиши, руҳиятидан келиб чиқиб, ижодий ёндашади.

Ҳаваскор ижрочилик эса аксинча, саҳнада ўзини тутиши, куйнинг баъзи жиҳатлари, унсурларини сезмай ташлаб кетиши, штрих ва зарбларини поймапой кетиши, чалаётган куйга хос бўлмаган пардаларини ижро этиши билан фарқланади.

### **Машҳур чолғучиларнинг ижоди.**

Машҳур чолғучиларнинг ижоди билан талабаларни таништириб бориши ҳам устоз созанда зиммасидаги вазифалардан биридир. Ҳар бир куйни ижро этишдан олдин ушбу куйни машҳур ижрочилири, ижрочиларнинг қайси мактаб вакиллари эканлиги ҳақида гапириш устоз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу ижроларни магнит ёзувларини эшиттириб, дарс ўтилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Машҳур чолғучилар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифа яна устозлар зиммасига юқлатилади. Ҳар бир берилган куйни ижрочи устоз кайфияти чоғ пайтида уз услубида ижро этиб, магнит тасмаларига ёзмоғи керак. Ушбу берилган куйни бошқа ижрочилир, бошқа ижрочилик мактаби вакилларини ҳам магнит ёзувларини топиб талаба созандага навбатма-навбат эшиттириб, устоз ижрочилик мактабларини фарқини, ютуқ ва камчиликларини айтиб талабага тушунтирса устоз-шогирд тизимининг замонавий кўриниши бўлади.

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида мусиқий авангардизмни ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талabalар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

### Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Муҳокама қилиш -3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.

4. Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурӯхлар бошқа гурӯхларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадимги Хоразм мусиқа маданияти
2. Илк давлат тизими даврига оид мусиқий ижод
3. Қорахонийлар даврида мусиқий-маданий ҳаёт (XI-XIII асрлар)
4. Мусиқий маданиятнинг ривожланиш жараёнлари
5. Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Апраксина.О.А. Методика мусиқального воспитания в школе. (Учебное пособие для пед. институтов по спец. 2119 «Музыка и пение») -М.: Просвещение, 1983-222с
2. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т. Музыка, 2005. -80 с.
3. С.Бегматов, Д.А.Каримова Қ.МАмиров Т.Фофур Ғулом нашриёти, 2008 й.
4. Панжиев Қ. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 2020 й. 274 б.
5. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й
6. Лутфуллаев А . Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.: Музыка.

**2-амалий машғулот: Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.**

### **Режа:**

- 1.Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти.**
- 2.Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари,**
- 3.Анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти.**

**Таянч иборалар:** Этномусиқашунослик, мароси, қадрият, анъана, урфодат, мусиқа ўқитувчиси.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро урушлар шаҳарларнинг бўшаб, вайронага айланиши Ўрта Осиё халқ оммасининг қашшоқланишига олиб келди. Бу процесс ўзларини ўзбеклар деб атаган қўчманчилар бошлиги Шайбонийхон ҳокимиятни қўлга олган XVI асрнииг бошидаёқ фаоллашган эди. Ана шу вақтдан бошлаб “ўзбеклар” деган халқ номи қарор топади. XVII ва XVIII асрларда феодал тарқоқлик кучаяди. Катта феодал давлати алоҳида хонликлар Бухоро, Хива ҳамда Қўқон хонликларига бўлиниб кетди. Бундай бўлиниш ўзбек халқининг мусиқа маданиятида ҳам акс этди. Ўзбек хонлари саройидаги мусиқий ҳаёт асосан темурийларнинг Ҳирот ва Самарқанд саройларидаги анъаналарини давом эттиарди.

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида машҳур чолғучиларнинг ижоди; машҳур чолғучилар яратган услубларни таълим жараёнига татбиқ этиш масалаларини таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Хар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.  
Хар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.  
Хар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.  
Хар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.  
Хар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.  
Хар ким аниқ тушуниши керакки:  
- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.  
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиласиз ёки бирга чўкамиз.

### **Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.**

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мухокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

### **1-илова**

#### **Биринчи гуруҳ учун вазифа.**

<b>Саволлар</b>	<b>Тушунча ва шарҳ</b>	<b>Изоҳ</b>
Машхур рубоб чолғучиларидан кимларни биласиз?		
Ғижжакда анъанавий ижро билин академик ижронинг нима фарқи бор?		
Анъанавий чолғу ижрочилигига қайси зарбли чолғулар ишлатилади?		

### Иккинчи гурӯҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Машҳур ғижжак чолғучиларидан кимларни биласиз?		
Рубобда анъанавий ижро билан академик ижронинг нима фарқи бор?		
Академик чолғу ижрочилигига қайси зарбли чолғулар ишлатилади?		

### 2-илова

#### Гурӯҳни баҳолаш жадвали.

Гурӯҳ-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурӯҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурӯҳ					
2-гурӯҳ					

#### Назорат саволлари:

1. Марказий Осиёга жаҳон маданиятинг таъсирини тушунтириб беринг?
2. Ўйғониш даврида янгича тафаккур қандай яратилди?
3. Маданий алоқалар ривожидаги маданият равнақи қандай?
4. Илоҳий ва илмий фалсафий маданиятнинг ривожи қандай йўналишда акс этган?
5. Ўйғониш даврида Ислом динининг аҳамиятини қандай тушунасиз?
6. Тасаввуф фалсафасини тушунтириб беринг?
7. Дунёвий маданият деганда нимани тушунасиз?
8. Марказий Осиё илмий мероси хақида нима дея оласиз?
9. Ахмад ал-Фарғоний хақида нима биласиз?
10. Абу Наср Фаробий хақида сўзлаб беринг.
11. Абуали ибн Сино хақида нима биласиз?

12. Абу Райхон Беруний хақида нима биласиз.?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Д.А.Каримова Мусиқий педагогик маҳорат асослари ўқув қулланма. Т. 2008 й.
2. Шарипова Г. Мусиқа ўқитиш методикаси. Маҳрузалар матни. 2000 й.
3. Зимина А.Н.Основқ музқалғного воспитания и развития. М. 2000 й.
4. Файзиев О.Ўқувчиларда мусиқий нафосат тарбиясини шакллантириш. Т. 1992 йи.
5. Х.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1997 й.
6. Шарипова Г.М. Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси. Т.Турон-Истиқбол 2006 й.
7. Н.Норхўжаев, Х.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1999 й.
8. Г.Шарипова мусиқа ўқитиш методикаси Т. 2006
9. О.Иброҳимов, Ж.Садиров 7-синф мусиқа дарслиги Т. 2008 F.Гулом нашрёти
10. О.Иброҳимов Ўзбек халқ мусиқа ижоди.Т. 1997 й.
11. Мақомат.О.Матёқубов Мусиқа нашриёти Т. 2004 й.

**З-мавзу: Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти.**

### **Режа**

- 1.Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари
- 2.Ўрта асарлар мусиқашунослиги
- 3.Халқ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти.
- 4.Ислом ва мусиқа

**Танянич иборалар:** будда, тафаккур, мерос, мусиқашунослик, этномусиқашунослик, халқ анъаналари, касбий мусиқа, достончилик.

Пассив-ижобий педагогик услугга мансуб ўқитувчи болаларга нисбатан муносабатда ноаниқ эмоционал-ижобий установка билан намоён бўлади. Бундай ўқитувчи жамоавий ижрода ҳар бир ўқувчининг ижроси сифатини таҳлил этмаслик, камчиликларни тузатишга, аъло даражада ижро этаётган ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳаракат қиласлик билан намоён бўлиши мумкин (расмга қаралсин).

Чолғу ижрочилигига устоз-шогирд анъанаси, тизимининг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Буни шундай изоҳлаш мумкин: мусиқа ёки мусиқий чолғулар яралибдики устоздан шогирдга, отадан-ўғилга мусиқа маданиятимиз давом этиб келмоқда. Устозлар мусиқада эришган ўз янгилик ва ютуқларини шогирдларига ўргатиб, бу мақом бўладими, достончиликми ёки бошқа бир жанрларми барчасида усто-шогирд анъанаси мавжуд.

Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилишида асосан устоз, яъни профессор-ўқитувчи ва журнавозларнинг аҳамияти жуда катта. Бу жараён шундай кечади: дастлаб устоз ижро этади, энг яхши ижрочиларни таъкидлаб, овозли ёзувларидан эшиттиради. Кейин нота мисолида куйни биргаликда таҳлил этади, талаба-шогирдга уйга вазифа этиб куйни ёд олиш топширилади. Навбатдаги дарсда талаба ўзи устоз ёрдамисиз ижро этади, тушунмаган жойларида тўхтаб, айрим жиҳатларини сўрайди. Устоз талабанинг ижросидаги камчиликларини тўғрилайди ва куйни мукаммал ижросини таъминлаш учун уйга вазифа этиб, куйни қўп бора чалиб мукаммаллаштириш топширилади. Бу жараён куйни катта ёки кичиклиги, мураккаб ва соддалигига ҳам боғлиқ. Бир ёки икки дарсда маълум бир куйни ўрганиши қийин. Устозимиз Ўзбекистон халқ артисти, буюк ҳизматлари ордени нишондори Турғун Алиматов айтганларидек: “Бир куйни ўрганиш учун қўп вақт кетмайди, аммо уни чалиш учун, тайёр ижод маҳсулига келтириш учун йиллар керак бўлади”.

Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илфор маҳаллий ва хорижий тажрибалар борасида шундай бир ибора бор: “Таълим берган устозингдан айрилма”. Бу дегани анъанавий ижрочилик борасида, уни ривожлантириш, ўрганишда ўзимизни маҳаллий услубларга teng келадигани бутун дунёда топилмаса керак. Миллий санъатимизни барча жабҳаларини қайта тиклаш, ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилигандир. Ўзимизни маҳаллий услугуб, яъни миллий ижрочилик мактаблари устоз-шогирд анъанасига таянган бўлиб, миллий мусиқамиизда шундай бир унсурлар борки, буни фақат устознинг ижроларидан, доно фикрларидан шогирд баҳраманд бўлмаса, миллий ижрочилик мактабларига хос ижро йўқолиб кетади. Бизни миллатимизга хос анъана ҳам айнан шунда.

Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублари шундай: анъанавий услубда шогирд устозни ёнида юриб, ижроларидан баҳраманд бўлиб, устознинг илхоми келган пайтда куйларни ижросини биргаликда машқ натижасида ўрганилади. Бу услубнинг унумдорлиги ҳам шунда.

Замонавий устоз-шогирд услуби эса устоз ишга келади, унинг кайфияти, ишга лаёкатига ҳеч ким эътибор бермайди. Ўқувчи-шогирд дарсга келиши билан бир соат давомида дарс ўтишга мажбур, чунки бу ўқувчини бу дарсдан кейин бошқа дарси бўлиши мумкин, устоз шогирдини узоқ ушлаб ўтира олмайди. Аммо устоз кайфияти чоғ бўлса, илхоми жўш уриб турган бўлса шогирдининг баҳти. У шогирд устозни мукаммал ижроидан, ноёб маслаҳатларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Репертуар танлаш ва чолғу ижроиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари борасида ҳар бир созанда талаба яккама-якка устоз билан машқ қилиши лозим. Ҳар бир талабанинг қизиқиши, қобилиятини устоз созанда дарров пайқаб, ички ҳиссиётидан келиб чиқиб ижро дастурини танлаши керак. Талабанинг характеристига мос, қобилиятига хос куй танланса талаба ижро мукаммал бўлишига эришилади. Агар талабанинг қобилияти зўр бўлиб, берилган куй унинг характеристига мос келмаса ёки куй руҳиятига мос келиб, бу қуйни чалиш учун қобилияти ўртачароқ бўлса ҳам ижро мукаммал бўлмайди.

## 1-илова

### Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Ҳаваскорона ижро тушунчаси нимани англатади?	Ҳаваскорона ижро ҳар тарафлама содда, мукаммал бўлмаган ижро тушунилади, сахнада ўзини тутиши, куйнинг баъзи жиҳатлари, унсурларини сезмай ташлаб кетиши, штрих ва зарбларини пойма-пой кетиши, чалаётган куйга хос бўлмаган пардаларини ижро этиши билан фарқланади.	Оддий ижро.
Профессионал ижрочилик ҳақида гапириб беринг	Профессионал ижрочилик ўзининг мукаммаллиги, ҳар бир куйга оқилона ёндашиши билан ажralиб туради. Мукаммаллиги шундаки: ижро пайтида ўзини тутиши, ҳар бир штрих, ҳар бир зарб, ҳар бир парда ўз ўрнида бўлиши; ҳар бир куйга оқилона	Мукаммал ижро.

	<p>ёндашишини шундай изоҳлаш мумкин: чолғучи маълум бир куйни ижро этишдан олдин яхшилаб ўрганиб чиқади, куйнинг мураккаб жиҳатлари, пардалари, тарихий келиб чиқиши, руҳиятидан келиб чиқиб, ижодий ёндашади.</p>	
Анъанавий ижрочилик нима?	<p>Анъанавий ижрочилик соҳаси қадим мусиқий санъатимиз борасида чуқур изланишлар олиб бориб, устоз-шогирд тизими орқали бизгача етиб келган мусиқий асарларни асл ҳолича ижро этиш, уч воҳа мақомларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва моҳирона ижро этиш билан шуғулланади.</p>	ЎзДК анъанавий ижрочилик кафедраси ва шу йўналиш бўйича ижод қиласидаган созандалар

### Иккинчи гурӯҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Мақом ижрочилигининг субъектлари ва объектларини тушунтириб беринг.	<p>Мақом ижрочилигининг субъекти сифатида уч воҳа мақомлари, яъни Хоразм мақомлари, Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақомларининг барча шўйбалари тушунилади.</p> <p>Объектлари эса мақомлар асосида бастакорлар томонидан яратилган куйлар, халқ мусиқалари ва воҳага мансуб жанрлардир.</p>	Асосий мақом ва мақомсифат мусиқий асарлар
Анъанавий ижрочиликнинг йицналишлари ҳақида сўзлаб беринг.	<p>“Анъанавий ижрочилик” соҳаси, яъни мақом ва мумтоз мусиқий асарларимизни ўрганувчи хонанда ва созандалар Европа темперациясига асосланган пардаларда эмас, балки аждодларимиздан бизгача етиб</p>	Ушбу тизим Ал Фаробийнинг “Китаб Ал Мусиқий”, Ибн Синонинг “Китаб уш Шифа”, Сафиуддин

	<p>келган миллий пардатузук, яъни текис темперациялашмаган, халқ тили билан айтганда ним пардаларда ижод этиш, унга мос нота ёзувларини ўйлаб топиш кўзда тутилади. Бундай пардатузуклар, яъни лад асослари Шарқ халқларининг кўпчилигига мавжуд. Мисол учун: Хиндистон, Хитой, Эрон, Турк, Араб мусиқаларида мавжуд бўлган ним пардаларини нотада белгилаш услугбини ўйлаб топишган. Шарқ мусиқасининг лад-товушқатор тизими, жам ва жинс, интерваллари-бакия-комма, мужаннаб, таниний, чорак ва нимчорак пардалари, яъни ярим парда оралигидаги бақия ва коммалар назарияси, мақомлар ва уларнинг парда тизими, усуллари ҳақида тушунчалардан ташкил топади. Ҳозирда бизда амал қилаётган саккиз поғонали ўн икки дона ярим пардали темперация қилинган тизим эмас балки, йигирма тўрт ним чорак пардали Шарқ парда тизими асос килиб олинган.</p>	<p>Урмавийнинг “Шарафия” ва “Китаб ул адвор”, Қутбиддин Шерозийнинг “Дурратуд тож”, Абдулқодир Мароғийнинг “Мақасид ул адвор” ва “Жомиъй илхон”, Хизир бин Абдуллоҳнинг “Адвор”, Берди Дилшоднинг “Муроднома” каби рисолаларида батафсил келтирилган.</p>
Анъанавий ижрочилиқда ўқитиши услубларини қандай таснифлаш мумкин?	<p>Ҳар бир ёш созанда-хонанда ижрочини камолотга етказиш, мусиқий асарларни ғоявий ва бадиий тарзда чуқур ўзлаштириш, ўз ижрочилик маҳоратини ҳамда санъатини кўп сонли тингловчиларга тўла етказиб бера олиш анъанавий хонандалик ва чолғу ижрочилиги соҳаси бўйича</p>	<p>Талабалар анъанавий созанда ижрочилигининг қонун-қоидалари, миллий ижрочиликка хос услубларни, парда асосларини</p>

	<p>таълим бериш йўлидаги умумий тарбиянинг муҳим омилидир. Анъанавий ижрочиликнинг асослари, яъни негизи, тарихий келиб чиқишини ўрганиш, ижодни маълум йўналиш бўйича давом этириш кафедра профессор-ўқитувчиларининг асосий мақсадидир. Анъанавий ижрочиликка хос назарий билимларга эга бўладилар. Ўз ихтисосликлари бўйича талаб даражасида билим олиш имкониятига эга бўладилар.</p> <p>Бунинг натижасида талаба давлат таълим стандартларида белгиланган билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши назарда тутилади, хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- Педагогик амалиётни назарий ва психологик асосларини;</li><li>- Хонандалик ва чолғу созлари бўйича таълим услубиётини;</li><li>- Ўқув жараёнини режалаштиришни;</li><li>- Устоз-шогирд услубида якка ва ансамбль ижро дастурларини баҳолаш ва ўрганишни;</li><li>- Концерт ва танловларда иштирок этишни;</li><li>- Миллий ижрочиликда маҳоратини ривожлантиришни;</li><li>- Мавжуд мақомлар ва воҳаларга хос жанрлар, бастакорлар ижоди маҳсули бўлмиш мумтоз асарларни тўғри</li></ul>	мукаммал эгаллайдилар.
--	---	------------------------

	ва тўлиқ ижро этиш, умулаштириш ҳамда кенг ёйиш малакаларига эга бўлмоғи кўзда тутилади.	
--	--	--

## 2-илова

### Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					

### Назорат саволлари:

- Қадимги шарқ санъати ривожи қайси даврларни ўз ичига олади?
- Шарқ халқлари яшайдиган худуд нимаси билан фарқланади?.
- Кулдорлик жамияти санъати вазифаси қандай бўлган?
- Қадимги шарқда Миср санъатининг ўрни қандай бўлган?
- Олд Осиё санъати деганда нимани тушунасиз?
- Қадимги Эрон санъатининг ахамияти қандай бўлган?
- Қадимги Ҳиндистон санъатининг ўзига хослигини қандай тушунасиз?
- Қадимги Ўрта Осиё санъати хақида тушунчангиз?
- Марказий Осиёда қайси маданиятлар ўз номи билан аталади?
- Туркий халқларнинг қадимий ёзма маданияти қандай бўлган?
- Ёзма маданият ривожида халқ оғзаки ижодини ўрни қандай?
- Ўзбек достонларида қадимий эпослар қандай гавдалантирилган?
- «Девони лугатут турк» асари хақида нима биласиз?

### Фойдаланилган адабиётлар:

- Д.А.Каримова Мусиқий педагогик маҳорат асослари ўқув қулланма. Т. 2008 й.
- Шарипова Г. Мусиқа ўқитиши методикаси. Махрузалар матни. 2000 й.
- Зимина А.Н.Основы музкального воспитания и развития. М. 2000 й.
- Файзиев О.Ўқувчиларда мусиқий нафосат тарбиясини шакллантириш. Т. 1992 йи.
- Х.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1997 й.

6. Шарипова Г.М. Мусиқа ва уни ўқитиши методикаси. Т.Турон-Истиқбол 2006 й.
7. Н.Норхўжаев, Ҳ.Раҳимов Ўзбекистон Ватаним маним. Т. 1999 й.
8. Г.Шарипова мусиқа ўқитиши методикаси Т. 2006
9. О.Иброҳимов, Ж.Садиров 7-синф мусиқа дарслиги Т. 2008 Ф.Ғулом нашрёти
10. О.Иброҳимов Ўзбек халқ мусиқа ижоди.Т. 1997 й.
11. Мақомат.О.Матёқубов Мусиқа нашриёти Т. 2004 й.
12. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ мусиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
13. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.
14. Рассоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
15. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарслик (қўлёзма). – Т., 2014.
16. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўлёзма). – Т., 2014.
17. А.Мансуров. “Мусиқа санъати (турлари бўйича)” йўналиши “Мусиқа санъатида замонавий тенденциялар” модули. Тошкент. 2016 й.

**4-мавзу. Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари.**

#### **Режа:**

- 1.Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари
- 2.Ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари.
- 3.Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари

**Таянч иборалар:** мусиқа, чолғу, мактаб, педагог, маҳорат, ижрочилик, хонанда, созанда.

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида хорижий давлатларда мусиқа таълими мактаблар; ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданиятини ўргатиш борасида илгор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шархлаб беришлари талаб этилади.

### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

### Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мухокама қилиши –3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиши –5 минут.
5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар; репертуар танлаш ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалаларини таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

### Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мухокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

### 1-илова

#### Биринчи гурух учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Мусиқий асарни ўзлаштириш нимани англатади?		
Замонавий ижро услуги қандай бўлади?		
Ансамблда ижро нима?		

#### Иккинчи гурух учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Репертуар танлаш нимани англатади?		
Анъанавий ижро услуги қандай бўлади?		
Якканавозлик нима?		

### 2-илова

#### Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					

### Назорат саволлари:

1. Ўн икки мақом тизими, шашмақом;
2. Фарғона-Тошкент чор мақоми,
3. Хоразм мақомлари, достон ва суворалар.
4. 1-Исломгача бўлган давр ёки қадимги давр мусиқий анъаналари.
5. 2-Исломий маданият ёки тасаввур анъаналари кесимида Мақом.
6. “Тасаввуф ва мусиқа” мавзувига доир замонавий мусиқашуношлик илмида қандай тадиқотлар бажарилган
7. Тасаввуф анъанасига “мусиқа” қандай ўринда туради ва нима деб номланган
8. Достончилик мактаблари.
9. “Достон” сўзи қайси тилдан олинган ва маҳнуоси нима
10. «Алпомиши», Гўрўғли туркум достонлари деганда нима тушунасиз.
11. «Бахши» сўзи маъноси нима
12. Ўзбек достончилигига достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Улар қайсилар.
13. Хоразм достончилиги
14. Ўзбек достончилик анъанаси

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т.1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997
3. Каримов И.А. Барқамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон овози 28.01.2010 й 1-3 бетлар.
5. Кароматов Ф.М. Ўзбек халқ музика ижоди тарихи. 1-қисм, 1972, 1981, 2-қисм.
6. Иброхимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 1994 й. 81 б.
7. Панжиев Қ. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. Ўқув қўлланма. 2020 й. 274 б.
8. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
9. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». Тошкент, 2002.
10. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. Тошкент, 2002.
11. Икромов И. Дойра дарслиги. Тошкент, 1997.
12. Тошмуҳамедов М. Фижжак дарслиги. Тошкент, 1996.

13. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты». Т., «Изд. им. Г.Гуляма». 1990.
14. М.Асильов, Ф.Василев. Тошкент, Дугор дарслиги. 1987.
15. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й. Лутфуллаев А .  
Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.:

**5-амалий машғулот: Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар**

### Режа

- 1.Мусиқий асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби.
- 2.Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари.
- 3.Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари.
4. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар

**Таянч иборалар:** асар, чолғу, жанр, тинглаш, маданият, ижрочилик, маҳорат, тасниф, овоз, маҳорат, тажриба.

### 2-илова

#### Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзоси-нинг фаол-лиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					

#### 4-амалий машғулот: Анъанавий мусиқа ижрочилиги

Ўзбек халқ мусиқа мероси, тарихи, шаклланиш жараёнлари, таснифи ва такомиллашув жараёнлари.

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида мусиқий авангардизм йўналишида асарлар яратган ва яратадиган Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси; замонавий дирижёрлик санъати мактаблари; композитор ва фольклор; Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

**Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.**

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мұхокама қилиши –3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варыгини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиши –5 минут.
5. Гурұхлар бошқа гурұхларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни бақолаш.
6. Бақолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**Назорат саволлари:**

1. “Тасніф” атамаси қандай маңнори англағатади?
2. Терма ҳақида айтинг.
3. Мехнат құшиқлари бу –
4. Оилавий маросим айтимлари -

**Фойдаланилған адабиётлар:**

1. Марк Феезелл. “Мусис Тъеорий Фундаменталс” Сопиригът. 2011 Алл Ригъц Ресервейд. Леарн Мусис Тъеорий. Нет-2011
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
3. Жамес Таскетт. “Фундаменталс оғ чурч мусис Тъеорий” Аустин Чристиан Акаппелла Мусик. Абilenе Чристиан Университет. 2009.
4. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
5. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
6. Петер Мастер. энглиш Граммар анд Течнисал Вритинг. Регионал Принтинг Сентер. 2004
7. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
8. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари.– Т.: Фан, 2010.–686с.
9. Педагогика назарияси ва тарихи // Тўхтахўжаева М.Х.тахрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
10. Иноятов У.И. Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.

11. Мишаел Пильофер анд Ъоллй Дай “Мусис Тъеорй фор думмиес” Индиана УСА 2007. Вилей Публишинг Инс.
12. Саторине Садолин. Сомплете восал течниyuе. 2012. [www.Completevocalinstitute.com](http://www.Completevocalinstitute.com)
13. Сайдаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
14. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
15. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
16. Америсан популар мусис. Ларри Стар & Чристопоер Ватерман. Охфорд Университе Пресс. Инс. 2007.
17. Қаҳҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисодмолия. 2008. 314 б.
18. Мирзаева Н.А.. Хонандалик услубиёти асослари. Маъruzalар матни. Тошкент. 2008. 48 б.
19. Бахромова Т.А. Справочник по музыкальной грамоте и солофеджио. М., 2004.
20. Нурматов Ҳ. ва бошқалар. 1-3 синф “Мусиқа” дарсликлари. 2016
21. Иброҳимов О. 4-синф “Мусиқа” дарслиги. 2016
22. Мансуров А. ва Каримова Д. 5-синф “Мусиқа” дарслиги. 2015
23. Бекматов С. 6-синф “Мусиқа” дарслиги. 2017
24. Иброҳимов О. 7-синф “Мусиқа” дарслиги. 2016

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Долзарблик</b>	ниманингдир ҳозирги вазият учун муҳимлиги, аҳамиятлилиги, замонавийлиги	the importance, the significance of anything to date, modern, topical.
<b>Тахлил</b>	анализ, объектни элементларга (хаёлан ёки реал) бўлаклаш	the dismemberment of (mental or actual) object to the elements
<b>Ансамбль</b>	1) биргаликда чиқиш қиласидаги ижрочилар гурухи; 2) биргаликдаги ижронинг гўзаллиги, равонлиги	1) a group of singers, speakers together, and 2) Slim, well-coordinated joint performance.
<b>Ассоциация</b>	таассурот, икки ёки ортиқ психик тузилма ўртасида мълум шароитларда юзага келадиган алоқадорлик	the connection that occurs under certain conditions, between two or more mental formations
<b>Тарбия</b>	шахсни ижтимоий ва маданий фаолиятга тайёрлаш мақсадида унинг маънавий ва жисмоний ривожланишига тизимли ва мақсадли таъсир кўрсатиш жараёни	the process of systematic and deliberate action on the spiritual and physical development of the individual in order to prepare it for the social and cultural activities.
<b>Фараз</b>	гипотеза (лот.), ҳодисаларнинг қвонуниятли алоқадорлиги ҳақида тахминий фикр	(from the Greek. Hypothesis - base assumption), a speculative judgment about the legitimate (reason) respect the phenomena.
<b>Фаолият</b>	атроф оламга ўзига хос инсоний муносабат шакли	the specific form of human relationship to the world
<b>Дидактика</b>	педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси баён этилган қисми	the section of pedagogy, a theory of education and training
<b>Дирижер</b>	музиқачи-ижрочи,	musician, bandleader,

	оркестр, хор, ансамбль, опера труппаси ва ш.к. раҳбари	choir, ensemble, opera company, etc.
<b>Дифференциация</b>	фарқлаш, бутунни турли қисм, шакл ва даражаларга бўлаклаш	the division, a division of the various parts, the form and degree
<b>Билим</b>	воқеликни ўрганиш (билиш)нинг амалиётда текширилган натижаси, унинг инсон онгидага тўғри акс эттирилиши	the result of proven practices of knowledge, reality, or rather its reflection in the mind of man
<b>Импровизация</b>	тарихан тобора қадимий мусиқалаш типи, бунда мусиқа яратиш уни ижро этиш вақтида рўй беради	historically the most ancient type of music-making, in which the process of composing music occurs during its execution
<b>Индивидуаллик</b>	қандайдир ҳодиса, алоҳида мавжудот, инсоннинг бетакор ўзига хослиги	the unique identity k.-l. phenomenon, an individual creature, man
<b>Инновацион технологииялар</b>	тизимда изчил, бири биридан келиб чиқадиган, ижобий якуний натижага эришишга қаратилган ҳаракатлар алгоритми	the algorithm of successive actions in the system under one of the other, aimed at obtaining a positive outcome
<b>Санъат</b>	1) бадиий ижод, умуман – адабиёт, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рангтасвир, графика, декоратив-амалий санъат, мусиқа, рақс, театр, кино ва инсон фаолиятининг бошқа турлари; 2) фаолиятнинг исталган турида юқори даражадаги малака, маҳорат	1) creativity in general - literature, architecture, sculpture, painting, drawing, arts and crafts, music, dance, theater, cinema and other kinds of human activity, and 2) a high degree of skill, skill in any sphere of activity.
<b>Малака</b>	мехнатнинг маълум турига тайёргарлик даражаси, яроқлилик даражаси	the level of preparedness, the degree of fitness for k.-n. type of work
<b>Концепция</b>	қандайдир ҳодисани тушуниш, талқин қилишининг маълум усули,	a certain way of understanding, interpretation k.-l.

	уларни ёритишда асосий нұқтаи назар, раҳбар ғоя; фаолият турларида етакчи ғоя, конструктив тамойил	Phenomena, the basic point of view, the guiding idea for lighting, a leading design, construction principle of the various activities
<b>Мезон</b>	kritieriy, nimaniidir baҳolash, belgilash ёki tasniflash uchun aсos bўladigан белги	a sign, which is based on the assessment, definition or classification of something
<b>Маданият</b>	етишириш, тарбиялаш, ривожлантириш	the cultivation, education, training, development, devotion
<b>Метод</b>	қандайдир мақсадга эришиш, муайян вазифани ҳал қилиш усули	a method of achieving k.-l. The goals address a particular problem
<b>Мусиқий таълим</b>	мусиқа санъати (ижод, ижодкорлик) ва мусиқа фанига профессионал ўргатиш, шунингдек, бу каби ўқитиш натижасида эгаланган билимлар тизими, йиғиндиси	a systematic purposeful development of musical culture and musical abilities of man, brought up in it responsive to the music, a deep and holistic understanding of the experience of its content, the transfer of socio-historical experience of the new generation of music
<b>Тафаккур</b>	инсоннинг билиш, объектив воқеликни акс эттириш жараёнининг олий шакли	the highest stage of human cognition, the process of reflection of objective reality
<b>Маълумот</b>	тизимланган билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси	learning process and the result of systematic knowledge and skills

<b>Партитура</b>	кўп овозли асарни иккитадан ортиқ, бир-бири билан устма-уст жойлашган ва тект чизиқлари билан ажратилган нота ташувчидаги ёзиш усули	a way of notation of polyphonic works by more than two notonostsah arranged one above the other and separated by barlines
<b>Педагогик технология</b>	ўз олдига таълим шаклларини оптимизациялаш вазифасини кўйган, билимларни техник ва инсоний ресурслар ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва ўрганиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга тизимли ёндашув (ЮНЕСКО).	conceived in every detail model of educational activities for designing, organizing and conducting the training process is certain to ensure a comfortable environment for students and teachers. (V.M.Monahov)
<b>Муаммо</b>	кенг маънода – ўрганиш, ҳал қилиш талаб этиладиган мураккаб назарий ёки амалий масала	in the broadest sense - a complex theoretical or practical issue that requires study permit
<b>Касб</b>	маълум тайёргарликни талаб қиласидан ва одатда, мавжудлик манбаси саналадиган меҳнат фаолияти тури	kind of work that requires some training and is the usual source of livelihood
<b>Жараён</b>	1) ниманингдир ривожида ҳодиса, ҳолатларнинг изчил алмашиниши; 2) қандайдир натижага эришиш учун изчил ҳаракатлар йигиндиши	1) a succession of events, states in the development of something 2) The set of sequential actions to achieve any result
<b>Тизим</b>	бир-бири билан муносабаи ва алоқадорликда бўлган, маълум яхлитлик, бутунлик ҳосил қиласидан элементлар кўплиги	a set of elements that are in relationships and connections with each other, forming a certain integrity, unity
<b>Мутахассислик</b>	битта касб доирасида машғулот тури	kind of classes within the same profession
<b>Ўзигахослик</b>	специфика, факат шу	the distinguishing

	предмет, ҳодисага хос бўлган фарқли, характерли хусусиятлар	characteristic features unique to the subject, phenomenon
Қобилият	фаолиятнинг маълум турини муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив шарти саналган шахснинг индивидуал хусусиятлари	individual personality traits, which are subjective conditions for the successful implementation of a certain kind of activity
Структура	тузилма, объектнинг яхлитлиги ва ўз-ўзига ўхшашигини таъминлайдиган барқарор алоқалари ёғиндиси, яъни турлича ташқи ва ички ўзгаришлар шароитида асосий хоссаларнинг сақланиб қолиши	a set of stable relations of the object to ensure its integrity and identity of self, that is, preservation of the basic properties at various external and internal changes
Ижод	сифат жихатидан янги, бетакрорлиги, оригиналлиги ва ноёблиги билан ажралиб турадиган нимадир фратиш жараёни	the activity that generates something qualitatively new and different uniqueness, originality and uniqueness
Темп	суръат, мусиқада ҳаракат тезлиги	the speed of movement in music
Технология	айнан, маҳорат ҳақидаги фан	literally - the science of excellence
Тоналилк	ладнинг юқори ҳолати	tall fret position
Анъана	ижтимоий ва маданий мероснинг авлоддан авлодга ўтиб келадиган ва маълум ҳамжамиятларда, синфларда ва ижтимоий гурухларда узоқ вакт мобайнида сақланиб келадиган элементлари	the elements of social and cultural heritage, transmitted from generation to generation and preserved in certain societies, classes and social groups for a long time
Ўқитувчи	таълим муассасасида ўсиб келаётган авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни амалга ошириб келадиган мутахассис	Specialist carrying out education, training and education of the younger generation in schools
Омил	фактор, қандайдир	the reason, the driving

	жараён, ҳодисанинг сабаби, ҳаракатлантирувчи кучи, унинг характери ёки алоҳида қирраларини белгилайди	force k.-l. Process, a phenomenon that defines its character or its individual features
<b>Фактура</b>	музиқий тўқимани муайян расмийлаштириш, безаш	the specific design of the musical fabric
<b>Тавсиф(нома)</b>	характеристика, кимнингдир ёки ниманингдир характерли, фарқли жиҳатлари, сифатлари, қирраларини тавсифлаш	a description of specific, distinctive qualities, characteristics, properties, something or someone
<b>Мақсад</b>	фаолият натижасини идеал, хаёлан олдиндан қуриш	perfect, anticipating the result of mental activity
<b>Штрих</b>	музиқий чолғуда ифодали мазмунга эга бўлган товуш ҳосил қилиш усули	welcome zvkoizvlecheniya a musical instrument that has an expressive value.
<b>Эксперимент</b>	тажриба, билиш обьектини қайта яратиш, фаразларни текшириш ва ш.к	experience, playing the object of knowledge, testing hypotheses, etc.
<b>Эмпиризм</b>	ҳиссий тажрибани ишончли билимларнинг ягона манбаси деб тан оладиган фалсафий оқим	the philosophical direction of recognizing the sensual experience only source of reliable knowledge
<b>Эстетика</b>	эстетик соҳани инсон ва табиат ўртасидаги қадриятли муносабатларнинг ўзига хос намоён бўлиши сифатида ўрганадиган фалсафий фан ва инсоноарнинг бадиий фаолият соҳаси	a philosophical science that studies the aesthetic sphere as a specific manifestation of the value relationship between man and the world of art and the area of human activity

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
7. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги №140-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 187-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3289-сонли Қарори.

14. 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3391-сонли қарори,

15. 8.2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият хаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли фармонига асосан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этиш

### **III. Махсус адабиётлар**

16. Марк Феезелл. “Мусис Тъеорий Фундаменталс” Сопиригът. 2011 Алл Ригъц Ресервэд. Леарн Мусис Тъеорий. Нет-2011

17. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

18. Жамес Таскетт. “Фундаменталс оғ чурч мусис Тъеорий” Аустин Чристиан Акаппелла Мусик. А билене Чристиан Университй. 2009.

19. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.

20. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.

21. Петер Мастер. энглиш Граммар анд Течнисал Вритинг. Регионал Принтинг Сентер. 2004

22. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.

23. Ўломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари.– Т.:, Фан, 2010.–686с.

24. Педагогика назарияси ва тарихи // Тўхтахўжаева М.Х.таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.

25. Иноятов У.И. Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.

26. Мишаел Пильофер анд Ъоллй Дай “Мусис Тъеорий фор думмиес” Индиана УСА 2007. Виляй Публишинг Инс.

27. Саторине Садолин. Сомплете восал течниyuе. 2012.  
[www.Completewosalinstitut.com](http://www.Completewosalinstitut.com)

28. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
29. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
30. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
31. Америсан популар мусис. Ларри Стар & Чристопоер Ватерман. Охфорд Университе Пресс. Инс. 2007.
32. Қаҳҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисодмolia. 2008. 314 б.
33. Мирзаева Н.А.. Хонандалик услубиёти асослари. Маъruzалар матни. Тошкент. 2008. 48 б.
34. 19. Бахромова Т.А. Справочник по музыкальной грамоте и солофеджио. М., 2004.
35. Нурматов X. ва бошқалар. 1-3 синф “Мусиқа” дарсликлари. 2016
36. Иброҳимов О. 4-синф “Мусиқа” дарслиги. 2016
37. Мансуров А. ва Каримова Д. 5-синф “Мусиқа” дарслиги. 2015
38. Бекматов С. 6-синф “Мусиқа” дарслиги. 2017
39. Иброҳимов О. 7-синф “Мусиқа” дарслиги. 2016

#### IV. Интернет сайтлар

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.